

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

---

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ**

---

**И. ХОЛЛИЕВ, А. ИКРОМОВ**

# **ЭКОЛОГИЯ**

(Касб-ҳунар колледжлари учун ўқув қўлланма)

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги йўрта маҳсус, касб-хунар таълиминири вожлантириш институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган*

Ушбу қўлланмада экологиянинг асосий тушунчалари, ҳозирги замон ижтимоий тараққиёт ва фан-техника инқилоби шароитида экологик муаммолар, экологик муаммоларнинг ижтимоий ўналишлари билан баглиқ масалалар ёритилган.

Қўлланма ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари, муҳандис-педагоглар, талабалар учун мўлжалланган. Шунингдек, ундан экология муаммолари билан қизиқувчи тадқиқотчилар, олий ўқув юргларида экологиядан сабоқ берувчи ўқитувчилар фойдаланиши мумкин.

*Тақризчилар:* Ю.МАҲМУДОВ — педагогика фанлари доктори, профессор, З.ДАВРОНОВ — фалсафа фанлари доктори, профессор, Р.ЕРГАШЕВ — Чирчиқ сноат коллежи директори.

X 1903040000—29  
M 359 (04) — 2001 буюртма — 2001

## КИРИШ

Инсоният ўз тараққиётининг илк босқичларида табиатга бўйсунарди. Унинг стихияларидан чўчиб, уларни бартараф этолмасди. Чунки у ҳали табиат қонунларини билмасди. Эндилиқда инсоният ҳам ақлан, ҳам маънан етилди. Табиатни ўрганди, билди, қурди, яратди, унинг стихияларини ўзига бўйсундирди.

Одамзот доимо табиат қўйнида фаолият кўрсатади, у билан уз-ликсиз муносабатда бўлади. Бу фаолият оқилона ташкил этилмасава у билан муносабат тўгри ўрнатиласа, инсон ўзи ва табиат учун муаммолар келтириб чиқаради. Мазкур муаммолардан бири экологик муаммодир.

Фан-техника инқилоби шароитида табиат бойликларидан кенг миқёсда фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитни ифлослантирувчи саноат ва маиший чиқинчиларнинг ортиши инсоннинг табиатга кўрсатा�ётган умумий салбий таъсирини кескин кучайтиради. XX асрнинг иккинчи ярмида табиатни муҳофаза этиш глобал (сайёравий) муаммога айланди. Инсоният маданияти ва цивилизация тақдири худди ана шу муаммони ҳал этишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Табиатнинг соғлиги учун курашишга кенг меҳнаткашлар оммаси жалб этилмоқда, турли жамоат ташкилотлари тузилмоқда. Уларнинг аъзолари турли идеалларни тарғиб этишиб, уларнинг барчаси сайёрамиздаги ҳаёт учун масъул эканини чукур англашади ва шунинг учун ҳам уни, улар фаол ҳимоя қилишга ҳамиша тайёрдирлар.

Табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда касб-хунар таълими муассасаларининг муҳандис-педагогик жамоаси муҳим рол ўйнайди. Касб-хунар таълими усталари ва ўқитувчиларининг вазифаси нафақат ўқувчилар - бўла жак ишчилар, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, касб-кор ва ҳунарманд эгалари, мутахассисларга таълим-тарбия бериш, балки уларнинг экологик онгги ва маданиятини юксалтириш, табиат бойликларини асраш ва табиатни муҳофаза қилишга бўлган маънавий эҳтиёжларини ривожлантириш, шунингдек, фан ютуқларини, техника ва илгор тажрибаларни табиатни муҳофаза этиш фаолиятига

татбиқ этишларига амалий ёрдам кўрсатишидир. Сув ва ҳавонинг соғлиги, ер ва унинг ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан муҳандис ўқитувчининг табиатга нисбатан ўқувчилар қалбida қай дараҷада муҳаббат уйгота олгани, уларни қанчалик тежамкорлик ва оқилона хўжалик юритишга ўргата олганига баглиқдир.

Қўлманма уч қисмдан иборат: "Экологиянинг асосий тушунча ва тамоиллари", "Ҳозирги замон ижтимоий тараққиёт ва фан-техника инқилоби шароитида экология", "Экологик муаммонинг ижтимоий ўналишлари" Биринчи, иккинчи ва учинчи қисмнинг охиррида мавзуларга оид суҳбатларнинг режаси, ўтилган материалларни мустаҳкамлаш ва эркин фикрлаш учун саволлар ҳамда тавсия этилган адабиётлар рўйхати берилган.

Президентимиз И.А.Каримов экологик муаммо тўғрисида сўз юритиб, "Экологик ҳавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган", деган эди.

Бу ерда экологик масъулиятнинг умуминсоний характерга эга эканлиги таъкидланмоқда. Ҳақиқатан бизнинг замонамиизда Ердаги ҳаётнинг ўзини ҳалокат балосидан қутқариш учун умрингни бағишиласанг арзиди.

Айнан табиат ҳолатининг ёмонлашуви ва сув манбаларининг ифлосланиши, ўрмон дараҳтларининг кесилиши, катта-катта ҳудудларнинг саноат ва маиший чиқиндилар ахлатхонасига айланishi, охир-оқибатда одамларнинг тартиб асосида бошқаримайдиган но-оқилона ва узоқни кўра билиб иш тутилмаган фаолиятининг юзага келиши — инсониятнинг олдига мураккаб саволларни қўймоқда. Агар инсон табиатга нисбатан ана шундай тажаввузкорона муносабатда бўлаверса, унинг ўзи бу дунёда яшаб қолармикан?

Мустақил республикамиз олдида табиатни муҳофаза этиш ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш каби буюк ва олижаноб вазифалар турибди. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш ва инсонпарварлик нұқтai назаридан келиб чиқиб, табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни уйгун ҳолда ташкил этиш ўта муҳим ҳисобланади. Тўғри, бизда ҳали бу ўналишда тегишли тадбирлар тизими ишлаб чиқилгани йўқ ва бунга зарурий воситалар ҳам етарли эмас.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш шароитида табиат муҳофазаси ва ундан оқилона фойдаланиш масаласи бутун ҳалқ хўжалиги интенсификацияси билан узий бирлиқда қаралади. Чунки у муҳим иқтисодий масалаларни ҳал этишнинг таркибий қисми ҳисобланади. Мақсад инсоннинг ҳар тарафлама ва уйгун ривожланиши учун зарур шарт-шароит-

лар яратиш, унинг меҳнат қилиш қобилиятини сақлаган ҳолда узоқ умр кўришини таъминлашдан иборатdir. Бошқача айтганда, ҳозирги замонда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг экологик йўналиши атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш, табиатни муҳофиза фаза этиш тадбирларини амалга ошириш, шунингдек, мамлакатимиз аҳолиси соглигини сақлаш ва яхшилаш борасидаги курашнинг юксак даражада янгича кўринишини билдиради.

Ўқувчиларни экологик жиҳатдан тарбиялаш ишларини машгулот-дарслардан ташқари вақтларда ҳам изчил олиб бориш мақсадга мувофиқ. Ўқитишининг биринчи йили давомида назарий машгулотларни ўтказиш тавсия этилади. Ўрганилган мавзуларни мустаҳкамлаш мақсадида саволларга жавоб бериш тарзида суҳбатлар ўтказиш, даврий матбуот материаллари асосида маърӯзалар ўқиш ва атроф-муҳит муҳофазаси масалаларига багишлиланган тадбирлар ҳақида маъумотлар бериш керак. Ўқитишининг иккинчи йилида эса машгулотларни бевосита табиат қўйнида ўтказган маъқул. Бунда, асосан, табиат муҳофазаси билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш мақсадида аниқ вазиятлар таҳлил этилади. Бунинг учун эса, тозалаш иншоотларига, завод ва фабрикаларга, шахта ва электр станцияларга, ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳатлар уюштириб, ўқувчиларга табиатни энг кўп ифлослантираётган ишлаб чиқариш жараёнларини кўрсатиш, қолаверса, табиатни муҳофаза қилиш тартибини мақбул даражада сақлаётганларнинг амалий фаолиятлари билан таништириш лозим. Мунозара-машгулотларини қўйидаги мавзулар бўйича ўтказиш тавсия этилади: "Инсон ва табиат", "Инсон ва сув" "Инсон ва ҳайвонат олами", "Инсон ва ўсимликлар дунёси", "Инсон ва атмосфера", "Инсон ва ер", "Ернинг ҳозирги ва келгусидаги ҳолати" ва бошқалар. Мавзулар сайдерамиз табиатини муҳофаза қилиш ва унинг ўзгариши мисолида талқин этилади.

Табиат багрида машгулотлар ўтказиш, саноат корхоналарига бориш ҳам атроф-муҳитга келтирилаётган зарарни камайтириш бўйича технологик масалаларни ҳал этиш йўлларини ахтаришга ўқувчиларни йўллаш учун жуда зарурдир. Муҳандис-ўқитувчи шуни ёддан чиқармаслиги керакки, у шунчаки бўлажак ишчини эмас, балки бутун жамиятнинг баҳт-саодати ва фаровонлиги ҳақида қайтарадиган, гамхўрлик қиласидаги ишлаб чиқариш раҳбарини, тининг соҳибини тарбиялади.

Тарбиявий фаолият жараённида Ўзбекистон Республикаси унинг «Табиат муҳофазаси ва табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш тўгрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг қонун талбларининг бажарилиши тўгрисидаги қарорларига таяниш лозим. Зоро, уларда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, эко-

логия соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, табиат муҳофазаси ҳақидаги қонун ва билимларни илмий-техникикавий йўллар билан тарғиб ва ташвиқ этишини яхшилаш борасида зарурий чора-тадбирлар белгиланган.

Жамият келажаги ёшлар қўлида. Жамият тараққиёти бутунги кунда мумкин ва номумкин нарсалар ўртасидаги тўсиқ-чегараларни сидириб ташламоқда. Бизнинг имконимизда жуда катта илмий-техникавий қудрат ва ақлий салоҳиятлар мавжудки, улар ер юзида яшаб ўтган аждод-авлодлари қўлида бўлмаган. Бутунги кунда барча ўйланганлар, албатта, келгусида техника воситасида юзага чиқади. Эзгулик ҳам, ёвузлик ҳам, ҳалоскорлик ҳам, ҳалокатга олиб келувчи куч ҳам унинг ўзида мужассам топади.. Ёшлар худди ана шу куч-қудратнинг чинакам эгаси бўлар эканлар, ўз келажагини ўзлари яратишини сира ёддан чиқармасликлари зарур. Шу ўринда атоқли ёзувчи Чингиз Айтматовнинг "Манаснинг қанотли тулпорида" мақоласидан қўйидаги сатрларни келтириб ўтишни лозим топдик: "Агар инсон болалик чоғлариданоқ, ўз тарбиясининг ilk босқичларидан бошлаб, табиат билан ошно тутинса, мен ишонч ва умид билан айта оламанки, у ёши улгайиб, фаол меҳнат қучогига кирган пайтларида ҳам бефарқ вакилга айлана олмайди, унга табиат муҳофазаси ҳақида, табиатга оқилона муносабатда бўлиши борасида тарғибот-ташвиқотнинг сира кераги бўлмайди, унинг ўзи бу ишга маънавий жиҳатдан тайёр бўлади. Табиатни асрраб-авайлаш ва севишга ўргатиш, менинг назаримда, ёш ишчи авлодини тарбиялаш масаласининг энг инсонпарвар жиҳатларидан бири-дир"

# ЭКОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

## 1-бөб. ТАРИХИЙ ТАРАҚКИЁТ ВА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР

### 1.1. Экологик муаммолар келиб чиқишининг асосий сабаблари

Она сайёрамиз нисбатан ёш самовий жисм ҳисобланади. Унинг ёши таҳминан 4,6 миллион йилга тенг. Олимларнинг фикрича, моддиятнинг тадрижий такомили қонунияти натижасида бундан уч миллиард йил илгари Ерда ҳаёт вужудга келган ва биологик қатлам ривожлана бошлаган. Турли популяциялар ҳамда турлардан ташкил топған флора ва фауналар пайдо бўлган. Ўсимлик ва ҳайвонат олами турлари ҳамда популяциялари ўртасида маълум муносабатлар шаклланган. Ердаги ҳаёт тадрижий такомили (эволюцияси)нинг дастлабки босқичи якунида ўсимликлар ва ҳайвонлар ўртасида динамик мувозанат юзага келган. Унинг моҳияти шундан иборатки, ўтхўр ҳайвонлар ўсимликларни, ўтхўр ҳайвонларни эса йиртқич ҳайвонлар ейиши ва уларга бошқаларининг кушандა бўлиши мазкур турларининг бутунлай йўқолиб кетишига олиб келмаган. Нобуд бўлган ўсимликлар ва ҳайвонлар ўрнига эволюция ва кўпайишнинг табиий жараёни натижасида янгилари пайдо бўлиб турган.

Ҳатто катта геологик катаклизмалар (ўсимлик ва ҳайвонларнинг ялпи қирилиб кетишига олиб келган ҳалокатлар) даврида ҳам табиат ўзининг динамик мувозанатини сақлаб қола олган. Лекин бу янги босқичдаги мувозанат бўлган, яъни ўсимлик ва ҳайвонларнинг янги турлари ҳамда эски (қолган)лари ўртасида мутаносиблик ўрнатилган. Бошқача айтганда, табиий танланиш жараёни кечган — яшашга қобил бўлмаган ўсимлик ва ҳайвонлар қирилиб кетган. Уларнинг ўрнига яшашга анча қобил бўлган янгилари пайдо бўлган. Бу қонуният флора ва фауналарнинг хилмажиллиги ортишига олиб келган. Лекин бунда ўсимлик ва ҳайвонлар туркуми (жамоаси) ичидаги, шунингдек, улар жамоаси ўртасидаги динамик мувозанат сақланиб қолган.

Одамсимон жонзорлар бундан қарийб уч миллион йил илгари биологик тизимга қўшилган. Уларнинг ушбу тизимга кўр атган таъсири жуда кичик бўлган. Ибтидоий инсон фаолияти ов қилиш, балиқ тутиш, ўсимликларнинг илдиз ва буталарини, дарахтларнинг мева ва ҳосилини йигиш билан чекланган. Бу эса мавжуд биологик мувозанатнинг жуда оз даражада бузилишига олиб келган.

Тадрижий тақомилнинг маълум босқичида, меҳнат қуроллари яратилиши натижасида, инсон ўзининг теварак-атрофидаги табиий муҳитга фаол таъсир кўрсата бошлаган. Энди у кўчманчи тарзда эмас, балки табиий шарт-шароитлар яхши бўлган жойларда ўтроқ ҳолда ҳаёт кечирган ва қишлоқ хўжалиги билан шутулланган. Натижада инсон ҳали қўл тегмаган ерларни қишлоқ хўжалиги майдони ёки томорқа сифатида ўзлаштирган ва айрим ёввойи ҳайвон турларини хонакилаштирган. Инсоннинг бундай онгли фаолияти туфайли биологик (экологик) тизимнинг янги тури-декончилик шаклланган.

Атроф-муҳитни ўзлаштиришнинг бу бошлангич шакли, ўз навбатида, мавжуд экологик мувозанатнинг ўзгаришига олиб келган. Табиатнинг биологик қиммати ўзгарган. Охир-оқибатда дастлабкидан фарқ қилувчи янги шаклдаги экологик мувозанат вужудга келган.

Инсоният тараққиёти саноатнинг ривожланишига олиб келган. Шаҳарларнинг қурилиши ва ўсиши, шаҳар аҳолисининг кўпайиши қонуний ҳолда табиат ва инсоннинг янги турдаги ўзаро муносабатини шакллантирган. Натижада бизнинг замонамида инсон қадами етиб бормаган табиий муҳитлар фақат тропик жунглилар ва тогларнинг баланд-баланд этакларида, қисман тундрада, ҳимоя қилинадиган қўриқхоналардагина сақланиб қолган. Дунёдаги бутун табиий муҳитнинг тахминан ўн фоиз худудига ҳали бутунлай тегилмаган.

Инсон цивилизациясининг ривожланиши ва унинг табиат бағрига тобора чуқурроқ кириб бориши оқибатида аҳвол тубдан ўзгарди. Одамлар ўсимлик ва ҳайвонот оламига бостириб кириб, кўпинча ўз фаолиятининг салбий оқибатлари табиатни ўзгаририб юбориши мумкинлиги ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўришмайди.

Бутунги кунда ибтидоий соғ табиат ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ер юзида ўрмонлар қирқилди, катта-катта ҳудудлар дехқончилик қилиш мақсадида ўзлаштирилди, дорилар билан ўйтланди, ҳар хил чиқинди ҳамда газлар билан тоза ҳаво ва табиат ифлосланди. Бундан ташқари, табиатда тошқинлар, ўрмон ёнгинлари, чанг бўронлари ҳам юз беради. Буларнинг барчаси табиатнинг табиий мувозанатига птурт етказади.

Швецариялик эколог В.Цисвилернинг эътироф этишича, кейинги 300 йил давомида 150 хилдан ортиқ ҳайвонлар тури ер юзида бутунлай қирилиб, йўқолиб кетган. Афсуски, энди уларни қайта яратиб бўлмайди. Ҳозирги шароитда йўқолиб кетиш арафасида турган 240 турдаги ҳайвонни қандай сақлаб қолиш масаласи муаммо бўлиб турибди. Нафақат ҳайвонлар, балки ўсимликлар ҳам йўқолиб кетмоқда. Буларнинг барчаси биологик мувозанатнинг бузилиши оқибатларидир. Ҳа, инсоннинг илмий нуқтаи назардан асос-

ланмаган, оқибатлари ўйланмаган фаолияти натижасида кўплаб ўсимлик ва ҳайвонлар, микроорганизмлар бутунлай йўқолиб кетди.

Экологик мувозанатнинг бузилиши инсон фаолияти оқибатида юзага келади. Агар бу бузилиш маълум кескинлик ҳолатидан юқори бўлмаса, мувозанат қайтадан тикланади. Бу ҳол атроф-муҳит захиралари тутамагунча давом этаверади. Агар бузилиш даражаси кескин ҳолатдан ўтиб кетган бўлса, у ҳолда экологик тизим ишдан чиқади, ундаги ҳаёт сўнади ёки энг қашшоқ ва содда кўринишда сақланиб қолади. Ер куррасининг бир вақтлар гуллаб-яшнаган минтақалари, масалан, Африка ва Американинг чўл туманлари, Шимолий Италиянинг тог этаклари, Америка ҳарбийларининг гербицидлар ва дефолиантларни қўллашлари натижасида Вьетнам ҳудудининг бир қисми, Ўзбекистоннинг Орол атрофи минтақалари ва босқча кўплаб жойлар инсоннинг нооқилона фаолияти туфайли жуда ачинарли ҳолатга келиб қолган. Шуни таъкидлаш жоизки, экологик мувозанат бузилганидан кейин маълум вақт ўтиб, янги динамик мувозанат юзага келади. Бу ҳолатни аниқ мисолларда кўриб ўтиш мумкин.

ХХ асрнинг 60-йилларида боғлардаги олмани еб қўядиган куяга қарши ДДТ препаратидан кўп фойдалана бошланган эди. Олма куяси бартараф этилгандан сўнг, қизил қуртларнинг ўрнашиб олиши муаммоси кескин бўлиб қолди. Ҳали шу пайтгача боғонларни қизил қурт муаммоси бунча кўп ташвишга солмаган эди. Гап шундаки, мевали боғларда қизил қуртларнинг қирқ бешта табиий душманни мавжуд. Шунинг учун ҳам қизил қуртлар боғларга кам зарар етказган, чунки унинг ривожланиб, кўпайиб кетишига табиий душманлари имкон бермаган. Боғларга ДДТ билан ишлов берилганда олма куялари билан биргалиқ ақизил қуртларнинг душманлари ҳам қирилиб кетган. Қизил қуртлар эса ўлмай қолишган ва оқибатда боғларга катта зарар етказилган. Бошқача айтганда, айни экологик тизимдаги ўзгаришлар салбий оқибатларга олиб келган, яъни зарапкунанда — қизил қурт ёппасига тарқалиб кетган.

Ҳали инсон мустақил тур сифатида шаклланмаган вақтларда экологик мувозанат таъминланган ва табиий ўз-ўзини "созлаш" механизми (тартиби) ҳукм сурган. Бирор популяция ҳаддан ортиқ кўпайиб, айни муҳитда озиқланиш имкониятининг ортиб кетиб табиий мувозанат бузилган ҳолларда табиатнинг ўз-ўзини "тўғрилаш" механизми ишга тушган ва натижада мувозанатнинг янги ҳолати юзага келган. Бугунги кун шароитида табиий мувозанатнинг бузилишига айрим шаҳарларда баъзан қаргаларнинг бирдан кўпайиб кетиши мисол бўла олади. Улар шаҳардаги сзиқ-овқат чиқиндилари ва ахлатларни титиб юришади. Қаргалар галасининг кўпайиши натижасида бошқа қушлар шаҳарда камайиб қолади. Ҳолбуки, улар

ҳашарот-зааркунандаларни еб, истироҳат боғлари ва дараҳтзор-ларга катта фойда келтиради. Шаҳарда анча-мунча кўпайиб қолган қарғалар "сурбетлашиб" ваҳший қушга айланади ва камайиб қолган бошқа парранда-қушларга ҳужум қила бошлайди. Худди ана шундай ҳолат ахлатхоналарга тўпланиб олган дарё, кўл ва денгиз чагалайлари билан ҳам кузатилади. 2000 йилнинг баҳор-ёзида Қо-зогистон ва Россиянинг айрим ҳудударида чигиртканинг кўпайиб кетиши ва уларнинг экин майдонларида ўсимликларни еб қўйишлари табиий мувозанатнинг бузилишига мисол бўлади. Бундай ҳолларда, маълум вақт ўтиб, янги экологик мувозанат қарор топади.

Табиатдаги айрим турларнинг экологик мувозанати бузилиши қисқа муддатли, масалан, бевосита токсик (заҳарловчи) таъсир ва билвосита узоқ таъсир туфайли келиб чиқсан бўлиши мумкин. Бу ҳолни бир неча мисолларда кўриб чиқайлик. Агар бегона (ёввойи) ўтлар гербицидлар билан йўқотилса ёки ўсимликларнинг юқумли касаллеклари билан курашишда уларни элтувчилар — бўғимоёқлиларни қириш учун инсектицидлар қўлланилса, у бевосита таъсир ҳисобланади. Аммо мазкур кимёвий воситалар ёрдамида бегона ўтлар ва ҳашаротларни алоҳида танлаб йўқотиш билан бир қаторда фойдали ўсимлик ва ҳашаротлар, ҳатто ҳайвонлар ҳам зарар кўриши мумкин. Бундай ҳоларда ҳам номақбул бевосита таъсир ёки узоқ таъсир кўринишлари намоён бўлади.

Қолаверса, зааркунандалар билан курашишда инсон тамонидан фойдаланилдиган заҳарли моддалар узоқ вақт давомида тупроқда, ҳаво ва сувда сақланиб қолади. Чунки табиатнинг ўзида уларни заарсизлантирадиган бактериялар (механизмлар) деярли йўқ. Бу заҳарли моддаларнинг парчаланиб кетиши ёки заарсизланиши учун кўп ҳолларда жуда узоқ вақт талаб этилади.

Кўпинча, уларнинг емирилиши жараёнида янада заҳарлироқ маҳсуллар пайдо бўлиб қолади. Ҳолбуки, уларнинг хусусиятларини биз ҳали билмаймиз. Шунинг учун ҳам, уларни ҳар томонлама ўрганишимизга тўғри келади. Янги пайдо бўлган заҳарли маҳсуллар флора ва фауналарнинг намуналарига жуда узоқ вақт таъсир кўрсатиши мумкин. Бу билвосита узоқ муддатли таъсирлар ҳисобланади. Бошқача айтганда, бир зааркунандага таъсир этиб, ҳеч кутилмаган ёки ўйлаб кўрилмаган натижага дуч келинади. Хусусан, дарё ва қўлларда балиқлар, ўрмон ва яловлардаги фойдали ҳашаротлар ва қушлар, мазкур туман ҳудудларида яшайдиган ёввойи ҳайвонларнинг қирилиб кетиши ёки кўплаб ўлишига сабаб бўлади. Табиийки ўсимликлар, ҳашаротлар, қуш ва ҳайвонларнинг заҳарланиб ўлиши қишлоқ ҳўжалиги учун жуда катта зарар келтиради.

Хўш, экология фақат бугуннинггина долзарб муаммосими? Инсон билан табиат ўртасидаги муносабат фақат ҳозирги даврда-гина мураккаблашдими? Инсон ва Табиат муносабатларининг му-раккаблашиб бориши сабаблари нимадан иборат? Экология муам-моси инсониятнинг тарихий тараққиёти билан борглиқдир. Табиат-нинг экологик вазифаси шундан иборатки, инсон фақат ундагина биологик мавжудот сифатида яшай олади. Одамлар табиий бойлик-лар етишмаган жойлардан кўчишиб, сув ва озиқ-овқат кўпроқ бўлган ва об-ҳавоси яхшироқ жойларга тўпланишади. Бу жойларда ҳам аҳоли сони ва уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжи тобора ор-тиб боради. Инсон меҳнат ва ҳимоя қуролларини қўллай бошлайди. Бу ов қилишни, ҳосилни йигиштиришни ва ёввойи ҳайвонлардан ўзини ҳимоя қилишни осонлаштиради. Табиатнинг жазира ма-сиқлари ва қаҳратон совуқлари одамларни турли кийимлар тайёр-лашга, уйлар қуришга мажбур этади. Қолаверса, ҳаётий эҳтиёж-лар меҳнат қуролларини қўлланишини заруратга айлантиради ва бу ўз навбатида инсонни фаоллаштиради. Бу билан инсоннинг иқти-содий фаолияти шакллана бошлайди. Айни пайтда табиатнинг иқти-содий вазифасини юзага келтиради. Энди табиат инсон учун фа-қат яшаш майдонигина эмас, балки қурилиш ускуналари, қурилиш ва меҳнат майдонига айланади. Қолаверса инсон учун табиатни ташкил этувчилар унинг табиий бойликлари бўлади. Инсоннинг ишлаб чиқариш фаолиятида табиий бойликлар сони борган сари кўпайиб боради ва охир-оқибатда бутун табиат бойликка айланади. Аммо бу ҳам инсонга оз туюлади ва у табиатнинг ичига чуқурроқ киради ҳамда коинот кенгликларига чиқади. Табиатдан олинган ҳар бир улуш, унда эришилган ютуқ инсон онггининг ривожлани-шига, унинг кучланишига сабаб бўлади. Инсон фақат табиат қонун-ларини билибгина олга силжиш мумкинлигини англаб етади. Ҳаёт-да орттирилган тажриба-ақд инсон меҳнатини енгиллаштиради, меҳнат эса янги эҳтиёжлар тутғидиради ва инсон дунёқарашини ри-вожлантиради. Оламни билишга бўлган қизиқиш ана шундай ву-жудга келади. Билимни тартиблаштиришдан мақсадга йўналтирил-ган илмий фаолиятга ўтилади. Бунда табиатнинг ўзи устоз, бирин-чи дарслик, биринчи имтиҳон олувчи бўлади. Энди деҳқончилик билан шугулланган инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти бошлана-ди ва экологик муаммолар вужудга келади.

## 1.2. Экспоненциал ўсиш ёхуд глобал муаммо

Бугунги кунда инсониятнинг глобал (сайёравий) муаммолари, Ернинг келажаги ҳақида ўйлайдиган одамлар жуда кам топилади. Бундан ташқари, одамлар дунёнинг ривожланиш модели ҳақида

тасаввурга эга эмаслар. Назаримизда, ҳозирги вақтда мутахассислар ҳам бу ҳақда унчалик бош қотиришмаяпти.

Дунёning ривожланиш моделида, агар ахоли сонининг ортиши, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ўсишини мувофиқлаштириш бўйича, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида тегишли чора-тадбирлар белгиланмаса, келгусида дунёда нималар юз бериши мумкинлиги кўрсатиб ўтилади.

Хўш, дунёning ривожланиш модели кимлар томонидан таклиф этилган эди?

1968 йилнинг апрел ойида Римда дунёning ўн мамлакатидан олимлар, педагоглар, иқтисодчилар, саноатчилар, шунингдек, миллий ва ҳалқаро ташкилот вакиллар италиялик саноатчи, иқтисод соҳасидаги йирик олим, кенг дунёқарашли инсон — доктор Аурелио Печчей даъватига жавобан тўпландилар. Улар одамларни ҳайратга солувчи мавзу — инсониятнинг ҳозирги ва келажақдаги мураккаб аҳволини муҳокама этишади. Инсониятнинг тақдири ҳақида чуқур ташвишда бўлган Аурелио Печчей муҳокама иштирокчиларини ва бошқа инсонларни дунё ривожланишининг узоқ муддатли муаммолари борасида бош қотиришга даъват этади.

Бу учрашув "Рим клуби"нинг ташкил этилишига асос бўлади. Ташкилотнинг асосий мақсади бизнинг барчамиз яшайдиган турли хил, аммо бир-бири билан ўзаро bogliq бўлган иқтисодий, сиёсий, табиий ва ижтимоий йўналишда ташкил топган глобал тизимни янгича нуқтаи назардан тушунишга ўргатишадир ва бундай янгича тушуниши қарорлар қабул қилиш учун масъул бўлган шахслар ўртасида кенгроқ тарқатишадир. Шунингдек, бутун дунё жамоатчилигига қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш бўйича янги-янги ташабbusлар билан амалий ёрдам беришадир.

Ташкилот гуруҳи аъзоларининг эътироф этишларича, инсоният олдида турган асосий муаммолар шу қадар мураккаб ва бир-бирлари билан чамбарчас bogliq, анъанавий ижтимоий институтлар ва қарорлар қабул қилишнинг эскича механизмлари билан уларни сира ҳал этиб бўлмайди. Бутунги кунда, ҳатто уларнинг бутун теранлигини тўла даражада акс эттиришнинг ҳам имкони йўқ.

"Рим клуби"нинг биринчи йигилишидаёқ жуда дадиллик билан олга сурилган "Инсониятнинг мураккаб аҳволи" лойиҳасини ишлаб чиқишига қарор қилинади. "Бу лойиҳанинг мақсади бутун инсониятга тегишли муаммолар мажмунини қараб ўтишдан иборат. Бу муаммолар: фаровонлик орасида қашшоқлик; атроф-муҳит заҳволи; ижтимоий институтларга бўлган ишончнинг йўқолиши; аҳолининг иш билан тўла таъминланмаганлиги; ёшларнинг бегоналаганлиги.

шуви; анъанавий қадриятларнинг инкор этилиши, шунингдек, пулнинг қадрсизланиши ҳамда бошқа иқтисодий таназзуллариридир" (Х.Медоуз ва бошқалар. Пределы роста. М., "Москва университети" 1991 й.). Сайёрамиз ҳаётига хос барча муаммолар билан ўзаро боғлиқдек туюлмаган бу ва бошқа муаммолар, "Рим клуби" аъзоларининг эътироф этишича, учта умумий характерга эга: у ёки бу даражадаги муаммолар барча мамлакатларда мавжуддир; улар ўзла-рида техникавий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий элементларни мужассам этади ва энг мұхими, уларнинг барчаси бир-бирларига ўзаро таъсири күрсатади.

Инсоният аҳволининг мураккаблиги ҳам шундаки, у барча муаммоларни тушуна олади, унинг билими ва тажрибаси катта. Бироқ шундай бўлса-да, муаммоларнинг дастлабки сабабларини, уни ташкил этувчи кўпгина таркибий қисмларнинг ўзаро таъсири аҳамиятини тўла тушуниб етавермайди ва оқибатда унга тегишли самарали чора-тадбирлар ҳам ишлаб чиқа олмайди. Бунинг натижасида биз муаммонинг фақат айrim унсурларинигина батафсил қарашда давом эттирамиз-у, аммо бир бутунлик уни ташкил этган қисмларнинг шунчаки тўпламидан иборат эмаслигини, ундаги битта унсурнинг ўзгариши бошқаларининг ҳам ўзгаришини билдиришини англаб етавермаймиз.

Тўгри, куролланиш пойгаси, атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашуви, аҳоли сонининг жадал суръатлар билан ўсиши ва иқтисоднинг пасайиши ҳоллари кўпинча марказий, ҳозирги замон инсонини ўз ҳалқасига олиб турган узоқ муддатли муаммолар ҳисобланади. Кўпинча кишилар тараққиётининг келажақдаги йўли, эҳтимол, ҳатто инсон жамиятининг ўзи мавжуд бўлиб қолиш-қолмаслиги, дунёнинг мазкур муаммоларга нисбатан қанчалик тез ва самарали чора-тадбирлар белгилашига боғлиқлигини эътироф этадилар. Шундай бўлса-да, дунё аҳолисининг фақат маълум қисмигина бу муаммоларни тушунишга ва ҳал қилишга интилайдилар. Бундан қуйидаги хulosалар келиб чиқади:

1. Атроф-муҳит бир қанча манбалардан ифлосланди ва бу ифлосланиш экспоненциал ўсиш қонуни бўйича содир бўлади.
2. Биз атроф-муҳит ифлосланишининг энг сўнгги чегараси ҳақида мутлақо билимга эга эмасмиз.
3. Экологик жараён давом этаверади, лекин биосферанинг табиий ҳолатини тиклаш, уни мувофиқлаштириш борасидаги чора-тадбирлар экологик жараёнлардан орқада қолади; атроф-муҳит ифлосланиши ўзининг энг сўнгги чегарасига етади.
4. Айrim ифлослантирувчилар бутун сайёра бўйлаб тарқалади; уларнинг зарарли таъсири фақат ўзи тарқалётган атроф-муҳитдагина эмас, балки ундан жуда узоқ-узоқ масофаларда ҳам намоён бўлади.

Ҳар қандай инсон ўз муаммоларини бирор модел ёрдамида ҳал этади. Модел бу — мұраккаб тизим ҳақидағи тартибга солинган тақиғларнинг оддий тұплами. Барча ҳис қылишлар ва үтмиш таж-рибасидан келиб чиққан ҳолда умумлаштирилған кузатишларнинг бирор тұпламины танлаш йўли билан модельлаш усули экологияда ҳам кенг күлланилади. Унинг потенциал имконияти жуда кattадир. Модельлаш экотизим табиатни таҳминий тушунтириш ва олдиндан айтиш имконини беради. Айниқса, у атроф-муҳит тадқиқотининг назарий даражаси етарлы бұлмаган ҳолларда жуда құл келади. Худи ана шу йұналишда модельлаш назарий тузулмаларни ҳамиша тұлдиради. Чунки табиатта амалий таъсир күрсатиш ва бундай таъсир оқибатларини назарий аңглаш үртасидаги фарқ сақланиб қолаверади. Биосфераны сифат жиҳатдан янги вариантда қайта куриш учун, албатта, дастлаб бу ишнинг модели яратилиши керак.

Хүш, инсоният ўзининг бутунги кундаги глобал муаммоларини қандай йұллар билан ҳал этмоқчи? Бизда унинг глобал тараққиети-ни модельлаш бүйіча лойиҳаси мавжудми? Инсоният ақл-идроқи билан bogliq келажаги сценарияси ишлаб чиқылғанми? Ҳар қандай муаммо, хусусан, экологик муаммо ҳам ўз-ўзидан келиб чиқмайды. Глобал муаммолар ҳамиша бир-бири билан узвий bogliq-дир. Faқat ҳозирғи замон дүнёсі учун қарастырылған ривож-ланиш жараёнининг тезлашиб борувчи тенденцияси сабаб оқибатларини тушунмоқ керак.


### 1.3. Глобал модельлаш

Глобал модельларни яратышга 1970 йилда Массачусет технология институти ходими Жей Форрестер ва АҚШнинг бошқа илмий муассасалари тадқиқотчилари (Ленис Медоуз тұрухы) уринган эділар. Улар тизим динамикаси усулига таянған иш күрадилар. Бу усул бир-бирләри билан ўзаро bogliq бұлған ўзгарувларынан глобал табиатини тадқиқ қилишга имкон беради.

Дунёвий жараёнларни кузатиши асосида уларнинг глобал ва узоқ муддатлы қарастырылған табиаттың өзгерістерін сипаттауда болады. Ағар дунё ақоли-сининг күпайиши, индустримальлаштириш, атроф-муҳиттің ифлос-ланиши, озиқ-овқат маңсулотларини ишлаб чиқариш, табиат бой-ликларининг камайиб бориши даражаси ҳозирғи ҳолдагидең сақ-ланиб қолаверса, XXI асрнинг охирларыда инсоният ўзининг ўсиш чегарасига етади. Бунинг оқибати ўлароқ ақоли сонининг кескин ва бошқарыб бұлмайдыған даражада камайиши ҳамда ишлаб чиқа-ришнинг пасайиши әхтимоли тутилади.

Бутунгі кунда дунё мамлакатлари етакчиларининг озон туйну-ги ҳосил бўлиши, иқлим, об-ҳавонинг ўзгариши, тропик ўрмонлар-

нинг йўқолиши, айрим турдаги ҳайвон ва ўсимликларнинг ер юзидан бутунлай қирилиб кетиши, денгизларда балиқларнинг камайиши ва бошқа қатор салбий ҳолларга олиб келувчи омилларнинг таъсирини сусайтиришга хизмат қилувчи шартномалар ишлаб чиқиши мақсадида юқори доирадаги учрашувлари келгусидаги хавф-хатарларнинг олдини олишга бўлган уринишларидир. Жаҳон тараққиёти тизимининг бир-бирига узвий bogлиқ bўлган бешта асосий элементи мавжуд (1-чизма).



1-чизма.

Бундан кўринадики, аҳоли сонининг ортиши кўп миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, бунинг учун эса саноатни индустрисаллашга ва бу ўз навбатида, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳамда қайта тикланмайдиган табиатий бойликлардан тобора кўпроқ фойдаланишга олиб келади. Демак, уларнинг ҳар йили ортиб бориши қонунийдир. Математиклар уни экспоненциал ўсиш деб атайдилар.

Олимларнинг фикрига кўра, бу ўсиш охир-оқибатда инсониятнинг ҳалокатга олиб келиши мумкин. Чунки бу ўсиш жуда догули жараён. Хавф-хатар дастлаб сезилмасдан кечади ва кейинчалик фаоллашиб кетади. Агар шундай бўлса, инсониятнинг ҳам шахматни ихтиро қилган донишмандга ютқазиб, бошини чанглалаб қолган подшоҳ ҳолига тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Бечора подшоҳ шахмат ихтироси учун (биринчи катагига - бир дона, иккинчисига - икки дона, учинчисига - тўрт дона, тўртингчисига - ўн олти дона ва ҳоказо) бугдой бериб уни арzon гаровга сотиб олмоқчи эди. Ҳолбуки, унга бутун подшоликнинг ҳам бойлиги етмас экан...

Модел яратувчилари ўзларининг натижаларига асосланиб, "Ўсиш чегаралари" китобида юзага келиши мумкин бўлган хавф-

хатарнинг олдини олиш бўйича қўйидаги тавсияларни беради. Улар қисқа муддатларда сайдерамиз аҳоли сонини ва айни вақтда ишлаб чиқаришни ҳозирги замон даражасида барқарорлаштиришни таклиф этадилар. Д.Медоуз ва унинг гуруҳи бундай глобал мувозанат тургун ҳолатни билдирамайди, деб ҳисоблашади. Зоро, инсоннинг қайта тикланмайдиган табиий бойиклар талаб этмайдиган ва табиат деградациясига олиб келмайдиган фаолиятлари (хусусан, фан, саноат, маориф, спорт) чексиз ривожланиши мумкин.

Аслида бундай гоя уччалик ҳам янгилик эмас. Масалан, Платон, Аристотель ва Мальтуснинг жамиятни бошқариш ҳақидаги фикрларини эсланг. Инглиз файласуфи ва иқтисодчи олимни Д.С.Миль бундан юз йил олдин қишлоқ ҳўжалиги ва саноатнинг прогрессив ривожланиши оқибатида "ҳаракатсиз ҳолат" юзага келишини олдиндан айтган эди. У бунда аҳоли сони ҳам, ишлаб чиқариш ҳам доимий даражада сақланишини башорат қилганди. Инсониятнинг бундай "олтин асри"нинг юзага келиш гояси сайдерадаги экологик аҳволнинг ёмонлашуви билан bogliq ҳолда янги импульс олди.

Албатта, "ўсиш чегаралари" гояси ижтимоий-сиёсий доирада ижобий аҳамиятга эга. Аслида бу гоя очкӯзларча истеъмолчиликни ва режасиз ҳолда тўхтовсиз ишлаб чиқаришни танқид қилишга қаратилган. Аммо барча давлатлар аҳолиси сонини бир хил даражада сақлаб туриш борасидаги таклифни амалга ошириб бўлмайди. Негаки, саноат ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини мутадиллаштиришнинг сира иложи ҳам йўқ. Барча йўналишлардаги (мутлақ) чегаралар ҳақида эмас, фақат маълум йўналишлардаги чегаралар ҳақида гапириш мумкин, холос. Жами масала бирор йўналишдаги ўсиш хавф-хатарларини олдиндан кўра билиш ва тараққиётни қайта йўналтиришнинг нозик аспектларини танлай билишдадир.

"Дунё тараққиёти борасида бошқа моделлар яратилмаганми?" деган табиий савол туғилади. Яратилган, албатта. Дунё моделлари жиддий танқидларга дуч келишга қарамай, глобал моделлаш ишлари давом эттирилди. М.Месарович ва Э.Пестель "иерархик тизимлар" методикаси асосида "ҳудудийлаштирилган модел" яратишган. Бунда дунё иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва мафкуравий фарқларига кўра 10 та ҳудудга бўлинган. Ўз навбатида, бу ҳудудларнинг ҳар бири ўзаро таъсир этувчи иерархик соҳалар ёки стратларга ажратилган: экологик, технологик, демо-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий. Бундай моделни амалга оширишса бўлади. У дунёнинг турли ҳудудлари учун мақбул бўлган янада аниқлаштирилган тавсиялар тизимини бера олади. Улар моделлашнинг натижалари фақат битта глобал ҳалокатни эмас, балки бир неча ҳудудий ҳалокатларни кутгаш мумкинлигини кўрсатди.

Мазкур моделни яратувчилар фикрига кўра, экологик хавф-хатарнинг асосий сабаби иқтисодий тизимни сифатий жиҳатдан ўзгартирмасдан туриб, миқдорий экспоненциал ўсишга интилиш ҳисобланади. Улар дунё тизимини битта яхлитлик тарзида қараш тарафдоридир. Чунки барча жараёнлар ўзаро боғлиқ.

Бошқа ҳудудлардаги ўзгаришларни ҳисобга олмасдан туриб, бирор ҳудудда саноатни ривожлантириб юбориш дунёвий иқтисодий тизимни барқарор ҳолатдан чиқариб юбориши мумкин. Бундан кўринадики, бутун дунёвий тизимнинг чекли, мувофиқлашган ҳолда ўсиши экологик ҳалокат ёки хавф-хатар олдини олади. Кўриб ўтилган концепциялар бир-бирларига мутлақо зид эмас. Ўсиш чегараси мавжуд, аммо, агар у мувозанатлашган бўлса, унинг имконияти ортиб бораверади. Бу эса сифатли ўзгаришларни талаб этади. Ўсиш соғи миқдорий кўрсаткич тарзда чексиз давом этмайди. Мувозанат эмас, балки миқдорий ва сифатий ўзгаришларнинг бирлиги тарзидаги ривожланиш ҳақиқий муқобил ўсиш ҳисобланади. Тўгри, мувозанат ҳам ўсиш каби ривожланишининг ажралмас моментидан иборат. Зоро, бирор йўналишдаги ўсиш бошқа параметрларнинг мувозанат ҳолатида бўлишини тақозо этади. Сифатий ўзгаришлар жараёнида барқарорликнинг сақданиши ривожланишни таъминловчи умумий шарт-шароитлар бўлиб ҳисобланади.

#### **1.4. Барқарор тараққиёт гояси**

Ўсиш имкониятлари ва чекланиш борасидаги мунозаралар янги гоя туғилишига олиб келади. Бу — барқарор тараққиёт гоясидир. Ҳозирги вақтда мазкур гоя инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида асос бўлишга арзийдиган концепциядир. Барқарор тараққиёт атроф-муҳит деградациясига олиб келмайдиган иқтисодий ривожланишни белгилаб беради.

Барқарор тараққиёт гоясига кўра маълум параметрлар доимий қийматга эга бўлиши керак. Хусусан:

1) физик константлар (ўзгармас катталиклар);

2) генофонд;

3) барча асосий экотизимлар ташкил этувчилари (қисмлари)-нинг илк кўринишлари (йўқса, инсон томонидан амалга оширилган ўзгаришлар ҳақида фикр юритиб бўлмайди);

4) аҳоли саломатлиги.

Шундай қилиб, атроф-муҳит муҳофазаси ва соглиқни сақлаш айни гоянинг таркибий қисмига киради. Табиатни муҳофаза этишдан мақсад атроф-муҳитни тоза, сифатини ўзгартирмасдан сақлаш, ўсимликлардан узликсиз ҳосил олиш, ҳайвонларни кўпайтириш, табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг олиниши ва

қайта тикланиши циклини мувофиқлаштиришдир. Аммо биосфера-дан қанча ва қачонгача олиш мүмкин? Буни ҳатто моделлаш ёрда-мида ҳам аниқлаб бўлмайди.

Табиат бойликларини жуда кўп олавериш, нафақат уларнинг тугашига, балки сифати ёмонлашувига ҳам олиб келади. Масалан, ўрмонларнинг кетма-кет қирқилавериши фақат дараҳтларнинг камайишигина эмас, балки улар сифатининг бузилишига ҳам са-баб бўлади. "Эга бўлмоқ" гояси "мавжуд бўлмоқ" сари йўналиш олишга тескаридир. Кучли "эга бўлмоқ" истаги ва бу борадаги фаолият инсоннинг ҳам, табиий муҳитнинг ҳам сифатини ёмон-лаштиради. Айни бир вақтда жуда катта миқдорда табиий бойликларга ва энг яхши сифатга эга бўлишнинг ҳам имкони йўқдир. Ер, сув ва бошқа табиий бойликлардан фойдаланиши чеклаш — аҳоли сонининг кескин ортиши ва сайёрамиз бойликларининг ҳаддан ортиқ камайиб кетишининг олдини олиш чораларидан би-ридир. Ёввойи табиатга нисбатан муносабатларда инсон ақлсиз йиртқичга эмас, донишманд хўжайнга айланиши лозим. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, у ҳолда барқарорликни тараққиёт-нинг узлуксизлиги маъносида тушунса бўлади. Барқарорлик ва узлуксизлик маънолари бир ўзанда туташади. Чунки айрим параметрлар ўзгармасдан қолаверса, у ҳолда тараққиёт ҳам узлуксиз бўлаверади.

Тескари бодланишнинг салбий таъсири инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларини оқилона мувофиқлаштиришга муқобил ҳисобланади (популяция зичлигининг ортиши бу зичликни камай-тирувчи механизмлар таъсирини кучайтиради). Инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатлари тўғри ташкил этилмаса, сайёра аҳоли-сининг катта қисми қашшоқликка маҳқум бўлади. Бу эса давлатлар ўртасидаги курашнинг кескинлашувига, уруш ва бошқа салбий во-қеаларга олиб келади. Барқарор тараққиёт гояси эволюция ва бар-қарор ривожланиш тушунчаларини биологик нуқтai назардан бир-лаштиришга, шунингдек, инсоннинг яратишга бўлган интилишини қаноатлантиришга имкон беради.

Тўтри, нафақат амалиётда, балки назарияда ҳам барча ишлар силлиқ ҳал бўлавермайди. Синергетика ва барқарор тараққиёт кон-цепцияси маълумотлари ўртасида тафовутлар мавжуд. Бунга муво-фиқ барча янги тузулма (структуря)лар мувозапатдан йироқ шароит-ларда ҳосил бўлади. Эҳтимол, бу зиддиятни бартараф этиш имко-нияти ҳам тугилар, яъни бунда жамият бир номувозанат ҳолатидан бошқасига ўзи ва атроф-муҳитни бузмасдан ўтишга ўрганар.

1992 йилда Рио-де-Жанейрода жаҳон тараққиёти масалаларига багишлиланган ҳалқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда 179 мамлакат бош-

лиқлари иштирок этдилар. Аңжуман жағон жамоатчилигининг ривожланиши учун асос сифатида барқарор тараққиёт гоясини так-лиф этди ва шу билан ижтимоий экологиянинг учинчи босқичи — мувофиқлашган сиёсий ҳаракат бошланганини англаади.

Аңжуман иштирокчилари тараққиётнинг капиталистик модели барқарор эмаслигини, эндилиқда ривожланишининг мутлақо янги йұналиши зарурлугини таъкидлаштырды. Бутун табиат тараққиёті тамойили инсоният ривожланишига асос булиши мүмкін. Бу ти-зимнинг бир барқарор қолатдан бошқасига барқарорлықни бузмас-дан үтишини билдиради. Масалан, "инсон — атроф-мухит" тизими-га үтиш деганда бутун сәйёра миқесидаги барқарорлық тушунила-ди. Инсоният тараққиётдан воз кече олмайды, аммо унинг барча босқичларыда барқарорлық сақланиши лозим. Гап худди ана шу ҳақда кетмоқда. Ҳа, тараққиёт барқарор булиши керак, акс ҳолда илгаридек қандайдир цивилизация эмас, балки энди бутун замин ҳалок бұлади. Бошқа йүл йүк, булиши ҳам мүмкін эмас. Бу йүлдан қандай ҳаракатланиш эса жуда күп қолатларга, хусусан, сәйёра-нинг турли ҳудудларындағы күчлар нисбатига ҳам болғық.

Рио анжуманининг асосий ҳужжати бұлмиш "XXI асрнинг күн тартибидағы масала" тараққиётни ижтимоий, экологик ва иқтисо-дий нұқтаи назарлардан барқарор қилиш мақсадида тузылған иш дастыридан иборат. Матнда атроф-мухитни ва ижтимоий-иқтисо-дий ривожланиши ажралыб қолған соқалар тарзида қарамаслик лозимлігі ҳақыда таъкидланади. Бутун дүнё халқлари учун иккі асосий мақсад — атроф-мухит сифатини юқори даражада сақлаш ва соғлом иқтисод асосини барпо этиш — бир бутун масала сифа-тида қаралмоги керак.

Ҳар қалай, бу мұлоқазалар экологик тизим фаолияти механизмы (тартиб-қоида)ларини түшуниш ва уни келгусида бошқаришининг нақадар мұрakkab эканини күрсатыб беради.

"XXI аср күн тартибидағы масалалар" да ифодаланған қоида ва тавсиялар мазмуни қуйидагилардан иборат:

Иқтисодиётнинг ривожланиши сәйёра экологик имкониятига мос келиши керак; иқтисодий тараққиёт атроф-мухитта зарап ёки хавф-хатарлар келтирмаслиги лозим; тараққиётни барқарор қил-моқ, ҳозирғи әктиөжеларни қондирмоқ, аммо келгуси авлодлар әкти-өжеларни ҳам назарда тутмоқ, ақоли, истеммол ва Ер қобилияты үртасидаги барқарор мувозанатни таъминлаш орқали ҳаётни құллаб-құвватлаш, лойиҳаларни амалга оширилгунга қадар экологик экспертден үтказиш, ижтимоий гурұхлар ва нодавлат ташкилотларга катта ресурсларни тақдым этиш, маҳаллий үқув марказларига кат-та имкониятлар бериш, табиат ресурслари таннархини тұла ҳисоб-га олиш, иқтисодий үсишни таъминлаш ва айни вақтда энергия

сарф-харажатларини, маҳсулот ва ишлаб чиқариш чиқиндилигини камайтириш, ривожланаётган мамлакатларга экологик соғ технологиялар бериш, экологик жиҳатдан заарсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рагбатлантириш, ишлаб чиқаришни марказлаштириш ва урбанизация даражасини пасайтириш, биологик хилма-хилликни таъминлаш учун тадбирлар бўглиаш, тури мамилакатларда экологик қонууларнинг бир хиллиги, пестицидларни қўлмамаслик, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик воситаларидан фойдаланмаслик ва бошқалар.

Барқарор тараққиёт концепцияси, назарий схема тарзда, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларини уйгунаштириш ва экологик жамият яратиш усулини ифодалайди. Аммо у аниқ дастур сифатида бир қанча мамилакатлар томонидан танқид қилинди.

Оппонентлар ривожланаётган мамилакатларга катта молиявий ёрдам бериш ва аниқ қарорларсиз ҳаммаси фақат яхши сўз ва тилаклардан иборат бўлиб қолаверишини таъкидлайдилар. Айниқса, табиатни асосий ифлослантирувчи мамилакатларда табиат муҳофазаси борасида аниқ қарорлар бўлмоги зарур. Бозор механизмининг салбий оқибатларини ва трансмиллий корпорациялар фаолиятини муҳокама этиб кўрмоқ лозим. Синфий жамиятнинг барқарор ривожланиши принципиал имконияти ҳақидаги масала ҳам очиқ қолади.

Барқарор тараққиёт концепциясининг хом хаёллиги шундаки, уни амалга оширадиган бирор марказнинг ўзи йўқ. Муваффақиятга олиб келадиган қандайдир "белгиланган уйгунилк" ҳам мавжуд эмас. Экологик ҳалокатларни бартараф этадиган табиий сабаблар ҳам, вазиятни яхшилаш муқаррарлиги ҳам кўринмайди. Ҳамма-ҳаммаси инсоният амалий фаолиятига ва унинг ахлоқий сифатларига боғлиқ.

Бир томондан, ҳайвонот ва ўсимликлар олами, иккинчи томондан эса, табиат, инсон ва бутун жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар характеристининг ўзгариши ҳақидаги масалалар, экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари баён этилганидан сўнг экология фани предметига характеристика бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Зоро, экологик билимсиз экологик муаммолар ҳал этилмайди.

## **2-боб. ЭКОЛОГИЯ ФАНИ ВА УНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ**

### **2.1. Экология нимани ўрганади?**

Маълумки, сўнгги йилларда "Экология" сўзи жуда оммавийлашиб кетди. Кўпинча атроф-муҳитнинг номақбул ҳолати ҳақида гапирганда бу сўз тез-тез тилга олинади. Баъзан бу атама "Жами-

ят" "Оила" "Инсон", "Саломатлик" қаби сүзлар билан биргаликда ишлатылади. Экология—биология фанлари түркүміга мансуб бўлиб, ҳозирги вақтда мустақил фан сифатида шаклланди. Шунингдек, бутунги қунда экология фани ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Унинг ижтимоий экология соҳаси вужудга келди. Хўш, экология нимани ўрганади?

Экология — тирик жонзотларнинг яшаш шароити ва уларнинг ўзлари яшаб турган муҳит билан ўзаро мураккаб муносабатлари ва шу асосда туғилган қонуниятларни ўрганади. Бундан ташқари, экология фани инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирини энг мақбул тарзда ташкил этиш (оптималлаштириш) учун илмий тавсиялар ишлаб чиқади. Бунда экология тирик жонзотларнинг тузилиши ва функциясини ўрганувчи биология, ботаника, зоология, физология, биокимё, морфология, молекуляр биология, микробиология ва бошқа фанларда эришилган ютуқларга таянади. Зоро, фанларнинг тармоқланиш босқичидан сўнг қонуний равишда, тегишли соҳаларда тўпланган билимларни умумийлаштириш, бирлаштириш, таснифлаш, тизимлаштириш лозим бўлади.

Инсон ўз тараққиётининг дастлабки босқичлариданоқ табиат билан узликсиз боғлиқдир. У ҳамиша ўсимлик ва ҳайвонот олами, уларнинг ресурслари билан узвий болганишда яшаган. Демак, инсон доимо ҳайвонлар, балиқлар, қушлар ва бошқаларнинг ҳаёт тарзи ҳамда тақсимланиш хусусиятларини эътиборга олишга мажбур бўлган. Албатта, қадимги инсонларнинг атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурлари илмий характерга эга бўлган эмас. Улар атроф-муҳитдаги ўзгаришлар моҳиятини ҳамиша ҳам тўғри англайвермаган. Аммо вақт ўтиши билан уларнинг айнан табиат ёки атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурлари экологик билимлар тўпланиши учун манба бўлиб хизмат қилган.

Бизгача етиб келган қадимги қўлёзмаларда нафақат турли хил ҳайвонлар ва ўсимликлар тилга олинниб ўтилади, балки уларнинг ҳаёт тарзи, атроф-муҳитнинг аҳамияти ҳақида баъзи маълумотлар келтирилиб ўтилади.

Экология атамасини фанга биринчи марта 1866 йилда немис биологи Эрнст Геккел киритган. "Экология" сўзи (юонча *oikos* — уй, яшаш жойи, маскан, *logos* — фан) ўз мазмунига кўра, "уй ҳақидаги, ўзининг яшаш жой ҳақидаги фан" деган маънони англатади. Янада умумийроқ маънода экология — бу организмларнинг уларни ўраб турган яшаш муҳити билан ўзаро муносабати (шу билан бирга уларнинг бошқа организмлар ва түркүмлар билан ўзаро боғлиқлиги (хилма-хиллиги)ни ўрганувчи фандир.

Экология фақат XX асрда мустақил фан сифатида шаклланды ва расмийлашы. Ҳақиқатда эса, экологиянинг фан сифатидаги катта аҳамияти яқин вақтлардан бошлаб тушунила бошланди. Бу қўйидаги ҳолатга боғлиқ ҳолда тушунтирилади. Ер юзида аҳоли сонининг ортиши ва табиий муҳитга бўлган таъсирининг кучайиши инсон олдига ҳал этилиши зарур бўлган қатор янги ҳаётий муҳим масалаларни қўйди. Инсон эндиликда ўзини ўраб турган табиатнинг қандай тузилгани ва "қандай ишлаши" ҳақида тўла маълумотга эга бўлиши, тўғрироги, уни жуда яхши билиши керак. Экология фани худди ана шу муаммоларни ўрганади.

Экология гояси фундаментал илмий фан сифатида жуда муҳим аҳамиятта эга. Агар биз бу фаннинг долзарбилигини эътироф этадиган бўлсак, энг аввало, унинг қонунлари, тушунчалари, атамаларидан тўгри фойдаланишни ўрганиб олишимиз керак. Ахир, улар одамларга ўзларини ўраб турган табиий муҳитда ўз ўрнини аниқлашда, табиат бойликларидан тўгри ва оқилона фойдаланишда жуда катта ёрдам беради.

Ҳозирги замон биологик билимларнинг синтези асосида юзага келган экология биологик йўналишида тўпланган билимларни умумлаштирувчи янги фан тарзида майдонга келди. Организмлар тузилишининг у ёки бу хусусиятларини ва уларда содир бўлувчи жараёнларни ўрганувчи бошқа биологик фанлардан фарқли ўлароқ экологияда алоҳида-алоҳида организмларни бир бутунликка бирлаштирган йирик биологик тизимларни (масалан, фақат чумолини эмас, балки барча чумолилар ва улар яшайдиган муҳитларни ўрганиш) тадқиқ этишга, организмнинг ўзи яшайдиган муҳит ва бошқа йирик жонзорлар билан ўзаро боғлиқлигини ўрганишга жиддий эътибор берилади.

XX асрнинг иккинчи ярмида ҳозирги замон фанларини ўзига хос тарзда "экологиялаштириш" юз берди. Бу, албатта, экологик билимларнинг катта аҳамиятини аниқлаш, инсон фаолияти кўпгина ҳолларда нафақат атроф-муҳитга зарар келтиришини, балки унга салбий таъсир кўрсатиб, яшаш шароитларини ўзgartириб юбориши, инсоният ҳаёти учун хавф-хатар тугдириши мумкинлигини тушуниш билан боғлиқ.


Агар экология ўзининг юзага келган даврида асосан организмларнинг муҳит билан ўзаро муносабатини ўргангандан ва биологиянинг таркибий қисми бўлган бўлса, ҳозирги замон экологияси эса масалаларнинг ниҳоятда кенг доирасини қамраб олган ва қатор ёндош фанлар билан узвий туташиб кетган. Улар орасидан, энг аввало, биология (ботаника ва зоология), география, геология, физика, кимё, генетика, математика, тиббиёт, агрономия, архитектурани алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Ҳозирги вақтда экологияда бир неча илмий соҳалар мавжуд. Масалан, популацияцион экология, географик экология, кимёвий экология, саноат экологияси,

ўсимлик, ҳайвон, инсон экологияси ва бошқалар. Ҳозирги замон экологиясининг барча йўналишлари асосида тирик организмларнинг уларни ўраб турган мұхит билан ўзаро муносабатлари ҳақидағи фундаментал биологик гоялар ётади.

Табиат биз ўзимиз тасаввур этгандан кўра анча мураккаброқдир. Экологиянинг биринчи қонунини қўйидагича ифодалаш мүмкін: "Табиатда инсон нимаики иш қиласин, уларнинг барчаси унда кўпинчча олдиндан билиб бўлмайдиган у ёки бу оқибатларни келтириб чиқаради" Бинобарин, бизнинг фаолиятимизнинг табиатга таъсирини фақат ҳар тарафлама таҳдил этиб, унинг натижаларини олдиндан кўра билиш мумкин. Экологик таҳдил учун турли фан билимларидан фойдаланиш зарур. Бунда инсоннинг атрофмұхитга таъсири қандай тарзда содир бўлишини тушунмоқ ва экологик таназзулни келтириб чиқармайдиган даражада шароитлар ўзгариши чегарасини топиш ўта мұхимдир. Шундай қилиб, экология табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун назарий асос бўлади.

## 2.2. Экология фанининг бўлим ва соҳалари

Организмларнинг яшаш шароити ва уларнинг ташқи мұхит билан ўзаро муносабати, турлар, популяциялар, биоценозлар, экотизимлар, биосфера ва бошқа тушунчалар экология фанининг манбани




2-чиэма.

ташкыл этади. Шу боис умумий экология, асосан, түрт бўлимга бўлиб ўрганилади. Булар: аутоэкология, популяциялар экологияси, синэкология ва биосфера ҳақидаги таълимот (2-чиизма).

Бутунги кунда экология нафақат мустақил фан сифатида шакланди, балки у мазмунан жуда кенгайди. Экология ўрганадиган янги соҳалар кўпайди, бошқача айтганда, экологиянинг янги-янги йўналишлари пайдо бўлди (3-чиизма).

### ЭКОЛОГИЯ ФАНИ СОҲАЛАРИ



3-чиизма.

## 2.3. Қадимда Ўрта Осиё халқларининг табиатга бўлган муносабати



Қадим-қадим замонлардан бошлаб, экологик маданият Ўрта Осиё халқларига хос хусусият бўлган. Бу ҳақда қадимги қўлэзмалар ва улуг алломаларимизнинг асарлари гувоҳлик беради. Уларда сув, табиат, ўсимликлар, жонзорлар ва уларниңг атроф-

муҳит билан ўзаро муносабатлари, алоқалари ва бошқалар борасида қимматли фикрлар ёзиб қолдирилган. Гарчанд, у вақтларда экология фан сифатида шаклланмаган бўлмаса-да, лекин ўша даврларда ёқ табиат ва ундаги табиий мувозонат, тозаликнинг аҳамияти, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиатни эъзозлаш зарурлиги таъкидланиб ўтилган. Ҳатто улар табиатни, сувни, оловни, шамол ва бошқа унсурларни муқаддас деб билишган, уларга сигинишган.

Масалан, оташпарамастликнинг муқаддас китоби "Авесто"да ўн етти хил сувнинг таърифи берилган. Унда барча сувларнинг бирекиши натижасида вужуд мавжудлиги таъминланади, дейилади. Албатта, ҳар бир даврнинг ўз удумлари бўлган. Чунончи, Зардушт замонидаги удумлардан бири "Сидранушлик" удумидир. Бу удумга кўра, қиз болалар 15 ёшда, ўғил болалар эса 17 ёшда диндорларнинг маҳсус тикилган ҳарир оқ либосида якка тангри Ахурамазда номи ила сув ва оташ ёнида қасамёд этганлар. Бундай ҳолатда қасамёд этганлар ҳаргиз густоҳликка берилмаганлар ва қўшнисининг омонатига хиёнат қилишмаган. Демак, зардуштларда сув олов сингари ёруглик, поклик, ҳаёт, униб-ўсиш рамзи бўлган.

Улар Худонинг асосий вазифаси сувни нопокликлардан асраш ва унинг доимий оқиб туришини таъминлашдан иборат деб тушунишган. Шунинг учун ҳам улар ҳотларида табиатни ва сувни пок сақлаш, асраб-авайлаш, тежаб сарфлаш ҳақидаги даъватлар тез-тез учраб туради. Унда "Инсон бутун умри давомида сув, оташ, ер, ҳавони, умуман, дунёдаги жамики нарсани, поклик моясини бус-бутун ва покиза асрашга мажбурдир... Ер, сув, олов, ҳавони эъзозлаш қоидаларини бузган ҳар бир инсон 400 қамчи урилиб калтакланиш жазосига маҳкум этилажак", деб ёзилган.

Бугина эмас, ёдгорлиқда сув манбаларини покиза сақлаш, эҳтиётлаш, муҳофаза қилишга ундовчи бандлар кўп. Жумладан, "Вендиод"да канал, ариқ ва ҳовузларнинг покизалигига алоҳида эъти-

бор бериш қайта-қайта уқтирилган. Ичимлик суви оқадиган ариқлар, ҳовуз ва қудук лабига, соҳилига фақат иҳота буталари ўтқазиш тавсия этилиб, мевали дарахтлар ўстириш қатъяян ман этилган. Сувга тутириш, ҳас-хашак ёки баргларни ташлаш қаттиқ қораланган. Ҳовуз ёки қудукқа ифлос нарса тушса, уни тоза сув ёки ёмғир суви билан бир неча бор тўлдириб бўшатиш йўли билан қатрон қилиш тавсия қилинган ва кейин ичишга ижозат берилган. Сув манбалари лабида ёки атрофида ҳар хил матоларни ювиш, мол боқиш, түя ва отларни боғлаш, юванишга рухсат этилмаган. Бирон кишининг нопок идиш билан ҳовуз, қудук ёки ариқдан сув олганига миробнинг назари тушса, у "25 қамчи қалтаклаш" билан жазоланган. Сув муқаддас бўлгани учун ундаги жонзотларни, ҳайвонларни горат қилишга асло йўл қўйилмаган. Масалан уларнинг тушунишича дengиз кучугини ўлдиришса, шундай қургоқчилик буладики, яйловлар тақири чўлга айланади, элдан фаровонлик кетади. Бундай одамга "Вендиод" да Зардуштнинг Тангри билан мулоқоти — савол-жавобида 18 банддан иборат жарима тайинланиши айтилган. "Эй Ахурамазда! Денгиз кучугини ўлдирганнинг гуноҳи қандай ва у нечук жазога маҳқум?!"

Ахурамазда жавоб берди:

Уни минг қамчи уриш билан қалтаклаш лозим. Оташгоҳ учун ўн минг боф ўтин ҳозирлаб бериши даркор. Ўн минг зааркунанда илонни ўлдириш билан ўз гуноҳини ювомги мумкин"

Ҳамиша сувни поклаб юрадиган балиқлар, алоҳида сув ҳайвонларини тутиш, овлаш ҳам гуноҳи азим ҳисобланган. Баъзи фаргардларда оташ сув таърифи ёнма-ён берилган ҳолда уларни эҳтиёт қилишга даъват ҳийла кучли.

"Зардўшт сўради:

— Бирон маздопараст сувга ёки оташга булғанч нарсани ташласа, ўз гуноҳини юваб, покланса бўладими?"

Ахурамазда жавоб берди:

— Йўқ, ундей одамнинг гуноҳини ҳеч нарса билан пок этиб бўлмайди, у абадул-абад нопок, гуноҳкорлигича қолади. Ундей одам дўзахийлардандир. У пашиша ва чигирткаларга қиргин келтирадиган қургоқчиликка авж тилайди"

Қадимги мамлакатларнинг ҳуқмдорлари ҳам табиатни муҳофаза қилиш борасида тегишли фармонлар эълон қилишгани маълум. Масалан, қадимги Шарқ подшоҳлари тахминан бизнинг эрамиздан минг йил аввал ўрмонларни қўриқлаш тўгрисида қонун чиқарган. Боболаримиздан мерос қолган эски қўлэзмаларда ҳам ов, ов қилиш санъати, ов қилмоқ вақти, ҳайвонларнинг ёш болаларини, гўзал қушларни, умуман, жонзотларнинг кўпайиши даврида уларни ов қилиш қатъяян ман этилгани ҳақида фикрлар мавжуд.

Юқоридаги баёнлардан кўринадики, бизнинг ота-боболаримиз қадим замонлардан бошлаб табиатга оқилона муносабатда бўлиш-

ган. Нафақат қудуқ сувини, балки ариқ ва дарё сувларини ҳам тоза сақлашга, тежашга, ифлос қилмасликка ҳаракат қилишган. Ҳатто уни муқаддас билишган. Сардобалар қуриб сув тұллаганлар ва ундан керакли мақсадда фойдаланишган. Дараҳтлар экиб, бөг-рөг, узумзор, гулзорлар бунёд этишган. Келажак авлодларга ўрмонлар қолдиришган.

Гарчанд илгарилари ҳам айрим турдаги ҳайвонларни мұхофаза этиш ва ўрмон дараҳтларини кесиш, қирқиши назорат қилиш бүйін-ча давлат миқәсида маълум чора-табдирлар күришга ҳаракат қилин-ған бұлса-да, лекин улар режали ва мақсадға йұналтирилған тарз-да йўлга қўйилмаган. Фақат XX асрда табиатни мұхофаза қилиш масаласи оммавий тус ола бошлади. Ўтмишда табиат мұхофазаси дейилганда, кўпинча айрим ҳайвон турларини, ўсимлик ва ноёб табиий обьектларни ёки ёвзойи табиатнинг айрим қисмларини ас-раш тушунилған.

Сўзсиз, бизнинг экология борасида ҳам қадимдан эзгу урғодатларимиз, муқаддас анъаналаримиз бор бўлган. Сувга туфламаслик, оқаётган сувга чўмилмаслик ва ахлатлар ташламаслик, тушган ушоқни ҳам кўзга суртиб, тавоғ қилиб, қўлга олиш, кул ва ахлатни пана жойга ёки чуқурга ташлаш, ҳар нарсани аралаштириб, пала-партиш овқатланмаслик, эрта туриб ҳовли супуриш, уй қуриш ва дараҳт экишдаги маълум қоидалар ва бошқа кўпгина одат-маросимлар экология борасидаги таълим-тарбия эмасмиди? Бироқ бутунги кунда биз уларнинг кўпларини унутиб қўйдик.

Бундан ташқари, улуг алломаларимиздан Мұҳаммад Мусо ал-Хоразмий ("Китоб сурат ал-арз"), Абу Носир Форобий ("Китоб ал-ҳажм ва ал-миқдор" "Китоб ал-мабоди ал инсонийа" — Инсониятнинг бошланиши ҳақида китоб", "Китоб фи - аъзо ал-ҳайвон), Абу Райдон Беруний ("Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар"), Абу Али ибн Сино ("Тиб қонунлари"), Заҳириддин Мұҳаммад Бобур ("Бо-бурнома") ва бошқаларнинг асарларини мутолаа қилиб, аждоддаратимизнинг табиатта бўлган муносабати ҳақида етарлича маълумотлар оласиз.

## 2.4. Ўзбекистонда экология тарихи

Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олиши туфайли Туркistonнинг қадимги ёдгорликлари, гўзал табиати, ўсимлик ва ҳайвонот олами катта зарар кўрди. 1916 йилда ёки Туркистондаги тарихий ёдгорликларни қайд этиш масаласи бўйича иш бошланған эди. Аммо бу мақсадлар амалага ошмай қолди.

Архив материалари 1920 йилда Туркистон ўтмишидан қолган ёдгорликларни ўрганиш ва асрараш мақсадида таълим тармоги за-

рурлиги тұғрисида фикрлар пайдо бўла бошланганидан далолат беради. Ұшанда архитектура ёдгорликларини реставрация қилиш ва таъмираш, сақдаш қўмитаси тузилади. Қўмита ишига маҳаллий кучлар ва москвалик олимлар жалб этилади. 1921 йилда музейлар иши ва қадимги ёдгорликларни, санъет ва табиатни муҳофаза этиш бўйича Туркистон қўмитаси ташкил этилади.

Албатта, Туркистонда табиатни муҳофаза этиш усулларини амалий ва назарий жиҳатдан қўллаш соҳасида катта қийинчиликларга дуч келинган. Табиатни муҳофаза этиш гоясининг ҳали мутлақо янги экани, ҳудуднинг кенглиги, унинг ҳали тадқиқ этилмагани ва бошқалар ҳайвонот ҳамда ўсимликлар олами (арчалар, ёнгоқлар, ўрмонлар, сайгалар, қуланлар, мароллар ва бошқалар) дан йиртқичларча фойдаланишга қарши курашда қийинчиликлар тутгидиради.

Мазкур қўмита ҳузурида табиатни муҳофаза этиш бўлими ҳам фаолият кўрсата бошлайди. Унинг мақсади ҳайвонот популяцияси ва ўсимликлар турини ўрганиш ҳамда кўпайтириш, асрарга йўналтирилган тадбирлар қабул қилишдан иборат бўлган. Шунингдек, ер қобигининг элементлари ва айрим қисмларини тадқиқ этиш назарда тутилган.

Овчилар ўртасида табиатни муҳофаза этиш гоясини ташвиқоттаргибот қилиш мақсадида 1923 йилда Бутунтуркистон овчилари съездиде Туркистон табиатини муҳофаза этиш бўлими ва Туркистон табиатни асрар комиссияси номидан профессор А.Л.Бородский "Табиат ёдгорликларини муҳофаза этиш" мавзусида сўзга чиқади. Кейинчалик олимнинг "Туркистонда табиатни муҳофаза этиш" номли кичик китоби нашр этилади. Ўзининг бу илмий ишида А.Л.Бородский инсон ривожланиб борган сари табиат салтанатида яратувчи кучдан кўра бузувчи кучга айланишини кўрсатиб ўтади. У ҳатто бу кучни кулами жиҳатидан геологик ҳалокатга тенглаштиради.

Олим магар инсон ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини қириб юбораверса, ер сиртини ишдан чиқараверса, яқин келажаклардаги авлодларимиз табиат олами билан қўриқчи-чучелалар, гербарийлар ва фотосуратлар орқали танишиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириб ўтган эди. Шунинг учун олим табиат дунёсини, ер сиртини қандай бўлса шундайлигича сақдаш, ҳайвон ва ўсимликларни асрар зарурат эканини таъкидлайди.

А. Л. Бородский Туркистон ҳудуди ҳайвонлар ва ўсимликлар турига жуда бой эканини алоҳида кўрсатиб ўтади ва Туркистон ҳукуматини бу бойликларнинг муҳофаза этилиши ҳамда талонтарож қилинmasлиги учун зудлик билан тадбирлар ишлаб чиқишга даъват этади. Олим уларни қайта тиклаш жуда қимматга тушишини, тұтрыроғи, тұла ҳолда қайта тиклаб бўлмаслигини айтади.

Аслида қўриқхоналар ташкил этиш гояси ўша пайтларда туғилади. Бунда миллий bogларни ташкил этиш зарурлиги, уни сира кечиктириб бўлмайдиган муҳим иш экани алоҳида таъкидланади. Аммо миллий bogларни ташкил этиш жуда мураккаб ва масъулиятли иш эди. Шу боис Туркистон ҳудудлари маҳсус ўрганила бошланади.

Тирик табиатни муҳофаза этиш ишига профессор Д.Н.Кашкаров катта ҳисса қўшади. У Туркистоннинг гўзал табиатини жондилдан севади ва унинг хилма-хиллиги, ажойиблигидан завқланади. У куйиниб, шундай ёзади: "Кўз ўнгимиэда жонажон Туркистонимиз табиати емирилиб бормоқда. Ўрмонларимиз қирилиб, ёнгоқларимиз, минг йиллик арчаларимиз, ноёб ҳайвонларимиз, қушлармиз йилдан йилга камайиб, йўқолиб кетмоқда"

Туркистон табиати инсоннинг зулм ва зўрлиги, таъқиблари туфайли ҳалок бўлаётганини англаган олим табитни муҳофаза этишнинг асосий масалаларини қўйидаги тартибда ифодалайди:

1. Табиатни фан, яъни илмий нуқтаи назардан ўрганиш учун асрash; умумий илмий муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида фойда берадиган табиатни муҳофаза этиш.

2. Табиатни хўжалик юритиш манфаати нуқтаи назаридан муҳофаза этиш; табиий ишлаб чиқариш кучларини ва ҳали инсон қадами етиб бормаган табиат гўшаларининг барча хўжалик имкониятларини аниқлаш ва ундан фойдаланиш.

3. Табиатни ҳалқ саломатлиги учун ва таълим-тарбия нуқтаи назаридан асрash; табиат қўйнида дам олишни ташкил этиш ва унга саломатликни тиклаш манбаи сифатида қараш; табиатни муҳофаза этиш борасидаги маърифий ишларни йўлга қўйиш.

Олим маҳсус қўриқланадиган ҳудудларни ташкил этиш масалаларига жуда кўп эътибор берди. У 1928 йилда АҚШнинг миллий парки ишлари билан танишиб, Туркистон ҳудудларида ташкил этиладиган миллий парк майдони жуда кенг, набобат оламига бой ва манзарали, хилват гўшали, одамларнинг дам олиши, хордиқ чиқариши учун қулав бўлиши лозим деб ҳисоблайди.

Унинг фикрига кўра, биринчиси, ёпиқ турдаги, яъни илмий ходимлардан бошқалар киритилмайдиган қўриқхона, иккинчиси, ваколатли кишилар раҳбарлигига ижтимоий ва педагогик йўналишда ўрганиладиган табиат гўшаси, учинчиси, кенг аҳоли ёки омма учун очиқ бўлган дам олиш парклари бўлиши зарур.

1933 йилда Ўзбекистон Фан қўмитаси ҳузурида табиатни муҳофаза қилиш бўйича Давлат қўмитаси ташкил этилиб, унинг таркибига биши, хусусан, Д.Н.Кашкаров ҳам киради. Табиатни муҳофаза этиш қўмитаси асосан қўриқхоналарни лойиҳалаш ва ташкил этиш, уларнинг илмий ишига раҳбарлик қилиш, табиатни муҳофаза этиш гоясини оммалаштириш ишлари билан машгул бўлади, маҳаллий ҳудудлар, ўсимлик ва ҳайвонот олами, дарё ва кўлларни ўрганади.

60-йилларга келиб, Ўзбекистонда экологик вазият кескин ўзгара бошлайди. Бунга сабаб пахтачиликни жадал суръатлар билан ривожлантиришга интилиш ва қишлоқ хўжалигини ҳаддан ортиқ кимёлаштиришдир. Бундай вазият Ўзбекистонда айрим табиат объектлари ёки илмий, маданий, согломлаштириш аҳамиятига эга бўлган худудларни муҳофаза этиш бўйича тадбирлар ишлаб чишини талаб этди.

1968 йил 30 июлда Вазирлар Кенгашининг "Ўрмонларни ёнгидан сақлаш ҳамда уларни зарапли ҳашаротлар ва қасалликлардан ҳимоя қилиш" ҳақида 349-сонли қарори эълон қилинади. "Чотқол", "Орол-пайғамбар", "Зомин", "Бодай-Тўғай" "Қорақўл" каби қўриқхоналар ташкил этилади. Вазирлар Кенгашининг фойдали қазилмалар конини топиш, геология-қидириув ишларини ўтказишида ернинг ҳосилдор қатламларини асраш, улардан оқилона фойдаланиш, Ер кадастри, ўрмонларни ҳимоя қилиниши мезонлари бўйича гуруҳларга ажратиш, ҳайвонлар ҳисоб-китобини олиш, ҳайвонот оламининг давлат кадастри, фойдали қазилмаларни олиш билан боғлиқ бўлмаган объектларни жойлаштириш учун ер остидан фойдаланиш, доривор ўсимликлар тайёрлаш ва бошқалар ҳақида қатор қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин экология ва табиатни муҳофаза этиш масалаларига жиiddий эътибор берила бошланди. Экология ва табиатни муҳофаза этиш борасида ўнлаб қонунлар ҳамда фармойишлар эълон қилинди, уларнинг ижроси бўйича чора-тадбирлар белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги "Табиатни муҳофаза этиш тўгрисида"ги, 1993 йил 6 майдаги "Сув ва сувдан фойдаланиш тўгрисида"ги, 1994 йил 22 сентябрдаги "Ер ости бойликлари тўгрисида"ги, 1996 йилда 27 декабрдаги "Атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш тўгрисида"ги, 1997 йил 26 декабрдаги "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўгрисида"ги, 1997 йил 26 декабрдаги "Ўсимлик дунёсини муҳофаза этиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўгрисида"ги, Қонунлар ҳамда бу борада эълон қилинган қатор Президентимиз Фармонлари шулар жумласидандир.

## **3-боб. ОРГАНИЗМЛАР ВА УЛАРНИНГ ЯШАШ МУҲИТЛАРИ**

### **3.1. Яшаш муҳитлари**

Организмлар яшайдиган муҳит (қуруқлик, сув) ва теварак-атрофдаги ҳаво қатлами биосферани, яъни ҳаёт соҳасини ташкил этади. Биосфера — Ер эволюциясининг қонуний маҳсули. Ердаги ўзгаришларда тирик моддалар катта рол ўйнайди. Акаде-

мик В.И. Вернадский худди ана шундай хуносага келган. Олим Ер қобигининг кимёвий таркиби ва кимёвий эволюциясини татқиқ этган. У атомларнинг геокимёвий миграциясида тирик модданинг ролини ҳисобга олмасдан туриб, фақат геологик сабаблар биланги-на уларни тушунтириб бўлмасликни исботлаб берди.

Биосфера географик кенглилка, жой рельефига, иқлимининг мавсумий ўзгаришига боғлиқ табиий шарт-шароитларнинг хилма-хиллиги билан характерланади. Бироқ биосфера хилма-хиллигининг асосий манбаи, бу тирик организмларнинг ўзининг фаолиятидир. Организмлар ва уларни ўраб турган нотирик табиат ўртасида узлуксиз равишда модда алмашинув содир бўлади ва шунинг учун ҳам ҳар қайси дақиқада қуруқлик ва денгизнинг турли қисмлари бир-бирларидан физикавий ҳамда кимёвий кўрсаткичлари бўйича фарқ қиласди. Биосферада икки миллиондан ортиқ тирик организмлар тури мавжуддир. Кўплаб турлар фазода маълум тарзда тақсимланган миллионлаб организмларни ўз ичига олади. Ҳар бир тур атроф-муҳит билан ўз тарзича таъсирашади. Тирик организмлар фаолияти теварак-атрофимиздаги табиатнинг жуда ажойиб хилма-хиллигини яратади. Худди ана шу хилма-хиллик Ердаги ҳаётнинг гаровидир. Биосфера доирасида тўртта асосий яшаш муҳитини кўрсатиб ўтиш мумкин: сув, ер усти-ҳаво, тупроқ ва тирик организмларнинг ўзлари ҳосил қилган муҳит.

**Сув муҳити.** Сув жуда кўплаб организмлар учун яшаш муҳити бўлиб хизмат қиласди. Улар сув муҳитидан ҳаёт учун зарур бўлган моддалар олади: озиқлар, сув, газ. Сув муҳитида яшовчи организмлар *гидробионтлар* деб аталади. Организмлар сув қатламида ёки унинг тубида яшайдилар. Сув қатламидағилар *планктон* экологик гуруҳини, сув тубида яшовчилар эса *бентос* экологик гуруҳни ташкил этади.

Сувда яшайдиган организмлар ўзларининг ҳаракатланиши, нафас олиш, озиқланиши ва кўпайиш усуллар бўйича сув муҳитининг асосий хусусиятларига мослашган. Сув муҳити қўйидаги яшаш жойлари сифатида учрайди: чучук ва шўр сув, кўлмак ва оқар сув, чуқур ва сайёз, илиқ ва совуқ ва ҳаказо.

Айниқса, океан-дengizларда кўплаб ҳайвонлар яшайди. Океан-дengиз суви босими ундаги ҳаётни белгилайди. Сувнинг шўрланиши даражаси ҳам катта аҳамиятга эга. Сув ҳарорати, ёруглик ҳам организмлар учун муҳим ҳаётий омилдир. Ёруглик кучи ва таркиби океан тубига қараб ўзгаради.

**Ер усти-ҳаво муҳити** эволюция жараёнида сув муҳити томонидан ўзлаштирилган. У анча мураккаб ва хилма-хилдир. Ер усти —

ҳаво тирик тузилмаларнинг анча юқори даражасини талаб этади. Ердаги бўлган организмлар ҳаётининг энг муҳим омили уларни ўраб турган ҳаво массасининг таркиби ва хусусияти ҳисобланади. Ҳаво зичлиги сувникига қараганда анча кичик, шунинг учун ҳам ер устидаги организмларнинг таянч тўқималари, ички ва ташқи скелети кучли ривожланган. Ҳаво оқими ва ундаги бошқа ўзгаришлар барча тирик организмларга межаник, биологик (физиологик, анатомик, морфологик), географик таъсир кўрсатади.

Ерда яшайдиган ҳайвонларнинг ҳаракат шакллари, масалан, чопиш, сакраш, ўрмалаш, парвозлари жуда хилма-хилдир. Ҳавода қушлар ва учувчи ҳашаротлар ҳаракатланади. Ҳаво оқими ўсимлик ургулари, споралари, микроорганизмарини бир жойдан бошқа жойларга элтади.

**Тупроқ** — қуруқликнинг говак, унумдор юқори қисмидир. У тирик жонзотларнинг ҳаётий фаолияти натижасида қайта ишланган минерал зарралардан ҳосил бўлган. Бу биосферанинг муҳим ва жуда мураккаб компоненти. У биосферанинг бошқа қисмлари билан узвий борглиқдир. Тупроқда ўсимликлар, микроорганизмлар ва баъзи умуртқасиз ҳайвонлар яшайди. Тупроқ ҳаёти гайритабиий равища бойдир. Тупроқ зарралари орасида сон-саноқсиз бўшлиқковаклар бўлиб, улар сув ёки ҳаво билан тўлиб туради. Шунинг учун ҳам тупроқни сув билан яшовчи ёки ҳаво билан нафас олувчи организмлар тарзида тасаввур қилинади. Тупроқ ўсимликлар ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга.

Кўплаб организмларнинг танаси ёки жисми бошқа организмлар учун ҳаётий муҳит бўлиб хизмат қиласи. Равшанки, бошқа организмлар ички ҳаёти очиқ муҳитдаги ҳаёт билан таққосланганда катта барқарорлиги билан характерланади. Шунинг учун ўсимлик ёки ҳайвон танасида ўзига маскан топган организмлар эркин ҳаракатланувчи турлар учун хос (зарур) бўлган системалар ва органларини кўпинча бутунлай йўқотади. Ҳис қилиш ёки ҳаракат органлари ўрнига уларда ўзини хўжайинининг танасида тутиб туриш ва самарадор кўпайиш қобилияти (кўпинча жуда такомиллашган тарзда) юзага келади.

### 3.2. Организмларнинг муҳит ҳосил қилувчи фаолияти

Тирик организмларга фақат уларни ўраб турган атроф-муҳит таъсир этибина қолмайди, балки улар ҳам ўз яшаш муҳитига фаол таъсир кўрсатади. Ҳаётий фаолият натижасида муҳитнинг физикавий ва кимёвий хусусиятлари (ҳаво ва сувнинг газ таркиби, тупроқ тузилиши ва хусусияти, ҳатто жой иқлими) сезиларли даражада ўзгарамади.

Ҳаётда мұхитта күрсатиладиган энг оддий таъсир механик таъсир ҳисобланади. Ин қуриши, йұлак ва излар қилиши орқали ҳайвонлар тупроқ хусусиятни кучли ұзғартиради. Тупроқ баланд ұсиммилклар илдизлари таъсирида ҳам ұзғаради. У зичлашади, шамол ёки сув оқимининг бузувчи таъсирига чидамлироқ бұлади.

Сув қатламида яшовчи қисқычбақа-чиганоқ (рачки)лар, ҳашарот личинкалари, моллюскалар, күплаб балиқлар үзига хос озиқланиши тури — фильтрацияға эга. Бу ҳайвонлар оғиз аппарати орқали доимий равища сув үтказиб, гүё у орқали узлуксиз равища қаттиқ суюқликлардаги озиқ моддаларни "сузадилар". Бу фаолият сувнинг сифатига катта таъсир күрсатади. Уни табиий сувларни доимий равища тозалаб турадиган бұлған фильтртегі қиёслаш мүмкін.

Бироқ механик таъсир үнчалик кучли эмас. Организмлар мұхитининг физик ва кимёвий хусусиятига кучлироқ таъсир күрсатади. Бу ерда яшил ұсиммилкларнинг ролини алоҳида таъқидлаб үтиш мүмкін. Улар туфайли атмосферанинг таркиби шаклланади. Фотосинтез ҳодисаси туфайли атмосфера ҳаёт учун зарур бұлған кислород билан таъминланади. Маълумки, атмосферадаги кислородсиз ерда бирор организм ва ҳатто инсон ҳам яшай олмайды.

Ұсиммилклар тупроқ әритмасидан күп миқдордаги сувни ва унда әриган моддаларни илдизлари, новдалари, барглари орқали пастдан юқорига силжитади. Тирик организмлар кимёвий элементларнинг глобал күчишида мұхим тармоқ ҳисобланади. Тирик организмлар туфайли биосфера да моддалар алманишуви доимий равища содир бұлади.

Организмлар таркиби ва ҳосилдорлигига ҳал қилювчи аҳамияттаға эга таъсир күрсатади. Уларнинг фаолияти туфайли, хусусан, организмларнинг үлк илдизларини, түкілған барглари ва бошқа үлк түқималарни қайта ишлаши натижасиди тупроқда алоҳида модда — гумус ҳосил бўлишида күплаб организмлар иштирок этади. Масалан, бактериялар, замбруглар, содда бургалар, күп оёқлилар, ёмғир қуртлари, ҳашаротлар ва уларнинг личинкалари, ўргимчаклар, моллюсклар, крот ва бошқа ер тешувчиларни тилга олиб үтиш мүмкін. Улар озиқланиб, үлк организм моддаларни нафақат гумусга айлантиради, балки аралаштиради, минерал зарраларга құшади ва шу билан тупроқ тузилишини шакллантиради.

### 3.3. Экологик ресурслар

Организмларнинг ҳаёттің фаолияти жараёніда жалб этиладиган модда ва энергия **ресурслар** дейилади. Тирик мавжудотлар ресурслари бу асосан таннинг тузилишга сарфланадиган

моддалар ва ҳаёттй фоалияти учун зарур бўладиган энергиядир. Баъзан фазо ҳам ресурс ҳисобланади. Лекин бунда у организм ҳаёттй фоалиятининг зарурий шарти бўлмоги зарур.

Яшил ўсимлик танаси органик моддалардан ташкил тонган. Уларни ўсимликнинг ўзи ноорганик моддалардан ҳосил қиласи. Бу модда яшил ўсимликнинг озиқ моддаси ҳисобланади. Фотосинтез ва ўсимлик учун эса қўёш нуридан олинадиган энергия зарур бўлади.

Қўёш нури энергетик ресурсдир. Яшил ўсимликларнинг ўзлари ўтхўр ҳайвонлар учун, улар эса ўз навбатида, бошқа йиртқич ва паразитлар учун озиқ ресурси ҳисобланади. Ўтхўр ҳайвонлар ўлганидан кейин мурдаларидағи энергия ва модда микроорганизмлар учун озиқ ресурс бўлади. Ўсимликлар тупроқдан эритмалар орқали ёки сувдан оладиган минерал моддалар муҳим озиқ ҳисобланади. Азот, фосфор, олтингугурт, кальций, магний, темир ва бошқалар озиқ моддалар ҳисобланади.

### 3.4. Организмнинг иссиқлик баланси

Ҳар қандай организм яшashi учун энергия сарфлаш талаб этилади ва иссиқлик истеъмолига эҳтиёж сезилади. Иссиқлик туфайли организмда асосий биологик ва физиологик реакциялар амалга ошади.

Организмда содир бўладиган ҳар қандай жараён энергиясиз кечмайди. Энергия организмнинг ҳаракати, ўсиши, кўпайиши ва ҳаёттй фоалиятининг бошқа турларини таъминлаш учун сарфланади. Организмлар барча зарурий энергияни чеклаган миқдорда ташқаридан олади. Организмнинг иссиқлик баланси — бу вақтнинг бирор даврида олинадиган ва ташқи муҳитга бериладигап иссиқлик миқдорлари ўртасидаги нисбатdir. Умуман, бу катталиклар аниқ мувозанатда бўлиши керак. Акс ҳолда организм ё қизиб кетади, ё совийди. Иссиқлик баланси энергия алмашиниши билан узвий боғлиқдир.

Иссиқлик балансини таъминлаш атроф-муҳит ва организм ҳарорати ўртасидаги қатъий мувофиқлик ҳисобланади. Ўртача йиллик ҳарорат ернинг ҳар қандай нуқтасида деярли ўзгармайди. Бундай ҳолларда зарурий иссиқликни организм фақат ташқаридан олиши мумкин. Ўз иссиқлигини атроф-муҳитдан оладиган организмлар **экторемлар** дейилади.

Биокимёвий оксидлаш реакцияси ҳисобига ўз иссиқлигининг катта қисмини ҳосил қиласидаган организмлар **эндотермлар** дейилади. Ўсимликлар ва кўплаб ҳайвонлар экторем организмлар ҳисоб-

ланади. Қүшлар ва сут эмизувчилар эндотерм организмларга мисол бўла олади.

### 3.5. Экологик ниша

Экологиянинг асосий тушунчаларидан бири — "экологик ниша"дир. Бу тушунча организм нималарга муҳтож бўлишини, яъни барча зарурый шарт-шароитлар ва истеъмол ресурслари, шунингдек, айни тур биотик туркумда қандай рол ўйнаши борасидаги умумий кўрсаткични ифодалашга олиб келади. Экологик ниша организмларнинг муҳит шарт-шароитларига қандай мослашишини, уларга қандай реакция беришини кўрсатади.

Ҳатто муҳитнинг айни қисмидаги шарт-шароитлар ва ресурслар организмнинг айни тури учун жуда яхши бўлса-да, лекин унинг узоқ мавжуд бўлиши учун бошқа турларнинг вакиллари, масалан, йиртқичлар, паразитлар ёки рақобатчилар тўсқинлик қилиши мумкин. Шунинг учун биотик ўзаро таъсир ҳам ниша тушунчасига киради. Шуни англамоқ муҳимки, экологик ниша кўзга кўринмайди. Экологик ниша — мавҳум тушунча бўлиб, организм учун барча зарурый шарт-шароитлар ҳамда зарурий миқдордаги истеъмол ресурсларини, яъни у муҳтож бўладиган барча нарсани ифодалайди.

Айни бир яшаш жойи қўплаб нишаларни тутдириши мумкин. Ўрмон массиви, масалан, кичик қушлар, эманлар, ўргимчаклар, бошқа қўплаб ҳайвон ва ўсимликларга экологик нишалар тутдириши мумкин. Айни бир яшаш жойдаги турларнинг нишалари бир-бирларидан сезиларли даражада фарқ қиласадилар.

Биогеоценоздаги барча тур популляцияларининг органик моддаларни ҳосил қилувчи, истеъмол қилувчи ва тўпловчи сифатида фаоллик кўрсатиши экониша деб аталади. Бошқа фикрга кўра, экониша турнинг тирик организмлар орасида тутган ўрни, унинг озуқа ва йиртқич (душман)ларига бўлган муносабатидан иборат. Тур (популляция)нинг бирор эконишага мансублиги ушбу организмнинг озиқланиш характеристи, озуқани топишига боғлиқ. Масалан, ўсимлик биоценозда бир неча экологик нишаларнинг ҳосил бўлишида иштирок этади. Улар орасида ўсимликнинг илдизи, барги ёки гуллари, мевалари, ширасидан озиқланувчи турлари бўлиши мумкин.

### 3.6. Биосфера тушунчаси

Биосфера — (юнонча *биос* - ҳаёт, *sphaira* - шар) тирик мавжудотлар тарқалган ер қобигидир. Унинг таркиби, тузилиши ва энергетикаси тирик организмлар фаолияти мажмуаси билан белгила-

нади. Биосфера ўзида тирик ва нотирик компонентларни бирлаштиради ҳамда бир бутунликни ташкил этади. У лигосферанинг юқори қисмини, бутун гидросферани, тропосфера ва стратосферанинг қуий қисмини ўзида қамраб олган. Биосфера тұгрысидаги таълимотни академик В.И.Вернадский янада ривожлантирган. Экология учун биосфера таълимотининг аҳамияти жуда күттәдір. Чунки биосфера тирик ва нотирик табиатнинг олий даражадаги ўзаро таъсири ва экотизимлар мажмудан иборатдір.

Умуман, биосфера тушунчаси иккى хил маънода таърифланған. Бирида биосфера Ердаги барча тирик организмларнинг мажмусаси тарзида тушунилған. В.И.Вернадский эса тирик ва нотирик тизимларнинг ўзаро таъсирини ўрганиб, биосфера тушунчасини янги маънода аңглайды. У биосфераны тирик ва нотирик табиатнинг бирлиги соҳаси тарзида тушуннади.

Олимнинг биосфера тушунчасини бундай талқин қилиши Ерда ҳаёттинг пайдо бўлиши муаммосига бўлган қараашларини ифодалайди. У бир неча варианлардан иборат: 1) ҳаёт Ер пайдо бўлгунга қадар юзага келган ва уни бутунлай қамраб олган; 2) ҳаёт Ер пайдо бўлгандан кейин юзага келган; 3) ҳаёт Ернинг шаклланиши жараёнида юзага келган.

В.И.Вернадский учинчи вариантни маъқуллаган ва бизнинг сайёрамизда қачонлардир ҳаёт излари ёки тириклик намунаси бўлмагани ҳақида ишончли илмий далил йўқлигини эътироф этган. Бошқача айтганда, унинг назарида биосфера Ерда ҳамиша бўлган. Шундай қилиб, олим биосфера деганда Ернинг нозик қобигини тушунгандай. Ундаги барча жараёнлар тирик организмларнинг бевосита таъсирида кечади. Биосфера узоқ тарихий даврлардан бошлиб доимо ривожланишади. У она сайёрамиздаги ҳаёт қобигини, тирик организмларнинг ўзаро чамбарчас алоқа ва муносабатларидан иборат мураккаб экологик тизимлар мажмунини ташкил этади.

Атмосферада ҳаёттинг энг юқори чегараси 16-20 қм баландликдаги юпқа озон қатлами билан белгиланади. Океанларнинг ҳам деярли барча қисмида ҳаёт мавжуддир. Ернинг қаттиқ қисмида ҳаёт 3 қм ва ҳатто ундан ҳам чуқурроққа кириб борган (нефт конларидаги бактериялар).

Ер сиртида кимёвий элементларнинг тарқалишини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, тирик моддаларда мужассамлашмаган бирорта элемент йўқ. Академик В.И. Вернадский таърифланған биогеокимёвий тамойиллар қуийдагича:

1. Биосферада кимёвий элементларнинг биоген миграцияси мавжуд бўлиб, у ўзини максимал даражада намоён этишга интила-

ди. Афсуски, бугунги кунда бу тамойил инсон фаолияти доираси кенгайиши туфайли бузилган.

2. Тұрларнинг эволюцияси атомларнинг биоген миграциясини тобора күчайтиради.

3. Тирик модда ўзини ўраб турған атроф-муҳит билан узлуксиз равища кимёвий алмашинувда бўлади.

Бу тамойиллар бузилган ҳолда биосфера фаолиятини таъминлаб турған космик таъсирлар уни емирувчи омилга айланиши мумкин.

Хўш, бундан қандай хуносалар келиб чиқади?

Табиатдаги ҳар қандай организмлар нотирик табиат билан доимий узвий bogliq шароитидагина мавжуд бўла олади; ҳаёт ўзининг бутун намоён бўлиши жараёнида сайёрамизда катта ўзгаришлар келтириб чиқарган. Эволюция жараёнида такомиллашиб борган тирик организмлар бутун сайёра бўйлаб кенгроқ тарқалган ҳамда энергия ва модданинг қайта тақсимланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

### 3.7. Ноосфера ғояси

Эндилиқда инсоннинг ўзи яшаётган муҳит билан ўзаро муносабати глобал характер кашф этди. Бу эса ноосфера тушунчасининг юзага келишига сабаб бўлди. Ноосфера — (юнонча *noos* - ақд, *sfera* - шар) Ернинг "аклли қобиги" деган маънони англатади. Ноосфера биосфера тараққиётининг инсон жамияти пайдо бўлган олий босқичидир.

Ноосфера атамасини фанга Ле-Руа киритган. Кейинчалик ноосфера концепцияси юзага келди. Уни Тейлер де Шарден ривожлантирди. Унинг фикрига кўра, ноосфера — бу сайёранинг келгусидаги эволюцияси йўналишини назорат қиласидиган ва идеал нуқтада табиий жараёнлар билан уйгун ҳолда бирлашиб кетадиган жамоа онгидир. Бу бирлашиш молекулалар, ҳужайралар ва организмлар яхлитлигининг ҳосил бўлиши ҳолатига ўхшаб кетади. Бу хусусда Тейлер де Шарден қуйидагиларни ёзди: "Биз айни бир буюк жараённинг кетма-кет босқичларини узлуксиз равища кузатамиз. Геокимёвий, геотектоник, геобиологик пульсациялар дейилганда ҳамиша айни бир теран жараённи англаш мумкин. Бу жараён илк ҳужайраларда моддийлашиб, асаб тизимлари яралishiда давом этади. Айтиб ўтканимиздек, геоғеноз биогенезга айланади. Бу эса охир-оқибатда муқаррар равища психогенезга олиб келаади... Психогенез эса бизни инсонга айлантирган. Эндилиқда пси-

хогенез ҳам ўзининг ривожланиш босқичидан ўтиб, секин-аста гойиб бўлмоқда. У энди мутлақо ўзгариб боради ва ўзининг янада олийроқ босқичига утади. Натижада дастлаб руж-ноогенез юзага келади ва кейинчалик ривожланади. Бу гояга кўра, тадрижий такомил асосида инсоният ва атроф-муҳит ягона тизим — ноосферани ҳосил қиласди».

В.И. Вернадскийнинг фикрича, ноосфера биосфера ҳолатининг шундай турики, унда юзага келган ақд сайдерада мисли йўқ геологик кучга айланадиган инсон фаолияти (иши)га йўналиш беради.

Умуман, инсон ўзининг табиий биогеокимёвий циклларга кучли таъсир кўрсатा�ётганини глобал миқёсда англаши унинг глобал тизим устидан янада оқилона мақсадга йўналтирилган ҳолда назорат олиб боришга йўл очиб беради.

Ноосфера гоясида инсон ва табиат ўзаро таъсирининг ҳозирги замон босқич йўналишларидан бири инсоннинг табиий муҳит билан бирлигининг глобал характеристи тўла даражада акс этган. Бу гоянинг яратилиши даврида инсон ва табиат ўзаро таъсирининг зиддиятли кўриниши ҳозиргидек кучли эмас эди. Кейинги ўн йилларда экологик ҳолат таназзули билан боғлиқ бўлган бу зиддиятнинг янада кескинлашгани кузатилди.

Инсон ўзининг бутун мавжудлиги давомида биосферани кучли ўзгартириб юборди. У Ер юзидағи тирик жонзотларни сунъий равища камайтириди, аммо уларни яна қайта кўпайтириш борасида гамхўрлик қилмади. Бу ҳоллар биосферанинг антропоген ўзгариши анча теранлашганидан далолат беради. Биосфера техносфера-га айланиб бормоқда.

Боз устига антропоген таъсир йўналиши биосфера эволюцияси йўналишига мутлақо тескаридир. Антропоген таъсиrlар табиатнинг табиий тизимини бузмоқда. Туrlарнинг бевосита йўқолиб кетиши оқибатида бутун тириклик катта зарар кўриб, деструктив ҳолатга тушиб қолиши мумкин. Айнан бу жараён мавжуд экотизимни бузувчи айрим организмларнинг кўпайиб кетиши тарзида кечади. Шундай қилиб, ҳали инсон келгусида ақлли соҳани яратса олдими ёки бўлмаса, ўзининг нооқилона фаолияти туфайли ўзини ҳам, барча тирик мавжудотларни ҳам ҳалок этадими, деган саволга жавоб топиш қийиндир.

Инсон бугунги кунда нафақат Ерда, балки кенг фазога ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу боис бугунги кунда ноосфера тушунчасидан кўра ноотизим тушунчаси кўпроқ ўринлидир. Чунки инсон ҳам сайдеравий, ҳам фазовий миқёсларда фикрламоқда. Ноосфера тушунчаси эса Ердаги ҳаёт — "ақлли қобиқ" тушунчаси билангина чегараланиб қолади. Экологик муаммо ноотизим нуқтаи

назаридан талқин этилгапда инсоннинг фазовий мувозанати ҳам назарда тутилади.

Ноосфера концепциясида эътиборга олинмаган яна бир муҳим мулоҳаза мавжуд. Инсон ўзи яшаб турган муҳитга нафақат ақлий, балки ҳиссий жиҳатдан ҳам таъсир кўрсатади. Зоро, инсон ақлли мавжудот бўлиши билан биргаликда кучли ҳиссиёт эгаси ҳамдир. Ҳиссий ва ақлий компонентлар мураккаб тарзида чатишиб кетганди.

Албатта, ҳиссиётни ақддан ажратган ҳолда алоҳида қараб бўлмайди. Ҳиссийлик англаниши ёки англанмаслиги ҳам мумкин. Уларни маълум даражада фарқлаш эса масалани бир томонлама талқин этишдан холос этади.

Ноосферани қандайдир экологик идеал тарзида тушунмаслик керак. Чунки экологик нуқтаи назар ҳамиша ҳам яхши бўлавермаслиги мумкин. Ақл ҳақидаги тушунчанинг ўзи тарихий жиҳатдан ўзгарувчандир. Масалан, барча ҳозирги замон технологик схемалар, албатта, сўзнинг анъянавий маъносида, ақлга асосланилган ва оқилона ҳисобланса-да, кўпинча салбий экологик самаралар беради. Айни вақтда, табиатга муҳабbat тарзидағи ҳис-туйгу ҳам оқилона талқин этилмаслиги мумкин. Шундай бўлса-да, у умумий экологик ҳолатга ижобий таъсир кўрсатади.

Бироқ ноосфера концепцияси шу билан қадрлики, у инсон ва табиат бирлигини ифодалайди. Бу ноогенез жараён тарзда намоёни бўлади. Бу жараён эса "инсон — атроф-муҳит" тизимининг шаклланишига олиб келади. Ноогенез — алоҳида тур сифатида мавжуд бўлган инсон моҳияти шаклланишининг йўналишларидан биридир. Уни тўхтатиб ҳам бўлмайди. Инсон тур сифатида ўз моҳиятида мавжуд бўлган имкониятларини камол топтириб, тобора фаоллашиб бораверади. Табиатда ўз мақсадларини амалга оширишга интилиш, афтидан, инсоннинг табиат билан ўзаро муносабатлари истиқболини белгилашда асосий масала бўлиб қолаверади.

Умуман, ноосфера концепцияси кўпроқ ибтидоий қарашларни ва хомхәлликни эслатади. Ноосферанинг шаклланиши — имконият, аммо зарурат эмас. Бу концепциянинг моҳияти шундаки, у эҳтимолий келажакнинг конструктив моделини беради. Тўгри, бу гоя маълум даражада чеклиди. Унда инсон, энг аввало, ақлли мавжудот тарзида қаралади. Бироқ индивидлар ва айниқса, жамият оқилона тартибларга камдан-кам ҳолларда амал қиласи. Ҳозирги шароитда инсоният ноосфера сари интилмас экан, у фараз тарзида мавжуд бўлиб қолаверади.

## 4-боб. ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАР

### 4.1. Экологик омилларнинг организмларга таъсири

Ерда ҳаёт пайдо бўлгандан буён тирик организмлар ташқи муҳитдаги ҳар хил ўзгаришлар таъсирига дуч келади.

Бизнинг она сайдерамизда мавжуд бўлган ҳайвонлар, ўсимликлар ҳамда ҳаёт кечираётган бошқа организмлар ёки жонзотлар сонининг сероблиги ва географик тарқалишига бевосита ёки бевосита таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ташқи омиллар экологик омиллар деб аталади.

Ўз табиатига кўра, шунингдек, тирик организмларга кўрсатадиган таъсири бўйича экологик омиллар жуда хилма-хилдир. Муҳитнинг барча омили шартли равишда учта катта гурӯҳга ажратилади. Булар **абиотик**, **биотик** ва **антропоген** омиллардир.

**Абиотик омиллар** — бу нотирик табиат омиллариридир.

**Иклимий омиллар:** қуёш нури, ҳарорат, ҳаво намлиги.

**Маҳаллий омиллар:** рельеф, тупроқ хоссалари, шўрлик, оқим, шамол, радиация ва бошқалардир.

Бу омиллар организмга бевосита ёки билвосита таъсир қиласди. Масалан, ёргулук ва иссиқлик бевосита таъсир кўрсатса, рельеф бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар — ёритганлик, намлик, шимол ва бошқаларнинг таъсирини белгилайди.

**Биотик омиллар** — тирик организмларнинг бир-бирига ўзаро таъсири мажмуи. Улар турли шаклда таъсирлашиши мумкин. Масалан, ўсимликларнинг ҳашаротлар билан чангланиши, бир турдаги организмларни бошқаларнинг ейиши, ресурсларнинг у ёки бу тури: озиқ, фазо, ёргулук ва бошқалар учун организмлар ўртасидағи рақобат, паразитизм ва бошқалар. Биотик ўзаро муносабатлар жуда мураккаб ва ўзига хос характерга эга. Шунингдек, улар бевосита ва билвосита бўлиши мумкин.

**Антропоген омиллар** — бу инсон фаолиятининг шундай шаклини, улар артоф-муҳитга таъсир этиб, тирик организмларнинг яшаш шароитини ўзgartиради ёки ҳайвон ва ўсимликларнинг айрим турларига бевосита таъсир қиласди. Энг муҳим антропоген омиллардан бири муҳитнинг ифлосланиши ҳисобланади. Бошқача айтганда, антропоген омил инсон ва унинг хўжалик фаолиятининг тирик организмларга ва бутун табиатга турли хил таъсирлари мажмуини ташкил этади.

Экологик омилларнинг организмга таъсир этиши характери хилма-хил бўлса-да, лекин уларнинг барчаси учун бир неча умумий қонуниятлар мавжуддир.

Экологик омиллар организмга **жуда кучли** (максимум), **жуда кучсиз** (минимум), **ижобий** (оптимум) таъсир этиши мумкин. Омилларнинг

қулай (ижобий) таъсир **оптимум** деб аталади. Ундан узоқлашилган сари омиллар ноқулай таъсир этади. Масалан, маълум ҳароратлар ( $16^{\circ}$ - $38^{\circ}$ ) ўсимликнинг ўсиш-ривожланиши учун қулай, ундан юқориси ноқулай ҳисобланади. Минимум ва максимум чегаралари **кескинлик нуқтаси** деб қаралади. Кескинлик нуқталаридан ортиқ куч таъсири организмнинг нобуд бўлишига олиб келади.

Мұхитнинг бирор омилга кенг доирада мослашган турлари "эври" олд қўшимчасини қўшиш ёки тор доирада мослашган турлари "стено" қўшимчасини қўшиш билан номланади. Масалан, эври-терм, стенотерм (ҳароратга нисбатан), эвригал, стеногал (шўрлашибига нисбатан), эврибат, стенобат (босимга нисбатан) ва ҳоказо. Организмнинг омилга нисбатан кескинлик нуқталари орасидаги чидамлилик чегараси унинг **экологик валентлиги** дейилади. Турли экологик омилларга нисбатан **экологик валентликлар** йигиндиси турнинг **экологик спектри** дейилади. Масалан, ўсимликнинг шўрлик, қўргоқчилик ва юқори ҳароратга мослашуви унинг экологик спектрини ташкил этади.

Хар бир омил организмнинг ҳар хил функцияларига турлича таъсир этади. Бир ҳаёт фаолияти учун оптимум таъсир иккинчи бир жараён учун максимум бўлиб ҳисобланиши мумкин. Масалан,  $40\text{--}45^{\circ}\text{C}$  ҳарорат совуқ қонли ҳайвонларда модда алмашинув жараёнини тезлаштиради, аммо бунда уларнинг фаоллиги сусаяди. Бу ҳолда улар ухлайди.

Айрим индивидларнинг ташқи муҳит омилларига чидамлилик чегараси, оптимум, минимум зоналари тўғри келмайди. Бирор-бир омилга нисбатан чидамлилик даражаси унинг бошқа омилларга чидамлигини ифодаламайди. Айрим турларнинг экологик спектрлари ҳам бир-бирига тўғри келмайди. Мұхитнинг айрим экологик омиллари организмга бир вақтда таъсир этади ва бир омилнинг таъсири бошқа омилнинг миқдорига bogлиқ бўлади. Бу омилларнинг ўзаро таъсир қонунияти дейилади. Организмнинг маълум шароитда яшashi қуийи даражадаги омил билан белгиланади. Масалан, чўлда организмнинг кенг тарқалишига сув ва юқори ҳарорат чекловчи омил бўлиб ҳисобланади.

## 4.2. Абиотик омиллар

Абиотик (юнонча "*a*"-инкор, "*бιος*"-ҳаёт) омиллар — нотирик табиат элементлари: иклим (ҳарорат, намлик, ёргулук, ҳаво), тупроқ, рельеф. Абиотик омиллардан энг муҳими иқдим ҳисобланади. Айни жойдаги ўсимликларнинг тури унга bogлиқ бўлади. У ўз на-вбатида, ҳайвонот олами ва туркумлар қиёфасини белгилайди. Иқлим қатор омиллардан юзага келади.

**Ёруглик.** Иқдим, энг аввало, қүёш нурига болғық. Қүёш нури ўсимликларнинг физиологик функцияси, тузилиши, ўсиш ва ри-вожланиши тезлигига турли даражада (метъерий, кучли, кучсиз) таъ-сир кўрсатади. Қүёш нурининг биологик таъсири жадаллиги, спек-трапл таркиби, фаслий ва кунлик даврийлиги билан белгиланади. Бунга болғық ҳодда тирик организмлардаги мослашувчанлик хусу-сияти — фаслий ва минтақавий характерга эга бўлади.

Кўзга кўринмайдиган ультрабинафша нурлар барча жонзот-лар, бутун ҳаёт учун хавфлидир. Бундай нурланишнинг асосий қисмини атмосферанинг юқори қисмида жойлашган озон қатла-ми тутиб қолади. Шунинг учун ҳам, тирик организмлар фақат озон қатлами оралиғида мавжуддир. Кўринмас спектр (нурлар) ўсимлик ва ҳайвонларга жуда зарадир. Энг муҳими, ёргулук ту-файли ўсимликларда фотосинтез жараёни содир бўлади. Ёргулук ҳайвонлар ва инсон учун ҳам муҳим омил ҳисобланади. Чунки у фаоллик даражасини белгилаб беради.

Инфрақизил нурлар — иссиқлик энергия манбаи. Аммо уни инсон ва ҳайвонлар кўра олмайди. Уларни организм тўқималари жуда яхши ютади. Бу эса уларнинг қизицига сабаб бўлади. Инфра-қизил нурлар совуққон ҳайвонлар (ўрмаловчи ҳашаротлар) учун, айниқса муҳимдир. Улар бу нурлардан ўз таналарини иситиш учун фойдаланадилар.

Қўёш энергияси ёргулук тартиби (режими)ни яратади. У гео-график кенглиг ва рельефга болғық равишда ўзгаради. Ернинг айланиши билан болғық ҳолда ёргулук тартиби аниқ кунлик ва мавсумий даврийликка эга. Кеча ва кундузнинг маълум давомий-лигининг даврий ўзгариши натижасида организмнинг ёритишнинг суткалик тартибига реакцияси **фотодаврийлик** дейилади. Фотодав-рийлик биологик соатлар механизми билан болғық. Организмлар функцияларини циклик ўзгартиришга қодир. Биологик соатлар худди ана шу жараёнда намоён бўлади. Биологик соатлар атроф-му-ҳитдаги ўзгаришларга мос ҳолда физиологик муаммони белгилаб беради. Ўсимликлардаги сутка(кун)лик фотодаврийлик фотосинтез жараёнларини назорат қилади. Ҳайвонларда эса кундузги ва тунги ҳаёт тарзига мослашиш юзага келган.

Ёритганилик даражаси ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Ўсимликларнинг сояда ёки ёргулук таъсирида ўсиши(шароитлар)га қараб бир неча гуруҳга ажратилади. Масалан, ёргувесар ўсимликлар (дашт, чўл, дала жойлардаги ўтлоқзор, ўрмондаги баланд бўйли даражатлар), соясевар ўсимликлар (пастки қатламларда ўсувчи моҳлар, плаунлар, тог гунафшаси ва бошқалар) ва сояга чидамли ёки гелиофит ўсимликлар (қўнгирбош, оқ сўхта, қулпуний, шум-рут, қорақарагай қабилар).

Албатта, ёргесвар ва соясевар ўсимликлар ўзларининг морфологик, анатомик ва физиологик тузилиши ҳамда хусусиятларига кўра бир-бирларидан фарқ қиласидар.

**Мавсумий маром** — организмнинг йил фасллари ўзгаришига реакцияси бўлиб, у фотодаврийлик билан тартибига солинади. Масалан, кузнинг қисқа кунлари бошланиши биланоқ ўсимликлар ўз баргларини тўкиб, қиши оромга ҳозирлик кўра бошлади. Қиши ором — кўп йиллик ўсимликларнинг мослашув хусусияти бўлиб, бу вақтда улардаги бошқа кўплаб ҳаётий жараёнлар ҳам маълум даражада секинлашади ёки тўхтайди. Қиш мавсумида ҳайвонларнинг фаоллиги сезиларли даражада пасаяди. Қушларнинг бошқа иссиқ ўлкаларга оммавий тарзда учиб кетиши учун кун узунлигининг ўзгариши хабар ҳисобланади. Кўплаб ҳайвонлар қиш уйқусига киради. Бу эса уларнинг қиш фаслининг ноқулай шароитларига ўзига хос мослашув тарзиdir.

**Ҳарорат** — ҳаётий жараёнларни чекловчи муҳим омиллардан бири. Организмда барча ҳаётий жараёнлар тананинг маълум ҳароратида, асосан  $+10\dots+40^{\circ}\text{C}$  оралигига кечади. Фақат айрим организмларгина жуда юқори ҳароратли ҳаётга мослаша олган. Умуман, Ер курасида организмларнинг кўпайиши, тарқалиши ва бошқа ҳаётий жараёнларни белгилашда ҳарорат асосий омиллардан биридир.

Ҳайвои ва ўсимликлар ҳаётида ҳам ҳарорат катта аҳамиятга эгадир. Ўзининг доимий тана ҳароратига эга бўлган ҳайвонлар гомойотерм — иссиқ қонли ҳайвонлар дейилади. Улар ўзларининг тана ҳароратини сақлаган ҳолда иссиқ-совуққа мослаша олади ва атроф-муҳит ҳароратига жуда кам даражада боғлиқ бўлади. Ўз танаси ҳароратини доимий равишда сақлаш қобилияти ҳайвонларнинг муҳим экологик мослашуви ҳисобланади. Бундай ҳайвонларга сут эмизувчilar ва қушларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ташки муҳит таъсирига кўра ўз танаси ҳароратини ўзгартирувчи, яъни доимий (қатъий) тана ҳароратига эга бўлмаган ҳайвонлар **пойкилотермлар** — совуқ қонли ҳайвонлар дейилади. Атроф-муҳит ҳарорати ошиши улардаги барча физиологик жараёнларни кучли тезлаштиради. Бу эса улар феъл-атворини ўзгартиради. Масалан, калтакесаклар ҳарорати  $+37^{\circ}\text{C}$  бўлган миintaқаларда яшашни маъқул кўради. Ҳароратнинг кўтарилиши билан боғлиқ ҳолда айрим ҳайвонларнинг ривожланиши босқичлари ҳам тезлашади. Кўплаб совуққонли ҳайвонлар учун анабиоз ҳодисаси характерлидир. Бу вақтинчалик ҳолат бўлиб, бунда ҳаётий жараёнлар сезиларли даражада пасаяди ва ҳаётнинг кўринимас белгилари йўқолади.

Ўсимликлар ҳам икки экологик гуруұға, яъни иссиқлик (қарорат) таъсирида яхши үсіб ривожланадиган **термофил** ва паст қарорат таъсирида яшовчи **психрофил** ўсимликларга аж-ратилади.

Ўсимликлар учун ҳам қарорат ўта муҳимдир. +15...+25°C оралиқда фотосинтез жараёни жадал кечади. Қарорат жуда пасайиб кетганида (0°C дан паст бұлғанда) ўсимликтарда сувнинг музлаб қолишини бартараф этишга имкон берувчи маҳсус механизм ишга тушади. Масалан, ўсимлик ҳужайраларида глицерин, қанд ва бошқа мoddанинг концентратив эритмалари мавжуд бўлиб, қишда улар сувларнинг музлашига ҳалақит беради.

**Намлик.** Ерда барча организмлар мавжуд бўлишининг зарурий шарти сувнинг борлигидир. У ҳужайралар ҳаётий фаолиятининг барча жараёнларида ниҳоятда муҳим рол ўйнайди. Зеро, сувсиз ҳаёт бўлмайди. Намлик тушунчаси ёмғир, сув, туман, қор, қиров, муз билан боғлиқ ҳолда тушунтирилади.

Сув балансини таъминлаш организмнинг асосий физологик функцияси ҳисобланади. Экологик нуқтаи назардан қараганда, сув бошқа омилларга нисбатан кўпроқ чекловчи (лимитловчи) омил ҳисобланади. Бу қуруқлиқда яшовчи организмлар учун ҳам, сув жонзотлари учун бир хил амал қиласи. Масалан, сувнинг шўрла-ниш даражаси юқори бўлса, ундаги организмлар ҳалок бўлади. Ер юзида намлик бир хилда тақсимланмаган. Қуруқлиқдаги кўплаб ўсимлик ва ҳайвонлар намсевар ҳисобланади. Сувнинг етишмаслиги кўпинча организмлар тарқалишини чекловчи сабаб ҳисобланади. Сувнинг мавжудлиги асосан ўсимлик учун экологик омиллардан биридир. Экологик омиллар ўсимликтарнинг ўсиши ва ривожланишини белгилайди. Намлик етишмаслигига мослашиш уларда алоҳида ёрқин ифодаланади (тиканаклар, узун илдизлар, йўғон поялар).

Намлик омили ҳайвонлар учун ҳам аҳамиятлидир. Чўл шароитида яшовчи ҳайвонларнинг кўпчилиги узоқ вақт сувсиз кун кечира олади. Масалан, туялар, антилоплар, қуланлар, сайгаклар. Улар ўзларининг сувга бўлган ташналикларини ўсимликлар билан озиқланиш орқали қаноатлантиради. Қуруқ жойларда яшовчилар тунги ҳаёт тарзини афзал кўради. Бу билан улар ўзларини кундузги иссиқдан ва танасидаги сувни парланиб кетишдан сақладайди.

Даврий қуруқлик пайтида ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳаётий фаоллиги пасайди, намлик етишмаслигидан физиологик ҳаёти су-саяди. Жазирама вақтида ўсимликлар барг ташлайди, ривожланмайди. Айрим ҳайвонлар ёзда уйқута кетади (сўгурлар), баъзилари анабиоз ҳолатига киради.

**Тупроқ.** Ернинг говак, унумдор юза қатлами тупроқ дейилади. Тупроқ кўплаб микроорганизм ва ҳайвонлар учун яшаш муҳити ҳисобланади, шунингдек, унда ўсимликларнинг илдизлари ва замбуругларнинг гифлари илдиз отади. Тупроқда яшовчilar учун унинг тузилиши, кимёвий таркиби, намлик, озиқ моддаларнинг мавжудлиги биринчи даражали омиллар ҳисобланади.

Тупроқда турли ўсимликлардан ташқари бактериялар, замбуруглар, содда ҳайвонлар, чувалчанглар, бўғим оёқлилар ва бошқалар кенг тарқалган.

**Ҳаво.** Атмосферадаги газлар аралашмаси ҳаво қатламини ташкил этган. Ҳаво қатламининг баландлигига қараб, унинг таркиби ва зичлиги ўзгариб боради. Ҳаво, ҳайвон ва организмлар учун нафақат яшаш муҳити, балки экологик омил сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Ҳаво — атмосферани ташкил этган муҳитнинг муҳим омили. Унинг кимёвий таркиби Ернинг эволюцияси жараёни кечишида ташкил топган. Ҳаво таркибида 78,08 % азот, 20,95 % кислород, 0,93 % аргон, 0,03 % углерод икки оксиди, 0,2 % бошқа газлар аралашмалари, 2,6 % сув буглари мавжуд. Ҳайвонлар учун яшаш муҳитининг асосий элементи — кислород, ерда кислород яратувчи ягона манба — яшил ўсимликдир. Кислородни ўсимлик фотосинтез жараёнида ажратади. Кислородсиз ёниш йўқ, метални эритиб, кўплаб кимёвий бирикмаларни саноат йўли билан олиб ҳам бўлмайди.

Аммо атмосферанинг саноат чиқиндилари, транспорт восита-ларидан чиқсан заҳарли газлар билан ифлосланиши ҳавода углерод диоксиди, сероводород, олтингутург оксиди(IV), азот оксиди, углерод оксиди(II) миқдорининг кўпайишига олиб келади. Бу эса атроф-муҳит ҳолатигагина эмас, балки кишилар саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

**Рельеф** — бу ташқи кўриниши, катталиги, юзага келиши, ёши ва ривожланиш тарихи бўйича ҳар хил ер сиртини шакллантириш мажмуидир. Рельеф иқлимининг шаклланишига таъсир қила-ди, дарёлар оқими йўналиши ва характеристери унга боғлиқ. Ўсимлик ва ҳайвонот олами тарқалиши хусусиятлари у билан чамбарчас боғланган. Рельеф инсон ҳаёт тарзига ва унинг хўжалик фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади.

### 4.3. Биотик омиллар

Организмларнинг биотик ўзаро муносабатлари ёки биотик омиллар дейилганда ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганиzmларнинг бир-бирларига ўзаро таъсири тушунилади. Табиатда ҳеч қандай тирик жонзор ўз қобигига ўралиб, айри ҳолда яшай олмайди. Уни табиатнинг кўплаб тирик вакиллари ўраб олган бўла-

ди. Уларнинг барчаси бир-бири билан ўзаро таъсирашади. Организмларнинг ўзаро таъсирашиши, шунингдек, уларнинг ҳаёт шароитларига кўрсатган таъсири муҳитнинг биотик омиллари мажмуини ташкил этади.

Экологик ўзаро таъсиrlар, одатда, ниҳоятда мураккаб характерга эга бўлиб, кўплаб омилларга боғлиқ ва турли шароитларда ҳар хил кечади. Шунинг учун экологик ўзаро таъсиrlарнинг оқибатларини олдиндан билиб бўлмайди.

**Экологик ўзаро таъсиr турлари.** Айни бир ҳудудда яшовчи ва бир-бири билан алоқа қилувчи ҳар қандай организмнинг икки тури ўзаро турли хил муносабатларга киришади.

Барча биотик алоқаларни олти гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Популяциялардан бирортаси ҳам бошқасига таъсиr кўrsatmайди(0,0). Агар икки тур бир-бирига таъсиr қилмаса, улар ўртасида бетарафлик (*нейтрализм*) мавжуд(0,0). Аслида табиатда ҳақиқий бетарафлик жуда кам, чунки барча турлар бевосита бўлмаса-да, билвосита ўзаро таъсирашади. Бу билвосита таъсилашиш самарасини эса, билимларимиз етарли бўлмагани сабабли кўра олмаймиз.

2. Икки турнинг анча мустаҳкам ўзаро фойдали алоқалари (+ +) мутуализм дейилади. Бундай ўзаро фойдали алоқада ҳар иккала турнинг иштирок этиши шартдир. Ҳар икки организм учун фойдали ҳисобланган бундай ўзаро муносабатлар **симбиотик муносабатлар** деб номланади. Масалан, чангланувчи ўсимликлар ва нектар оловччи ёки озиқланувчи, мева ва уруглар тарқатувчи ҳашаротларнинг ўзаро алоқаси бунга мисол бўла олади.

3. Бир тур бошқасига зарар ҳам, фойда ҳам келтирмасдан ўзи қандайдир фойда-устунликка эга бўлса, бундай ўзаро муносабатлар шакли **коммансализм** (+ 0) деб аталади. Масалан, акулалар терисига ёпишиб олиб, унда қолган озуқа қолдиқлари билан ҳаёт кечириувчи крилипала, шунингдек, балиқлар терисига ёпишиб яшовчи гидроид полиплар ва бошқа ҳайвон турлари ўртасидаги муносабатларни эслаб ўтиш мумкин.

4. Икки тур учун ҳам зарарли муносабат *рақобат* (− −) дейилади. Рақобат озуқаси, яшаш жойи яқин бўлган турлар ўртасида юзага келади. Рақобат турлар ичida ёки турлараро бўлиши мумкин. Тур ичидаги курашлар кучли бўлади. Чунки унинг асосида табиий танлаш ва тур ҳосил бўлиш жараёнлари ётади.

Умумий маънода "рақобат" сўзи роқибликни, мусобақани англатади. Агар икки популяция айни бир ресурсдан фойдаланса (айниқса, у агар етарли бўлмаса), улар ўртасида бу ресурсларни эгаллаб олиш борасида роқиблик юзага келиши муқаррардир. Бундай рақобатдан ҳар қайси тур зарар кўради. У организмларнинг яшовчанлиги ва ўсишига, улар популяцияси сонига таъсиr кўrsатади.

5. *Йиртқичлик* (+—) — организмлар ўзаро муносабатларининг кенг тарқалган туридир. Бунда бир тур вакиллари иккинчи тур вакилларини йўқ қиласди, яъни еб қўяди. Йиртқичлик — озиқавий муносабатлар шаклларидан биридир.

Типик йиртқичлик ҳайвонларнинг овлаш табиатда кузатилади. Йиртқичлик фақат ҳайвонларда эмас, балки ўсимликларда ҳам кузатилади. Масалан, ҳашаротхўр ўсимликларнинг ҳашаротга бўлган муносабати — йиртқичлиқdir. Хуллас, бунда бир тур фойда топса, иккинчи тур зумл кўради.

6. *Паразитизм* (+—) — шундай биотик муносабатки, бунда бир турдаги организм (паразит)лар бошқа турдаги организм (хўжайини)нинг тўқималари ёки озиқ моддалари ҳисобига яшайди. Паразитизм йиртқичликка яқиндир. Аммо ҳақиқий йиртқичдан фарқли ўлароқ паразит организм — хўжайнини дарҳол ўлдирмайди, одатда, у тирик хўжайндан ўзининг вақтичалик ёки доимий яшашиб жойи сифатида фойдаланади. Паразит ўз ҳаётини таъминлаб турган хўжайнини секин-аста ҳалок этади. Паразитлик ўсимликлар орасида ҳам учрайди, чирмовиқ ва шумгуялар типик паразитлардир.

#### 4.4. Антропоген омиллар

Ҳозирги вақтда антропоген (юнонча "антропос" - инсон) омиллар табиатдаги энг кучли омил ҳисобланади. Инсон тирик организмларга бевосита ва билвосита таъсир этиб, уларни яшаш шароитини ўзгартириб, қирилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Инсоннинг фаолияти туфайли ер юзида кўплаб ўсимлик ва ҳайвон турлари йўқолиб кетди. Миллион-миллион йиллар давомида шаклланиб, таркиб толған дунё манзарасини инсон бир неча ўн йилликлар давомида бекиёс даражада ўзгартириб юборди.

Одамзот ҳамма вақт атроф-муҳитдан асосан ресурслар манбай тарзида фойдаланиб келган. Ҳатто узоқ замонлар давомида унинг фаолияти табиатга сезиларли даражада таъсир кўрсата олмаган. Фақат ўтган асрнинг охирларига келиб, хўжалик фаолияти таъсирида биосферанинг ўзгаришига олимлар жиддий эътибор бера бошладилар. XX асрнинг биринчи ярмига келиб, бу ўзгаришлар жадаллашиб кетди ва ҳозирги вақтда бутун инсоният цивилизацияга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Инсон ўз ҳаёт шарт-шароитларини яхшилашга интилиб, моддий бойликлар ишлаб чиқариш суръатини доимо ошириб боради. Бироқ унинг оқибатлари ҳақида ҳамиша ўйлаб кўравермайди. Бундай ёндашув ва муносабатлар натижасида табитдан олинган кўплаб ресурслар унга чиқиндилар тарзида

қайтарилади. Бу чиқиндиларнинг кўпчилиги заҳарли ёки қайта ишлаб фойдаланишга яроқсиз бўлади. Бу эса, ўз навбатида, биосферага ҳам, инсоннинг ўзига ҳам катта хавф-хатарлар тутдиради. Бир сўз билан айтганда, келгусида биосферанинг мавжуд бўлиш-бўлмаслиги, инсониятнинг яшаб қолиш-қолмаслиги Ер юзида экологик вазиятга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

## 5-боб. ПОПУЛЯЦИЯЛАР ЭКОЛОГИЯСИ

### 5.1. Популяциялар

Организмларнинг тузилиши ва хусусиятларини билиш бизнинг теварак-атрофимиздаги табиатда содир бўладиган жараёнларни тушуниш учун жуда фойдалидир. Бироқ бу билимлар биологик турларнинг ўзгариши қай тарзда ва қандай содир бўлади, нима учун баъзи ўсимлик ва ҳайвонлар камайиб кетади, бошқалари эса кўпаяди, инсоннинг хўжалик фаолияти атроф-муҳитга қандай таъсир кўрсатади, каби саволларга жавоб бериш учун етарли эмас. Бу саволларга жавоб бериш учун фақат айрим организмлар эмас, балки улар гуруҳларининг хусусиятлари ҳақида яна кенгроқ билимларга эҳтиёж сезилади.

Популяциялар экологияси тузилмаларининг шаклланиш шароитини ва бир турнинг айрим гуруҳлари популяциясини динамик нуқтai назардан ўрганади. Бошқача айтганда, популяцион экология ҳар хил турлар миқдоридаги (сонидаги) ўзгаришларни ўрганиб, унинг сабабларини аниқлайди. Турларнинг популяцион экологиясини билмай туриб, табиат ва унинг ресурсларидан илмий асосда фойдаланиб бўлмайди.

Биз идрок этадиган табиатда учраб турадиган табиий ҳодисаларни таҳдил қилиш йўли билан ҳар хил турларнинг миқдор жиҳатидан кўпайишига ёки камайишига ташқи муҳитнинг абиотик ва биотик таъсирларини ҳисобга олиб, уларни бошқариш мумкин бўлади. Популяция тўғрисидаги таълимот асосида табиатдаги кўпгина мураккаб ҳаётий жараёнларни, яъни биогеоценозларни ўрганишга имконият яратилади. Табиатда турлар, одатда, бир-бирларидан маълум тарзда ҳимояланган популяциялар тўпламидан иборатдир. Экологик нуқтai назардан популяция тирик организмлар ҳар қандай туркумининг асосий элементи тарзида қаралади. Популяция қатор белгиларига кўра характерланади.

Ҳайвон ва ўсимликлар турли турларининг барқарор мавжуд бўлиши маълум экологик шарт-шароитлар ва ресурсларни талаб этади. Организмлар бир жойдан бошқасига кўчганда у ердаги шарт-

шароитлар ва ресурлар бошқача бўлиши ва ҳатто уларга мувофиқ келмаслиги ҳам мумкин. Айрим омиллар бир текис ўзгариши (масалан, жанубдан шимолга силжигандаги ҳарорат), эҳтимол ўзгармаслиги (масалан, ҳаводаги карбонат антидрид гази миқдори) ёки кескин ўзгариши (масалан, тупроқ тузилиши ва таркиби) мумкин. Буларнинг барчаси турлар учун мос келадиган яшаш жойи фазода йўё алоҳида "оролча" лар тарзида шаклланади. Турлар бу оролчаларни ўз популяциялари билан қоплаб олади. Бинобарин, биологик турлар популяциялар кўринишида мавжуд бўлади.


Биология фанида ҳар қандай индивидлар йигиндиси популяция (лотинча "*populus*" — ҳалқ сўзидан келиб чиқсан) деб тушинилади. Экологик нуқтаи назардан эса, маълум яшаш жойида ўз мавжудлигини чекланмаган узоқ муддат давомида таъминлай олиш ва эркин чатишиш қобилиятига эга бўлган турнинг индивидлари гуруҳига популяция дейилади. Демак, популяция гуруҳга бирлашган индивидлар ёки организмлар бўлиб, улар бир-бирлари, шунингдек, ўзлари яшайдиган мұхит билан доимо алоқада бўладилар. Гуруҳ гуруҳ бўлиб яшаш тарзи популяция учун ўзига хос хусусиятлар келтириб чиқаради.

Популяциянинг мұхим хусусияти ўз-ўзидан кўпайишидир. Популяциялар гарчанд фазовий ажralган бўлишса-да, маълум яшаш жойида узоқ муддат ҳаёт кечириш қобилиятига эга. Популяциянинг асосий хусусиятларидан бири унинг ирсий жиҳатдан бирлигиdir. Улар бир тур индивидлари гуруҳи тарзда фазо ва вақтда барқарор ҳисобланади.

Популяциялар алоҳида ажralган ҳолда яшамайдилар. Бир тур популяциялари бошқалари билан ўзаро таъсирашади, яъни улар билан биотик туркумлар — яхлит тизимларни ҳосил қиласади. Ҳар бир туркумда қандайдир популяция мұхим рол ўйнайди. У маълум экологик ниша ташкил этади ва бошқа турларнинг популяциялари билан ҳамкорликда унинг барқарор ҳаётини таъминлайди.

## 5.2. Популяциянинг асосий хусусиятлари

Популяцияни ташкил этган организмлар ўзларининг турли ўзаро муносабатлари туфайли бир-бирлари билан bogланган. Улар кўпайишида ҳамкорликда иштирок этиши, ресурсларнинг у ёки бу турлари учун бир-бирлари билан рақобатда бўлиши ёки биргаликда йиртқичлардан ҳимояланиши мумкин. Популяцияларнинг ички ўзаро муносабатлари жуда мураккабdir. Популяция гуруҳли бирлашма ҳисобланади. Гуруҳли ҳаёт тарзи популяциялар учун ўзига хос хусусиятлар келтириб чиқаради (4-чизма).



#### *4-чизма.*

Популяцияни организмларнинг гуруҳи сифатида энг яхши тарзда унинг "бойлиги" характерлайди. Туркум (ҳамжамоа)лардаги индивидларнинг мӯллиги сонларда, мутлақ ва нисбий зичликларда ифодаланади. Организмларнинг популяциядаги умумий сони миқдори ёки уларнинг умумий биомассаси бойлиги ўлчови бўлиши мумкин. Бироқ кўплаб ҳайвонларда бу кўрсаткичларни ўлчаш анча мушкулликлар тутдиради.

**Популяция сони** (миқдори) — айни ҳудуд ва туркумда яшовчи организмлар сони. Популяцион кўпликни баҳолашда зичлик кўрсаткичидан тез-тез фойдаланилади.

**Зичлик** — бу ҳаётӣ фазо ҳажми ёки майдон бирлигига тўғри келувчи организм (индивидуалар сони, биомасса ёки миқдордир. Масалан, популяция зичлигига қўйидагилар мисол бўлиши мумкин: 1 га ўрмонга 500 туп дараҳт, 1 м<sup>3</sup> сувга 5 млн. хлорелла; сув ҳавзасининг 1 га сиртига 200 кг балиқ тўғри келиши ва бошқалар.

Шунингдек, фазо бирлигига, вақт бирлигига тегишли кўрсаткичлар, масалан, бир соат вақт давомида белгиланган қушлар, ёки бир сутқада тутилган балиқлар сони кўплик ўлчови бўлиши мумкин.

**Тугилиш ва ўлиш.** Тугилиш популяциянинг ўз-ўзидан кўпайиш қобилиятини, янги организм индивидларнинг пайдо бўлиши суръатини характерлайди. Вақт бирлигига пайдо бўладиган организм (индивидуалар сони тугилиш кўрсаткичи бўлиб хизмат қиласди. Шундай қилиб, тугилиш — бу кўпайиши натижасида популяция сонининг ортиш тезлигини ёки оддий тарзда айтганда кўпайиш суръатини характерлайдиган кўрсаткич. У ҳар қандай кўрсаткич каби вақтий ўлчамга эга. Масалан, тугилиш популяция организмнинг ойига ўртача кўпайиши 100, ёзги мавсумдаги сонининг ортиши (уч ойда) 300 га тенглигини кўрсатади.

Агар тугилиш максимал даражадан паст бўлса ва юзага келган экологик шароитига мувофиқ келса, у экологик тугилиш дейилади. Экологик тугилиш ҳаётда юзага келган айни шароитда популяция кўпайишининг тезлиги ҳақида тасаввур беради.

**Ўлиш** — бу популяциянинг маълум вақт оралигида ўлишини, яъни сонининг камайиши жараёни тезлигини характерловчи кўрсаткичdir.

**Популяцион тузилмалар** асосан популяция зичлиги ва сонининг тартиблаштирилиши билан боғлиқdir. Популяция тузилмаси организмларнинг ҳаракатланиши, маълум ҳудудга боғлиқлик даражаси, табиий тўсиқларни енгид ўтиш каби биологик хусусиятларини белгилайди. Ташқи муҳит ўзгариши популяция ичida ўзгаришлар келтириб чиқаради.

**Популяциянинг жинс тузилмаси** эркак ва ургочи индивидлар сони билан белгиланади. Жинслар нисбати ирсий қонуниятларга боғлиқ. Популяциянинг тадрижий такомилида ургочи организмларнинг сони муҳим аҳамиятга эга. Индивидларнинг нобуд бўлиши ҳам амалий жиҳатдан муҳимдир.

**Популяциянинг ёш тузилмаси** вақт давомида ўзгарарадиган турли ёшдаги индивид (организм)лар нисбати билан характерланади. Барқарор популяцияда тугилиш тахминан ўлишга тенг, популяция сони бир хил даражада, турли ёшли гуруҳларнинг нисбати тахминан бир хил бўлади. ўсиб борувчи популяцияда тугилиш ўлишдан кўп бўлади ва сон (миқдор) ортади. Демак, популяциянинг ёш тузилмаси қайта тикланишнинг жадаллиги, нобуд бўлиш даражаси ва насллар галаланишнинг тезлиги каби муҳим жараёнларни информалайди.

**Популяциянинг фазовий тузилмаси** популяция майдони (арели)-даги айрим организмлар ва кичик гурухларнинг тарқалиш характеристики ифодалайди. Ҳар қандай популяциядаги индивидларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчуб юриши кузатилади. Фақат айримларигина ўз жойида умрининг охиригача яшаб қолади.

### 5.3. Популяция динамикаси

Популяция динамикаси — бу унинг асосий биологик тавсифларининг вақт давомида ўзгариш жараёни. Популяция динамикаси ни ўрганишда сон, биомасса ва популяцион тузилмалар ўзгаришларига асосий эътибор қаратилади. Популяция динамикаси — энг аҳамиятли бўлган биологик ва экологик ҳодисалардан бири. Популяция узликсиз ўзгаришда бўлади ва шу билан ташқи шароитларнинг доимий ўзгаришларига гўё мослашади.

Организмлар сони ҳам вақт давомида ўзгаришлар. Бу ўзгаришлар кўплаб омилларга боғлиқ. Қулай иқлим шароитлари, озиқнинг етарлилиги, йиртқичликнинг камайиши тугилиш ва маҳсулдорликнинг ортишига, сонининг кўпайишига олиб келади. Аксинча, емиш захираларининг камайиши, рақобатнинг кучайиши, ноқулай шарт-шароитлар организмлар сонини камайтиради. Ўсимлик ва ҳайвон-

ларнинг кўплаб турлари сонининг ўзгариши кенг миқёсларда кечади. Уларнинг озайиш ва кўпайиш сони ўнлаб, юзлаб, баъзан эса минглаб миқдорда фарқ қилиши мумкин.

Популяциялар сонининг ўзгаришини турли омиллар келтириб чиқариши ва у турлича намоён бўлиши мумкин. Бу ўзгаришлар доимий, яъни даврий ёки нодоимий, яъни тартибсиз бўлиши мумкин.

Популяциянинг сон жиҳатдан бир меъёрда сақданиб турилиши гомеостаз (юонча "гомос" ўхшаш, "стасис" - ҳолат) дейилади. Бошқача айтганда, гометаз популяциянинг ўз миқдор (сони)ни доимо бир хил даражада сақлаб туриши учун ўз-ўзини тартиблаштира олиш қобилиятидир.

## 6-боб. БИОЦЕНОЗЛАР, БИОГЕОЦЕНОЗЛАР ВА ЭКОТИЗИМЛАР

### 6.1. Биоценозлар ва уларнинг тузилмалари

Популяцияларнинг ўзаро таъсири тирик тузилмаларнинг янада юқори даражаси — биотик жамоалар ёки биоценозлар характеристики белгилайди. Муайян ташқи муҳит ёки фазо ва вақтда жамоа бўлиб (биргаликда) яшайдиган турли турлар (ўсимликлар, ҳайвонлар, замбуруғлар ва микроорганизмлар)нинг популяциялари мажмуасидан иборат биологик тизим **биоценоз** (лотинча *биос* - ҳаёт, *ценоз* - умумий, умумий ҳаёт маъносини англатади) дейилади.

Табиятда барча ўсимлик ва ҳайвонлар фақат жамоа тарзда мавжуд бўла оладилар. Чунки ҳар бир тур нормал ҳаёт кечириши учун якка ҳолда яшай олмайди, балки теварак-атрофидаги тирик организмлар билан биргаликда ҳаёт кечиради. Бир гурӯҳ организмларнинг муайян шароитда биргаликда яшashi жамоа дейилади.

Туркум (биоценоз)ларни ўрганишдан мақсад, уларнинг барқарор ҳаёти қандай таъминланишини, туркумларнинг ўзгаришига биотик ўзаро таъсиirlар ва яшаш муҳити қандай таъсир кўрсатишни ойдинлаштиришdir.

Биосфера оддий бирламчи тузилмасининг бирлиги биогеоценоздир. Бу тушунчани фанга биринчи бўлиб В.Л.Сукачев киритган. Биогеоценоз бисферанинг кичик бир қисми бўлиб, ўзининг жойлашиши, иқлими, гидрологияси ва биотик шароитига кўра бир хилдир. Биогеоценозлар ранг-баранг бўлиб улар иқлим ва айни бир жойнинг тарихи, табиатига баглиқ ҳолда вужудга келади. Фитоценоз, зооценоз ва микроорганизмлар биогеоценоз таркибига киради. Айрим биогеноценозлар қашшоқ бўлса, бошқалари эса маҳсулдорлиги билан ажралиб туради.

Барқарорлик (ташқи таъсирларга қарши туриш қобилияти), маҳ-сулдорлик (тирик модда яратиш қобилияти) биоценозларнинг асосий хусусиятларидир. Биоценоз таркиби характеристикаси (турхилма-хиллиги, озиқ тармогининг тузилиши), организмларнинг айрим гурӯҳларининг нисбати унинг кўрсаткичлари ҳисобланади.

Табиий биоценозлар жуда мураккабdir. Улар, энг аввало, турхилма-хиллиги ва популяция зичлиги билан характерланади.

Турхилма-хиллиги — биоценозларни ҳосил қилувчи ва унда турли озиқ даражаларни белгиловчи турлар сонидир. Турлар популяциялари сони майдон бирлигидаги айни тур организмлари миқдори билан аниқланади. Биоценоздаги сон жиҳатдан бошқаларида устунроқ бўлган баъзи турлар асосий ҳисобланади. Агар жамоада бир неча тур етакчилик қилса, бошқаларининг зичлиги кичик бўлса, у ҳолда ҳар хиллик кам кузатилади. Агар айни тур таркибида уларнинг ҳар бирининг сони ўёки бу даражада тенг бўлса, у ҳолда турхилма-хиллиги юқори бўлади.

**Тур тузилмаси** жамоа (биоценоз)нинг муҳим белгилариданdir. Унинг асосий кўрсаткичи турлар сони, яъни турий таркиб ва организмларнинг миқдорий нисбати, яъни популяциялар сонидир. Туркумда, одатда, организмлар сони кўп бўлган ёки катта биомассали турлар нисбатан камроқdir, таркиби жиҳатдан унчалик бой бўлмаган турлар нисбатан кўпроқdir.

Туркумларни ўрганишда кўп сонли туркумларга асосий эътибор қаратилади. Бироқ камёб турлар кўпинча муҳит ҳолатининг яхши индикатори(кўрсаткичи) бўлади. Уларнинг йўқолиши эса ифлосланиш мавжудлиги ёки экотизимга бошқа номақбул таъсирлар бўлганидан далолат беради.

Турларнинг умумий сони ва уларнинг нисбати бўйича туркумтурларининг хилма-хиллиги ҳақида ҳукм юритилади. Турхилма-хиллиги экологик хилма-хиллик белгиси: тур қанчалик кўп бўлса, экологик нишалар ҳам шунчалик кўпdir, яъни муҳит бойлиги юқори даражада бўлади. Таркибида хилма-хил турлар бўлган туркумлар анча барқарорdir: тур таркиби қанчалик хилма-хил бўлса, туркумларнинг ўзгарувчи шароитлар, масалан, иқлим ўзгаришларига ва бошқа омилларга мослашув имконияти шунчалик кенгроқdir.

**Морфологик тузилмаси** туркумларнинг фазовий шаклини кўрсатувчи муҳим тузilmавий белгидир.

Биоценоз таркибиага кирувчи ҳаётий шакллар сони, одатда, унинг турларини ҳосил қилган ҳаётий шаклларнинг умумий сонидан анча кичиқdir. Аммо турли экологик нишаларни эгалловчи ҳаётий шакллар тўплами айни яшаш жойи учун ҳамиша қонунийдир ва туркумдаги экологик ҳолатни жуда яхши характерлайди.

**Туркменинг фазовий тузилмаси** айни яшаш жойида мавжуд бўлган экологик ниша хилма-хиллиги, муҳитнинг туркум фойдаланадиган ресурслари тўлалиги ва бойлиги кўрсаткичи, шунингдек, туркумнинг нисбий барқарорлиги кўрсаткичи ҳисобланади.

**Туркменинг трофик** (юнонча "трофо" - озиқ) **тузилмаси** — ундаги озиқ ўзаро боғлиқликнинг экологик кўрсаткичидир. Туркумда турли организмлар турли ҳолатни эгаллади. Демак, организмлар турли трофик даражада жойланади. Бу ҳар бир организмнинг озиқ занжиридаги ҳолатини характерлайди. Қуий даражани — автотроф организмлар (ўсимликлар — мустақил озиқланувчилар), ундан юқорини — биринчи тартибли гетеротроф организмлар (ўтхўр ҳайвонлар, ҳашарот ва бошқалар билан озиқланувчилар), улардан кейинги ҳолатни эса — иккинчи тартибли гетеротроф организмлар (ҳайвонларни истеъмол қилиувчилар) эгаллади. Озиқ занжирига қуйидаги кетма-кетлик ёрқин мисол бўла олади: ўсимлик — ўсимлик билан озиқланувчи ҳашарот — йиртқич ҳашарот популяцияси — ҳашаротхўр қуш — йиртқич қуш. Бу занжирда модданинг бир томонлама оқими ва энергиянинг организмларнинг бир гуруҳидан бошқасига ўтиши кузатилади.

Шундай қилиб, трофик тармоқ таркиби трофик даражалар сонини, продуцентлар, консументлар ва редуцепталар нисбатини акс эттиради.

## 6.2. Экотизимлар

Табиатда барча тирик организмлар жамоага бирлашиб, у ёки бу даражадаги доимийлик хос бўлган туркум ҳосил қиласди. Туркум таркиби маълум абиотик омилларнинг қўшилиши, шунингдек, унинг таркибига кирувчи, эҳтиёжлари бўйича ўхшашиб бўлган турли организмларнинг ўзаро боғлиқлиги билан белгилангап. Улар орасидаги боғлиқлик озиқ, ҳимоя, туркумларнинг барча турларининг кўпайиши билан таъминланади. Тирик организмларнинг ўзаро таъсиралиши натижасида экологик тизим ҳосил бўлади. У тирик организмлар ва уларнинг яшаш муҳитидан ташкил топган ягона табиий мажмуудан иборат. Экотизимнинг барча таркибий қисми (компоненти) ўзаро таъсирашади ва бир-бирларига таъсири кўрсатади. Оддий сув ҳавзаси экотизимга мисол бўла олади. У ўз тузилмасида гидробионтлар туркумини, сув таркибининг физик ва кимёвий хоссаларини, туби рељефининг ҳусусиятларини, тупроқлойи таркиби ва тузилиши, суви сирти билан ўзаро таъсирашувчи атмосфера ҳавоси, қўёш радиациясини қамраб олади.

Экотизимларда тирик ва нотирик табнат ўргасида доимий равишда энергия ва модда алмашинуви содир бўлади. Бу алмашинув ҳодисаси барқарор характерга эга. Экотизим жуда кенг тушунчал

дир. У билан табиий комплекс (масалан, тундра, ўрмон, океан), шунингдек, сунъий комплекс (масалан, аквариум) ҳам изоҳданиши мумкин. Шу боис оддий табиий экотизимларни белгилаш учун экологияда "биогеоценоз" атамасидан фойдаланилади.

**Биогеоценоз** — табиий ландшафтнинг таркибий қисми ва биосферанинг элементар биоҳудудий бирлиги.

Биогеоценоз — ер сиртининг тирик организмларнинг маълум таркиби ва нисбий барқарорлиги ҳамда ўз-ўзини тартибга солиши билан характерланадиган нотирик табиат компонентлари (тупроқ, атмосфера, иқлим, қуёш энергияси) билан тарихий жиҳатдан шаклланган бир жинсли қисми. Тупроқ ва иқлим, яъни муҳит экотопни ҳосил қиласди. У эса туркум характеристини белгилайди.

Айни бир ҳудудда яшовчи тирик организмлардан ташкил топган ўз-ўзини тартибга солувчи яхлит биологик тизим *биоценоз* дейлади. Биоценоздаги тирик организмларнинг ўзаро таъсири асосини озиқ занжалари ташкил этади. Биогеоценоз экотоп ва биоценозни қамраб олади.

Барча биоценозлар ўхшаш тузилишга эга. Уларнинг асосини ўсимлик туркумлари-фитоценозлар ташкил қиласди. Улар фотосинтез жараёнида тирик моддаларни юзага келтиради ва биоценоз характеристини белгилайди. Биоценознинг бошқа қисмини ҳайвонлар (ўтхўрлар ва ҳашаротхўрлар) — зооценозлар ташкил этади. Ниҳоят, биоценоз таркибига — органик қолдиқларни минералга айлантирувчи организмлар-бактериялар ва гриблар киради.

Экологик тизимда тирик организмларнинг барча хилма-хил турини озиқланиш турига кўра уч функционал гуруҳга ажратиш мумкин: продуцентлар, консументлар ва редуцентлар.

**Продуцентлар** — автотроф яшил ўсимликлар. Улар органик моддаларни ноорганик моддалардан ҳосил қиласди ва қуёш энергиясини тўплаш қобилиятига эга.

**Консументлар** — ҳайвон-гетеротрофлар. Улар тайёр органик моддалардан озиқланадилар. I тартибдаги консументлар ўсимликларнинг органик моддаларидан фойдаланади (ўтхўр ҳайвонлар). Ҳайвонлардан озиқ сифатида фойдаланадиган гетеротрофлар II, III ва ҳоказозга тартибдаги консументларга ажратилади (ҳайвонлар билан озиқланадиган йиртқичлар). Барча консументлар кимёвий бοғланиш энергиясидан фойдаланади. Уни эса продуцентлар органик моддаларда тўплайдилар.

**Редуцентлар** — гетеротроф микроорганизмлар, гриблар. Улар органик қолдиқларни парчалаб, минералларга айлантиради. Редуцентлар гўё модда алмашинувини якунлайди, яъни ноорганик моддалар ҳосил қилиб, уларни янги цикла кириш учун тайёрлайди.

Шундай қилиб, организмларнинг ҳаётий фаолияти жараёнида табиатда доимий энергия ва модда алмашинуви содир бўлади. Бунда ҳар бир тур органик моддалардаги энергиянинг фақат бир қисмидангина фойдаланади. Натижада озиқланишнинг маълум занжири юзага келади, яъни дастлабки моддадан кетма-кет равишда органик озиқлар ва энергия олиш ҳодисаси кечади. Бунда ҳар бир дастлабки тармоқ кейингилари учун озиқ манбаи бўлиб хизмат қиласди.

Экотизимнинг таркибий қисмларини қўйидағи 5-чиzmada кўриш мумкин:



*5-чиzma.*

### 6.3. Экотизим эволюцияси. Сукцессия

Табиатда мавжуд бўлган барча экотизимлар вақт давомида тадрижий равишда ривожланади ёки такомиллашади. Экотизимларнинг кетма-кет ҳолда алмашиниши ёки ўзгариш жараёни **экологик сукцессия** (лотинча "сукцессия" — кетма-кетлик, алмашиниш) дейлади. Бу қонуний ҳолдир. Сукцессия, энг аввало, туркумларнинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсиралиши вақтида улар ичидаган жараёнлар таъсирида содир бўлади. Сукцессия туркумларнинг ўзлари томонидан бошқарилади ва уни ташкил этган организмларнинг таъминлаш учун сарфланади. Бундай тизимдаги организмлар биомассаси доимий сақланади, тизимнинг ўзи ўзгармайди ёки мувозанатда бўлади.

Экологик сукцессиянинг табиатини тушунмоқ учун, ўзимизча шундай туркумни тасаввур этамики, унда энергетик ривожланишдаги автотрофларнинг ялпи, яъни жами маҳсулоти туркумнинг энергия сарфларига аниқ мос келади. Бу энергия эса уни ташкил этган организларнинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун сарфланади. Бундай тизимдаги организмлар биомассаси доимий сақланади, тизимнинг ўзи ўзгармайди ёки мувозанатда бўлади.

Сукцессия жараёнининг асосий хусусияти шундан иборатки, туркум ўзгариши ҳамма вақт мувозанат ҳолати сари йўналишда содир бўлади. Демак, мувозанат тамойилига мувофиқ ҳар қандай табиий тизим ўзи орқали ўтувчи энергия оқими ёрдамида барқарор ҳолат сари ривожланишга мойилдир.

Табиий мувозанат экотизимнинг ўз барқарор ҳолатини сақлаётганини ва гарчанд унинг баъзи параметрларига таъсир қўрсастилса-да, уларнинг ўзгармаслигини билдиради. Тизим сингдирувчан. Унга доимий равишда нимадир киради ва чиқади, яъни бу экотизимнинг шундай барқарор ҳолатики, бунда қабул қилинаётган энергия ва модда миқдори уларнинг чиқиши миқдорига тенгдир.

Экотизимларни ўзgartириб, инсон табиатдаги ҳудудий мувозанатни бузади. Экотизим нобарқарор бўлиб, ўз-ўзини тартиблаштириш ва ҳаётий фаолиятини таъминлашга қодир бўлмай қолади. Газ алмашиниши, сувнинг тозаланиши, озиқ моддаларнинг айланиши меъерий ҳолда содир бўлмайди. Инсон назарда тутилган "йиртқичлик"ка жуда секинлик билан бўлса-да ўрганмоқда. Унга тартиблаштиришнинг биологик механизми кучи таъсир қилмай қўйди. Аммо у популяция сифатида ҳали ўз сони ва ўзи истеъмолда фойдаланадиган ресурслар миқдорини онгли равишда тартибга солишга ўргана олгани йўқ. Кўпгина экологларнинг фикрига кўра, кучсизланган биологик механизмнинг ва етарли даражада ривожланмаган онг ўртасидаги бўшлиқ экологик тангликнинг бош сабабидир.

## 6.4. Сукцессиянинг аҳамияти

Сукцессиянинг кечиши жараёнида туркумнинг қиёфаси ва экотизимнинг ҳаётий фаолияти доимий ўзгаради. Сукцессия — бу қонуний ҳол бўлиб, йўналишга эга жараён. Шунинг учун унинг у ёки бу босқичидаги умумий ўзгаришлар ҳар қандай туркумга хосдир. Асосий ўзгаришлар сифатида қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин:

1. Сукцессия жараёнида ўсимлик ва ҳайвонлар тури аста-секинлик билан узлуксиз ўзгаради, яъни бир тур иккинчиси билан алмашинади.

2. Тур таркибининг ўзгариши рақобат билан белгиланади. Чунки сукцессия кечишида экотизимдаги ўзгаришлар туркумда янги турларнинг пайдо бўлиши учун қулай шароит яратади. Шу сабабга кўра сукцессион ўзгаришлар ҳамиша организмларнинг тур жиҳатдан хилма-хил бўлишига олиб келади.

3. Органик модданинг биомассаси ортади.

4. Туркумнинг соғ маҳсулоти камаяди ва унинг нафас олиш фаоллиги ортади. Бу сукцессиянинг энг муҳим ҳодисасидир. Бирламчи сукцессия туркумнинг ҳаёт йўқ жойда ривожланишининг илк босқичларида умумий дастлабки маҳсулдорлик юқори бўлади, аммо кейинги босқичларда автотроф маҳсулдорлиги пасаяди.

Туркумларнинг янги биомасса яратиш қобилияти уларнинг муҳим функционал кўрсаткичи ҳисобланади. Бу хусусият маҳсулдорлик тушунча асосида ётади. Маълумки, қишлоқ ҳўжалигида бу атама кўп қўлланилади. Демак, унинг маъноси ҳам сизга яхши таниш.

Сукцессиянинг давомийлиги кўп жиҳатдан туркум тузилиши билан белгиланади. Агар туркум ҳаёт йўқ жойда ривожлана бошлиса, **бирламчи сукцессия** деб аталади. У муҳитни ўзлаштиришдан бошланади. Бунда бактерия, лишайниклар аҳамияти катта. Бир туркумнинг иккинчиси билан алмашиниши эса **иккиламчи сукцессия** дейилади. Бундай алмашиниши яшаш шароитининг кескин ўзгариши ёки туркум таркибида сезиларли ўзгаришлар содир бўлиши истижасида келиб чиқади. Агар туркумнинг тузилиши соддалашиб, турлар таркиби камайиб, ҳосидорлик ҳам пасайиб кетса, дегрестсион алмашиниши келиб чиқади.

Ўсимлик ва ҳайвонлар туркуми муҳит билан маълум мувозанатга эришмагунча мураккаблашиб бораверади. Туркумнинг ташқи муҳит билан мувозанат ҳолати климакс дейилади. Бундай мувозанатда бўлган туркум эса **климакс** туркум деб аталади.

Кўл, агар унда экологик мувозанат бузилса, ўтлоқقا, кейин эса, айни иқлимий зона учун характерли бўлган ўрмонга айланиши

мумкин. Суккессиянинг кечиши жараёнига иқлимининг даврий ўзгариши, шунингдек, бўрон, қуруқлик, ёнгин, кўпгина тасодифий ўзгаришлар таъсир қиласи.

Афсуски, иқтисодий фойда орқасидан қувиши оқибатида экологик бузилишлар юзага келмоқда. Ерни ҳайдайвериб, ишдан чиқаришнинг оқибатлари ҳам хавф-хатарлидир. Ландшафтларда табиий туркумларнинг мавжудлиги инсон ҳимояси учун кафолатдир.

## 6.5. Сунъий экотизимлар

Сунъий яратилган ва инсон томонидан доимий қўллаб-қуватлануб туриладиган экотизим (майдон, ҳиёбон, бог, бедазор, полиз, дарахтзор)лар агроценозлар дейилади. Улар асосан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари олиш учун яратилади. Агроценозларнинг динамик сифати ёмон, экологик ишончлиги кичик, аммо улар ҳосилдорлигининг юқорилиги билан характерланади. Қуруқликнинг тахминан 10 % ни ташкил этган агроценозларда ҳар йили 2,5 миллиард тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти етиширилади.

Одатда, агроценозларда ўсимликнинг бир ёки икки тури ўстирилади. Шунинг учун организмларнинг ўзаро боғлиқлиги бундай туркумнинг барқарорлигини таъминлай олмайди. Табиий танлаш таъсири инсон томонидан кучсизлантирилган. Қуёш нуридан ташқари агроценозларда яна инсон томонидан киритилган бошқа манбалар — минерал ва органик ўгитлар ҳам иштирок этади. Озиқ моддаларнинг асосий қисми айланишдан доимий равишда ҳосил тарзида чиқарилади. Шундай қилиб, модда айланиши амалга ошмайди.

Агроценозларда ҳам, биоценоздаги каби озиқ занжирлари шаклланади. Бу занжирнинг зарурий бўгини инсон ҳисобланади. Бунда I тартибдаги консумент тарзида иштирок этади, аммо бунда озиқ занжирни узилади. Агроценозлар нобарқарордир. Улар инсон ёрдамилиз узоқ йиллар мавжуд бўла олмайди.

## 6.6. Экотизимда энергия оқими

Ҳаётнинг ҳар қандай тури учун энергия зарур. Тирик ва нотирек табиат ўртасида узлиksiz равишида энергия алмашинуви юз беради. Энергиясиз экотизимда модда алмашинуви юзага келмасди ва унинг ўзи ҳам мавжуд бўлмасди.


Экологиянинг муҳим маслаларидан бири экологик тизим ичида энергиянинг айланишини ўрганишdir. Экотизимда энергия асосий ҳаётий реакцияларнинг амалга ошишига сарфланади.

Туркмудаги энергия оқими — бу энергиянинг органик бирикма (озиқ) ларнинг кимёвий болганишлари шаклида бир даражадаги организмлардан бошқа даражадаги организмларга ўтишдир. Демак, бундан келиб чиқадики, энергия организмларнинг ҳаётий фаолияти учун зарур ва у истеъмол қилинадиган озиқ моддаси тарзидан узатилади. Фақат ўсимлик (продуцент)ларгина қоёш нури энергиясидан ўз ҳаётий фаолияти учун бевосита фойдаланади.

Физика қонуларга мувофиқ энергия бир тур (масалан, ёргулук энергияси)дан бошқа тур (масалан, озиқ модданинг потенциал энергияси)га айланиси мумкин, аммо ҳеч қачон қайтадан яралмайди ва бутунлай йўқолиб ҳам кетмайди. Ўз айланышлари жараёнида энергиянинг маълум миқдори иссиқлик тарзида сочилади, бинобарин, йўқотилади.

Экотизимларда бир организм бошқасини истеъмол қиласди, яъни бошқаси билан озиқланади. Озиқ энергиясининг ўз манбаи — ўсимликдан қатор организмлар орқали бу тарздаги кӯчиши **озиқ занжири** дейилади. Ҳар бир навбатдаги кӯчишда потенциал энергиянинг катта қисми иссиқликка айланисиб йўқолиши оқибатида озиқ занжири "бўғинлари" чекланади. Яшил ўсимликлар биринчи трофик даражани, ўтхўрлар — иккинчи, йиртқичлар — учинчи ва ҳоказо даражаларни эгаллашади. Бир трофик даражадан бошқасига ўтилганда энергия миқдори камаяди. Энергиянинг камайишини эса бу даражаларнинг сони белгилаб беради. Шунинг учун ҳам трофик даражаларнинг умумий сони 3-4 дан камдан-кам ҳолларда ортади. Энергия туркumlар орқали турли йўллар билан ўтиши мумкин. Қуйида туркumнинг трофик тузилиши чизмасини келтириб ўтамиз (6-чизма).

Ўсимликлардан ўсимликхўр ҳайвонлар орқали ўтувчи энергия оқими ўтлоқ озиқ занжири дейилади.



## 6.7. Экотизимда моддалар айланиши

Табиий экотизимлар яхлитдир. Бунда улар моддалар оқимишнинг айланишини қараб ўтаётганда яққол кўриш мумкин. Моддалар ёпиқ циклар (айлама) бўйлаб ҳаракатланади. Улар организмлар ва атроф-муҳит ўртасида кўплаб айланма ҳаракат (циркуляция)да бўлади.

Кимёвий элемент (яъни модда)ларнинг доиравий (ер, ҳаво, сув бўйлаб) ҳаракатланиши **биогеокимёвий циклар** ёки **айланишлар** дейилади.

Табиатда учрайдиган 90 дан ортиқ элементдан 40 га яқини тирик организмларга зарурдир. Улар учун энг муҳими ва катта миқдорда талаб этиладиганлари: углерод, водород, кислород, азот.

Ҳаёт учун зарур элементлар ва эриган тузлар шартли равища биоген элементлар (ҳаётбахш элементлар) ёки **озиқ моддалари** деб аталади. Улар икки гуруҳга, яъни **макротроф моддалар** ва **микротроф моддаларга** ажратилади.

Макротроф моддалар (углерод, водород, кислород, азот, фосфор, калий, кальций, магний, олтингугурт) тирик организмлар тўқималарининг кимёвий асосини ташкил этади.

Микротроф элементлар ҳам тирик тизимлар ҳаёти учун зарур. Масалан, темир, марганец, мис, рух, бор, натрий ва бошқалар. Бироқ улар кўп миқдорда эмас, жуда оз миқдорда зарурдир.

Биз «Атмосфера ва унинг аҳамияти» мавзузини ўрганишда кислород, карбонат ангирид гази, азот айланишларини кўриб ўтамиз.

## 7-боб. БИОСФЕРА ВА УНГА АНТРОПОГЕН ТАЪСИРЛАР

### 7.1. Биосферада тирик модда ҳаракати

Ҳосил бўлишнинг глобал жараёнлари ва биосферада тирик моддалар ҳаракати жуда катта миқдордаги модда ҳамда энергиянинг биологик айланиши билан боғлиқ ва у билан бирга юз беради. Бу биологик айланишлар соҳе геологик жараёнлардан тирик модда иштироки туфайли жадал ва тез кечиши, циклик ҳаракатга катта миқдордаги модда жалб этилгани билан фарқ қиласди.

ХХ асрда биосфера жараёнларида ҳақиқий силжиш бошланди. Чунки инсоният саноат соҳасида инқилобий ютуқларга эришди. Энергетика, машина қурилиши, кимё, транспортнинг ривожланиши инсон фаолияти кўламини янада кенгайтирди. Энергия ва моддий ресурсларнинг жадал истеъмоли аҳоли сонига пропорционал ҳолда ортиб бормоқда.

Табиатга инсон томонидан кўрсатиладиган "зутум"нинг оқибатлари ҳақида В.И.Вернадский қарийб бундан эллик йил олдин огоҳ-

лантириб шундай деган эди: "Инсон Ер қиёфасини ўзгартиришга қодир геологик күчгә айланады" Бу гап ҳаётда ўз тасдигини топди. Антропоген фаолият оқибатида табиат ресурслари тутаялти, ишлаб чиқариш чиқындилари билан биосфера ифлосланмоқда, табиий экотизимлар ишдан чиқмоқда, Ер сирти тузилиши ўзгармоқда, икълим ҳолати ёмонлашмоқда. Антропоген таъсирлар деярли табиий биокимёвий цикларнинг бузилишига олиб келади.

Инсон фаолияти ёки қандайдир улкан табиий ҳодиса (масалан, вулқон отилиши) туфайли табиий муҳитда янги компонентларнинг пайдо бўлиши экологик ифлосланиш дейилади. Экологик ифлосланиш атроф-муҳитда экологик тизимлар ёки уларнинг айрим элементлари "ишлишини" ишдан чиқарувчи ва инсон ҳаёти ёки унинг хўжалик фаолияти юритиши учун заарлар моддаларнинг мавжудлиги билан характерланади. Айни жойдаги атроф-муҳитда пайдо бўлиб, унинг тизимини мувозанат ҳолатидан чиқарувчи барча жисмлар, моддалар, ҳодисалар, жараёнлар ифлослантирувчилар қаторига киради.

Табиий ва антропоген таъсирлар туфайли ифлосланишлар мавжуд. Табиий ифлосланишлар табиий сабаблар натижасида юзага келади. Антропоген ифлосланишлар — инсон фаолиятининг натижаси.

Атмосферанинг ифлосланиши унинг таркибидағи турли салбий ўзгаришлар, ҳавонинг иккинчи даражали компоненти концентрациясининг ўзгариши билан боғлиқ. Атмосфера ифлосланишининг табиий манбалари — бу вулқонлар, шамол бўронлари, емирилишлар, ўрмонларнинг ёниши, ҳайвон ва ўсимликларнинг чириш жараёнлари ва бошқалардир. Атмосфера ифлосланишнинг асосий антропоген манбаларига ёқилғи-энергетик мажмумаси корхоналари, транспорт, турли машина қурилиши корхоналари ва бошқалар киради.

Ҳар қайси ифлослантирувчи табиатга маълум салбий таъсирлар кўрсатади. Шунинг учун уларнинг атроф-муҳитга тарқалиши ва унинг миқдори қатъий назорат қилиниши керак. Қонунчиликда ҳар бир ифлослантирувчи модда учун табиий муҳитда рухсат этиладиган меъёрий чегара (РМЧ) ва унинг концентрациясининг меъёрий чегараси (КМЧ) белгилаб қўйилади.

Рухсат этиладиган меъёрий чегара (РМЧ) дейилганда вақт бирлигига манба томонидан чиқариладиган ифлослантирувчи модда массаси тушунилади. Ифлослантирувчи модда РМЧ миқдоридан ортиб кетса, атроф-муҳитда номақбул оқибатлар келтириб чиқаради ва у инсон саломатлиги учун хавф-хатарли бўлиши мумкин.

Рұхсат этиладиган концентрация (меъёрий) чегараси (РКЧ) дейилгандың атроф-муҳитдагы заарлардың мөддәсинг шундай миқдоры түшүнүлдөлөрдө, у мұхит билан инсон доимий ёки вақтингчалик алоқада бұлғанида ҳам унинг саломатлигі ёки авлодларыңа салбый таъсир күрсатмайды.

Хозирги вақтда РКЧ-иниң аниқлашында ифлослантирувчиларнинг нафақат инсон саломатлигиге таъсири даражасини, балқы уларнинг ҳайвонлар, үсимликтер, замбуруглар, микроорганизмдер, шунингдегі, табиий түркүмларга күрсатадиган таъсири ҳам ҳисобға олинады.

Атроф-муҳит мониторинг маңсус хизматы заарлардың мөддәларнинг РМЧ және РКЧ-иниң белгиланған нормативларына қай даражада амал қилинаётгандығын устидан назорат олиб боради. Бундай хизмат республикалықтардың барча вилюятларыда ташкил этилған. Айниқса, йирик шаҳарларда, киме заводлары яқыннанда, Сарысөй түмани, Оролбұйын миңтақаларыда уларнинг ажамияты жуда күттеді. Мониторинг хизматы күттеді ҳуқуқтағы зерттеулерге булыши керак. У қонунда назарда тутилған ҳуқуқдан фойдаланып, атроф-муҳиттегі заарар келтираётгандықтан корхоналарнинг ҳар қандай ишларини тұхтатып қўйиши лозим.

Ёнілгига, металларга, минерал хом ашё ва уларни қазиб олишта бұлған эхтиёжнинг жадал суръатлар билан ортиши бу ресурсларнинг камайишига олиб келади. Чегаралашының экологик тамой или шундан иборатки, ресурслар чекли ва шунинг учун улар беҳуда сарфланмаслигі керак, янги ресурсларни тұхтосыз очавермаслик лозим. Уларнинг келгуси авлодлар учун ҳам асраш ва авайлаш зарур.

Ер биосферасы үз-үзини тиклашга, мувофиқлаштиришга қодир. У инсоннинг табиатта нооқилона аралашувига бардош беради ва унинг салбий оқибатларини тұғрилай олади. Аммо ҳамма нарса-нинг ҳам үз чегараси бор. Инсоният ҳам худди ана шу чегарага етиб келди. У экологик ҳалокат өңесінде түрибиди.

Бугунғи кунда, равшанки, атмосфераның физик хоссалары ёки кимёвий таркиби таъсир құлувчи инсоннинг ҳар қандай фәoliyati мұхиттің экологик вазияттің жиғдій равищада ишден чиқарыши, хусусан, сайёрадаги иқдимнің глобал үзгаришига олиб келиши мүмкін. Агар инсоният атмосфера ифлосланишиннің оддини олиш бүйічә үз вақтіда тегишли чора табдірлар белгиламаса, у ҳолда уни ҳалокаттың оқибатлар күтади.

Она сайёрамиздегі экологик вазияттің үнчалық тұла бұлмаган ҳозирғи замон манзараси худди ана шундай. Ҳатто табиаттың мұхофаза этиш борасидаги фәoliyatiда ершилған айрим ютуқдар ҳам цивилизацияның биосфера қолатига таъсири жараённиннің умумий йұналишини сезиларлы даражада үзгартыра олмайды.

## 7.2. Атмосфера ва унинг аҳамияти

Ер курраси атрофини ураб олган ҳаво қатлами атмосфера дейилади. Ер атмосфераси амалий жиҳатдан чексиз, унинг кимёвий таркиби бир хил баландликларда деярли ўзгармайди. Аммо ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ривожланиши натижасида атмосфера таркиби ифлосланиб бормоқда. Бундан ташқари, Ер сиртидан учебчиқсан турли-туман чанг, металл заррачалари ҳавога тўпланиб, маҳсус инверция қатламини ҳосил қиласди. У эса қуёшдан келаётган ёргулук оқимининг Ер сиртига ўтишига тўсқинлик қиласди. Оқибатда ерда иқлим ўзгарамади: Тирик мавжудотнинг ҳаёти хавф остида қолади. Ҳозирги кунда атмосферани муҳофаза қилиш масаласи жаҳон халқарини ташвишга солиб келмоқда. Демак, ҳар бир маданиятили киши атмосфера ва унинг аҳамияти ҳақида маълум дараражада маълумотга эга бўлмоги лозим.

**Атмосферани ҳимоя қилиш.** Ҳаво — Ер курасининг таркибий қисми. Ҳаёт ана шу ҳаво қатлами остида пайдо бўлган. Ундаги ҳаёт космик таъсиirlар билан бевосита боғланган. Атмосферанинг юқори қатламига ҳар секундда космос ва қуёшдан ниҳоятда катта қувват эга бўлган тўлқин оқимлари: нурланиш, шиддатли рентген нурлари, ультрабинафша нурлар, кўринадиган ёргулук, инфрақизил нурланиш ва бошқалар келиб туради. Аммо уларнинг кўпини атмосферанинг юқори қатламларида тутилиб қолади. Акс ҳолда заарли радиациядан ердаги ҳаёт нобуд бўлган бўларди. Атмосфера Қуёш нурини ҳаёт учун зарур бўлган миқдорда ўтказиб, ернинг исишига имкон яратса, ундан қайтаётган нурларни эса олам фазосига тарқалиб кетишига йўл қўймайди. Бу ҳол ерни совиб қолишдан сақлайди ва сутка давомида ҳаво ҳароратининг кескин ўзгаришига тўсқинлик қиласди. Атмосфера бўлмаганида Ернинг Қуёш ёритган томони (кундузи)  $+100^{\circ}\text{C}$  гача исиб, ёритилмаган томони (кечаси) —  $-100^{\circ}\text{C}$  га совиган бўлар эди.

Атмосферасиз Ер ҳам Ойга ўхшаб "ўлик" жисм бўларди. Чунки Ерда яшаб турган тирик организм ҳароратнинг  $2000^{\circ}\text{C}$  чегарада ўзгаришига бардош бера олмасди. Атмосферасиз дарё, дениз, океан, музилклар Қуёш қуввати таъсирида бугланиб, фазога тарқалиб кетган бўлар эди. Атмосфера ерни метеорлар оқимидан ҳимоя қиласди.

**Атмосферадан фойдаланиш.** Атмосфера нафақат тириклик манбай, у тутанмас бойлик ҳамдир. Ундан турли мақсадларда фойдаланилади. Масалан, у хом ашё (азот, аргон, кислород, карбонат ангидрид) ва энергия манбай (шамол двигатели). Шунингдек, ундан турли хил қурилмаларни совутишда, транспорт йўли сифатида фойдаланилади.

**Атмосфера** — табиий ҳолдаги улкан лаборатория. Унда турли физикавий-кимёвий ҳодисалар содир бўлади. Қуёш нури таъсирида Ер сирти ва унга яқин жойлашган ҳаво қатламининг турлича исиши натижасида ҳавода босим фарқлари вужудга келиб шамол пайдо бўлади. Сув (дарё, кўл, денгиз, океан) буглананиши булат пайдо қиласди. Булутдан турли-туман ёгин-сочин вужудга келади. Натижада ерда сув миқдори деярли доимо меъёрий ҳолда сақлашиб туради.

Атмосфера биосфера учун ташқи қобиқ вазифасини ўтайди. Унинг массаси Ер массасига нисбатан жуда кичик. Аммо биосферадаги табиий жараёнларда атмосферанинг аҳамияти каттадир. Атмосфера ер сиртидаги умумий иссиқлик режимини белгилайди, уни зарарли самовий ва ультрабинафша нурлардан ҳимоя қиласди. Атмосфера циркуляцияси маҳаллий иқлим шароитига, у орқали эса, дарёлар режими, тупроқ-ўсимлик қатлами ва рельеф ҳосил бўлиши жараёнларига таъсир кўрсатади.

Атмосфера таркибиға кирувчи кислород, карбонат антидрид гази ва азот турли экотизимлар учун жуда аҳамиятлидир. Улар биокимёвий айланишларда иштирок этади.

**Кислород.** Кислород атмосферада эркин ҳолда учрайди. У яшил ўсимликлар маҳсулоти бўлиб, тирик организмларнинг ажралмас таркибий қисми ва ҳаёт манбаи. Инсон яшаши учун энергия кепрак. Бунинг учун эса кислород зарур. У ҳаётда энг кўп тарқалган фаол газ бўлгани сабабли моддалар билан жуда тез реакцияга киришади ва моддаларнинг ёнишига ёрдамлашади. Кислород денгиз сувининг таркибида бирикма ҳолида, атмосфера эса газ ҳолатида бўлади.

Атмосферадаги кислород одам, ҳайвон ва ўсимликларнинг нафас олишини таъминлайди. Кислород одам организмида бўлиб ўтадиган жараёнларда бевосита иштирок этади. Нафас олганда ҳавонинг таркибидаги кислород ўпка орқали қонга ўтиб, қизил қон таначаларига қўшилиб кетади. Натижада тўқима ва ҳужайралар кислород билан озиқланади.

Денгиз ва океанларда ўсадиган ўсимликлар ҳам ҳавога кислород чиқаради. Аммо сўнгги йилларда дengiz ва океанлар юзи нефт қатламиши билан қопланиб, сув ва ҳаво ўртасида энергия алмашиниши бузилмоқда. Оқибатида сувдаги ҳаётий жараёнларнинг секинлашиши ва кислороднинг ҳавога камроқ чиқиш ҳоллари кузатилади. Бу эса Ер курасида кислороднинг табиий динамик муовзанати бузилишига олиб келади. Шу боисдан ҳозирги вақтда атмосферани муҳофаза этиш умумжаҳон муаммоси ҳисобланади.

Кислород атмосфера таркибида ҳамиша мавжуд бўлмаган. У фотосинтезловчи организмлар (автотрофлар)нинг ҳаётий фаолияти



#### 7-чиизма.

натижасида пайдо бўлган. Ультрабионафша нурлар таъсирида кислород озонга айланган (7-чиизма).

Биосферада кислород айланиши ниҳоятда мураккабдир. У билан кўплаб органик ва ноорганик моддалар реакцияга киришади. Масалан, кислороднинг водород билан бирекиши натижасида сув ҳосил бўлади. Кислород айланишини схематик тарзида қўйидагича ифодалаш мумкин.

**Озон ( $O_3$ ).** Озон кислороднинг аллотропик шакл ўзгариши бўлиб, атмосферада ҳажм жиҳатидан  $2 \cdot 10^{-8}$ . Йил фаслами, географик кенглиқ, жойнинг баландлиги ва бошқа шароитларга қараб озон миқдори турли жойларда турлича бўлади. Озон стратосфера ва мезосферада бирмунча кўп.

Бу оралиқ озоносфера дейилди. Бунда озоннинг концентрацияси  $4 \cdot 10^{-7} \text{ г}/\text{м}^3$ . Озоннинг миқдори 20-25 км баланлиқда энг кўп бўлиб, ундан юқори ва пастки қатламларда тез камаяди. Агар бутун атмосферадаги озон  $0^\circ\text{C}$  ҳарорат ва 760 мм. симоб устини босими шароитида бир қатламга тўпланса, унинг қалинлиги 3 мм бўлади. Ана шу кичик қалинликдаги озон ердаги ҳаётни хавфли радиациядан сақлайди. Озон туйнигининг ҳосил бўлиши атмосферанинг ифлосланиб бораётганига мисол бўла олади.


Озон гази тўплангани сари секин-аста атмосферанинг юқори қисмида озон қатлами юзага келган. Атмосферадаги озон экран қатлами сифатида ер сиртини тирик организмлар учун хатарли бўлган ультрабионафша радиациясидан сақлайди.

**Карбонат ангирид** ( $\text{CO}_2$ ). Бу газ ўсимликларнинг фотосинтез жараёнида актив қатнашади. У яшил ўсимликларнинг органик модда ҳосил қиласидаган асосий қисми. Карбонат ангирид бошқа газларга нисбатан оғирроқ бўлганидан атмосферанинг қуи қисмида кўп учрайди.

Карбонат ангирид вулқонлар отилиши, ёнилгиларнинг ёниши, органик моддаларнинг чириши ва организмларнинг нафас олиши натижасида ҳосил бўлди. Ҳаво таркибида карбонат ангирид миқдори 0,07 % га етса, у тирик организмларга салбий таъсир этади. Кўп миқдордаги  $\text{CO}_2$  инсоннинг ҳалок бўлишига олиб келади.

Карбонат ангирид гази органик моддалар ҳосил бўлишидаги фотосинтез жараёнида иштирок этади. Айнан ана шу жараёnlар туфайли биосферада углерод айланиши юз беради. Кислород каби углерод ҳам тупроқ, ўсимлик, ҳайвон таркибиага киради ва табиатда модда айланишининг хилма-хил механизмида қатнашади. (8-чизмага қаранг).

**Азот** — ердан микроорганизмларнинг фаолияти таъсирида ҳавога ажратилиб чиқади. У биологик жараёnlarda унчалик рол ўйнамайди. Унинг миқдори атмосфера таркибидагига қараганда тоғ жинслари таркибида 50 марта кўп. Атмосферада мавжуд бўлган




8-чиизма.

азотни асосан ўсимлик ва ҳайвонлар ўзлаштиради. У бошқа элементлар билан бирекмайди. Азотнинг гигиеник аҳамияти шундаки, у инерт газлар группаси билан бирга ҳавога одамнинг нормал нафас олиши учун зарур даражада аралашади. Чунки соф кислородда ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Аммо азот ҳамма вақт ҳам безарар эмас, юқори атмосфера босимида организм учун у наркотик таъсир кўрсатади.

Азот — тенгсиз биоген элемент. У оқсиllар ва нуклеин кислоталар таркибига киради. Атмосфера — азот манбаи. Аммо тирик организмларнинг асосий қисми ундан бевосита фойдалана олмайди. У дастлаб кимёвий бирекмаларга айланиши керак.

Азот айланиши углерод айланиши билан узвий боғлиқ. Азот айланиши углерод айланишига нисбатан мураккаб бўлишига қарамай, одатда, у жуда тез кечади (9-чизма).



9-чизма.

Ҳавонинг бошқа таркибий қисмлари биохимёвий айланишларда иштирок этмайди. Аммо атмосферада ифлослантирувчи модданинг кўп миқдорда бўлиши бу цикларнинг жиддий бузилишига олиб келиши мумкин.

**Чанглар.** Атмосфера ҳавоси таркибида маълум миқдорда доимо чанг зарралари мавжуд бўлади. Улар асосан, органик ва ноорганик жараёнлар натижасида, тобе жинслари ҳамда тупроқ қатламларининг емирилиши, вулқон, ўрмон, дашт ва торф ёнгинлари, денгиз сувларининг бугланиши оқибатида ҳосил бўлади.

### 7.3. Тупроқ — биосферанинг таркибий қисми

Тупроқ — қуруқликнинг юқори қисми бўлиб, ўсимликлар, ҳайвонлар, микроорганизмлар ва иқлим таъсирида "она" тог жинсларидан ҳосил бўлган. У биосферанинг бошқа қисмлари билан узвий болганган муҳим ва мураккаб таркибий қисми.

Тупроқда қуйидаги асосий компонентлар ўзаро таъсиравлада:

- минерал зарралар (қум, гил тупроқ), сув, ҳаво;
- детрит — қотиб қолган органик моддалар, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётий фаолияти қолдиқлари;
- детритофаглардан тартиб, то детритларни гумусга айлантирувчи редуцентларгача бўлган тирик организмлар тўплами.

Тупроқ гўё тирик организм. Унинг ичидаги турли мураккаб жараёнлар кечади. Тупроқни яхши ҳолатда тутиб туриш учун унинг барча ташкил этувчиларининг алмашиниш жараёнлари табиатидаги билиш зарур. Тупроқнинг сиртқи қатламларида турли хил организмларнинг кўплаб қолдиқлари мавжуд. Уларнинг чириши оқибатида гумус ҳосил бўлади. Гумус миқдори эса тупроқнинг ҳосилдорлигини белгилаб беради.

Ўсимликлар тупроқдан зарурый минерал моддаларни олади. Ўсимликлар сўлиб, чириганидан сўнг олинган элементлар яна тупроқка қайтади. Тупроқдаги организмлар барча органик қолдиқларни қайта ишлайди. Шундай қилиб, табиий шароитларда тупроқда модда алмашинуви доимий содир бўлиб туради.

Сунъий агроценозларда бундай айланиш бузилади. Чунки қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотининг катта қисми йигиштириб олинади ва улар эҳтиёжлар учун фойдаланилади. Демак, маҳсулотнинг олинган ўша қисми тупроқдаги айланиш жараёнида қайта иштирок этмайди ва оқибатда унинг ҳосилдорлиги пасаяди. Сунъий агроценозлардаги тупроқнинг ҳосилдорлигини ошириш учун инсон унга органик ва минерал ўйтитлар солади.

Нормал табиий шароитларда тупроқда кечадиган барча жараёнлар мувозанатда бўлади. Аммо бу мувозанатни кўпинча инсон аралашуви бузади. Унинг ҳўжалик фаолияти ривожланиши натижасида тупроқ ифлосланади, унинг таркиби ўзгаради ва у ҳатто бутунлай яроқсиз бўлиб қолади.

Ўрмон ва ўтлоқзорларнинг йўқотилиши, агротехника қоидаларига амал қилинмасдан ерни кетма-кет ҳайдаш тупроқ эрозияси юзага келишига, ҳосилдор қатламнинг сув оқимлари туфайли ювилиб кетишига ёки шамолдан ишдан чиқишига сабаб бўлади. Тупроқ эрозиясининг бир неча тури мавжуд (10-чизма).



10-чизма.

Ҳосилдор тупроқ қайта тикланадиган ресурс ҳисобланади. Аммо унинг қайта тикланиши учун жуда узоқ вақт, юзлаб ва ҳатто минглаб йиллар керак бўлади. Ер юзида ҳар йили миллиард тонналааб ҳосилдор тупроқлар йўқотилади. Шунинг учун эрозия ҳозирги вақтда бутун дунё миқёсидаги бало ҳисобланади.

ИНсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти кучайиши оқибатида тупроқ қатлами жадал равишда ифлосланмоқда. Металлар ва уларнинг бирикмалари, радиоактив элементлар, шунингдек, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган ўйтлар ва кимёвий воситалар тупроқни асосий ифлослантирувчилар ҳисобланади.

Тупроқнинг ифлосланиши биосферада моддалар айланишининг бузилишига олиб келади. Бундан ташқари, зарарли моддалар экологик озиқлар "занжири"га қўшилади. Улар тупроқ ва сувдан ўсимликларга, кейин ҳайвонларга ва охир-оқибатда озиқовқат орқали инсон организмига ўтади.

#### 7.4. Сув — ҳаёт манбаи

Сув қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришидаги деярли барча технологик жараёнларнинг зарурый таркибий қисми (компоненти) ҳисобланади. Мазкур соҳалардаги технологик жараёнларда сув жуда кўп ишлатилади. Чучук сувдан ҳаддан ортиқ кўп фойдаланилса, охир-оқибат у етишмай қолиши мумкин. Сабаби, ҳозирги замон техникаси уни юз фоиз тозалашга қодир эмас. Сувни бутунлай тозалаш учун ҳам оқова сувлардан фойдаланишга тўгри келади. Бу эса сувни яна исроф қилиш демакдир. Табиий сув ҳавзаларида ўз-ўзини тозалаш эффиқти ҳам катта самара беради.

Республикамизда ҳозирги вақтда ифлосланган оқова сувларни сув манбаларига оқизиши учдан бирга қисқартирилди. Сувни тежаб ишлатиш борасида назорат ишлари кучаймоқда. Далаларга режали асосда сув берилепти. Хонадонларга сув үлчагич асбоблар үрнатылмоқда.

Гарчанд Ер юзида сув энг күп тарқалган модда бўлса-да, уларнинг 98 фоиз захирасини дengizlarning шўр сувлари ташкил этади. Умумий чучук сувнинг атиги 0,1 фоизидан фойдаланиш имкони бор, холос (қолган сувлар эса ер қутблари ва баланд-баланд тог чўққиларида музликлар ва қор тарзида мавжудdir). Сувдан тежамкорлик билан фойдалана олмаслик такомиллашмаган технологияга ҳам боғлиқ. Масалан, 1 т синтетик тола олишда  $500 \text{ m}^3$  оқова сув ҳосил бўлади. 1 т маҳсулот то тайёр бўлгунича сарфланидиган жами сув  $15\text{--}20 \text{ минг } \text{m}^3$  ни ташкил этади. Ҳозирги вақтда саноатнинг қатор тармоқларида ёпиқ сув алмашиниш схемаси ишлаб чиқилган ва қисман йўлга қўйилган. Бу сувни тозалашнинг маҳаллий усулидир. Бундай ҳоллар сув истеъмоли меъёрини анча пасайтириши ва айрим ҳолларда эса, сув ҳавзаларига умуман оқова сувини чиқармаслик имкониятини яратади.

Сув она сайдеризда энг күп тарқалган ноорганик моддадир. Сувсиз ерда ҳаёт йўқ. Сув — Ердаги асосий ҳаётий жараён ҳисобланмиш фотосинтезда ягона кислород манбаидир. У об-ҳаво ва иқлимининг шаклланишида катта аҳамиятга эга.

Ердаги сувнинг катта қисми денгиз ва океанларда тўпланган. Ерда тарқалган бутун сувнинг атиги 2 фоизи чучук сув улушкига тўгри келади. Чучук сувларнинг 85 фоизини қутб зоналарида музликлар ва бошқа музлар ташкил этади. Чучук сувларнинг қайта тикланиши табиатда сув айланиши туфайли содир бўлади. Ер курасининг кўргина ҳудудларида дарёлар асосан электр манбай ҳисобланади. Чучук сувлардан инсон турмушда, қишлоқ ҳўжалиги ва саноат эҳтиёжлари учун фойдаланади. Афсуски, инсоннинг ҳаётий фаолияти оқибатида табиий сувлар ифлосланиб, уларнинг биосферик функцияси пасаймоқда. Сувнинг ифлосланиши бутунги кунда муҳим муаммо ҳисобланади. Сув асосан нефт ва нефт маҳсулотлари, симоб, қўргошин ва унинг бўлинмалари, рух, мис, хром, марганец, шунингдек, радиоактив элементлар, заҳарли кимёвий воситалар ва бошқалар билан ифлосланмоқда.

Инсоният ўз эҳтиёжлари учун чучук сувлардан жуда кўп фойдаланади. Аммо бутунги кунда дунёning турли нуқталарида чучук сувнинг етишмаслиги ҳоллари кузатилмоқда. Ҳозирги вақтда сайёрадаги шаҳар аҳолисидан 20 фоизнинг ва қишлоқ аҳолисидан 75 фоизнинг чучук сувга бўлган эҳтиёжи қаноатлантирали эмас.

Чучук сувларнинг ифлосланиши туфайли уларнинг захиралари ҳам камаймоқда. Айниқса, заҳарли оқар сувлар хавфидир. Улар-

нинг кўп қисми сув ҳавзаларига яна оқова сув тарзида қайтмоқда. Йирик сув тозалаш қурилмаларини қуриш, саноатда сувдан фойдаланишининг ёпиқ циклини жорий этиш билан бир қаторда ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш орқали сувнинг беҳуда сарфланиши ва исроф бўлишига йўл қўймаслик лозим.

Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларининг суви ҳам ифлосланган. Бунга саноат, майший-коммунал хўжалик корхоналари, даволаш, согломлаштириш ҳамда дам олиш зоналаридан оқиб чиқувчи чиқиндиларнинг, турли минерал ва органик ўгитларнинг ҳамда зааркунанда ҳашаротларга қарши курашда қўлманиладиган ўта заҳарли кимёвий воситаларнинг сувга қўшилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу экологик вазиятнинг ёмонлашишига ва аҳоли ўртасида турли хил касалликнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Сув — бойлигимиз. Унинг устидан кучли назорат ўрнатиш, ифлосланишдан муҳофаза қилиш борасида кўп ишларни бажаришимиз лозим. Хусусан:

— корхоналарда олаётган сувлари билан бирга улардан чиқаётган ифлос сув миқдорига қараб ҳақ тўланишини амалга ошириш;

— йирик шаҳарларда иккита сув қувурлари тизимиға ўтиб, биридан сифатли ичимлик сув, иккincinnидан саноат ва бошқа эҳтиёжлар учун ишлатиладиган сув беришга ўтиш;

— водопровод жўмракларини бекорга очиб қўймаслик, уларнинг техник ҳолатини мунтазам назорат қилиб туриш каби қатор тадбирлар сувларнинг ифлосланиши ҳамда ичимлик суви исроф бўлишининг олдини олишда катта ёрдам беради.

Сувни эъзозласак, тоза сақласак, келгуси авлодларга табиатимиз гўзалликларини кам-кўстсиз етказишига хизмат қилсак, ўз ҳаётимизнинг гўзал, обод ва фаровон бўлишига кўмаклашган бўламиз.

## 7.5. Денгиз ва океанлар экологик муаммоси

Дунё денгизлари — биосферани меъёrlаштирувчи энг муҳим манбалардан бири. Шунингдек, уларда жуда катта биологик ва минерал бойликлар захиралари мавжудdir. Дунё денгизи Ер кураси сиртининг 363 млн.  $\text{km}^2$ , яъни 71 физини ташкил этади. Денгиз ва дарёлардаги сувнинг умумий ҳажми 1362200 минг  $\text{km}^2$ . Денгизнинг атмосфера билан ўзаро таъсири Ердаги об-ҳаво шароити ва иқдимнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Денгиз суви турли минерал моддаларга бой чучук сув олиш манбаи сифатида хизмат қилади. Дунё денгизи — жуда катта миқдордаги ош тузи захирасига эга бўлиб унда 180 мингга яқин орга-

низм турлари — кичик бактериядан тортиб, йирик китларгача паноҳ топган. Денгизда яшовчиларнинг биомассаси тадқиқотчиларнинг маълумотига кўра 60 миллиард т (куруқлиқда яшовчиларнинг умумий биомассаси тахминан 10 миллиард т). Бугунги кунда инсон озиқ-овқатидаги оқсилларнинг 10 фоизига яқини денгизлардан олиниади. Кўпгина мамлакат аҳолиси учун денгиз маҳсулотлари асосий таом ҳисобланади.

Инсониятнинг бу "гўша"си жаҳон "ахлатхона"сига айланиб бормоқда. Чунки уммонга инсон фаолияти оқибатида тўпланадиган чиқиндилар ташланмоқда. Кимёвий синтез саноати пайдо бўлгунга қадар бу "табиий ахлатхона"га нима ташланса, уларнинг барчаси биологик циклга қўшилиб, тарқаб кетарди. Бироқ инсоннинг турли сунъий моддалар ишлатиши туфайли, денгиз табиий мұхитининг бузилиши жараёни, ифлосланиши ва заҳарланиши тобора ортиб бормоқда.

Дунёдаги денгизларнинг ифлосланиши кўплаб мамлакатлар нефт маҳсулотларини денгиз орқали ташишни кенг йўлга қўйиши билан ҳам боғлиқдир. Сувнинг нефт ва унинг маҳсулотлари билан ифлосланиши ҳайвонот ва ўсимликлар олами учун жуда хатарлидир. Нефт, мазут билан қопланган Атлантика океани, Ўрта Ер денгизи, Форс кўрфази ва бошқа денгизларда ўн ва ҳатто юз минглаб қушлар ҳалок бўлади. Тўгри, одамлар уларга ёрдам беришб, юзлаб қушларни қутқаришга мувофиқ бўлинади, аммо минглаб жонзотлар қирилиб қетади.

Илгари вақтларда ифлос сувлар денгизга қўйилса, у денгиз мұхитида эриб тозаланади, деган тушунча мавжуд эди. Ҳақиқатан, денгиз ифлос сувларни тозалаш қобилиятига эга. Бу жараёнда денгиз организмлари, масалан, моллюскаларнинг ҳар хил турлари катта рол ўйнайди. Аммо денгизнинг ўз-ўзини тозалаш қобилияти ҳам чексиз эмас.

Денгизни ифлослантираётгани асосий манба нималардан иборат? Биринчидан, денгизга дарё сувлари орқали саноат ва қишлоқ ҳўжалиги чиқиндилари ташланади ва шаҳар оқова сувлари қўйилади. Бу тахминан ифлослантирувчиларнинг 40 % ни ташкил этади. 30 % ифлослантирувчилар денгиз транспорт воситалари улущига тўгри келади. Бунда дизел ёнилғиси чиқиндилари, кемаларни ювиш, тозалаш, баллистик қўйилмаларни тўкиш ва бошқаларни эслаб ўтиш кифоядир. Айниқса, нефт ва нефт маҳсулотлари юкланган танкерларнинг ҳалокати, денгиз тубига ўрнатилган нефт қувурлари, сув ости атом кемасининг ишдан чиқиши, денгиздан нефт қазиб олиш катта зарар келтиради.

Ҳозирги вақтда Орол, Болтиқ, Қора, Япон, Оқ ва бошқа денгизларда жуда мураккаб экологик ҳолат юзага келган. Бугунги кунда денгизлардаги экологик ҳолатларни яхшилашнинг бир неча йўлла-

ри маълум: денгиз қирғоқларида чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш, зарурий миқдорда тозалаш иншоотларини қуриш, антропоген таъсиirlарни камайтириш ва бошқалар.

Дунё дengizlарининг қирғоқларига яқин жойлашган саноат ишлаб чиқариши чиқиндилари ва унга қўйиладиган дарёлар суви билан ифлосланиши аҳволни янада қўйинлаштиради. Баъзи тарақкий этган мамлакатлар дунё dengizlарининг тубига атом ишлаб чиқаришидан ҳосил бўлган фаоллиги юқори чиқиндиларни кўмадилар (АҚШ, Англия, Германия). Ҳолбуки, дengиз тубидаги чуқурликлар ҳам сейсмик жиҳатдан ишончли эмас, у жойларда контейнерларнинг чириш-бузилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ницедаги Биологик марказ маълумотларига кўра, Атлантика океанидан тутилган балиқлардагига қараганда Ўрта Ер дengизи балиқларида симоб миқдори уч марта кўп экан. Жаҳон Соглиқни сақлаш ташкилоти маълумоти бўйича Ўрта Ер дengизига ҳар йили 12 млн. тонна органик чиқиндилар ташланади, у оқар сувлар орқали ҳар йили 1 миллион т рух, 2,5 минг т турли радиоактив моддалар билан ифлосланади. Шунинг учун бу дengизнинг қатор қирғоқларида чўмилиш ман этилган ва у ердаги ҳудудлардан тутилган балиқлар истеъмол учун яроқсизdir.

Токио, Жакарти кўрфазлари, Явон дengizlарининг тақдирлари ҳам ачинарли ҳолатдадир. У ерларда ўсимлик ва ҳайвонот оламидан асар ҳам қолмаган. Дунё миқёсида дарё, кўллар ва сув ҳавзалирининг ифлосланишига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

## 7.6. Орол дengизи муаммоси

Қадимдан халқимиз орасида "Бир нарсани йўқотмай туриб, иккинчи нарсага эришиб бўлмайди", деган ҳикматли сўз юради. Со-биқ шўролар даврида, экин экиладиган майдонларни кенгайтириш мақсадида, чўлларни ўзлаштиришга тушдилар. Ҳолбуки, ўзлаштирилган чўл тупроқларининг оддий лалмикор тупроқларга нисбатан сувга бўлган эҳтиёжи бир неча баробар юқори. Бу муаммо ҳам хамирдан қил сугургандек осонгина ҳал этилди, яъни Амударё ва Сирдарёning Оролга борадиган йўналишини ўзлаштирилаётган чўл зонасига бурдилар. Сувдан аёвсиз, ваҳшийларча фойдаланиш натижасида Орол дengизига қўйиладиган сувнинг миқдори камайди. Ҳа, баъзилар ўйлаган мақсадига эришди, яъни маҳсулдорликни ошириш учун ерлар кенгайтирилди. Аммо бизга ундан икки баробар қимматга тушгани — Орол дengизининг батамом қуриб қолиш хавфи тутилди.

Назоратсизлик ва сувдан фойдаланишнинг бепуллиги ҳамда алмашлаб экишнинг йўқлиги сувдан самарасиз фойдаланишга олиб келди. Пахта ва шоли етиштиришга кўп сув сарфлашдан ташқари,

кўп миқдорларда ўғит ва ўсимликларни ҳимоялашда кимёвий во-  
ситаларини қўллаш талаб қилинади. Бу эса атроф-муҳитнинг ўнлаб  
марта кўп булганишига сабаб бўлди. Минтақамиз эса хом ашё ба-  
заси бўлиб қолди.

Бизнингча, Орол бўхронининг асосий сабаблари қўйидагилар-  
дан иборат:

— кўп сув талаб қиласиган ишлаб чиқаришнинг ривожланти-  
рилиши;

— қишлоқ хўжалиги экинларининг экологик жиҳатдан асос-  
ланмаган тузилмалари жорий қилиниши. Сув кўп талаб қилина-  
диган экинлар, биринчи навбатда пахта ва шолининг катта май-  
донларга экилиши;

— қатор ҳолларда ерларни кенгайтириш ва сугориш ишлари  
сифатига эътибор берилмаслиги;

— ҳосилдорлиги паст, мелиорациялаш қийин бўлган заминлар  
ўзлаштирилиши;

— тупроқнинг шўрланиши ва юқори даражада минераллаш-  
ган дренаж оқимлари шаклланиши;

— сугориш тизимларини лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплу-  
атация қилиш ишларининг сифатсиз бажарилиши;

— сугориш меъёрларининг юқори ҳосилдорликка эришишни  
ўйлаб, етарли асосланмаган ҳолда белгиланиши;

— минтақа иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг экология  
тизимига таъсирининг муқобил йўлларини изламаслик;

— катта миқёсларда амалга ошириладиган жами ишларнинг  
экологик оқибатларини таҳлил этмаслик;

— аҳоли ҳаёт кечириши сифатларини яхшилашга қаратилган  
бутун хўжалик фаолиятининг кучсизлиги ва бошқалар.

2000 йилда Президентимиз И.А.Каримов Бирлашган Миллат-  
лар Ташкилотида бўлиб ўтган минг йиллик саммитининг 55-сессия-  
сида Орол муаммосини яна илгари сурди ва бунда Оролнинг му-  
аммога айлангани эътироф этилди. Аслида Орол дентизи муаммо-  
си узоқ ўтмишга бориб тақалди. Лекин бу муаммо сўнгги ўн  
йилликларда хавфли даражада ортди. Ўрта Осиёning бутун ҳудуди  
бўйлаб сугориш тизимларини жадал суръатда қуриш кўплаб аҳоли  
пунктларига ва саноат корхоналарига сув бериш баробарида кенг  
кўламдаги фожиа — Орол ҳалок бўлиши англаанди.

1991-1992 йилларда Орол дентизининг сатҳи энг юқори нуқта-  
да бўлиб, 53,4 метрни, сувнинг ҳажми 1064 куб километрни, сув-  
нинг юзаси 66 минг квадрат километрни ва минераллашув дара-  
жаси бир куб метр сувда 10-11 граммни ташкил этган эди. Дентиз  
транспорти, балиқ хўжалиги, иқлим шароити жиҳатидан катта аҳами-  
ятга эга бўлган. Унга Сирдарё ва Амударёдан ҳар йили деярли 56  
куб километр сув келиб қўйилар эди. 1994 йилга келиб, Орол ден-

гизидаги сувнинг сатқи — 32,5 метрга, сув ҳажми — 400 кубкилометрдан камроққа, сув юзасининг майдони эса 32,5 минг квадрат километрга тушиб қолди, сувнинг минераллашуви икки баробар ортди.

1997 йил февралда Ўрта Осиёдаги беш давлати раҳбарлари-нинг БМТ, Жаҳон банки ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида Алматида бўлиб ўтган учрашувида Орол муаммосини ҳал этиш бўйича ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди — Оролни кутқариш Ҳалқаро фонднинг анча ишchan тарқиби ва унинг негизида ҳаракатчан Ижроия қўмитаси тузилди. Экологик қулфатлар чегара билмаслигини назарда тутган ҳолда жаҳон жамоатчилиги эътиборини миңтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозим.

Орол муаммосини ҳал этиш бўйича жуда кўп фикр-мулоҳазалар айтилади, тадбирлар белгиланади. Бироқ самарали натижалар бўлмади. Хуллас, аввал бизга жуда катта фойда берган денгиз энди мадад кутмоқда.

## 7.7. Биосферадаги радиоактивлик

Радиоактив ифлосланиш бошқа ифлосланишлардан анча фарқ қиласди. Радиоактив нуклиidlар бу — нобарқарор кимёвий элементларнинг ядроси. Улар ўзларидан зарядли зааралар чиқаради ва қисқа тўлқинли электромагнит нурланишлар тарқатади. Айнан худди ана шу зааралар ва нурланишлар инсон организмда турли хасталиклар, хусусан, нурланиш касаллиги келтириб чиқариши мумкин.

Биосферанинг ҳамма жойида радиоактивликнинг табиий манбалари мавжуд. Инсон ҳам бошқа тирик организмлар сингари ҳамиша табиий нурланишларга дучор бўлади. Ташқи нурланиш космосдан тарқалган нурлар ва атроф-муҳитда мавжуд бўлган радиоактив нуклиidlар ҳисобига содир бўлади. Ички нурланишини ҳаво, сув ва озиқ моддалари орқали инсон организмига кириб қолган радиоактив элементлар келтириб чиқаради.

Энг хатарлиси биосферанинг анропоген радиоактив, яъни инсон фаолияти натижасида ифлосланишидир. Ҳозирги вақтда радиоактив элементлардан турли соҳаларда кенг фойдаланилади. Уларнинг сақлашда ва ташишдаги эътиборсизликлар туфайли жиiddий радиоактив ифлосланишлар юз беради.

Чернобил атом станциясидаги портлаш туфайли ядро ёқилгисининг атиги 5% и атроф-муҳитга тарқалган эди. Бу кўплаб кишиларнинг нурланишига сабаб бўлди. Катта ҳудуд радиация билан шу даражада ифлосланадики, у жойларда яшаш саломатлик учун

хавфли бўлиб қолди. Радиация ҳалокат жойидан юзлаб ва минглаб километр узоқликка тарқалди.

Ҳозирги вақтда ҳарбий саноат ва атом электр станциялари чиқиндилигини тұплаш ва сақлаш кескин муаммо бўлиб бормоқда. Ҳар йили улар борган сари атроф-муҳит учун катта хавфхатар түгдирмоқда. Шундай қилиб, ядро энергиясидан фойдаланиш инсоният олдига янги жиҳдий муаммолар қўйди.

## 7.8. Биосферанинг экологик муаммолари

Инсон фаолияти натижасида битта корхона чиқиндилари билан атмосфера, дарё, кўл ифлосланиши ва ҳатто ўрмонлар йўқолиб кетиши мумкин. Бу локал (маҳаллий) экологик муаммоларга мисол бўла олади. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш натижасида денгизлар, сув ҳавзалари, шаҳарларнинг табиий муҳити ифлосланиши, ҳудудларнинг бузилишини ҳудудий экологик муаммолар тарзида қараш мумкин. Аммо инсоннинг хўжалик фаолияти янада глобал характерга эга бўлиб бориб, биосферада кечадиган жараёнларга анча катта таъсир кўрсата бошлади.

Инсоният биосферадаги қатор жараёнларнинг боришини, хусусан, қатор элементлар миграцияси ва кимёвий айланишини сезиларли даражада ўзгартириб юборди. Ҳозирги вақтда, гарчанд жуда секинлик билан бўлса-да, бутун биосферада сифат ва миқдор жиҳатдан қайта қуриш юз бермоқда. Эндилиқда яқин вақтларда ҳал этилиши зарур бўлган қатор мураккаб экологик муаммолари юзага келди.

Сўнгти йилларда олимлар атмосферадаги озон қатламининг юпқалашиб, емирилиб бораётганини бот-бот таъкидлашмоқдалар. Ҳолбуки, озон қатлами ультрабинафаша нурларининг заарли таъсиридан тирик жонзотларни ҳимоя қиласди. Бу жараён, айниқса сайёрамиз кутбларида тез кечмоқда. У ерда "озон туйниги" ҳосил бўлиши кузатилмоқда. Ультрабинафаша нурлар таъсирида кислород ( $O_2$ ) молекулалари эркин атомларга парчаланади. Улар ўз навбатида кислороднинг бошқа молекулаларига бирикиб, озон ( $O_3$ ) ҳосил қиласди. Кислороднинг эркин атомлари озон молекулалари билан реакцияга киришиб, кислороднинг икки молекуласини ҳосил қиласди. Шундай қилиб, кислород ва озон ўртасида мувозанат ўрнатилади ва таъминланади.

Бироқ фреон типидаги ифлослантирувчилар озоннинг парчаланиш жараёнини тезлаштиради. Бу кислород ва озон ўртасидаги мувозанатни бузади, яъни озон концентрацияси камаяди. Бутун сайёра миқёсидаги хавф-хатарни эътиборга олиб, халқаро жамоат-

чилик бу муаммони ҳал этишга дастлабки қадамларини қўйди. 1999 йилда фреон ишлаб чиқаришни 50 фоизга камайтириш борасида халқаро шартнома имзоланди.

"Парник эффекти" атмосферада ҳароратнинг ортишидир. Янги маълумотлар бўйича, XX асрнинг 80-йилларида XIX асрнинг охидагига қараганда шимолий ярим шарда ҳарорат  $0,5\text{--}0,6^{\circ}\text{C}$ га кўтарилиган. Башоратлар бўйича XXI аср бошларида сайдерамиздаги ўртача ҳарорат яна  $1,2^{\circ}\text{C}$ га кўтарилиши мумкин. Олимлар ҳароратнинг бу тарзда кўтарилишини биринчи навбатда атмосферада карбонат ангидрид гази ва аэрозол (феон)лар миқдорининг ортишига боғлаб тушунтирадилар. Бунда Ернинг иссиқлик нурланишини ҳаво қучли ютади. Буни парниқдаги ҳолатга ўхшатиш мумкин. Равшанки, бундай "парник эффекти"нинг яралишида ИЭС ва АЭСдан ажralувчи иссиқлик ҳам маълум рол ўйнайди.

Иқлимининг исиши музликларнинг жадал эриши ва дунё океани сатҳининг кўтарилишига олиб келиши мумкин. Бунинг оқибатида юзага келадиган ўзгаришларни оддиндан башорат қилиш қийин. Айни муаммони карбонат ангидрид гази ва бошқа ифлослантирувчиларнинг атмосферага тарқалишини камайтириб ва табиатдаги углерод айланишида мувозанатни таъминлаб ҳал этиш мумкин.

Ўрмонларнинг ялпи тарзда йўқолиши — ҳозирги замондаги глобал экологик муаммолардан биридир. Ўрмон туркумлари табиий экотизимларнинг нормал "ишлаши"да муҳим рол ўйнайди. Улар антропоген асосда келиб чиқсан атмосферадаги ифлосликларни ютади, тупроқни эрозиядан сақладайди, сиртқи сувларнинг нормал оқимларини тартибга солади, тупроқ сувлари даражаси пасайишига, дарёлар, каналлар ва сув ҳавзаларининг қуриб қолишига тўсқинлик қиласи.

Ўрмон майдонлари камайиши биосферада углерод ва водород айланиши жараёнини бузади. Ўрмонларнинг йўқолиши уларнинг флора ва фауналари хилма-хил турларининг ҳалок бўлишига олиб келади. Йисон ўрмонларни йўқотиб, ўз сайдераси қиёфасининг манзарасини тобора қашшоқлаштиromoқда.

Олtingутурт икки оксиди ва азот оксиди юзага келтирадиган кислота ёмғирлари экотизимларга, айниқса ўрмонларга катта зарар келтиради. Кислота ёмғирдан катта япроқли дарахтлардан кўра нина баргилари кўпроқ зарар кўриши аниқданган. Кислота ёмғири атроф-муҳитга бошқа зарарли таъсирлар ҳам кўрсатади.

Ишлаб чиқариш чиқиндилари жиддий экологик муаммога айланди. Ҳозирги вақтда атроф-муҳитни ифлослантирувчи саноат ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналари чиқиндилари мидоқорини камайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу мақсадда мураккаб фильтрлар иш-

лаб чиқилмоқда ва ўрнатилмоқда, қимматбаҳо тозалаш қурилмалари, тиндиригичлар яратылған. Аммо тажрибалар шуни күрсатадыки, улар гарчанд ифлосланыш хавфини пасайтира-да, лекин муаммони бутунлай ҳал этишга ёрдам бера олмайды. Маълумки, энг мукаммал тозалаш ишларидан кейин ҳам тозаланган оқова сувларда 10 % га яқин ифлослантирувчи моддалар ва зериган минерал моддалар қолади. Афтидан, муаммони чиқтисиз технология ишлаб чиқиш ва уни амалга жорий этиш йўли билангида ҳал этиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида агротехника қоидалари-га ва ўғит солиши меъёларига қатъий амал қилиш мұхимдир. Чунки зааркунандалар ва ёввойи ўтлар билан кимёвий воситалар ёрдамида курашиш экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Бу таназзулни бартараф этиш йўлларини ахтариш бир неча йўналишларда олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги зааркунандалари ва қасалликларга чидамли ўсимлик навларини ўстириш борасида ишлар қилинмоқда. Заарли ҳашаротларнинг "табиий душманлари" кўпайтирилиб, биологик кўпайиш усуллари борасида катта изланишлар олиб борилмоқда. Фақат ҳашаротлар маълум турларининг биокимёвий тизимида таъсир кўрсатиб бошқа организмларга зарар келтирмайдиган юқори технологияли перепаратлар ишлаб чиқилмоқда.

Электр станциялар ва электр корхоналарида электр қуввати ишлаб чиқариш мураккаб экологик муаммолар билан bogлиқдир. Энергия зарурлиги — инсоннинг асосий эҳтиёжларидан бири. Энергия нафақат ҳозирги замондаги мураккаб инсон жамоасининг нормал ҳаётини фоалияти учун, балки ҳар бир инсоннинг яшашини ҳам жуда зарурдир. Ҳозирги вақтда электр қуввати асосан гидроэлектр станциялар, иссиқлик ва атом электр станцияларда олинади. Гидроэлектрстанциялар юзаки қаралганда табиатга зарар келтирмайдиган экологик тоза корхона ҳисобланади. Одамлар катта дарёларда кўплаб йирик гидроэлектрстанциялар қурди. Эндилиқда эса, бу йирик иншоатларнинг ҳам табиат ва инсонга катта зарар келтиргани маълум бўлиб қолди.

*Биринчидан*, дарёнинг катта текисликларида тўғонлар қуриш сув ҳавзалари остида катта ҳудудлар — фойдали ерлар қолиб кетишига олиб келди. Кўплаб одамлар ўз жойларидан кўчирилди ва яйловлардан маҳрум бўлдилар.

*Иккинчидан*, дарёлар тўсигб қўйилиб, тўғонлар балиқлар миграцияси учун ҳалақит берди.

*Учинчидан*, ҳавзаларда сув тўпланиб узоқ туриб қолади ва сифати пасаяди. Сув ҳавзаларининг мустаҳкамлиги камайиб бориб,

дарё ва дарё яқинида яшовчи организмларга хавф түгдирди, маълум таъсиrlар кўrsатади.

Тўртингчидан, маҳаллий сувнинг кўпайиши тупроқ сувига таъсиrl қилади. Бунинг оқибатида эса ерларни сув босиши, қирғоқлар кўчиши, ҳар хил эрозия содир бўлиши кузатилмоқда.

Иссиқлик электрстанциялари (ИЭС) ҳам мамлакатнинг электр энергияга бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим ўрин тутади. Кўмирда маълум даражада радиоактивлик хусусияти мавжудлигини ҳамма ҳам билавермайди. ИЭСда катта миқдорда ёқилги ёнади ва кўп миқдорда радиоактив чиқиндилар ҳавога чиқади. Шунингдек, органик ёқилгилар ёниши туфайли ҳам табиатга жуда кўп зарар келтирилади. ИЭСда ёнилги сифатида мазут ва газдан фойдаланилади. Экологик нуқтаи назардан суюқлик ва айниқса, газ билан ишлайдиган энергетик қурилмалар қаттиқ ёқилгилар билан билан ишлайдиганларига қараганда тозароқ ҳисобланади. ИЭСларни газ билан ишлашга ўtkазиш энергетик қурилманинг ФИК анча оширади ва экологик ҳолатни яхшилайди.

Атом электр станциялари оддий электр станцияларга нисбатан экологик жиҳатдан анча тоза. Аммо улар анча хавфлидир. Буни Чернобил атом электр станциясида рўй берган ҳалокат исботлайди. Шундай қилиб, энергетика, афтидан, инсоният олдига ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар қўяди. Бу муаммоларни ҳал этиш борасида бир неча йўналишларда ишлар олиб борилмоқда.

Экологлар ноанъанавий, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишнинг истиқболли эканини таъкидлайдилар. Булар, энг аввало, қўёш ва шамол энергияси, ер бағрининг иссиқлиги, океаннинг механик ва иссиқлик энергиясидир. Мамлакатимизда қўёш (иссиқлик) энергиясидан фойдаланиш борасида катта ишлар қилинмоқда.

## **БИРИНЧИ ҚИСМДА ЎРГАНИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН СУҲБАТ МАВЗУЛАРИ ВА САВОЛЛАР**

*Суҳбат мавзуси: "Экология нимани ўрганади?".*

**Мақсад:** Касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини экология предметининг мазмуни билан таништириш.

### **Суҳбат режаси**

1. Инсон цивилизациясининг дастлабки босқичларида табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабат.

2. Фан-техника тараққиёти шароитида табиатнинг ўз-ўзини тиклаш имкониятларининг бузилиши.

3. Экологиянинг биология фанлари тараққиётининг қонуний натижаси ўлароқ пайдо бўлиши ва ривожланиши.

## САВОЛЛАР

1. Нима учун инсоният цивилизациясининг дастлабки босқичларида табиат ўзига етказилган зиён-зарарлар ўрнини қоплаб, ўзини қайта тиклай олар эди-ю, ҳозирги шароитда тиклай олмаяпти? Экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари нималардан иборат?

2. Инсоннинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида табиатга етказаётган салбий таъсиirlарига мисоллар келтириинг (иззининг келгусида мукаммал эгаллайдиган касбингиз, хизмат қиласидиган ишлаб чиқариш соҳангизга оид бўлса янада яхши).

3. Нима учун табиатнинг тикланиш имкониятларини ҳисобга олмоқ керак? Инсон ва табиат ўзаро таъсирининг асосий анъанаалари.

4. "Экология" фанига таъриф беринг, унинг асосий масалаларини айтинг; агар, у биологик фанларнинг ютуқларига таянмаса, унинг нима учун ижтимоий фанга айланиб қолишини тушунтириинг. Организмлар ва уларнинг яаша мұхитлари.

5. Касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларига экологик билим, малага ва ўқувлар нима учун керак? Экологик омиллар ҳақида сўзлаб беринг.

6. Касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари колледжларда ўқиш жараёнларида олган экологик билимларни қаерда ва қаңдай қилиб қўллашлари мумкин? Коллежни битириб, ишчи-мутахассис бўлганларида-чи? Экологиянинг асосий тушувчалари ҳақида маълумот беринг.

7. Биосфера ва унга анропоген таъсиirlар ҳақида муроҷазаларингиз.

8. Экотизим. Экотизимларда модда айланиши. Популяциялар.

9. Ҳозирги замон экологик ҳолат.

## ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. И. А. Каримов Узбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., "Узбекистон", 1998.

2. Ю. Шодиметов Ижтимоий экологияга кириш. Т., "Ўқитувчи", 1994.

3. А. В. Тұхтаев Экология. Т., «Ўқитувчи», 1998.

4. А. А. Горелов. Экология. М., "Центр", 2000.

5."Экология хабарномаси" журнали. 2000 йил, 1,6-сонлар.

6. Ю Г Махмудов Экологиядан қўлланма. Т., "Фан", 1997.

7. Ш. Отабоев Инсон ва биосфера. Т "Ўқитувчи", 1995.

9. Национальный доклад (о состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан). Т 1998.

10. Ҳ. Ҳомидий. Қатрада қўёш акси. "Маърифат" газетаси, 2000 йил, ноябр.

11.Учебный справочник школьника. М.. "Дрофа", 2000.

# ХОЗИРГИ ЗАМОН ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАН-ТЕХНИКА ИНҚИЛОБИ ШАРОИТИДА ЭКОЛОГИЯ

## 1-боб. ТАБИЙ МУҲИТНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

### 1.1. Табиий муҳит ва инсон

Илгари таъқидлаб ўтганимиздек, табиат ўзаро боғлиқ бўлган объектлар ва жараёнларнинг ягона, жуда мураккаб мажмуидир. Инсон — табиатнинг ажралмас қисми. У табиат билан доимий равишда ўзаро алоқада бўлган ҳоддагина мавжуд бўла олади. Одамзотга нима керак бўлса, барчасини табиатдан олади. Ижтимоий мавжудот сифатида у, энг аввало, ўзининг меҳнат фаолияти билан табиатга жуда катта ўзгартирувчи таъсир кўрсатади. Одамзотнинг меҳнат фаолияти жараёнида табиат билан инсон жамиятининг сифатий жиҳатдан мутлақо янги ўзаро таъсири юзага келади. У ҳайвонларнинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсиридан тамомила фарқ қиласди. Қисқача қилиб айтганда, ҳайвон табиатдан фақат фойдаланади. Ундаги иштироки доирасидагина ўзгаришлар содир қиласди. Инсон эса табиатга киритган ўзгартиришлари билан уни ўз мақсадлари йўлида хизмат қилишига мажбур этади, тўтрироги, унинг устидан ҳукумронлик қилишга интилади.

Ҳозирги замон экологик вазиятни тадқиқ этиш бу мулоҳазаларнинг нақадар тўғри эканини тасдиқлайди. Инсоннинг биосферага бир томонлама ва стихияли таъсири бизнинг цивилизацияни шундай дунёга айлантириди, унда нафақат чўлу биёбоннинг гулзорларга, ботқоқликларнинг унумдор ерлару эквизорларга, дашту маъволарнинг шаҳарга айланиши, балки дастлабки бот-рголар ўрнида саҳрони, ҳайвонларнинг қирилиб, бутунлай йўқолиб кетиши арафасида турган ҳолатларни ҳам кузатиш мумкин.

Табиатнинг барча элементлари атроф-муҳитни ташкил этади. Шунингдек, бу тушунча инсон фаолияти туфайли ўзгарган табиат қисмлари, шаҳарлар, қишлоқ ҳўжалиги майдонлари, ўрмонзорлар, сув, ҳаво ва бошқаларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Тадрижий такомил жараёнида инсонда ташқи муҳитнинг нокулай шароитларида ҳам яшашга имкон берувчи маҳсус аъзолар, органлар ва тўқималар тизими, алоҳида биологик ва физиологик механизмлар шаклланган. Худди ана шу маънода инсоннинг ҳайвонлар билан умумий жиҳатлари бор. Бироқ инсон ижтимоий мослашув қобилиятига ҳам эга. Унинг мазкур хусусияти унга умуман ҳаёт учқунлари бўлмаган жойларда ҳам яшаш имконини беради.

Фан ва амалиёт маълумотлари шундан далолат берадики, ижтимоий мослашув воситалари — космик ракеталар, скафандерлар, яшашга имкон берувчи бошқа маҳсус техник қурол ва жиҳозлар, автоматик мосламалар, автоматик тизимлар мавжуд бўлган ҳолардагина инсон ҳаёт бўлмаган жойларда ҳам яшаш мумкин бўлади.

Жонли табиатнинг бошқа намоёндаларидан фарқли ўлароқ инсон ер курасининг жуда хилма-хил шарт-шароитларида, иқлими, ер тузилишидан қатъи назар, ҳатто экстремал шароитли ҳудудлар, масалан, Арктика ва Антрактида, баланд тог этаклари, чўлу биёбонларда ҳам яшайверади. Бошқа жонзотлар эса, атроф-муҳитнинг турли ўзгаришларига биологик жиҳатдан мослаша олмасдан, кўп вақт ўтмай ҳалок бўлишади. Масалан, чучук сувли ҳавзаларнинг кучли шўрланиши, ўтхўр ҳайвонлар озуқаларининг йўқолиб кетиши ёки етишмаслиги уларни истеъмол қилишга мослашган кўпгина жонзотларнинг қирилиб кетишига олиб келади.

Инсоният ҳаёти табиий муҳит билан узвий боғлиқдир. Табиат — ҳаёт бешиги, инсон яшайдиган табиий муҳитдир. Инсон бу табиий муҳит ёки ҳаётдан ташқарида яшай олмайди. У денгиз ва океанлар тубида маҳсус яшаш маскани яратса-да, ҳатто самоларда кичик шаҳарлар барпо эта олса ҳам, мазкур жойларда биологик тур сифатида мавжуд бўлиши учун тегишли ҳаётий шарт-шароитларни таъминлаши лозим бўлади. Бироқ ҳозирги вақтда атроф-муҳит ифлослашувининг тобора кенгроқ тус олиши охир-оқибатда одамлар ҳаётининг табиий асосларининг емирилишига олиб боради.

Халқимизда "касалини яширанг, иситмаси ошкор қиласди" деган нақли бор. Экологик хавф-хатар кўлами пинҳон тутилгани билан унинг ҳалокатли белгилари аниқ кўрина бошлайди. Аммо бутунги кунда вазият анча ўзгарди. Дунёning турли нуқталаридаги экологик танглик очиқ-ойдин муҳқомама этилмоқда. Чунки атроф-муҳитнинг ифлосланиши, заҳарланиши ва ишдан чиқиши бутун сайёра миқёсидағи ҳодисага айланди. Экологик тангликнинг акс-садоси барча қайта тикланиш жараёнларида ўз ифодасини топмоқда. 70-йилларнинг ўзидаёқ ҳар йили биосферага ўртacha 40 миллиард тоннадан ортиқ ишлаб чиқариш чиқиндилари ташланарди. 2000 йилга келиб, унинг ҳажми 100 миллиард тоннага етди.

**Атроф-муҳитнинг ифлосланиши.** Жаҳон тизимида экспоненциал ортиб борувчи катталиклардан бири атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳисобланади. Баъзилар атроф-муҳитнинг тобора ифлосланиб боришини кўриб, микроорганизмларнинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера юзлаб миллион йиллар эмас, балки ўнлаб йиллар мавжуд бўлиши мумкинлиги ҳақида ўзларича хуласа ҳам чиқариб кўрдилар. Аммо бу ифлосланишнинг айбдори тўла маънода инсоннинг ўзидир.

Инсон фаолиятининг табиий муҳитга кўрсатадиган таъсири борасида ташвиш чека бошланганига ҳали унчалик кўп вақт ҳам бўлгани йўқ. Бу таъсири илмий асосда аниқлаш-ўлчашга уриниш ҳоллари эндиғина бошланди ва у ҳали ўз такомилидан анчамунча йироқдир. Айни босқичда биз, албатта, Ернинг ифлосликларни қанчалик даражада "ютиб юбора олиш" қобилиятига эга экани борасида сўнгти хуроса чиқариш имконига эга эмасмиз, аммо айрим мулоҳазаларни билдириб ўтишимиз мумкин (глобал, динамик нуқтаи назардан).

Атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар ривожланиб, кенгайиб боргани сари унинг ифлосаниш даражаси ҳам шунчалик ортиб бораверади (11-чизма). Хўш, у ҳолда бу ортиб боришнинг бирор чегараси борми? Она сайёрамизнинг табиий тизими бу ортиш жараёнинг бардош бера оладими? Ахир, Ернинг имкониятлари ҳам чекланган-ку! Афсуски, инсоният бундай келажак тўгрисида ҳозирча кўпам бош қотираётгани йўқ. У бугун кўпроқ ўзининг кундалик муаммолари билан баандга ўхшайди. Уни ҳозирги вақтда ердаги табиий бойликларнинг чекли экани эмас, балки ишлаб чиқариш амалиёти кўпроқ қизиқтироқмөқда.



11-чизма.

Албатта, жамиятни тараққиёт қонунларига мослаштириш учун жаҳон тизимида катта ўзгартиришлар қилиш ва тегишли шартшароитлар яратиш лозим бўлади. Аммо чекли оламда ўсиш чегараси муаммосига ҳам дуч келиш мумкинлигини унутмаслик керак. Умуман, ҳозирги замон жамияти танлаш ва амалий фаолият билан boglik вазиятни эътироф этишга ҳали ўргана олгани йўқ.

## 1.2. Ҳозирги замон экологик вазияти

Инсон ва табиат ўзаро муносабатининг ҳозирги ҳолатини ҳамда уларнинг тарихини ўрганмасдан туриб, ижтимоий-экологик назарияни яратиб бўлмайди. Ижтимоий-экологик назариясиз эса ин-

сон ўзининг табиатни ўзгартириш борасидаги амалий фаолиятларида катта мұваффақиятларга эриша олмайды. Ижтимоий-екологик концепциялар ҳозирги замон экологик ҳолат ҳәқидағи маълумотларга, экология тарихи ва экология фани асосларига таянади. Антропоген давр ер тарихида инқилобий ҳисобланади. Инсон сайдерадаги фаолиятнинг миқеъларига күра ўзини буюк геологик куч тарзида намоён этмоқда. У ўзининг қисқа ҳаёти давомида биосфера сезиларли даражада таъсир күрсатади.

Инсоннинг табиатни ўзгартириш борасидаги техник имкониятлари жадал суръатда ортди. Бу айниқса фан-техника инқилоби даврларида яқын күзга ташланды. Ҳозирги вақтда инсон табиий мұхитни ўзгартиришнинг шундай лойиҳаларини амалга оширишга қодирки, яқин ўтмишларда у ҳатто бу ҳақда орзу ҳам қололмасди.

Инсон табиатни тобора ўз измига бўйсундирмоқда, мақсадлари йўлида хизмат қилдирмоқда. Инсоннинг табиатга боғлиқлиги гёй камайиб бораётгандек туялади. Аслида бундай эмас. Ҳозирги вақтда "табиатни мұхофаза қилиш", "экологик танг аҳвол" каби ибораларнинг тез-тез эшлитилиши бунинг аксини кўрсатади. Аксинча, табиий мұхит ҳолатига инсон ҳаёти тобора боғлиқ бўлиб бормоқда. Бундан равшан бўладики, инсон қудратининг ортиб бориши нафақат табиат учун, балки охир-оқибатда унинг ҳаёти учун хавфли бўлган салбий оқибатларнинг кўтпайишига олиб келар экан. Бунинг аҳамияти ва салмоги эндилиқда англаб етилмоқда.

Кўпгина илмий маълумотлар бизнинг сайёрамиздаги экологик ҳолатнинг ҳамиша бир хил тарзда бўлганини кўрсатади. Бундан ташқари, унда кескин ўзгаришлар рўй берган. Бу ўзгаришлар унинг барча компонентларида кузатилади. Бундай глобал ўзгаришлардан бири, афтидан, Ерда ҳаёт ривожланишининг бошлангич босқичларида содир бўлган. Бу даврда тирик моддалар фаолияти туфайли бизнинг сайёрамиз атмосфераси кескин ўзгарган ва унда кислород пайдо бўлган. Натижада эса ҳаётнинг шаклланиши ва унинг бутун Ер юзи бўйлаб кенг тарқалиши учун имконият туғилган. Тирик мавжудотлар ўзлари учун зарур бўлган атмосферани яратган. Ўзининг эволюцияси жараёнида тирик модда шакл-қўринишини ўзгартирган ва шу билан бир вақтда қотиб қолган моддиятни ўзгартириб, биосферани шакллантирган. Бироқ биосфера ҳам ўз-ўзидан осонликча юзага келмаган. Унинг шаклланиши жараёнида янги компонентларнинг пайдо бўлиши ва мавжудлари ўртасидаги зиддиятларнинг жуда кескинлашган ҳолатларини экологик танглик деб аташ мумкин.

Инсон жамиятнинг шаклланиши ҳамда ривожланиши маҳаллий ва ҳудудий экологик тангликларни юзага келтирган. Албатта, бунинг бош сабабчиси — инсон фаолияти. Инсоннинг фан-техника тараққиёти йўлидан тобора олга бориши салбий ҳолатларни келти-

риб чиқарди. Бунинг оқибати кескинлашиб, экологик тангликни юзага келтирди. Илгари замонларда бундай экологик тангликлар маҳаллий ва ҳудудий миқёсларда содир бўлган. Чунки инсоннинг табиатга кўрсатган таъсирининг ўзи ҳам асосан маҳаллий ва ҳудудий миқёсларда содир бўлган. Эндилиқда эса бутун сайёра миқёсида кузатилмоқда. Қадимги овчилар бирор ҳудуддаги ҳайвонларни овлаб тутатишига, ов қилиш учун бошқа жойларга боришган; қадимги дәхқонлар эса, агар ер эрозияга учраса ёки унинг маҳсулдорлиги камайса, янги ерларни ўзлаштириш учун бош ҳудудларга кўчиб ўтишган.

Тўгри, аҳолининг бундай кўчишлари ижтимоий қийинчиликларни ва ҳатто фожеаларни келтириб чиқарган. Шундай бўлишига қарамай, назарий ва амалий жиҳатдан унинг реалликка айланиши мумкин бўларди. Ҳозирги замонда эса шароит мутлақо бошқача. Аҳоли сони йилдан йилга кўпайиб, ўзлаштириладиган ерлар эса камайиб бормоқда.

Ерда аҳоли сони экспонент равишда ортмоқда. Т.Малтус бу ўсақда огоҳлантирган эди. Бизнинг эрамиз бошларида Ерда 250 млн. одам яшаган. Унинг икки баравар кўпайиши учун 1,5 минг йил керак бўлди. XIX аср бошларида сайёрамиз аҳолиси 1 млрд. киши бўлди. 1986 йилга келиб эса Ердаги аҳоли сони 5 млрд. кишига етди. Ҳолбуки, бундан сўнгги бир миллиард киши 12 йил ичидаги дунёга келган. Ҳозирги вақтда Ер аҳолиси сони 6 миллиарддан ошди.

Хуллас, ҳозирги замонда аҳоли сони жадал суръатлар билан ўсиб, инсоннинг атроф-муҳитга кўрсатаётган таъсири эса глобаллашиб бормоқда. Бу таъсирининг салбий оқибатлари ҳам дунё миқёсида глобаллашмоқда. Агар илгари инсоният маҳаллий ва ҳудудий экологик танглик муаммоларига дуч келган бўлса, бугунги кунда ёмон оқибатларга олиб келувчи глобал экологик вазиятларни кузатмоқда. Ҳозирги замон инсони биосферанинг бутун яхлит фаолиятини сайёра миқёсида издан чиқармоқда. Айнан ана шу ҳолат глобал экологик танглик ва экологик ҳалокат хавфи мавжудлигидан далолат беради.

### 1.3. Ҳозирги замон экологик ҳалокати

Биз юқорида ҳозирги замон экологик танглик фан-техника инцилобининг оқибати эканини таъкидлаб ўтган эдик. Ҳақиқатан, фан-техника тараққиёти ютуқлари бизнинг сайёрамизда кучли экологик ҳалокатларга олиб келди. 1945 йилда атом бомбаси яратилди. Бу инсоннинг оқибати ҳали номаълум бўлган имкониятларидан эди. 1954 йилда дунёда биринчи атом электр станцияси қурилди ва "тинчлик атоми"га катта умид билан қаралди. 1986 йилда Ер тариф

хида энг йирик техноген ҳалокат содир бўлди. Чернобил АЭСсида фалокат юз берди. Бу атомни ўзи учун ишлашга "ургатиш"га уриниш оқибати эди. Бу ҳалокат оқибатида жуда катта миқдорда радиоактив моддалар ажралиб чиқди. "Тинч атом" даҳшатли кучга айланди. Улкан ҳудудлар нурланиш оқибатида ишдан чиқди.

Радиоактив нурланиш оғриқсиз ўлдиради. Оғриқ ҳимоя воситаси, хабарчиидир. Киши атом нуридан зарап кўрганида бу "огоҳлантирувчи механизм" "ишламайди" Чернобил ҳалокатидан 7 млн.дан ортиқ инсон зарар кўрди. Унинг оқибатлари ҳали тугилажак болаларда ҳам кузатилади. Чунки радиациядан заарланиши туфайли нафақат бугунги кунда яшаётган одамлар, балки уларнинг тугилажак фарзандлари ҳам азоб чекади. Ҳалокатдан кўрилган заарни бартараф этишга сарфланадиган маблаг собиқ Иттифоқдаги барча АЭСларидан келадиган иқтисодий фойдадан ортиб кетади.

Чернобил фожеаси инсоният ўз бошидан кечираётган экологик танглик, экологик қийинчиллик борасида сўзлаши ҳақиқат эканини, экологик ҳалокат ҳам рўй бериши мумкинлигини кўрсатди. Чернобил ҳодисаси — экологик ҳалокат эди. У Европадаги бир неча мамлакатларга зиён етказди. Унинг оқибатларини эса олдиндан тўла билиб бўлмайди.

Катта ҳудудий миқёсдаги иккинчи йирик ҳалокат — Орол денигизининг қуриб қолиши ҳисобланади. Бир неча ўн йиллар аввал газеталарда Қорақум канали қурувчилари улуғланган эди. Уларнинг меҳнати туфайли қуруқ ерларга сув келиб, чўлда бөг-рөглар бунёд этилган эди. Аммо кўп вақт ўтмай, табиатни бўйсундириш борасидаги "галаба маглубият билан тутаганилиги" маълум бўлди. Энди шўрланиб кетган улкан ҳудудларни сугориш фойдасиз эканлиги маълум бўлди. Бу ерлардан мутлақо ҳосил олиб бўлмасди. Кўпгина каналлардаги сувлар қуриб қолди. Орол денигизининг қуриши ҳам бамисоли Чернобил воқеасидек фожеали фалокатга айланди.Faқат унинг фарқи шундан иборат эдики, у бир лаҳзада эмас, йиллар давомида даҳшатли кўринишга айланниб борди.

Бугунги кунга келиб, Орол денигизининг 1/3 қисмигина сақданиб қолган. Заҳарли тузларни шамол узоқ жойлардаги ҳосилдор ерларга ҳам учирив келтирмоқда. Ичимлик сувига кимёвий чиқиндилаар, тузлар тушди. Орол ҳудудида ичимлик сувини тозалаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи долзарб бўлиб қолди.

Сайёрамизнинг бошқа жойларида ҳам Орол ва Чернобил ҳалокатларига ўхшаш экологик фожеалар юзага келмоқда. Масалан, бугунги кунда Бразилияning улкан ҳудудларидағи асрий ўрмонлардан асар ҳам қолмади. У жойлар қуруқ ерга айланди. Буларнинг барчаси сайёрамиз иқлимининг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Афсуски, унинг оқибатларини биз тўла ҳолда олдиндан била олмаймиз.

## 1.4. Реал экологик салбий оқибатлар

Энди бошқа реал экологик салбий оқибатлар ҳақида тұхталиб үтамиз. Табиий мұхиттің іфлосланиши мұаммоси тобора долзарб бұлып бормоқда. Чунки у фан-техника тараққиётининг таъсири ос-тида ишлаб чиқаришнинг сифат жиғатдан үзгариши билан болғық-дир. Бундан ташқары, саноат ва қишлоқ хұжалығи ишлаб чиқариши ҳажми борган сары ортмоқда. Гап шундаки, фойдаланыладиган та-бийи ресурсларнинг атиги 1-2 фоизи ишлаб чиқаришнинг охирги маңсулоти тарзида қолади, бошқа қисми эса чиқитга айланади. Чи-қитлар еса табиат томонидан қайта үзлаشتырмайды.

Инсон фойдаланадиган күплаб металл ва қотишималар табиат-да соғ ҳолда учрамайды. Үлар төг жинсларини қайта ишлаш асо-сида олинади. Металл ва ёқилгиларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш жараёнида ҳам улардан фойдаланылғандан кейин анча-мунча чиқындылар ҳосил бўлади. Маълум маънода, уларнинг бирортаси табиатда изсиз йўқолиб кетмайди. Уларни ташкил этган атомлар қайта гурухланиб, охир-оқибатда фойдаланиш учун яроқсиз бўлган ҳолда кичик-кичик концентрацияларда ҳавога, тупроққа ва сув ҳав-заларига сингиб кетади.

Табиий экологик тизим инсоннинг амалий фаолияти натижаси-да юзага келган чиқындыларнинг күплаб турини ютиш ва уларни ҳаёттінг бошқа шакллари учун яроқли ёки ҳеч бўлмагандан, зарар-сиз моддалар тарзи қайта ишлашга қодирдир. Бироқ чиқындылар-нинг бирор тури жуда күпайиб кетса, экотизимнинг табиий ютиш механизми тўйингтан режим даражасига чиқиши мумкин. Бундай ҳолда инсон цивилизацияси чиқындылари атроф-мухитда жуда кўп миқдорда тўпланиб қолади. Бу — ҳавф-хатар демакдир. Океандаги балиқларда симобнинг бўлиши ва шаҳар об-ҳавосида қўргошин зарраларининг учраши, ахлатхоналарнинг кўпайиши, гоҳо денгиз-ларда ҳалокат туфайли нефт қатламиининг пайдо бўлиши ва бошқа-лар инсон фаолияти туфайли ресурслар оқимининг ортиб бориши натижасидир. Шунинг учун, ҳеч ажабланмасдан айтиш мумкинки, экспоненциал равишда ортиб борувчи катталиклардан яна бири атроф-мухиттінг ифлосланишидир.

Одатда, тупроқ, сув, ҳаво, ўсимлик ва тирик организмларнинг ифлосланиши ҳақида гапирилади. Бу мутлақо равшан. Бироқ бу-нинг барчаси охир-оқибатда инсонга таъсир кўрсатади. Инсон фаолияти салбий оқибатларининг ортиши нафақат табиатнинг уни бартараф эта олиш қобилиятини ва ҳатто инсоннинг бу үзга-ришларга мослаша олиш имкониятларини ҳам йўққа чиқариши мумкин.

Инсон организмининг барча соматик-нейропсихологик хусуси-яты эволюцион тараққиёт оқибати, барқарор табиий омилларнинг

шакллантирувчи таъсир натижаси ҳисобланади. Ҳозирги даврда шароитлар кескин ўзгармоқда. Ҳозирда организм ўзининг эволюцияси давомида ҳеч қачон ўзаро таъсирда бўлмаган физикавий ва кимёвий омиллар мавжуд. Бу биологик ва ижтимоий мослашув механизми "ишламай" қоладиган ҳолатга олиб келиши мумкин. Техника тараққиёти туфайли ҳаётда юзага келган қатор янги омиллар кучли хавф-хатаридан инсон тур сифатида ҳимоя қилинмаган. Унда уларнинг таъсиридан сақладиган эволюцион тарзида шаклланган ҳимоя механизми йўқ.

Турли хил хасталикларнинг юзага келишида табиий муҳит ифлосланишининг роли ҳақида кўплаб маълумотлар олинган. Саноат марказларида ҳавонинг ифлосланиши, Жаҳон соглиқни сақлаш ташкилоти эксперторларининг хулосасига кўра, сурункали бранхитлар, юқори нафас йўлларининг яллигланиши, пневмония, эмфизема каби хасталикларни тарқалишининг бош сабабидир. Шунингдек, у ўпка ракининг келтириб чиқарувчи асосий омиллардан биридир.

Касалликлар ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши ўртасидаги сабаб-оқибат bogланишини аниқлаш осон иш эмас, чунки сабаб ҳамиша хилма-хил бўлади. Шундай бўлса-да, атроф-муҳит ифлосланиши таъсирини бевосита аниқлаш мумкин бўлади. Масалан, чанг-тўзонлар орасида ва зарарли ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият кўрсатадиган одамлар тез-тез касалга чалинадилар. Экологияга bogлиқ ҳолда келиб чиқадиган касалликларни аниқлаш ва уларнинг ҳисобини олиш бўйича муҳим ишлар қилинмоқда.

Янада ташвишлироқ маълумотлар мавжуд. БМТнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича дастурининг ижрочи директори М.Толба фикрига кўра, атроф-муҳитдаги турли концероген ифлослантирувчиларнинг инсонга таъсир даври ҳамиша узайиб борган. Ҳозирги вақтда, мутахассисларнинг таъкидлашича, 60-90 фойз ҳолларда рак касаллиги ва атроф-муҳит ифлосланиши ўртасида бевосита ёки билвосита bogланиш мавжуд. Ҳаво, сув, ишлаб чиқариш материаллари, озиқ овқат маҳсулотларида концероген омиллар кузатилади. Маълумки, кўплаб кимёвий моддалар концероген ҳисобланади. Ҳатто, афтидан, айрим дорилар концероген вазифасини ўтайди.

Ифлос муҳитда ишлаш билан bogлиқ турли касалликларни қайд этиб ўтиш лозим. Нега деганда, муҳитни ифлослантирувчи моддалардан, энг биринчи навбатда, уни ишлаб чиқарганинг ўзи бевосита зарар кўради. Баъзан руҳий, юрак-томир хасталиклари, уларнинг қисқариши ва бошқалар учун табиий муҳитнинг қанчалик даражада "айбдор" эканини аниқлашнинг иложи бўлмай қолади. Аммо ҳамма айбни табиий муҳитга юклаш ҳам ярамайди. Сиҳат-саломатлиги учун, энг аввало, инсоннинг ўзи масъудир. Лекин бунда инсон саломатлигига таъсир кўрсатувчи табиий му-

хит омилини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Гарчанд инсон, айтайлик, шаҳар ҳаётининг шовқин-суронли, асабий ҳолатига, толиқишлиарга кўникиб яшагандек туюлса-да, охир-оқибатда стресс вазиятлар ва хасталикларга дучор бўлади. Ҳатто атроф-муҳитнинг ифлосланиши инсон ирсиятига таъсир кўрсатиши ҳақида огоҳлантирувчи маълумотлар ҳам учрайди. Атроф-муҳит ифлосланиши кучли бўлган жойларда тутма сариқ касаллиги билан изтироб чекувчи "сариқ болалар" кўпаймоқда.

Табиий муҳитнинг ифлосланиши янги касалликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Масалан, симобдан заҳарланиш оқибатидан кишилар минамат касалига йўлиқса, кадмий билан заҳарланиш туфайли эса "итаи-итаи" хасталигига дучор бўладилар. Айниқса, қаттиқ чиқиндилар ҳажми ортиб бораётган йирик шаҳарларда аҳвол анча кескинлашган. Бундай шаҳарларда бир одамга йилига 1 тонна чиқинда тўғри келади. Шаҳарда тупроқда минералга айланмайдиган турли бирикма (шиша, пластмасса, металл)га эга ахлатларнинг ёқилиши оқибатида атмосфера яна қўшимча равишда ифлосланади. Бунда атмосферанинг ифлосланиш даражаси меъёрий ҳолатдан бир неча баробар ортиб кетади.

Урбанизация биогеокимёвий цикларни бузади. Шаҳарда катта жудудлардан йигилган маҳсулотлар тўпланади. Дала ва яйловлардан йигилган моддалар яна табиатга қайтарилимайди. Уларнинг кўргина қисми фойдаланилгандан сўнг оқова сувларга ва ахлатга тушади. Улар эса канализация орқали ўтиб, майдонларга сингади, дарёга, ер ости сизот сувларига ва ҳатто океанларга қўшилиб кетади. Урбанизациянинг баъзи оқибатларини олдиндан баҳолаш қийин. Фан-техника тараққиётининг ташвиши салбий оқибатларидан бири фундаментал физик параметрларнинг ўзгариши, хусусан, радиацион даражада ва шовқин суроннинг ортишидир.

## 1.5. Потенциал экологик ҳавф-хатарлар

Агар мавжуд техниқавий-иқтисодий тараққиёт анъанаси ҳозиргидек сақланиб қолса, келгусида айрим потенциал экологик ҳавф-хатарлар кўпайиши мумкин. Бундай ҳавф-хатарлар қаторига табиий ресурслар анъанавий турларининг туташи, сайёра ҳароратининг кўтарилиши, озон қатламининг емирилиши, атмосферада кислород миқдорининг камайиши ва бошқаларни киритиши мумкин.

Табиий ресурсларнинг камайиши муаммосини батафсилоқ қараб ўтамиз. Табиатнинг барча ресурсларини қайта тикланадиган ва қайта тикланмайдиганларга ажратиш мумкин (бу маълум даражада шартлидир). Агар тирик табиатнинг кўп ресурслари табиий ҳолда тикланса, нотирик табиат ресурсларининг айрим қисмлари-

гина тикланиши мүмкін. Қайта тикланмайдыган табиий бойликлар қаторига, эң биринчи навбатда, фойдалы қазилмаларни, яғни минерал моддаларни киритиш мүмкін. Ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг айни босқичида уларни Ер бағридан қазиб олиш нинг технологик имкони мавжуд ва бу минерал маҳсулотга бўлган эҳтиёжни таъминлаш учун иқтисодий жиҳатдан фойдалидир.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиш суръати кўп жиҳатдан фойдалы қазилмалар конини ўрганиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш жадаллиги даражасига боллиқ. Фан-техника инқилоби шароитида тез ривожланаётган саноат ва қишлоқ хўжалигининг минерал ҳом ашё маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тез суръатлар билан ортиб боради. Фойдалы қазилмалар истеъмоли аҳоли сони ортишига нисбатан сезиларли даражада ўсади. Келгусида ҳам худди ана шундай ҳолатнинг сақланиб қолишини тахмин қилинмоқда.

Табиий йўл билан қайта тикланмайдыган кўпгина фойдалы қазилмаларнинг келгусида етишмай қолиши — инсоният олдига ҳом ашё муаммосини қўяди. Ахир, табиий захиралар тўпланиши учун минг йиллаб вақт керак бўлади. Илмий башоратлар аниқланган захира-лардаги табиий бойликлар миқдорига асосланилади ёки уларнинг яна қисман тикланишига умид багланади. Барча табиий бойликларнинг тугаши ҳақида гапиришга ҳали эрта. Чунки Ер кураси-нинг бутун багри ҳозирча тўла тадқиқ этилгани йўқ. Назарий жиҳатдан ердаги барча моддаларни потенциал фойдалы қазилмалар тарзида қараш мүмкін. Негаки қоидага кўра, оддий гранитдан темир, рангли металлар, олтин ва шунга ўхшашларни олиш мүмкін. Амалда эса, табиий ресурслар ва уларни муҳофаза этиш муаммоси кескинлашиб бормоқда. Бу ҳолат ҳозирги замон даври учун мутлақо табиийдир.

Фойдалы қазилмаларни жадал равишда қазиб олиш ва қайта ишлаш оқибатида, энг аввало, тупроқ қатлами ишдан чиқмоқда. Нефт ва сувларни ер остидан қувурлар орқали тортиб олиш ер сиртининг чўкишига олиб келади. Бу эса зилзилаларга сабаб бўлмоқда.

Салбий ҳолатлардан яна бири геология қидирув ва фойдалы қазилмаларни қазиб олиш ишларига сарфланаётган харажатларнинг ҳаддан ортиқ кўпайиб кетишидир. Ҳозирги вақтда фойдалы қазилмаларни топиш жуда қийин. Бундан ташқари, мураккаб геологик шароитларда рудаларга унчалик бой бўлмаган тог жинсларидан фойдаланишга тўғри келади. Техника тараққиёти эса рангли ва нодир металларни кенг миқёсда фойдаланишни тақозо этади. Аммо рудаларда уларнинг миқдори, одатда, 1-3 фоизни ташкил этади, холос.

Рудалардан фойдалы бирималарни комплекс ажратиб олиш борасида яхши натижаларга эришиш мүмкін. Аммо бу масала ҳамма жойда бир хил ҳал этилмайди. Тог-кон саноати корхоналари

зич жойлашган жойларда маҳсулот таннархи арzon ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлиши мумкин. Шахта усулига қараганда фойдали қазилмаларни очик усулида қазиб олиш иқтисодий жиҳатдан фойдалироқдир. Аммо унинг салбий оқибатлари ҳам йўқ эмас. Фойдали қазилмаларни бундай усуlda қазиб олиш учун ҳар йили кўплаб, кераксиз жинсларни атвал чиқаришга тўгри келди. Қазиб чиқариш оқибатида маҳаллий ҳудуд-жойлар чангланади. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ҳосилдорлиги камаяди.

Қайта тикланадиган ресурслар билан боғлиқ ҳолат анча яхши туғолади. Бироқ ҳудди ана шу қайта тикланиш тасалли берса-да, кўплаб ўсимлик ва ҳайвон турлари қирилиб кетади. Инсон кўпинча уларнинг табиий тикланишига ҳеч қандай тўсқинлик йўқ деб ўйлади. Аслида инсон фаолияти ва фан-техника тараққиёти туфайли 1600 йилдан бошлаб, умуртқалиларнинг 226 тури (бундан сўнги 60 йил давомида 76 тури) бутунлай йўқолиб кетди ва 1000 га яқин тури йўқолиб кетиш арафасида турибди.

Ҳайвонларни овлашнинг техник воситалари доимий равища тақомиллаштирилмоқда, аммо айни вақтда ресурсларнинг табиий ҳолда тикланиш даражаси аввал қандай бўлса, ўшандайлигича қолмоқда. Ресурсларнинг табиий тикланишида деярли ўсиш йўқ бўлса ҳам сезиларли даражада эмас. Демак, ҳайвонларни ҳаддан ортиқ кўп овлаш ҳам охир-оқибатда салбий экологик вазиятларга олиб келиши мумкин.

Сувлар ҳам қайта тикланадиган ресурслар қаторига киради. Ер курасида уларнинг захираси жуда кўп. Аммо чучук сувларга бўлган эҳтиёж тобора жадал суръатларда ортиб бормоқда. Оддий пўлат ишлаб чиқаришга қараганда ҳозирги вақтда кенг тарқалаётган янги металллар (айтайлик, титан) ва айниқса, кимёвий маҳсулотларни (масалан, сунъий толалар) ишлаб чиқаришга бир неча баробар кўп сув сарфланади. Барча қулайликларга эга бўлган уйларда қувурлар билан таъминланмаган уйлардагига қараганда сув жуда кўп сарфланади. Шунинг учун ҳам, ер юзидағи катта-катта шаҳарларда ер ости сувининг камайиб бораётганлигини мутахассислар таъкидлашмоқда.

Ўрмонларнинг катта-катта ҳудудларидағи дарахтлар кесилиб, ёғоч ва мебелларга айлантирилмоқда, ўтин сифатида ёқилмоқда. Ўрмонларнинг 1 га ердаги дарахтларни бир кунда кесиб ташлаш мумкин. Аммо у жойда дарахтларнинг қайта ўсиб чиқиши учун эса кам деганда 20-25 йил керак бўлади. Бундан ташқари, ўрмонларнинг камайишига кучли сел тошкини ҳамда бошқа салбий табиий ҳодисалар сабаб бўлиши мумкин. Экологик ҳодисаларнинг оддини олиши учун инсон йилдан йилга донишмандроқ бўлиши керак. Хом ашё топиш муаммоси йилдан йилга мураккаблашиб бормоқда. Ре-

сурсларга бўлган эҳтиёжлар ортиб боргани сари уларнинг қиммати ҳам ошаверади. Шу боис табиий муҳит қашшоқлашиб қолишининг одини олиш аҳамиятлидир.

Энергетик ресурслар билан таъминлаш муаммоси ҳақида алоҳида сўз юритиш керак. Иssiқлик қувватининг асосий қисми минерал ёқилғиларни ёқиш ҳисобига олинади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, нефт ва табиий газ захиралари яқин келажақда тугаши мумкин. Келажакни атом энергетикасининг ривожланиши билан bogлашади. У туфайли инсон жуда катта миқдордаги арzon энергия билан таъминланади. Тўгри, атом энергияси табиий муҳитни иссиқлик манбалари орқали ва кимёвий моддалар билан ифлосланишдан ҳимоя қилиш нуқтаи назардан қараганда анча фойдалидир. Аммо унинг ривожланиши кутилмаган оқибатлар олиб келди. Нагасаки ва Хиросима шаҳарлари ҳамда Чернобилдаги фожеалар бунга мисол бўлади.

Атом энергетикаси — иккиласмчи потенциал хавф-хатарни ўзида мужассам этади. Бу тасодифий ҳолатлар туфайли истаган вақтда фаоллашиши мумкин. Бу ерда табиий муҳитнинг радиация билан жадал заҳарланиши хавфи назарда тутилоқда. Авария ҳолати келиб чиқмаслигини ҳамиша юз фоиз кафолатлайдиган техник тизимнинг ўзи йўқ. Шунинг учун янги ҳалокатнинг қаочон ва қаерда содир бўлишини олдиндан айтиш қийин. Аммо унинг содир бўлишига шубҳа йўқ. Радиоактив чиқиндиларни сақлаш муаммоси ҳам ҳозирча ҳал этилмаган.

Олдинда яна бир хавф-хатар мавжуд. Агар ерда ишлаб чиқариётган энергия миқдори тобора ортиб бораверса, у қуёшдан ерга келиб тушаётган энергияга тенглашиб, сайёрамиз ҳарорати бир неча даражага кўтарилиб кетиши мумкин.

Бир гуруҳ олимлар эса, атмосферани ифлослантирувчи антропоген фаолиятлар таъсирида сайёрамиз ҳароратининг пасайиши мумкинлиги ҳақидаги мулоҳазани ҳам илгари суради. Ҳар қандай ҳолда ҳам кескин иқлимий ўзгаришлар ҳалокатли оқибатлар келтириб чиқаради. Сўнгги йиллардаги қургоқчиликлар, сув тошқинлари, сел ва довуллар, ҳатто зилзилалар бу мулоҳазаларнинг тўгрилигини исботлаб турибди. Яна бир гап. Экологик жараённинг экспоненциал характеристерга эга эканлигини унумаслик керак. Демак, табиатдаги ўзгаришлар фақат эволюцион тарзда кечмаслиги ҳам мумкин. Келгусида кескин сифатли ўзгаришлар юз бериши ҳам ҳақиқатдан йироқ эмас.

Ҳозирги вақтда реал экологик салбий оқибатларга олиб келувчи барча жараёнлар потенциал жиҳатдан хавфли ҳисобланади. Улардан бири табиий муҳитнинг ифлосланишидир. Бунда заҳарларнинг тўпланиши эфектини ҳисобга олиш зарур. Масалан, атмосферага тушганидан кейин кўп вақт ўтишига қарамай, радиоактив модда-

лар ва ДДТ ўзининг заарали хусусиятини йўқотмайди, аксинча, тирик тўқималарда тўпланиб, узоқ вақт сақланиб қолади. Улар таъсирида ер қатлами ишдан чиқади ёки ҳосилдорлиги камайиб кетади.

Амалга оширилган табиатни ўзгартириш лойиҳаси қанчалик кенг бўлса, унинг маълум вақт ўтгандан кейин ноаён бўладиган салбий оқибатлари ҳам шунчалик каттадир. Озиқ-овқат маҳсулотлари етиш-маслиги ва табиий оғатлар олдини олиш муаммоси — янги экологик қийинчиликлардан бири.

## 1.6. Экологик муаммонинг комплекс характери

Сайёрамиз ҳудудларида экологик тараққиёт даражаси турли-чадир. Шу боис экологик қийинчиликлар ҳам турли даражададир. Ривожланаётган мамлакатларда бу қийинчиликлар озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаслиги билан, ривожланган мамлакатларда эса табиий ресурслар тутаб қолиши ва табиий мұхиттинг ифлосланиш билан bogлиқdir. Ернинг турли ҳудудларида ҳал этилиши лозим бўлган бир-бирига қарама-қарши масалалар мавжуд. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидағы мұхим масалалардан бири — туғилиш сонини камайтириш бўлса, айни вақтда кўпгина Африка ва баъзи Европа мамлакатларида аҳоли сонининг ортиши саноат ва қишлоқ ҳўжалигининг ривожи учун зарур ҳисобланади. Аслида буларнинг барчаси бир-бирлари билан ўзаро ички bogлиқda бўлган ҳар хил муаммолардир. Ҳудди ана шу ўзаро bogлиқlik ҳолати ҳозирги замон экологик вазияттинг сифат жиҳатдан ўзига хослигидан дало-лат беради.

Глобал экологик коллапс ҳавфининг ўзига хослиги фақат озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги ёки табиий ресурсларнинг тугашидангина иборат эмас. Булар тўғрисида XIX асрда ёзишган эди. Бу икки муаммога яна янгиси, яъни энг асосийси атроф-мұхиттинг ифлосланиши муаммоси қўшилди. Бу XXI асрнинг глобал муаммосига айланди. Жамияттинг табиат билан ўзаро муносабатида сифат жиҳатдан мутлоқ янги ҳолат юзага келди. Ичимлик суви кескин камайди. Кўплаб микдордаги ёқилгиларнинг ёниши, ўрмонларнинг кесилиб кетиши, океанларнинг нефт маҳсулотлари ва пестицидлар билан ифлосланиши (ундаги атмосферани кислород билан таъминлаш манбаларидан биро бўлган ўсимликларнинг йўқолиб кетиш) — атмосферада кислородтинг камайишига олиб келади.

ДДТ дengiz сувида кам эрийди. Ammo нефтда жуда яхши эрийди. Dengiz суви юзидағи нефт қатламида DDTning bулиши жуда кўп организмлар учун ҳавфлидир.

Баъзан қандайдир хусусий экологик муаммони ҳал этишга ҳаралат қилинади. Лекин бунга бир-бирига қўшилиб кетган салбий экологик оқибатлар тўсқинликлар келтириб чиқаради. Тегишли шарт-шароитларда муаммо ҳал этилиши ҳам мумкин, аммо бу кўпгина бошқа муаммоларнинг юзага келиши ва кескинлашишига сабаб бўлади. Демак, бунда муаммо бутунлай ҳал этилмайди, гўё унинг "кўчиши" содир бўлади, холос.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш муаммосини қараб ўттайлик. Кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олишга интилиш табиий ўсимликлар ўрнига сунъийларини яратишга олиб келади. Улар эса заракунандалар, ҳашаротлар, ёввойи ўтларга ва айниқса, иқлим ўзгаришига жуда сезгиридир.

Тикланадиган табиий ресурсларни жуда кўп миқдорда камайтириш ёки уларнинг маълум қисмларини йўқотиб юбориш экотизимлардаги нозик ва чигал боғланишларни бузади. Бу эса ўз навбатида, уларнинг камбагаллашишига, деградацияга ёки экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Инсон томонидан яратилган сунъий биогеоценозлар табиий сингари барқарор бўла олмайди. Уларнинг қишлоқ хўжалиги "заракунандалари"га чидамлиигини ошириш учун ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларидан фойдаланишга тўғри келади. Юқорида айтиб ўтган муаммонинг "кўчиши" худди ана шундан иборатdir.

Сўнгги ўн йиллиқда озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш "яшил инқилоб" — ўсимликларнинг юқори ҳосил берувчи янги турларини яратиш билан боғлиқдир. Аммо "яшил инқилоб" жуда кўп миқдордаги минерал ўйтларни талаб этади. Қўлланиши натижасида улардан айримлари салбий экологик натижалар бериши мумкин. Бундан ташқари, янги селекцион навлар вирусли касалликларга тез чалинади ва гарчанд уларнинг қуввати юқори бўлса-да, таркибида инсон организми учун зарур оқсил ҳамда бошқа моддалар камроқ бўлади. Инсон томонидан экотизимнинг маҳсулдорлигини ҳар қандай ошириш уларни барқарор ҳолатда сақлаб туриш учун сарфланадиган харажатларни кўпайтиришни талаб этади. Албатта, харажатларни ошириб боришнинг ҳам ўз чегараси бор. Агар харажатлар ҳаддан ортиқ кўп бўлса, маҳсулотларни кўпайтиришга ҳеч қандай ҳожат қолмайди. Умуман, инсон қанча истаса, шунча маҳсулот олиши ёки ишлаб чиқиши мумкин. Аммо бу биосферага босимни орттиради ва у бунга бардош бера олмайди.

Келтириб ўтилган айни мисоллар экологик муаммонинг комплекс характерга эга эканини кўрсатибгина қолмайди, балки шу билан бирга инсоннинг ўзи яшаб турган мұхитга таъсирининг ҳозирги замон стратегияси ва экологик қонуниятлар ўртасидаги зиддиятларни очиб беришга ёрдам беради. Инсон ўзига керакли миқдорда маҳсулот олиши учун экотизим маҳсулдорлигини максимал дара-

жада оширишга интилади, бироқ бу истак уларнинг ривожланиш йўналишига зиддир.

Экотизим маҳсулдорлиги ҳақида Д.П.Хидрен қўйидағиларни ёzáди: "Агар цивилизацияга маҳсулдорликни максимал даражада ошириш хос бўлса, табиатга максимал барқарорликка интилиш хосдир. Бу мақсадлар бир-бирига мувофиқ келмайди. Экологик тадқиқотлар кўрсатадики, энг мураккаб, бинобарин, энг барқарор экотизимлар маҳсулдорлиги кичик бўлади. Экотизим барқарорлигини пасайтириб, унинг маҳсулдорлигини ошириш мумкин. Шундай қилиб, хусусий экологик масалани ҳал этиш бир томонлама қилинган ишдир ва у муаммонинг "кучланиши"га олиб келади, холос.

Умумий ҳолда гапирганда, табиат билан мутлақ уйғунликнинг идеал ҳолатига эришиш принцип жиҳатдан мумкин эмас. Табиий оғатлар билан курашиш жараёнида инсоннинг қийинччиликларни енгиш қобилияти намоён бўлади. Аммо бу инсон табиатдан устун туради, дегани эмас.

Ҳозирги экологик вазият табиатнинг инсонга бўлган таъсирига, унинг объектив тараққиёт қонуниятларига bogлиқлигини кўрсатади. Бу эса унинг яхлит ҳолдаги фаолияти механизми ўрганишга эътиборни жалб этишга мажбур этади. Чунки табиатда ҳамма нарса бир-бiri билан bogланган. Таъсир экотизимнинг фақат бир қисмигагина эмас, балки бутун тизимга (биосфера, алоҳида организмга ҳам) кўрсатилади. Экотизимнинг бир неча bogланишлари йўқолиши ёки зарар кўриши, тикланиши мумкин. Аммо улар жуда кўп бўлса, экотизим бутунлай йўқолиб кетади.

## **2-боб. ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ФАННИНГ АҲАМИЯТИ**

### **2.1. Фан ва техниканинг экологик аҳамияти**

Ҳозирги замон ишлаб чиқариши экологик танглики келтириб чиқарди. Ишлаб чиқариш эса замонавий техникага асосланган. Техниканинг манбаи эса фандир. Демак, экологик қийинччиликлар фан-техника тараққиёти билан узлуксиз bogлиқдир.

Фан ёрдамида табиатнинг қонунлари кашф этилди. Инсон омили ҳисобга олинмасдан ўтказиладиган ҳар қандай тадқиқотлар ҳозирги замон экологик вазиятни ҳақиқий тарзда акс эттира олмайди. Экологик танглик сабабларидан бири (инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларини илмий билиш нуқтаи назаридан) илмий тафаккурдаги ҳаддан ортиқ таҳлилий-мулоҳазавий ёндашувдир. Бунда нарсанинг ички оламига тафаккур кўзи билан теран назар ташланади-ю, бироқ реал ҳодисалардан узоқлашилади, табиатга яхлитлик нуқтаи назаридан қаралмайди. Табиат бўлакларини алоҳида

ўрганиш билан чекланилади. Табиатнинг бирор бўлагини реалликдан сунъий равишда изолияциялаш уни теран ўрганиш имконини беради, аммо бунда айни бўлакнинг муҳит билан боғлиқлиги ҳисобга олиңмайди.

Экологик муаммоларнинг илдизи фанлар орасидаги узилиш ва уларнинг нотекис ривожланиши билан ҳам боғлиқ. Бу фанларнинг ички ўзига хослиги ва ижтимоий эҳтиёжлар таъсири билан белгиланади. Шуни назарда тутмоқ лозимки, экологик қийинчилкларга фаннинг бирор соҳасида эришилган ютуқлар "айбдор" эмас. Ҳамма гап унинг натижаси ўлароқ билимнинг бошқа соҳаларида тегишли ўзгаришлар тезроқ содир бўлмаганидадир. Демак, фанга ҳам нозиклик зарур. Ҳолбуки нозиклик биосферага хосдир. Шунинг учун ҳам уни инсон бошқаришга интилади.

Билимларнинг умумий миқдори беқиёс ортган шароитда фанларнинг нотекис ривожланиши яна бир зиддиятни келтириб чиқаради. Инсоннинг табиий муҳитга ўзгартиришлар киритиш имконияти ва унинг оқибатларини тушуниб етиши ўртасидаги зиддият сусаймади, аксинча, янада кескинлашди. Баъзи технократлар фан тармоқларининг ривожланишини инкор этиб, унинг ибтидоий даврдаги ҳолатига қайтаishi лозимлигини таъкидламоқдалар.

Жамият ва табиат ўзаро муносабатининг ҳозирги замон босқичи шу билан ҳарактерланадики, билимнинг бирор ривожланган соҳаларидан биридаги муҳим кашфиёт ва унинг келгусидаги амалий тадбиқи сайёрамизнинг фақат маълум қисмларигагина эмас, балки унга бутунлай яхлитлигича жуда кучли таъсир кўрсатишга қодирдир.

Бундай ҳолатларда физика-кимёвий йўналишдаги фундаментал фанлар, техника фанлари ҳамда биосфера ва айrim биогеоценозларни тадқиқ этувчи фанлар ўртасидаги мустаҳкам алоқа жуда катта аҳамиятга эгадир. Афсуски, шундай бўлишига қарамасдан, улар ўртасида, айниқса, табиий муҳитни ўрганувчи фанлар (геология, география, биология), шунингдек, табиий муҳитни ўзгартириш йўлларини ишлаб чиқишига йўналтирилган фанлар ўртасида ҳозирги шароитда мустаҳкам боғланишлар ўрнатилмаган.

XIX асрнинг охиригача физика-кимёвий фанлар билан жуда узвий боғлиқлиқда бўлган техника фанлари кўп жиҳатдан табиий муҳит ҳақидаги фанлардан алоҳида ривожланган. Асримиз бошларига келиб эса, инсоният табиатни ўзгартириш борасида жуда улкан лойиҳаларни амалга оширишга киришди. Албатта, гидротехник қурилмаларнинг меъёрий ҳолда ишлаб туришини таъминлаш учун жуда кўп табиий-илмий маълумотлар талаб этилган. Бунда физика-кимёвий фанлар ва табиий муҳит ҳақидаги фанлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқдан кенг фойдаланилган. Аммо табиий муҳит ҳақидаги фанлар иккинчи даражали ҳисобланган. Чунки

уларнинг вазифаси техник лойиҳани амалга ошириш учун зарур чабълумотларни таъминлаб беришдангина иборат бўлиб қолган.

Техникавий фанлар ва табиий муҳит ҳақидаги фанлар ўртасидаги бунга ўхшаш боғланишлар табиий муҳит ҳақидаги фанларнинг назарий жиҳатдан юксалишига жуда кам таъсир кўрсатган. Бу ҳолат матълум даражада, фаннинг, айниқса, табиий муҳит ҳақидаги фанларнинг экологик вазиятларга умуман тайёр эмаслигини кўрсанади. Демак, она сайёрамизни ўзгартириш истиқболларини белгилашда фаннинг барча тармоқлари, шу жумладан, ижтимоий фанлар ҳам ўзаро тенглик ва ҳамкорлик йўлини танлаши лозим.

Инсонни янгича фикрлашга ҳаёт бирлигини энг дастлабки биоценозлар даражасида, шунингдек, бутун биоқатлам миқёсида ўрганически экология фанининг ўзи унданмоқда. Шу боис табиатни муҳофаза этиш борасида шакланган халқаро ҳамкорлиқда барча фанларнинг энг сўнгги ютуқларига таяниб иш кўриб, уни сифат жиҳатдан янги пагонага кўттармоқ лозим.

Бизни табиатни муҳофаза этиш, экологик жиҳатдан асосланган технологиялар, ишлаб чиқаришлар, лойиҳаларга ўтишнинг инцилобий даври кутмоқда. Унинг оқибатида инсон фаолияти табиат жараенларини сўндирмайди, аксинча, уларга бамисоли "сингиб" кетади. Халқ олим ва мутахассислардан очиқ курашларда ва ҳатто муқобил техник варианtlарда туғилган ажойиб лойиҳаларни кутмоқда. Мамлакатларнинг табиатини ва маданий-тарихий қадриятларига беписандлик ва оқибати ўйланмасдан қабул қилинадиган монополистик қарорлашни жамоатчилик эътиборидан сир сақлашга энди сира ўрин йўқ.

Фан-техника тараққиётининг энг сўнгги ютуқларидан кенг фойдаланиш асосида янги илгор технологиялар яратилади. Бу эса кам харажат қилиниб, ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишининг экологик, ташкилий, техник, иқтисодий муаммоларини айни бир вақтда ҳал этиш имконини беради. Янги материаллар ишлаб чиқаришга янада ихчам ёндашишларни тақозо этади.

Экологик жиҳатдан тоза ва табиатга зарап келтирмайдиган технологиядан оқилона фойдаланиш меҳнат унумдолиги ва ҳаёт дараҷасини ошириш, кишиларнинг соғилигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, табиат захиралари базасини асраш борасида тенги йўқ имкониятлар беради. Янги материаллар ишлаб чиқаришга янада ихчам ёндашишларни тақозо этади.

Биотехнология тараққиёти туфайли атроф-муҳит ҳолатини яхшилашда катта самараларга эришиш мумкин. Ирсий муҳандислик маҳсуллари одамлар соглиги ва жонзорлар саломатлигини яхшилашга катта ҳисса қўшади. Тадқиқотчилар янги дори-дармонлар, янги муолажа усусларини, авлоддан авлодга ўтувчи ирсий хасталиклар билан курашишининг янги услубларини яратмоқдалар.

Ўсимликлардан олинадиган энергия қазиб олинадиган тиклаб бўлмас ёқилғи ўрини тұла қоплай олиши мумкин. Дон маҳсулотларининг юқори ҳосил берувчи навлари, ноқулай об-ҳаво шароитларига барқарор турларининг кашф этилиши қишлоқ ҳўжалигида катта ўзгаришларга олиб келади. Қишлоқ ҳўжалик зараркурандапари билан курашишнинг бир бутунликдаги усули янада осонлашади.

Биотехнологияда иқтисодий жиҳатдан фойдасиз жараёнлардан воз кечилади, ифлослик манбаи бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қарши ўлароқ экологик безарап, самарали усувлар кўлланилади. Биотехнология ёрдамида қаттиқ ва суюқ чиқиндиларга ишлов берилади. Бу эса долзарб экологик муаммоларни ҳал этишга катта ёрдам беради. Бу муаммоларни ҳал этиш эса микробиологиянинг жадал суръатлар билан ривожланишини, унинг ютуқларини амалиётга кенг миқёсда жорий этишни тақозо этади. Биотехнология ютуқларисиз экология ва табиатни муҳофаза этиш борасида катта мубвафақиятларга эришининг имкони йўқ. Инсониятнинг глобал дунёвий (сайёравий) муаммолари мавжуд. Ана шу муаммолар ечимини топишда бугунги кундаги олимларимизнинг салоҳияти юқори даражада бўлиши керак.

## 2.2. Фанни экологиялаштириш

Фан қанчалик юксак ривожланмасин, мутлақ ҳақиқат борасида энг сўнгги сўзни ва инсон фаолиятининг барча оқибатларини олдиндан айта олмайди ва албаттa, табиий вазиятнинг ўзгаришлари ҳақида анча кечикиб муносабат билдиради. Шундай бўлса-да, фан инсоннинг табиий муҳит билан ўзаро муносабатини уйгунаштириш борасидаги ҳақиқатни акс эттирища зарурый восита ҳисобланади.

Фан инсонга энг ишончли ахборотлар беради. Инсоният бу ахборотларни қайта ишлаб, табиий тизимлар экологик ҳолатининг янада ёмонлашувининг олдини олиши мумкин. Бинобарин, инсон фан орқали табиий муҳитдан кўп нарса ўрганади. Билиш табиатдаги тартиблиликтин аниқлаш жараёнидан иборатdir. Демак, фан инсонга ҳар қандай ҳолатни, хусусан, экологик вазиятни яхшилаш имконини ҳам беради.

Жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабат муаммоларини ҳал этишда фан олдига янги вазифалар қўйилмоқда. Демак, фаннинг ҳам янги йўналишларга юз буриши табиий ҳолдир. Бу йўналишлар фанни экологиялаштириш гояси билан bogлиқdir.

Бу гоянинг асосий шаклларидан бири фаннинг ривожини экологиядан биологик йўналишдаги бошқа фанлар (эволюцион экология, палеоэкология)га, Ер ҳақидағи фанлар (атроф-муҳит экология-

си ёки экологик экология)га, физика-кимёвий соҳадаги фанлар (гео-кимёвий экология, радиоэкология)га, техник ва қишлоқ хўжалиги фанлари (космик экология, қишлоқ хўжалиги экологияси)га, тиббиёт (инсон физиологияси экологияси, инсон касалликлари экологияси, тиббиёт экологияси, тиббиёт географияси)га, ижтимоий фанлар (ижтимоий экология, маънавият экологияси)га ўтказиш тарзида намоён бўлади.

Қайд этиб ўтилган илмий йўналишларнинг ривожланиши инсон фаолиятини экологиялаштириш тенденцияси доирасида кечади. Умумий ҳолда экологиялаштириш дейилганда, табиатни ўзгартириш фаолиятининг салбий натижаларини минимум даражага келтириш мақсадида инсоннинг табиий муҳитга кўрсатадиган таъсири туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни ҳисобга олиш тушунилади. Инсон фаолиятини экологиялаштириш эҳтиёждир. Уни ривожлантирумасдан туриб, экологик муаммони на глобал, на ҳудудий, на маҳаллий даражада ҳал этиб бўлади.

Жамият билан табиий тизимлар доимо ўзаро таъсирида бўлишади. Жамият билан ўзаро таъсирилашиш жараёнида табиий тизимлар табиатини бир бутун тадқиқ қилишга интилиш — фанни экологиялаштиришнинг энг характерли жиҳатларидан биридир. Экологиялаштириш инсоннинг билиш ва ўзгартириш фаолиятлари ўртасидаги зиддияtlарни бартараф этади. Табиатшунослиқдаги экологиялаштириш йўналиши, ўз моҳиятига кўра, назарий-амалий фанлардан иборатдир. Уларнинг вазифаси нафақат фан-техника тараққиётининг биосфера ва инсон организмига салбий таъсири ёки оқибатларини қайд, этишдангина иборат, балки инсон ва табиий муҳитнинг ўзаро муносабатини уйғунаштириш каби умумий масалаларни ҳам қамраб олади.

Фанни экологиялаштиришнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, тадқиқот обьектлари бўлмиш инсон, атроф-муҳит, уларнинг ўзаро муносабатига ижодкорлик ва меҳр-муҳаббат руҳида қараш лозим бўлади. Бундай муносабат ижтимоий онгнинг барча шаклларига, шу жумладан, фанга ҳам хос бўлиши керак. Бу борада фанга ҳақиқий билим ёрдам беради. Аммо Хитой файласуфларидан бири айтганидек, "ҳақиқий инсон мавжуд бўлган жойдагина ҳақиқий билим бўлади" Зеро, фаннинг асосий вазифаси ва мақсади одамларга фаронлик ва баҳт келтиришдан иборат бўлмоги лозим.

### 2.3. Ишлаб чиқаришни экологиялаштириш

Мамлакатимизда экология ва табиатни муҳофаза этиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Ҳар йили давлатимиз томонидан экология ва табиат муҳофазаси учун миллион-миллион миқдорда маблағ ажратиляпти. Бундан ташқари, аҳолининг экологик мада-

ниятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш борасида режали ишлар йўлга қўйилган. Айниқса, бутунги ёшларни, қасб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини, талабаларни экологик жиҳатдан тарбиялаш ўта муҳимдир. Чунки айнан улар фан-техника тараққиётини тезлашириш масалаларини амалда жорий этадилар. Келгусида улар, энг биринчи навбатда, хом ашё ва материаллар, табиат бойликларидан тўла ва бир бутун фойдаланиш имконини берувчи, атроф-муҳитга зарарли таъсиirlарни бутунлай йўқотувчи ёки сезиларли даражада пасайтирувчи комбинацияланган ишлаб чиқаришни ривожлантиришлари керак.

Табиатни муҳофаза этиш бўйича анъанавий чора-тадбирлар (масалан, мураккаб тозалаш қурилмаларини қуриш) гарчанд табиий муҳит ифлосланиши ва биосфера ҳолати ёмонлашуvinинг олдини олса-да, аммо бу — экологик жараён йўналишини тубдан ўзгартира олмайди. Улар табиатни ҳимоя қилишда ёрдам беради, холос. Аммо ундан олинган маҳсулот — бойликларни қайта тиклаш, узилиб қолган ҳаётбахш биосферик циклларни ўз измига тушириш борасида самарасиздир. Негаки, қайта тикланмайдиган органик манбалар (нефт, кўмир, сланцлар), ўсимлик қатлами қолдиқлари "табиат лабораторияси"да органик қайта ишланган маҳсулот ҳисобланади. Улар энди қайтадан ҳеч вақт синтезланмайди. Кесилиб кетган ўрмонлар ҳам ўз-ўзидан қайта тикланмайди. Сунъий равишда экилган кўчатлар ўрнида эса, қиммати қадимги дараҳтзорларникуга ўхшамаган ўрмон пайдо бўладики, кўпинча улар табиатдаги озиқланиш тартибини бузиб юборади. Бунинг оқибатида фагат маълум экологик шарт-шароитлардагина ҳаёт кечираdigан кўплаб ҳайвон ва ўсимликлар қирилиб кетади.

Энг катта миқёсларда қурилган тозалаш қурилмалари ёрдамида ҳам узлуксиз равишида ривожланаётган саноат ишлаб чиқаришининг зарарли таъсиридан атроф-муҳитни ҳимоя қилиш муаммосини тўла ҳал этиб бўлмайди. Бу муаммоларни фақат экологик хавфсиз, кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологик жараёнларни яратиш йўли билангина мувваффақиятли ҳал этиш мумкин. Негаки, саноатда синтезланадиган мураккаб кимёвий моддалар табиатда ўз-ўзидан емирилиб кетавермайди. Бундан ташқари, баъзи синтезланган моддалар табиий атроф-муҳит учун заҳарли ҳисобланади. Бу эса айрим тирик организмларда баъзи салбий оқибатларни келтириб чиқаради, ҳатто уларнинг ўлимига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шу боис олимлар зиммасида муҳим муаммолар турибди. Улар ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида кўлланиладиган кимёвий моддаларнинг экологик тизим учун келтириб чиқарадиган билосита узоқ салбий оқибатларни олдиндан айтишлари лозим. Маълумки, кўп препаратларнинг салбий оқибатлари тезда сезилавермайди ва ҳатто у дастлабки пайтларда анча-мунча фойда келтираётгандек

туюлиши ҳам мүмкін. Аммо у туфайли олинган фойдаладан күраунинг зарари күпроқ бўлган ҳоллар ҳам кузатилади. Масалан, оммавий тарзда ДДТ препаратининг қўлланишини олиб кўрайлик. Унинг фойда ўрнига одамларга кўплаб зарар келтиргани ҳаммага маълум-ку!

Тажрибалар шундан далолат берадики, ишлаб чиқаришнинг мавжуд индустрисал технологик усули асосида жамиятнинг табиат билан ўзаро таъсирини оптималлаштириш муаммосини тұла ҳал этиб бўлмайди. Ишлаб чиқаришни сифат жиҳатдан тамомила янги технологик усулга ўтказиш керак. Бу ёш авлод ишидир. Фан-техника ва ижтимоий тараққиётнинг ўзи экологиялашган ишлаб чиқаришга олиб келиши лозим. Аммо Ватанимизнинг келажаги бўлмиш ёшлар фан ютуқларига таяниб, сифат жиҳатдан янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиши ва уни амалиётта кенг тадбиқ этишлари зарур. Бундай ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусияти шундан иборат бўладики, у табиатнинг ўз-ўзини тиклашига ёрдам беради.

Экологиялаштирилган ишлаб чиқариш мураккаб ёпиқ жараёндан иборат. Бунда барча чиқиндилар яна қайтадан ишлаб чиқариш циклида фойдаланилади. Бу ерда биотехнологиянинг ўрни бекиёс бўлади, яъни ишлаб чиқаришда микроорганизмлардан фойдаланилади. Улар оксидлаш-тиклаш жараёнини тезлаштиради. Биотехнология ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ишончли ва тоза бўлади. Экологиялаштирилган ишлаб чиқаришда бир босқич чиқиндилари иккинчи босқич учун хом ашё вазифасини ўтайди. Инсон эҳтиёжлари учун олинган маҳсулотдан фойдаланилгандан сўнг у яна қайта ишланиб, ишлаб чиқариш жараёнинга киритилади. Бундай ишлаб чиқаришга узоқ вақт космик парвозда бўлган космонавтлар чиқиндиларини қайта ишлаш мисол бўла олади.

Қишлоқ хўжалигида ўсимликларнинг ёввойи турлари генларини ўтказиш йўли билан маданий ўсимликлар (жавдар, бугдой, картошка)нинг вирусли касалликларга чидамли бўлишига эришиш борасида тажрибалар олиб борилмоқда. Бу соҳада эришилган ютуқлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни оширишга хизмат қиласи.

Экологиялаштирилган ишлаб чиқаришда сифат жиҳатдан янги энергия манбаига ўтилади. Бу унинг хусусияти ҳисобланади. Негаки, ҳозирги замон индустрисал ишлаб чиқариш ёнилгининг кимёвий турлари — кўмир, нефт, табиий газ, торифдан фойдаланишга асосланилган. Бу табиий бойликлар миллион йиллар давомида тўпланган. Бугунги кунда эса улардан жуда жадал суръатларда фойдаланилмоқда ва кўп вақт ўтмай улар тутаб қолиши ҳам мумкин.

Энергиянинг янги манбаларига ўтиш зарурати фақат манбаларнинг тугаб қолиши ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши туфайли тутгилмаган. Янги энергия манбаларидан фойдаланиш хом ашёресурсларининг туташи билан болжиқ глобал тангликнинг олдини олиши мумкин. Бунада бизга фан-техника ердам беради. Саноат ишлаб чиқариши "ёпиқ жараён" ларга ўтказилиши керак. Бундай жараён табиатнинг ўзида мавжуд бўлиб, унда ҳеч нарса чиқитга ташланмайди, чунки ҳаммаси қайтадан истеъмолга киради. Илмий нуқтаи назардан қараганда, гарчанд анча муракқаб бўлса-да, "ёпиқ жараёнлар"ни тўлиқ амалга ошириш мумкин. Ёпиқ жараёнларни амалга оширища, энергетик жараёнларни ошириш зарурати энг асосий масала ҳисобланади. Шу боис бу жараёнларни глобал миқёсда ўзлаштириб олиш учун одамлар амалда чекланмаган қувватли энергия манбаига эга бўлишлари керак.

Янги энергия манбаларини излаш бугунги кунда илмий-тадқиқот марказида турибди. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида атом қувватидан фойдаланилмоқда. Бутун дунёда 300 га яқин АЭС ишлаб турибди. Дунёда ишлаб чиқилаётган бутун электр қувватнинг 20 фоизи АЭСларга тегишилдири.

Кимёвий усулларда олинадиган ва атом қувватларидан ташқари яна қўёш, геотерминал, шамол, денгиз сувининг кўтарилиш-пасайиши ва ноанъянавий қайта тикланмайдиган бошқа турдаги қувватлари ҳам мавжуд. Бу қайта тикланадиган энергия манбалари ва иккиласчи энергия ресурсларидан кенгроқ фойдаланиш масаласини ҳаётнинг ўзи илгари сурмоқда.

Мутахассислар водородга энергиянинг истиқболли манбай сифатида қарайдилар. Бизнинг сайёрамизда всдород захиралари деярли чекланмаган. Ундан иссиқлик манбай сифатида, шунингдек, транспортда, саноатда, турмушда фойдаланиш мумкин. Бунинг эса атроф-муҳитни соғ сақлашда аҳамияти жуда каттадир. Чунки водород ёниши жараёнида фақат дистилланган сув буги ҳосил бўлади. Саноат миқёсида асосан оддий сувдан водород ишлаб чиқаришнинг кўпгина усуллари топилган. Водород ишлаб чиқариш учун атом электр станциялари, қўёш, шамол, денгиз сувларининг кўтарилиш-пасайиши қувватларидан фойдаланиш таклиф этилмоқда.

Энергиянинг мутлақо янги манбаидан бири — иссиқлик насослариdir. Бу насослар фреон ёрдамида атроф-муҳитга сочилган иссиқликни йигади ва уни амалий мақсадларда қўллаш учун "қуюқлаштиради". Иссиқлик насосини ишга туширишда сарфланаидиган қувват атроф-муҳит ҳавосидан олинадиган қувватдан бир неча марта кичикдир. Шундай қилиб, энергиянинг сақланиш қонунини бузмасдан туриб, атроф-муҳитдан иссиқликни конденсация қилиш ҳисобига гўёки "абадий ишлайдиган двигатель" яратилади. Ҳар қалай, ҳали атроф-муҳит етарли даражада юқори ҳароратга

эга экан (ҳолбуки, ҳатто ҳарорат минус даражада бўлганида ҳам иссиқлик конденсациясини йўлга қўйиш мумкин), у ишлайверади. Ҳозирги вақтда иссиқлик насослари Европанинг турли мамлакатларида ишлаб турибди. Уларнинг қуввати тахминан 100 минг кВт га тенг.

Экологиялаштирилган ишлаб чиқаришга ўтиш материя ҳаракатининг биологик шакли, яъни тирик табиатдаги модда алмашинув жараёнлари қонуният ва хусусиятларидан кенгроқ фойдаланиш билан bogliқdir. Биокимёвий технология яратиш ва уни ривожлантириш, бу йўналишда қўйилган биринчи қадам ҳисобланади. Бунда асосий ишлаб чиқариш жараёнлари саноат қурилмалари ва аппаратларида эмас, балки тирик ҳужайрада кечади. Янги ишлаб чиқаришнинг энг муҳим омили — кўринмас микроорганизм. Айнан унинг ёрдамида оддий ҳом ашё (купинча ишлаб чиқариш чиқиндилари)нинг мураккаб ва жуда қимматбаҳо моддага айланиши ҳодисаси юз беради. Бошқа усуллар билан бундай моддани олиб бўлмайди. Масалан, микроорганизмлар қилинчларни қайта ишлаб, қимматли оқсил маҳсулотига айлантириш қобилятига эга. У ҳайвонларнинг озуқасига қўшимча тарзида солинади.

Баъзан микроорганизмлар ҳақида сўз борганда улар фақат турли қасалликларни тарқатувчи манба сифатида талқин этилади. Бироқ табиатда экологиялашган ишлаб чиқариш учун жуда зарур ва фойдали бўлган турли микроорганизмлар ҳам мавжуд.

Ҳозирги вақтда физика-кимёвий биология ва биотехнологиянинг ривожланишига дунё миқёсида катта эътибор берилмоқда. Уларнинг ютуқларидан эса тибиёт, қишлоқ хўжалиги ва саноатда кенг фойдаланилмоқда. Республикализ Фанлар академиясининг қатор илмий-тадқиқот институтлари олимлари олдига ген инженерияси (ирсият муҳандислиги) ва ўсимликлар селекцияси, микроорганизмлар ва ҳайвоилар, оқсиллар синтезининг биотехнологияси, биологик фаол моддалар муаммолари бўйича назарий ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш масалалари қўйилган. Баъзи бир қийинчиликлар бўлишига қарамасдан, бу йўналишларда тегишли илмий-тадқиқот ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Ҳусусан, Микробиология институтида кейинги йилларда салмоқли ишлар қилинди.

## 2.4. Микробиология ва экология

Микроорганизм, яъни митти жонзорларсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Негаки, кўзимизга кўринмайдиган митти жонзор — микроблар табиатдаги барча жараёнларда бевосита ёки билвосита иштирок этади. Шу боис ўқувчилар билан микроорганизмларнинг инсон ҳаётидаги ва умуман, табиатдаги аҳамияти ҳақида суҳбатла-

шиш қизиқарлидир. Зеро, бугунги күнде микробиология фаны инсоннинг амалий эҳтиёжлари учун самарали хизмат қилмоқда.

Шу жиҳатдан микробиология фанининг ўтмишини эслаб ўтиш фойдадан ҳоли эмас. Уч юз йил мұқаддам голландиялик олим Антон Левингук микроблар дүнёсини биринчи бўлиб кашф этган эди. Кейинчалик француз олими Луи Пастер ўзининг буюк кашфиётлари билан микробнинг бекиёс аҳамиятини янада ойдинлаштириб берди. Шуни таъкидаш жоизки, микробларни фақат хасталик қўзгатувчи ёки тарқатувчи манба сифатидагина баҳолаш ярамайди. Фойдалари микроорганизмлар ҳаётнинг ўзиdek бебаҳодир. Масалан, ўтмишдаги аждодларимиз хамир кўпчитиб нон ясаганлар, сут ачишиб қатиқ, қимиз, ёғ ва бошқа маҳсулотлар олишган, узумдан эса турли шарбат ва ичимликлар: шароб, гулоб, мусаллас тайёрлашган. Улар ачиш-бижгиш, чириш-емирилиш ҳодисаларини бевосита кузатганлар-у, бироқ уларнинг сабабларини билишга қизиқиб кўрмаганлар. Ҳолбуки, Л.Пастер худди ана шундай ҳодисаларни кузатишлари ва тажрибалар ўтказиши натижасида қисқа муддат ичидаги ҳар қандай ачиш-бижгиш жараёни маҳсус микроблар — бижгитувчи "таёқчалар" туфайли содир бўлишини аниқлаб берган.

Худди ўша даврлардан бошлаб микробиология саноати юзага кела бошлаган эди. Бу даврларда турли-туман моддалар, хусусан, доривор препаратлар — антибиотиклар, ферментлар, гормонлар, дармондори-витаминалар, юқумли хасталикларга қарши эмлашда ишлатиладиган вакцина (ўлдирилган микроб зардоби) олиш усуллари ўзлаштиришга киришилган ва айни соҳаларда маълум натижаларга эришилганди. Ҳозирги вақтда микробиология фанни жадал суръатлар билан ривожланиб кетди. У билан боғлиқ бўлмаган бирор билим соҳасини учратиш мушкулдир.

Хусусан, Микробиология институтида бошқа фанлар билан ҳамкорлиқда, хусусан, тиббиёт ва экологик билан боғлиқ ҳолда катта амалий ишлар қилинмоқда. Ҳозирги вақтда институт директори, биология фанлари доктори, профессор Қаҳрамон Давронов раҳбарлигига ошқозон-ичак ва жигар фаолиятини яхшилайдиган экологик жиҳатдан соғ "Ором" шифобахш ичимлиги, «Бифидобактерин», «Колфибактерин» каби бактериал препаратлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ишда институттага "Соглом авлод учун" Ҳалқаро хайрия жамгармаси яқиндан кўмак бермоқда. Мазкур жамгарма билан ҳамкорлиқда ишлаб чиқарилган мазкур препаратларни аҳолига тарқатадиган кичик корхона ташкил этилган. Препаратлар "Соглом авлод учун" дорихоналарида сотилмоқда. Чунки бу доривор воситалар фақат хасталанишнинг олдини олибгина қолмайди, балки хасталикни даволайди ҳам.

Маълумки, инсон болаликданоқ қўплаб хасталикларни микроблар юзага келтиради, деган ақидага кўнишиб яшайди. Наҳотки, микробларни

инсон саломатлиги йўлида хизмат қилдиришнинг иложи бўлмаса? Нега, бўлмас экан? Иложи бор, албатта! Ахир, бактерия ва замбуруг (вируслар)дан инсон саломатлигини ҳимоя қилиш мақсадида фойдаланмоқда-ку! Ҳаммага маълум пенициллин препарати пенцилиум деб аталмиш замбуруғдан олинади. Агар касаллик қўзгатувчи микроблардан ҳам худди ана шу мақсадларда фойдаланилса, бу фанда катта шов-шув эмасми? Ҳа, фойдаланилади. Бўтма, вабо, чечак, асаб тизими фалажи ва бошқа юқумли хасталикларга қарши эмлашларни бир эслаб кўрайлик. Бунда мазкур хасталикларни қўзгатувчи микроблардан жуда кам миқдорда берилади, яъни кишида мазкур хасталикларга қарши ҳимоя кучи (иммунитет) сунъий равишда кучайтирилади. Ҳозирги вақтда бошқа микроблардан ҳам саломатлик йўлида фойдаланилмоқда. Америкалик олим Гатри наслдаги модда алмашинувининг айрим бузилишларини ташхис қилишнинг янги усулини таклиф этди. Бунда у инсониятга оғир юқумли хасталиклар тарзида кўплаб азоб-үқибат келтирган тирик организм — микроблардан фойдаланди. Улар "изқувар" вазифасини ўтаб, минглаб соғлом кишилар орасидан атиги битта беморни топиши лозим эди. Бу илмий масала муваффақият ила ҳал этилди. Улар ёрдамида наслий модда алмашинувидаги бошқа бузилишлар ҳам аниқланди. Шундай қилиб, микроблар инсон саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда. Бу усулининг афзаллиги шундаки, текширувлар учун фильтр қоғозга туширилган атиги бир томчи қоннинг ўзи етарлидир. Бу усул бизнинг тибиётимизда ҳам йўлга қўйилса фойдадан холи бўлмасди.

Тупроқ ҳолати микроорганизимларга bogliқ ҳолда яхши ўрганиб чиқилмаган. Ҳолбуки, буни билиш жуда муҳимдир. Чунки ерга ҳаёт, инсонга озиқ берадиган ўсимликлар тақдири тупроқ ҳолати билан узвий bogliқdir. Тупроқ ҳолатини эса ундаги ўт-ўланлар, қурт-қумурсқа, чувалчанглар ва айниқса, модда алмашинувини таъминлаб турадиган микроорганизмлар белгилаб беради. Институтда бу борада олиб борилаётган амалий ишлар ва илмий-тадқиқот натижалари салмоқлидир.

Маълумки, ўсимликшунослиқда ҳар хил заҳарли кимёвий воситалардан фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигида эса турли ўритлар, "цит"лар ишлатилади. Айрим микроорганизмлар уларнинг таъсирида "маст-аласт" бўлиб мутантларга айланиб қолади. Улар микробларнинг хасталик қўзгатувчи фаолиятини ўн фоиз кучайтиради. Хўш, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун, амалда нима ишлар қилиниши керак?

Бизнингча, четдан келтирилаётган турли-туман кимёвий воситаларни ўсимликшунослик ва қишлоқ хўжалигида билиб-бilmасдан ишлатавермаслик лозим. Агар улар ишлатиладиган бўлса, тажриба участкаларида синов ва текширувдан ўtkазилиши шарт. Уму-

ман, уларнинг ўрнига ернинг маҳсулдорлиги ва ўсимликларниң ҳосилдорлигини оширадиган, микроорганизмларга зарар келтирмайдиган, аксинча, уларга куч-қувват багишладиган табиий ўғитлардан фойдаланиш маъқулдир. Масалан, институт ана шундай ўғит ўрнига "Ер малҳами" препаратини таклиф этади. "Ер малҳами" институт олимлари томонидан тупроқ микроорганизмлари асосида яратилган бўлиб, экологик жиҳатдан тозадир. "Ер малҳами" препаратининг қўлланилиш самарадорлиги кўрсаткичи ҳам юқори-дир. У тупроқнинг биологик жиҳатдан согломлашишини таъминлайдиган минерал ўғитлардан тежаб-тергаб ва самарали фойдаланиш имконини беради, муҳитнинг экологик ҳолатини яхшилайди, ургунинг униб чиқишини тезлаштиради. Бундан ташқари, ўсимликнинг касалликка чидамлилик ёки унга чалинмаслик имкониятини, сабзавот-мевалар таркибидаги витаминалар миқдорини ва қандни оширади, маҳсулотдаги нитратлар улушини 40-60 фоизгача пасайтиради. Ундан фойдаланилса, минерал ўғитлар маълум миқдорда тежалади. Бу эса иқтисодий фойда демакдир. Бу борада катта амалий синовлар ўтказилган.

Минерал ўғитлар сарфини камайтириш ҳисобига бир тонна "Ер малҳами"дан фойдаланиб, биринчи йилда 89 минг сўм, иккичи йилда 119 минг сўм, учинчи йилда 229 минг сўм соф фойда олинган. Айниқса, "Ер малҳами" қўлланилишининг самарадорлигини ўсимликлар ҳосилдорлигининг ортишига қараб аниқлаш натижалари унинг аҳамиятига катта ишонч тугдирали. Масалан, мазкур малҳам қўлланилган ҳудудларда картошканинг ҳосилдорлиги 25-30 фоиз, маккажӯхори (кўк массаси)нинг ҳосилдорлиги 20-25 фоиз, уруғиники 15-18 фоиз, бугдойники 15-16 фоиз, пахтаники 10-15 фоизгача ортган. Албатта, у нафақат ер учун, балки инсон, ҳайвон, ўсимлик ва ҳашаротлар учун жуда безараардир. Уни сув орқали тараш, ўсимлик уруғларига қўшиб кўмиш ёки унинг илдизи атрофларига селиб фойдаланиш мумкин.

Инсон фаолияти ниҳоятда серкірра, саноат ишлаб чиқаришининг тармоқлари хилма-хил ва қудратлидир. Улар атроф-муҳит ҳамда маҳсулотларни турли чиқинди моддалар билан заҳарлаш шароитини яратди. Унинг оқибатлари: хасталик, иқтисодий, экологик ва бошқа муаммолардир. Дастрлабки вақтларда маҳсулотларни синтез йўли билан ҳосил қилиш мумкин экан, демак, уларни парчалаб юбориш ҳам қўлимиздан келади, бу иш ҳам жуда осон деб ҳисобланарди. Ҳолбуки, моддаларни синтез йўли билан олишдан кўра, ҳосил қилинган бирикмаларни, уларнинг тузилмаларини бузиш қийин ва мураккаб иш экан. Моддалар ва бирикмаларнинг тузилишини кимёвий йўл билан бузиш учун жуда катта қувват ва маҳсус шароитлар талаб этилади. Бу эса жуда катта маблаг демакдир. Та-биат эса бузиш ва ўзлаштиришнинг ферментатив усуllibарини ярат-

ган. Бунинг натижасида кўплаб моддалар ўзининг дастлабки асосларига қадар парчаланиб, емирилиб боради. Худди ана шу парчаланиш жараёнини микроорганизмлар, тўгироги, уларнинг фермент тизимлари амалга оширади. Ферментларнинг мазкур хусусиятларидан фойдаланиш ўта муҳимдир. Олимлар микроорганизмлар ёрдамида бирикмаларни парчалаш борасида катта илмий-тадқиқот ишлари олиб бориб, натижаларни амалда тадбиқ этиш ниятидалар.

Институт хорижий мамлакатларнинг олимлари билан ҳам бевосита ҳамкорликлар қиласди. Институт лабораториясида ажратиб олинган микроблардан бири канадалик олимларни жуда қизиқтириб қолди. Ҳозирги вақтда Монералдаги биотехнология маркази профессори Мерик Сиглер билан ҳамкорликда чуқур илмий излашишлар олиб борилмоқда. Институт лабораториясида ажратиб олинган ёғни парчаловчи пермент-липаза Канаданинг жаҳон андоузалири асосида жиҳозланган илмий марказида қайта-қайта синов текширувлардан ўтказилди. Эндиликда липазанинг ўзига хос физика-кимёвий ва биологик хусусиятларини аниқлаштириш борасида илмий ишлар қилинмоқда.

Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонда бирорта ҳам микроблар биотехнологиясига мослашган заводлар бўлмаган. Мустақиллик шарофати билан биотехнология асосида ишлайдиган тўнгич корхоналар — Андижон, Қўқон ва Янгийўл спирт заводлари жадаллик билан ишга туширилди. Бугунги кунда заводларнинг фаолигини ошириш мақсадида институт улар билан илмий-амалий ҳамкорлик қилмоқда.

Спирт ишлаб чиқариш учун дастлаб крахмал моддаси ферментлар ёрдамида қанд моддаларига, кейин эса улар бижгитилиб спиртга айлантирилади. Бу ҳар иккала жараёнда ҳам микроорганизм-амилаза ферменти ва микроб — хамиртуришлар иштирок этади. Заводларимиз дастлаб бу микробларни Россиядан сотиб оларди. Бирок улар кўп ҳолларда Ўзбекистондаги иссиқ ҳароратга бардош беравермасди, шу боис технологияда баъзи нуқсонлар учраб турарди. Ҳозирги вақтда Микробиология институтда иссиққа чидамли фаол амилаза ферменти ажратиб олиниб, у ишлаб чиқаришда синовдан ўтказилмоқда. Дастлабки натижалар мазкур микробларнинг фаолиги бошқаларникуга қараганда 2-2,5 баробар юқорилигини кўрсатди. Бу спирт ҳосил қилиш учун сарфланадиган ферментни шунча марта камайтириш имконини беради. Ўз-ўзидан равшанки, натижада маҳсулот таннархи бирмунча камаяди. Бизнингча, фақат спирт заводлари балки кўп тармоқли микробиологик заводларни ташкил этиш пайти келди. Негаки, унинг иқтисодий самараси юксак бўлади. Масалан, Голландия гўшт ва сут-ёғ маҳсулотларини етишиб-риш ва четга чиқариш бўйича пешқадам мамлакатлардан биридир. Бу ютуққа улар фақат биотехнология ёрдамидагина зришган.

Мамлакатимизда ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммолар талайгина. Улардан бири глюкоза ишлаб чиқаришдир. Бутунги кунда республикамизда четдан сотиб олаётган глюкоза миқдори аҳоли эҳтиёжини тўла қондира олмайди. Ҳолбуки, глюкоза тиббиётда жуда ҳам зарурдир. Ҳозирча Ўзбекистонда глюкоза ишлаб чиқарилмайди. Аммо бизда таркибида глюкоза кўп бўлган табиий маҳсулотлар жуда серобдир. Институт олимларининг энг асосий мақсадларидан бири — биологик фаол ва қимматли моддалар ажратиб олиш, уларни аҳоли эҳтиёжтларини қондира оладиган дараҷада кўп миқдорда ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этиш, биотехнологиянинг кенг имкониятларидан фойдаланиб, экологик жиҳатдан тоза турли-туман маҳсулот ишлаб чиқаришдир.

## 2.5. Кимё фани ва ижтимоий тараққиёт

Сир эмаски, аниқ фанлар инсониятга хизмат қилмоқда. Аммо фанда эришилган ютуқларга қарамасдан, муваффақиятлар гаровига эътибор бермасдан, кейинги вақтларда айрим кимсалар гүёки фан барча бало-қазоларнинг сабабчиси бўлиши мумкин, дея айюҳаннос солишга, ҳатто уни айблашга интилоқдалар. Уларнинг таънаю дашномларини қуидагича ифодалаш мумкин: фан, олимлар гўзал ҳаётга ҳавас тутғидиради, лекин инсон бу ҳавасларга муносиб равишда ахлоқий жиҳатдан камол топган эмас. Шу боис фан ютуқларидан оқилона фойдаланишга қодир эмаслар. Ўша кароматгуйлар олимларнинг ўзларини ҳам тор профессионализмда айблайди-лар. Айтишларича, бу ҳол башарият тақдирини ҳақида ўйлашни, инсоний қадриятлар оддидаги масъулиятни чеклаб қўярмиши.

Албатта, бундай қарашларнинг бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Олимлар орасида технократлар ҳам, шуҳратпарастлар ҳам топила-ди. Инсониятнинг маънавий ҳаёти, маданияти билан гўё фаннинг зиддиятига кириши, маънавий ва ақлий соҳалар ўртасидаги қара-ма-қаршилик, бизинг назаримизда, ўйдирма ёхуд сунъийдир. Агар, башарти, бундай зиддият ким учундир мавжуд бўлса, у инсон маънавий ҳаётининг олий даражада намоён бўлиши — фан ва маънавият муштараклиги билан эмас, балки бирор соҳадаги маълум бузилишлар, айнишлар, гайри талқин қилишлар билан боялиқдир. Ўйлаймизки, келгуси асрда инсон ҳаётининг ақлий ва маънавий жиҳатлари ўртасидаги тўла уйгунилк қарор топиши туфайли бундай нуқсонлар йўқолиб кетади.

Масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам бор. Маълумки, тараққий этган бой мамлакатларда кимё саноати, хусусан сунъий ўйлар билан хилма-хил кимёвий моддалар олиш ривожланиб кетган. Кимёвий моддалардан кенг фойдаланиш, саноат чиқиндилари, кимёвий ишлаб чиқариш чиқитларини кўмиш ва турли хил ҳалокатлар, ма-

салан, Чернобил воқеаси, нефтларнинг ёниши, газ портлаши шунга олиб келадики, дунёнинг энг йирик саноат корхоналари мавжуд жудудлари табиий муҳитининг заҳарланиши юқори даражага етган. Бироқ жамият тараққиётини, инсон эҳтиёжлари муаммосини ҳал этишини кимё фанисиз сира тасаввур қилиб бўлмайди. Шунингдек, хўжалик фаолиятида кимёвий бирикмалардан фойдаланишдан воз кечишнинг ҳам иложи йўқ. Демак, барча диққат-эътиборни уларни ишлаб чиқариш меъёрига, тартиб қоидаларига ва улардан экологик ҳамда ижтимоий омилларни ҳисобга олган ҳолда оқилона фойдаланишимизга қаратишимиз лозим бўлади.

Албатта, бу ва шунга ўхшаш бошқа муаммоларни ҳал этиш борасида вақт-вақти билан дунёнинг йирик ёки марказий шаҳарларида назарий ва амалий кимё бўйича Халқаро уюшмалар томонидан намунавий илмий кенгашлар ўтказилиб турилади. Унда етакчи олимлар ва саноат намоёндалари кимё фани ва кимё ишлаб чиқаришнинг инсоният олдида турган муҳим муаммоларини ҳал этишдаги муҳим аҳамияти, шунингдек, кимёнинг энг янги ютуқларидан дунё иқтисодиётини ривожлантиришда фойдаланиш масалалари муҳокама этилади.

Инсониятнинг барқарор тараққиёти учун имконият яратишида, барқарор ривожланиш иқтисодиётининг шаклланишида кимё фани қандай ҳисса қўшиши мумкин? Мислсиз... Гоят мислсиз. Кимё умумий фанлардан биридир. Унинг ютуқлари хўжаликнинг барча тармоқларида фойдаланилади. Кимё жаҳон иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва ишлаб чиқариш қуввати учун зарурдир. Барқарор тараққиёт гоясининг асосий маъноси шундаки, бунда асосан, жаҳон иқтисодининг юксалиши, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш ўртасидаги зарурий мувозанат таъминланиши лозим. Инсоният бу учта муаммонинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканини унутмаслиги шарт. Агар фақат табиатни муҳофаза қилиш ҳақида қайтарилса ва иқтисодий тараққиёт эҳтиёжига аҳамият берилмаса, ҳеч шубҳасиз, бу қашшоқликка олиб келади. Айни маҳалда эса фақат иқтисодий ривожланиш ҳақидагина қайтариш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, кўплаб мамлақатлар тарихида шундай даврлар бўлганки, улар саноатнинг ривожланиши учун атроф-муҳитни муҳофаза қилишга эътибор бермай қўйганлар. Мувозанати ва мутаносиблиги бузилган табиатни тиклаш эса ниҳоятда мураккаб иш.

## **2.6. Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлар йўналиши**

Республикамизда атроф-муҳитни техноген ифлосланишдан муҳофаза этиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари ҳақида кодекслар, шунингдек, атмосфе-

ра ҳавосини, ер усти ва ости сувлари, тупроқ, ўснмлик ва ҳавоинот оламини муҳофаза этиш бўйича қонунлар қабул қилинган. Тегишили ташкилот ва корхоналарга аниқ топшириқлар берилган ҳамда атроф-муҳит ва тупроқ, сув, ўрмон, минерал ресурслар, ҳаво базейнидан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирлар тавсия этилган.

Ана шунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза этиш Давлат қўмитасида тематика бўйича танлов асосида 1994 йилдан бўён ва кўпроқ Давлат илмий-техника дастурлари (ДИТД) доирасида 1997 йилдан бошлаб, турли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Табиат муҳофазаси тематикаси алоҳида дастурга ажратилган (ДИТД—8). Масалан, 1997—1999 йилларда табиат муҳофазаси «Атроф-муҳит мониторинги муаммоларини ҳал этиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш» тематикаси асосида, яъни ДИТД—8 бўйича амалга оширилди. Бу дастур бўйича амалга ошириладиган ишларни координация қилиш ЎзР ФА Сув муаммолари институти ва Ўзбекистон Миллий университети зиммасига юклатилди. Дастурни бажаришда 34 ташкилот-ижрочилар, асосан илмий-тадқиқот институтлари қатнашди.

Давлат илмий-техника дастури — 8 ўзида бир неча топшириқларни қамраб олган 10 та йирик топшириқ ва уларни бажариш босқичларидан иборатdir. Давлат илмий-техника дастури — 8 тадқиқотларининг уч йиллик натижалари мутахассислар экспертиза сидан ўтказилган ва таҳдил этилган. Тадқиқот натижаларини амалга жорий этиш борасида ишлар қилинмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фан ва техника Давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат илмий-техника ахбороти фондида экология бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бу ерда хорижий технологиялар ўрнини босувчи ва хорижга эксперт қилиш мумкин бўлган технологиялар бўйича маълумотлар базаси шаклланган.

Қўйидаги соҳалар технологиясини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Булар:

- иссиқлик-энергетик мажмуи;
- металлургия;
- минерал-хом ашё мажмуи;
- кимё ва енгил саноат;
- қишлоқ ва сув ҳўжалиги, агросаноат мажмуи.

Яратилган база маълумотлари бўйича вазиятларни ўрганиш, атроф-муҳитни техноген ифлосланишидан муҳофаза этиш бўйича қатор муаммоларни ҳал этишга ва республикамизда экологик вазиятни сезиларли даражада яхшилашга имкон берувчи техник жараёнларни инновацион асосда тармоқ ва тармоқлараро миқёсда ишлаб чиқаришга татбиқ этиш борасида тавсиялар бериш имконини туғдирди.

1994 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳит бўйича Халқаро ахборот тизимида мустақил иштирокчиdir. Бунда асосий вазифа Давлат илмий-техника ахбороти фондига юклатилган. Миллий ажратилган марказ (МАМ) фаолияти унинг ташкил этилганидан бошлаб, республикамиздаги ташкилотлар орасида Инфотерра тизимларини ташкил қилиш, ахборотларнинг миллий манбалари тармогини яратиш, республикамиз ва хорижий электрон ахборот истеъмолчиларининг сўров-эҳтиёжларини қондиришга йўналитирган.

1995 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасида (МАМ томонидан) Табиатни муҳофаза этиш фаолиятининг алоҳида йўналишдари бўйича маълумотларнинг маҳаллий (локал) базасини шакллантиришга киришилди. Масалан, "Қурилиш индустриси корхоналарида экологик ҳимоя" "Ўсимликларни ҳимоя қилиш" "Оқова сувларни тозалаш технологияси", "Оролнинг экологик муаммолари", "Тупроқнинг заҳарли кимёвий воситалар билан ифлосланиш муаммоси" каби йўналишларни алоҳида айтиб ўтиш мумкин.

### **3-боб. ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ, АТРОФ-МУҲИТ ВА САЛОМАТЛИК**

#### **3.1. Атроф-муҳит ҳолати ва инсон саломатлиги**

Фан-техника тараққиётининг атроф-муҳитга таъсири ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин. Мабодо, фан ва техника ютуқларини хўжалик фаолиятига тадбиқ этишда жамият ва табиатнинг уйғун ҳолда ривожланиш талаблари эътиборга олинмаса, салбий оқибатлар келиб чиқади.

Фан-техника тараққиётининг тартибсиз, бошқариб бўлмайдиган ривожланиши натижасида инсоният шундай чегарага етиб келдики, чанг-тутун ва нур касаллиги, турли токсик, аллергия, эндокрин ва ижтимоий чегара билмайдиган патологиянинг бошқа турлари билан боғлиқ хасталиклар хавфи кўндаланг бўлиб турибди.

Ядро қуролларининг синалиши натижасида табиатда муҳим ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришларнинг баъзи оқибатлари мутаген жараёнларга, тирик организмларнинг ирсий кодига таъсир кўрсатиши гоят ташвишлиди.

Биргина АҚШдаги саноат корхоналари ва atom электр станциялари ҳар йили табиатни юзлаб тонна радиоактив чиқиндилар билан булгайди. Ажал уруғлари бўлмиш бу моддалар йиллаб ахлатхонада ётади. Кўпгина ҳолларда заҳарли чиқиндилар ёмгиirlар билан ювилиб, сақланиш жойидан дарёлар, кудуқларга сизиб ўтади ва тоза ичимлик сувини заҳарлайди. Бу эса аҳоли саломатлиги учун хавф-хатар тутгидради.

Гарбий Европа ва Америкадаги тараққийпарвар кишилар табиатни асраб-авайлаш учун курашадилар. Чунки улар одамларнинг сиҳат-саломатлигини кўп жиҳатдан ташқи атроф-муҳит ҳолати дарражасига боғлиқ эканини яхши тушунадилар. Табиатни муҳофаза этиш бўйича дунё миқёсида бир қанча уюшмалар мавжуд. Масалан, Германиядаги "яшиллар" партияси табиат муҳофазаси, ядро синовларини тақиқлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун курашади. Уларнинг бу курашлари тараққийпарвар кишилар томонидан қўллаб-қувватланади. Қолаверса, ижтимоий жараёнларнинг умумий эканини, экологик тангликтининг ягоналигини, цивилизацияга хос хасталикларнинг кўлпайгани, ижтимоий ва табиий мослашув муаммоларини ҳам ёддан чиқармаслик керак.

Жаҳон Соглиқни сақлаш ташкилоти низомида саломатлик "тўла жисмоний, руҳий ва ижтимоий фаровонлик ҳолати" тарзида таърифланади. Саломатлик — юқори ижтимоий фаоллик, меҳнатни ўзлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш (шунингдек, ижтимоий ва техникий тараққиёт)нинг муҳим асоси ҳисобланади. Саломатлик — ҳар бир инсон баҳт-саодати, тўлақонли ижтимоий фойдали фаолиятнинг заминида ётади. Ҳақиқатан ҳам, саломатлик борасида гамхўрлик қилиш юксак ижтимоий қадриялардан биридир. Саломатлик-сиз инсон ҳам, жамият ҳам ўз мақсадларига эриша олмайди.

Биосферадаги барча жараёнлар ўзаро боғлиқдир. Инсоният биосферанинг кичик қисми бўлса, инсон эса органик ҳаёт турларидан биридир. Биосфера ҳолатининг ёмонлашуви барча тирик мавжудотлар, шу жумладан инсон учун ҳам хавфлидир. Инсоннинг ва унинг атроф-олам билан муносабатини ҳар тамонлама ўрганиш шуни тушунишга олиб келдики, саломатлик — бу нафақат касалликнинг йўқдигини билдиради, балки у инсоннинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий хотиржамлигидир. Саломатлик — туман бойлик. Бизга саломатликни табиат ато этган. Аммо у биз яшаётган шарт-шароитга жуда боғлиқдир.

### **3.2. Муҳитнинг кимёвий заҳарланиши**

Бисферага қора ва рангли металлургия, кимё, нефтни қайта ишлаш, цељлюлоза-қогоз ишлаб чиқиши, машина қурилиши, озиқовқат, тог-қазилма ва тўқимачилик саноати сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Табиатдаги барча чиқит ва чиқиндиларнинг асосий қисми саноатнинг ана шу тармоқдари улушига тўғри келади.

Хозирги вақтда инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли табиий муҳитга тобора кўпроқ микдорда ишлаб чиқаришнинг газсимон, суюқ ва қаттиқ чиқиндилари чиқарилмоқда. Чиқиндилардаги турли хил кимёвий моддалар тупроқ, ҳаво ёки сувга тушиб, экологик бўгин-

лар бўйича бир озиқ занжиридан бошқасига ва охир-оқибатда инсон организмига ўтади. Ер курасида у ёки бу даражада ифлослантирувчи моддалар етиб бормаган бирор жойни топиш амри маҳолдир. Ҳатто ҳеч қандай ишлаб чиқариш корхоналари бўлмаган Антарктида музликларида ҳам олимлар ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг турли токсик (заҳарли) моддалари мавжудлигини аниқладилар. Ҳолбуки, у ерларда фақат кичик илмий станциялар жойлашган, холос. Демак, уларни бу жойларга бошқа ҳудудлардан ҳаво оқими олиб келади.

Табиатни ифлослантирадиган моддалар жуда хилма-хилдир. Ўзларининг табиати, концентрацияси, инсон организмига таъсир этиш вақтига боғлиқ ҳолда улар турли ноқулай оқибатлар келтириб чиқаради. Бундай заҳарли моддалар кичик концентрациянинг қисқа муддатли таъсири ҳам, масалан, бош айланиш, кўнгил айниши, томоқ қуриши ва йўталга сабаб бўлиши мумкин. Агар токсик моддалар катта концентрацияси инсон организмига кўпроқ миқдорда кириб қолса, ҳу shreddan кетишига, ўтқир заҳарланиш ва ҳатто ўлимга олиб келади. Организмнинг ифлосланишига бўлган реакцияси инсоннинг индивидуал хусусиятларига, ёши, жинси, саломатлигига боғлиқ. Ода болалар, кекса, касалманд кинилар тез хасталана-дилар.

Организмга токсик моддаларнинг муентазам кириши сурункали заҳарланишга олиб келади. Сурункали заҳарланиш белгилари: меъёрий хулқ-атъој, слатларнинг бузилиши, нейро психологияк четга чиқишилар тез толикиши ёки доимий чарчоқ ҳиси, уйқу босиши ёки аксинча, уйқусизлик, апатия, дикқатнинг кучлизланиши, паришон хотирлик, тез унутиш, кайфиятнинг тез ўзгариши ва бошқалар.

Айни бир модда билан сурункали заҳарланиш турли одамларда турлича хасталаниш келтириб чиқариши мумкин. Инсоннинг турли табиий муҳит ёки шарт-шароитларга мослашувчаник имконияти жуда катта бўлса-да, лекин у барibir муҳитни ифлослантирувчилар ёки улар бирималарининг юқори концентрацияси таъсирiga узоқ муддат бардош бера олмайди.

Ҳозирги замон тарақкий этган мамлакатлар шароитида атроф-муҳитнинг ифлосланиши муаммоси ва унинг кишилар саломатлигига таъсир кўрсатиши ижтимоий аҳамият касб этади. Маълумки, тарақкий этган мамлакатлардаги йирик шаҳарларда аҳолининг жойлашиш тартиби шахсий даромад ҳажми билан белгиланади. Аҳолининг кам даромадли қатлами атроф-муҳит ифлосланишининг хатарли оқибатларидан деярли ҳимояланмайдилар. Негаки, ҳавоси кўпроқ ифлосланган туманларда кам даромадли аҳоли яшайди.

Атроф-муҳит турли манбалар орқали ифлосланади. Улардан бири кислоталар ёмгиридир. Ҳозирги замоннинг "кўринмас қотиллари" —

кислота ёмгиrlари нафақат атроф-муҳитни ифлослайди ва ишдан чиқаради, балки одамларда турли хил хатарли касалликлар келтириб чиқаради. Кўпгина олимларнинг хulosаларига кўра, кислота ёмгиrlарининг юзага келишининг асосий сабаби — ҳавонинг заҳарли чиқиндилар билан ифлосланишидир.

Саноат корхоналари, иссиқлик электр станциялари, қозонжоналар, заводлар ҳавога жуда кўп миқдорда олтингутурт икки оксиди, азот кислотаси чиқаради. Азот оксиди эса қоракуя, заҳарли металлар қолдирган излар билан бирга сув бугларига аралашиб реакцияга киришади ҳамда азот ва олтингутурт эритмаларини ҳосил қиласди (баъзан, улар жуда кучли бўлади). Булут бамисоли, шимгич каби азот ва олтингутурт оксидларини, радиоактив моддаларни, оғир metallлар зарраларини ютади. Улар эса ёмгир, қор ва бошқа ёгинлар билан ерга тушиб, ўсимлик ва ҳайвонот оламини заҳарлайди, иншоотларни ишдан чиқаради, сув ва тупроқнинг айнишига сабаб бўлади. Бу салбий ҳодисалар фақат ифлослантирувчи манба жойлашган мамлакатлардагина эмас, ундан жуда узоқдаги ўлкаларда ҳам кечиши мумкин.

Ҳаво оқимлари "сезимас ўлим" манбанини катта фазоларга тарқатади ва кўплаб мамлакатларнинг ҳалқлари "айбсиз айбдор" бўлиб қоладилар. Марказий Европада оксидданиш туфайли ўн минглаб гектар ерлар зарар кўрган. Саноат тараққий этган Европа мамлакатларида гелий, кадмий, рух, қўргошин зарралари, углерод оксиди, бошқа заҳарли аралашмалар, шу жумладан, канцерогенлар (абсет чанг, бензопирен) ҳавога чиқарилади. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳаво қатлами, дарёлар, кўллар ва тупроқнинг ифлосланиши натижасида одамлар кўпинча саратон (рак) касалига чалинадилар. Агар ҳаво қатлами ифлосланиши ортиб бораверса, худди ана шу туман ҳудудларида ўпка раки билан касалланган кишилар сони ҳам пропорционал равишда кўпаяди. Заарли газлар ва кислота ёмгиrlари оқибатида Германия, АҚШ ва бошқа мамлакатлардаги ўрмонларнинг маълум қисми қуриб қолган.

Хулоса қилиб айтганда, саноатнинг тараққий этиши атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва ишдан чиқишига олиб келади. Бу эса одамларнинг яшаси учун зарур бўладиган умумий биологик шарт-шароитни ёмонлаштиради. Бу айни ҳақиқатни ҳатто ўз мамлакати фаровонлигидан фахрланадиган кишилар ҳам эътироф этганлар. Франциялик тадқиқотчи Ф. Сен-Марк шундай ёзади: "Гарб олами инсон учун табиий муҳитни асрарни эмас, балки унинг бузилишини афзал билади"

### 3.3. Биологик заҳарланиш

Кимёвий ифлослантирувчилардан ташқари табиий мұхитда турли касалліктер көлтириб чиқарувлы биологик ифлослантирувчилар ҳам учрайди. Бұ касаллік яратувчи микроорганизмлар, вируслар, гельминтлар, бир ҳужайралы ҳайвонлардир. Улар атмосфера, сув, тупроқ, шунингдек, бошқа тирик организмлар, шу жумладан, инсон танасининг ўзида ҳам бўлиши мумкин.

Юқумли касалліктер күзговчилар энг хавфидир. Кўпинча тупроқ юқумли касаллік манбаи ҳисобланади. Унда столбняк, ботулизм, газли гангрена, баъзи замбуруг (грибок) хасталикларини күзговчилар яшайди. Инсон организмига улар шикастланган тери тўқималари, ювилмаган озиқ-овқат маҳсулотлари орқали ёки гигиена қоидалари бузилиши туфайли тушади.

Касаллікни юзага көлтирувчи микроорганизмлар тупроқ сувига ўтиши ва инсондаги юқумли касаллік сабабчиси бўлиши мумкин. Кўпгина ҳоллар сув манбаларининг ифлосланиси холера, ич терлами, ичбуруг касалліктерининг тарқалишига сабаб бўлган. Киши ҳаво орқали ҳам ўзига касаллік юқтириши мумкин. Чунки ҳавода ҳам касаллік юзага көлтирувчи микроорганизмлар бўлади. Инфекция нафас олиш йўли орқали ўтади. Нафас йўли орқали юқадиган касаллікларга грипп, кўк йўтал, тепки, бўрма, қизамиқ ва бошқалар мисол бўлади. Касал кишилар йўталганида, акса урганида ва ҳатто гапирганида бундай касаллікларни кўзговчилар ҳавога тарқалади.

Касал кишилар билан яқин муносабатда бўлинганда ёки уларнинг буюмларидан, масалан, идиш-товоқ, сочиқ, дастрўмол ва бошқалардан фойдаланганда юқадиган касалліклар алоҳида гуруҳни ташкил этади. Бундай касалліклар қаторига таносил (**СПИД, сифлис, гонорея**) касалліклари, трахома, сибир яраси, кал касалліклири киради.

Инсон табиатга зулм кўрсатиб, касаллік тарқатувчи организмлар шароитини ўзгартириб юборади ва оқибатда унинг ўзи касаллік қурбони бўлади.

### 3.4. Шовқин-суроннинг инсон саломатлигига таъсири

Инсон ҳамиша шовқин-суронлар оламида яшайди. Кўп шовқин-сурон эшлиши аъзоларга, асаб тизимиға зарар көлтиради. Барглар шитирлаши, жилгалар жилдирилаши, қушларнинг овози, шаршаралар, мусиқа оҳанглари инсон учун ёқимлидир. Улар инсонга ором бағишлади ва уни шовқин-суронлардан халос этади.

Аммо шовқинларнинг ёмон таъсири эшлиши органларининг товушга бўлган сезгирилигини пасайтиради, юрак, жигар фаолия-

тининг ишдан чиқишига, асаб тұқымаларининг зўриқиши ва күчсизланишига сабаб бўлади. Асаб тұқымаларининг күчсизланиши оқибатида организмнинг турли аъзолари фаолияти етарли даражада мувофиқлаштирилмайди. Демак, уларнинг фаолият кўрсатиши тартиби бузилади.

Ҳар бир одам шовқинни турлича қабул қиласи. Бу, асосан, кишининг ёши, саломатлик ҳолати, темпераментта боғлиқ. Шовқиннинг дугулиги шундаки, унинг организмга зарарли таъсири кўзга кўринмайди, бевосита пайқалмайди. Шовқин таъсири туфайли организмдаги ўзгаришлар тезда сезилмайди. Бундан ташқари, инсон организми шовқин таъсиридан деярли ҳимоя қилинмаган. Ҳозирги вақтда шифокорлар шовқин таъсирида эшитиш аъзолари ва асаб тизимининг ишдан чиқиши қаби хасталикларнинг пайдо бўлаётгани ҳақида гапирмоқдалар.

### **3.5. Мухитнинг табиий омиллари ва инсон кайфияти**

Атроф-мухитда содир бўладиган ҳар қандай ҳодиса ўзининг қатъий такрорланувчанлиги билан характерланади: кечак ва кундуз, денгиз-океанлар сувининг кўтарилиши ва пасайиши, қиш ва ёз. Маром нафақат Ер, Қуёш, Ой ва юлдузлар ҳаракатида кузатилади, балки тирик табиатнинг барча аъзоларининг ажралмас ва умумий хусусияти ҳисобланади.

Инсон ўз тарихий тараққиёти давомида ҳаётнинг маълум маромларига мослашган. Бу ҳаётий маромларни эса табиий мухитдаги маромий ўзгаришлар ва алмашиниш жараёнларнинг энергетик динамикаси белгилаб берди.

Ҳар бир инсон тугилганидан бошлаб, ўз биологик соатлари бўйича яшайди. Ҳозирги вақтда организмда содир бўладиган қатор маромий (ритмик) жараёнлар биологик маромлар дейилади. Юрек иши мароми, нафас олиш, миянинг биоқувват фаолиги ва бошқалар биологик маромга мисол бўла олади.

Одатда, маромлар ички ва ташқи маромлардан иборат. Ташқи маромлар геофизик характерга эга. Агар инсоннинг ички маромлари атроф-мухитда кечадиган маромлар билан мувофиқ келмаса унинг кайфиятида ўзгаришлар бўлиб, касаллик белгилари пайдо бўла бошлайди (уйқусизлик, иш фаолиятининг пасайиши ва бошқалар). Инсон ҳаётида суткалик маром жуда муҳимдир. Уйқу, дам олиш, ором, меҳнат, толиқиши ва бошқалар биологик омилларга боғлиқ.

Иқдим ҳам инсон кайфиятига жуда катта таъсири кўрсатади. Масалан, атмосфера босими, намлик, ҳаво оқими, кислород концентратцияси, Ер магнит майдонининг галаёни, атмосферанинг ифлосланиши даражаси киши руҳиятида ўзгаришлар келтириб чиқади.

ради. Об-ҳаво шароитидаги ўзгаришлар bemор кишиларга, айниқса, асаб, юрак-қон томирлари, бўгин, нафас йўли хасталикларига дучор бўлганларга салбий таъсир қиласди.

### 3.6. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва инсон саломатлиги

Озиқ модда одам организмининг нормал ҳаёти учун жуда зарур. Инсоннинг сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг юқори даражада сақданиши, шунингдек, болаларнинг ўсиши ва ривожланиши учун ҳам сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари керак. Чунки уларда организмининг ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган оқсиликлар, ёглар, углеводлар, витаминалар, минерал тузлар мавжуд.

Ўз вақтида тўйиб сифатли овқатланмаслик юрак ва томир, ошқозон-ичак, шунингдек, модда алмашинуви билан боғлиқ касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Доимий равишда мөъёридан ортиқ овқатланиш эса, кишини қанди диабет ва семириш хасталикларига дучор қиласди.

Киши ўз организмига ҳар хил биологик ифлослантирувчилар (касаллик чақиравчилар ва паразитлар) кириб қолмаслиги учун овқатланишда ва озиқ-овқат маҳсулотларни тайёрлашда санитария-гигиеник қоидаларига амал қилиши, маҳсулотларни яхшилаб ювиши ёки уларга термик ишлов бериш лозим.

Ҳозирги вақтда янги хатар — озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий заарланиш хавфи пайдо бўлди. Ўсимликлар ўзида деярли барча заарли моддаларни тўплашга қодир. Шунинг учун йирик саноат корхоналари ва серқатнов йўл ёқаларида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмол қилиш хавфли саналади.

Фан ва техника инқилоби даврида тобора кўпроқ инсон, унинг ижтимоий-биологик табиати, фаровонлиги масаласи тадқиқот манбайга айланиб бормоқда. Фаровонликининг ёнг муҳим шарти руҳий ва жисмоний саломатлиқдир. Бутунги кунда инсоннинг саломатлиги жамият тараққиётига боғлиқ экани ҳаммага равшандир. Бутун жамиятнинг ижтимоий ишлаб чиқариш — иқтисодиёт тузилмасини илмий ташкил қилиш, меҳнат, дам олиш, наънавий ва жисмоний тарбия шароитларини вужудга келтириш, ҳаёт тарзи маданиятини ривожлантириш — буларнинг ҳаммаси соғлиқни муҳофазалаш ва мустаҳкамлашнинг шарти ва гаровидир.

Бу муаммоларни ҳал этиш эса табиий шароит ҳолати билан белгиланади. Гап табиатни шунчаки муҳофазалаш тўғрисида эмас, балки инсон ва табиат ўртасидаги мувофиқликни янада такомиллаштириш учун қуладай ижтимоий, экологик шароитлар яратиш мақсадида табиатни асраб-авайлаш ва ривожлантириш ҳақида бормоқда. Табиатни муҳофаза қилишдан асосий мақсад — инсон ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантиришдир.

### **3.7. Гўзал манзара — саломатлик омили**

Одамзот ҳамиша кенг дала, ўтлоқ-чамапзор, тоглар, дарё қирғоқлари ёки күл бўйларига интилади. Табиатнинг бундай оромбахш гўшаларида инсон ўзини руҳан тетик ҳис қиласди, куч-куват олади. Умуман табиат манзараси, атроф-муҳит ҳолати кишининг руҳий-ҳиссий ҳолатига ижобий таъсири кўрсатади.

Ўсимликлар, айниқса, ям-яшил болгар, ўрмонлар, тоза ҳаво, қуёш нури, согломлаштириш омили ҳисобланади. Афсуски, саноат корхоналари ривожланиши натижасида шаҳар ва унинг атрофида муҳитни ифлослантирувчи чиқиндилар кўпайиб кетди. Табиийликнинг йўқолиб, шаҳарларнинг кўпайиши ҳам инсон фаолияти ва унинг саломатлигига таъсири қиласди. Уйнинг экологик ҳолати, унинг нимадан қурилгани, қавати, томининг баландлиги, товуш, шовқинни ўтказиши, иш жойининг узоқ-яқинлиги ҳамма-ҳаммаси киши кайфиятини белгилайди.

Инсон шаҳарда ҳамма шароитни ўзи учун яратади. Иссик сув, транспорт, иссиқлик, лифт, газ ва бошқалар, албатта, табиийлик ўрнини боса олмайди. Шунинг учун шаҳарнинг экологик ҳолатига, ободонлаштириш ишларига катта эътибор берилиши керак. Бир сўз билан айтганда, ҳозирги замон шаҳари табиатдан ажралиб қолмаслиги зарур.

Техниканинг атроф-муҳитга таъсири кучайган шароитда аҳоли ва шу билан бир қаторда қасб-ҳунар коллажлари ўқувчиларининг саломатлигини мустаҳкамлаш учун табиий омиллардан имкон қадар фойдаланиш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Инсонни жисмоний ва руҳий жиҳатдан тарбиялаш, гармоник ривожлантиришнинг муҳим йўналиши, бу — унда соғлом турмуш тарзи кўнникмасини шакллантиришdir. Бунда эса инсоннинг табиат билан мулоқоти муҳим ўрин эгаллайди. Кўпроқ тоза ҳавода бўлиш, организмни чиниқтириш, жисмоний фаоллик саломатлик гаровидир. Аксинча, жисмоний жиҳатдан фаолсизилик, сунъий ёритилган хоналарда узоқ муддат бўлиш, руҳий-ҳиссий кучланишлар, шаҳар ҳаётини туфайли маълум даражада табиатдан узоқлашиш ва бошқа кўплаб омиллар ёшларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом бўлишига ҳалақит беради. Доимий равишда табиат қўйнида бўлиш, туристик сайёҳатлар, ўлка буйлаб экспурсиялар уюштириш, жисмоний машқлар эса нафақат "мускуллар очлиги"ни, балки ўқув жараёни ва ишлаб чиқариш фаолиятида юзага келган асабий тарангликни ҳам бартараф этади, гўзаллик ҳиссини ривожлантиради, ўқувчида она табиатга меҳр-муҳаббат уйготади.

Тажрибалар шуни кўрсатади, доимий равишда табиат қўйнида бўлиб турган, унга гамхўрона муносабат кўрсатган, соғлом ҳаёт тарзи кўнникмасини эгаллаган киши ўзининг жисмоний ва руҳий

согломлиги, жамият баҳт-саодати йўлида узоқ ва самарали меҳнат қилиши, теварак-атрофидаги кишилар ва ўзидан қониқиш ҳиссини туюши билан бошқалардан кескин ажралиб туради.

Касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини экологик жиҳатдан тарбиялаш уларни табиатни ардоқлашга, барча тирик жонзотларни асрраб-авайлашга, уларга озор бермасликка ўргатади. Чунки кўп кишилар табиат қўйнига дам олишга чиққанларида у ерда шиша идишлар, консерва қутилари ва банкалари, елим халталари, овқат чиқиндилари, қозоз парчаларини қолдириб, дараҳт буталарини синдириб, ўсимликларни пайхон қилиб кетадилар. Бу хатти-ҳаракатлар кишиларнинг экологик тарбияси пастлигидан далолат беради.

Атроф-муҳиг тозалигига риоя қилиш, шунингдек, ўзи ва бошқаларнинг саломатлигига эътибор беришни талабаларга қуруқ сўзлар билан эмас, балки аниқ ижобий намуна кўрсатиш орқали ўргатиш керак. Акс ҳолда иш чиройли сўзлардан нарига ўтмайди, экологик тарбия жараёни тантанаворликка, шунчаки даъватларга айланиб қолади, холос. Шунинг учун ҳам, касб-ҳунар таълими ўқув жараёнларида ўқувчиларда "экологик онг", "экологик маданият" шаклланиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Касб-ҳунар коллежида таълим олаётган ёшлар у ёки бу даражада экологик масалаларни ҳал этишда иштирок этишлари лозим.

Саноат корхоналарининг ишчилари ҳаво қатлами ҳимоя қилиш ишига катта ҳисса қўша оладилар. Бунинг учун, энг аввало, газ ва чаңг тутгичлар ишини назорат қилиш ва уларни кимёвий ишлаб чиқариш чиқиндилари, нефт ва мой тарзда суюқ чиқитларнинг тарқалмаслиги учун тегишли жойларга ўрнатиш керак. Негаки, суюқ чиқиндилар қўпгина ҳолларда тозаланмайди ва дарё, кўлларга оқизиб юборилади. Натижада, сув заҳарланиб, балиқ ва бошқа жонзотлар ҳалок бўлишади. Шу пайтгача завод ва фабрикаларга тегишли тозалагич қурилмалари ва тиндиригичлар ўрнатилмасди. Мавжуд экологик мосламалар ҳам кам қувватли бўлиб, суюқ чиқиндиларни етарлича тозалай олмасди. Шу сабабли қайта ишланган сувлардан фойдаланиш ёки уларни дарё ва кўлларга оқизиб юбориш мақсадга мувофиқ эмас эди. Касб-ҳунар коллежлари битириувчилари ҳам тозалаш қурилмалари ҳақида маълумотга эга бўлишлари ва уларни ишлата билишлари лозим.

Маълумки, кўплаб кишилар ўз саломатлигини муҳофаза қилишга унчалик эътибор берилмайди. Ахир, бемор бўлиб даволанганидан кўра, хасталикка чалинмасликка интилиш, унинг олдини олиш яхшику. Тўгри, соглом ҳаёт ақидасини билиш жуда муҳимдир. Кўп одамлар билмасдан саломатлик қонунини бузишади. Аммо кўп ҳолларда кишилар сиҳат-саломатлиги учун ниманинг фойдали эканини билишса-да, афсуски, унга ҳамиша ҳам амал қиласвермайди. Ҳолбуки,

инсон ўзи ва бошқаларнинг ҳаловати, хотиржамлиги, фойдаси учун ҳаётнинг бошқарувчи қонуналарини билиб, унга вижданан амал қилиб яшаши шарт. Ҳар ким тана аъзоларининг вазифасини, уларнинг бир маромда фаолияти бирор аъзонинг бошқасига кўрсатадиган таъсирига боғлиқигини тушуниш керак. Шунингдек, фикрлаш тарзининг танага, тана ҳолатининг эса фикрлаш тарзига кўрсатадиган таъсирини, улар фаолиятида амал қиласидиган табиий қонуналарни ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Саломатлик қонунининг бузилиши оқибати хасталиқдир. Тана ва руҳнинг ана шу оқибатдан қутилишга интилиши — даво излашдир. Шу боис ҳам, хасталиқдан қутулмоқ учун, энг аввало, унинг сабабини билиш лозим бўлади. Инсон саломатлигининг гарови ҳаётнинг барча носоғлом шароитларини ўзгартириш, ёмон одатлардан воз кечмоқдир. Тана аъзоларига унда қайта ишланган моддалардан тозаланишга, уларнинг бир маромда фаолият кўрсатишига ёрдам бериш — согломлашиш асосидир.

Тоза ҳаво, қуёш нури, меъёрга амал қилиш, дам олиш, бадантарбия, тартиб билан овқатланиш, табиатнинг шифо ато этувчи кучига ишонч — буларнинг ҳаммаси қудратли даво воситалариdir. Даволанишнинг табиий жараёни ва сарф бўлган кучларнинг тикланиши жуда секинлик или кечадиган жараёндир. Сабр-тоқатсиз инсонлар учун эса у янада секинроқ кечеётгандек тутолади. Сиҳат-саломатлик тасодифий ҳол эмас, у маълум қонуналарга амал қилиш натижасидир.

#### **4-боб. ТАБИЙ РЕСУРСЛАРНИ ОҚИЛОНА БОШҚАРИШ АСОСЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

##### **4.1. Табиий ресурслар ва уларнинг турлари**


Инсониятнинг бутун тарихий тараққиёти давомида яшаш муҳитига текин табиий бойликларнинг туганмас манбаи тарзида қаралиб келинган. Бутунги кундаги долзарб муаммо инсоннинг табиий муҳит билан шунчаки ўзаро муносабати ҳақида эмас, балки ана шу муҳитнинг мавжудлигига, бинобарин, инсон зотининг яшаб қолишига тугилаётган хавф-хатар борасидадир. Экологик тангликтининг моҳияти ҳам худди ана шундадир. Ёвропада бу ҳақда кўп мунозаралар бўлади. Умуман, экологик ҳалокат юзага келдими? Ёки у эндиғина юзага чиқаяптими? Ҳар қалай, биосферанинг боргани сари ишдан чиқиб бориш факти мавжуд. Агар ўз вақтида бунинг олди олинмаса, инсонлар ҳаёти табиий асосларининг емирилишига олиб келиши мумкин. Бутунги кунда биосферанинг ифлосланиши, заҳарланиши ва ишдан чиқиши билан йирик-йирик бирлашма (монополия)ларнинг очкўзларча юритаётган фаолияти

Ўртасида ўзаро боғлиқлик янада намоён бўлмоқда. Барча восита-  
ларни хусусан, ҳозирги замон техникаларини кўллаб, текин таби-  
ий бойликларни талон-тарож қилиш уларнинг сезиларли даража-  
да камайишига олиб келди. Натижада, табиий бойликларнинг чек-  
лангани маълум бўлиб қолди. Ҳатто улардан айримлари бутунлай  
йўқоди.

Ер ресурсларининг чекланган ва уларнинг борган сари ка-  
майиши ҳозирги вақтда инсоният цивилизациясининг энг долзарб  
муаммоларидан биридир. Шу туфайли, ҳозирги замоннинг муҳим  
жихатларидан бири табиат ресурсларини оқилона бошқариш ма-  
саласини ҳал этиш ҳисобланади. Бу масалани ҳал этиш учун эса,  
нафақат экотизимларнинг ҳаётий фаолияти тартиблари ҳамда қону-  
ниятларини кенг ва теран билишини талаб этади, балки жамият-  
нинг маълум ахлоқий асосларини мақсадга йўналтирилган ҳолда  
шакллантиришни ҳам тақозо этади. Ҳозирги замон инсон ўзининг  
табиат билан бирлигини, ижтимоий ишлаб чиқариш ва истеъмол  
тизимини қайта қуриш зарурлигини англаши лозим.

Бу ерда гап эҳтиёжлари биосферанинг нормал фаолиятини сақ-  
лаш имкониятлари билан уйгун ҳолда мувофиқлашиб кетадиган  
инсоният жамияти ривожланишининг стратегиясини шаклланти-  
риш ҳақида кетмоқда. Бу энергия ва ресурсларни тежаш ишлаб  
чиқар усуллари (технологияси)ни кенг ёйиш ва одамларнинг ис-  
теъмол характеристерини ўзгартириш лозимлигини англатади.

Табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш ҳозирги замон  
жамиятга хос хусусиятдир. Ҳолбуки инсоният цивилизациясини  
асраш учун табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши зарур (12-  
чиизма).



12-чиизма.

## **4.2. Табиий ресурсларни оқилона бошқариш**

Табиий ресурсларни оқилона бошқаришнинг умумий масаласи табиий ва сунъий экотизимлардан фойдаланишнинг энг яхши ёки мақбул усулларини топишдан иборатdir. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг асосий тамойиллари табиий муҳитни ўрганиш, муҳофаза этиш, ўзлаштириш ва қайта ўзгартириш ҳисобланади.

Табиий ресурсларнинг чекланганлиги, уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш технологиясининг такомиллаштирилмагани биогеоценозларнинг емирилишига, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, иқлим ва биокимёвий цикларнинг бузилишига олиб келади. Ҳозирги вақтда табиий минерал ресурсларни олиш ва қайта ишлаш борасида бир неча оқилона ёндашувлар мавжуд. Жумладан:

1. Асосий хом ашё жинслардан минерал ресурсларни қолдирмасдан тўла олиш.

2. Бойитиш чиқиндиларидан қайта фойдаланиш.

3. Камбагал рудалардан фойдаланиш.

4. Минерал ресурслардан комплекс фойдаланиш.

Ҳозирги замон ишлаб чиқариш ва технологияларидан айримлари бу талаблардан кўпини қаноатлантира олади. Аммо уларнинг барчаси ҳали ишлаб чиқариш соҳаси ва бутун сайёра миқёсида табиатдан фойдаланиш меъёрига айланганича йўқ. Яратилган янги технологиялар барча соҳалардаги муносиб экологик экспертизадан ўтказилиши ва улар томонидан маъқулланиши лозим.

Бизнинг назаримизда, атроф-муҳитни ҳимоя этиш ва табиий ресурсларни тиклаш масаласида қўйидагилар эътиборга олиниши керак:

— локал (маҳаллий) ва глобал экологик мониторинг, яъни атроф-муҳитнинг муҳим характеристикалари ҳолатини, сув, тупроқ, атмосферарадаги заарарли моддаларнинг концентрациясини назорат қилиш ва ўлчаш;

— ўрмонларни тиклаш ва ёнгин, заараркунандалар, қасалмилардан муҳофаза этиш;

— қўриқҳоналар, этalon экотизимлар, бебаҳо табиий мажмуиларни кенгайтириш ва улар сонини кўпайтириш;

— ўсимлик ва ҳайвонларнинг ноёб турларини сақлаш ҳамда кўпайтириш;

— аҳолининг экологик маърифати ва маданиятини юксалтириш;

— атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ишида ҳалқаро ҳамкорлик.

Табиатга янгича муносабатни шакллантириш бўйича инсон фаолиятининг барча соҳаларида фаол ишлар олиб бориш, табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиатни асрараш технологиясини ишлаб

чиқишигина бутунги кундаги экологик мұаммоларни ҳал этишга қола-верса, табиат билан уйғун мұносабатда бўлишга кўмаклашади.

Биосфера ҳолатини оқилюна бошқариш учун нафақат бу мураккаб ва йирик тизимнинг тузилиши ва механизмини билиш, балки унинг жараёнларига исталган йўналишда таъсир кўрсатиш имко-нига ҳам эга бўлиш зарур. Энг мұхими, табиатни асраш ишига ҳар ким ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Аммо, ҳатто биосфера механизмини мұкаммал билиш ва нима қилиш лозимлигини аниқ тушуниш ҳам, агар жамиятда юксак ма-даниятга ва маълум етуклик даражасига эришилмаса, ўзининг реал маҳсулини бервермайди. Бунда, энг аввало, янги ижтимоий ва эко-логик ахлоқнинг қарор топиши мұхимдир. Инсоният йўлида турган умумий мақсад ва қийинчиликларни англаш муқаррар ҳолда одам-ларни умумсайёравий бирликка, уни ҳис этишга олиб келади. Ер юзидағи ҳар бир инсон ўзини битта ягона оиланинг аъзоси деб билиши керак. Демак, оила тақдири бизнинг ҳар биримизга боғ-лиқдир. Инсоният бирлигини англаш — экологик ахлоқ ва инсон-парварликнинг асосларидан биридир.

#### **4.3. Табиий ресурслар ва улардан фойдаланиш мұаммоси**

Ижтимоий тараққиёт шароитида жамиятнинг табиатга таъсир кўрсатиши муқаррардир. Табиат инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қаноатлантирадиган ягона манба ҳисобланади. Одам-лар яшаши учун ишлаб чиқариши керак, яъни табиат билан доимий равища ўзаро мұносабатда бўлади ва бу жараёнда унга тегишли ўзгартиришлар киритадилар. Инсон табиатга таъсир кўрсат-масдан яшай олмайди. Унинг дастлабки кўринишларини қўл тегмаган ҳолда сақлашнинг ҳам иложи йўқ. Шунинг учун ишлаб чиқаришни ва бошқа фаолиятларни шундай ташкил этиш керакки, нафақат одамларнинг мослашуви чегарасидан чиқмаслиги, балки шу билан бирга биосфера энг яхши ҳолатда сақданиши керак. Бу — яшаш ҳолатини мухофаза этишини таъминлаш демақдир.

Инсон фаолиятининг табиатни ўзгартирувчи миқёсларини кўрса-тuvchi қуйидаги маълумотларни келтириб ўтамиш. Энг сўнгги тах-миний ҳисоб-китобларга кўра, инсоният ер бағридан йилига 100 миллиард тонна тог жинслиари қазиб олади. XX асрнинг охирларида эса бу миқдор олти баробар ортган. Дастлабки башоратларга қараганда, бутун дунё миқёсидағи саноат ишлаб чиқариши уч марта кўпаяди. Унинг бундай даражада ортиши эса инсониятнинг бу-тун цивилизацияси ўн минг йил давомида ишлатганга қараганда тўрт марта кўп янги хом ашё ресурсларини талаб этади. Олимлар-нинг берган маълумотларига кўра, олинган қазилмаларни қайта ишлашда улар массасининг деярли тўқсон саккиз фоизи чиқинди-

га ажралади ва қазилманинг атиги икки фоизидан ижтимоий эҳтиёжларни қаноатлантириш учун фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш суръати тобора ортиб бормоқда. Қайта тикланмайдиган минерал ҳом ашёлар истеъмоли тахминан ҳар ўттиз йилда икки баробар ортса, қазиб олинадиган ёнилги миқдори эса ҳар ўн беш йилда икки баробар кўпаяди. Тикланадиган ресурслар истеъмоли даражаси уларнинг йиллик ўсиши чега расига яқинлашмоқда. Қишлоқ хўжалиги учун яроқли бўлган ернинг етмиш фоизига яқини фойдаланилади. Асосий балиқлар популациясини овлаш ҳам тахминан етмиш фоизга ўсди. Ресурсларнинг айрим турлари бўйича истеъмоли табиий тикланниш потенциалидан ортиб кетди. Масалан, бўгунги кунда сайёрамиз ўрмонлари ҳар дақиқада 20 гектарга камаяди. Троицк ўрмонлар майдони ҳар йили бир фоизга қисқаради. Атмосферадаги кислород ҳажми йилига 10 миллиард тоннага камаяди. XXI асрнинг ўрталарида бу борада қатор муаммолар келиб чиқиши мумкин. Ёқилгиларнинг ёниши натижасида ҳаво қатламида карбонат ангирид гази тўпланади. Уни эса, ўсимлик, океан ва денгиз сувлари ютади. Афсуски, газ тўпланиши ютилиш тезлигига қарагандা янада жадаллашиб бормоқда. Дунёда тоза чучук сувлар тежалмасдан сарфланмоқда. Олимларнинг таъкидлашича, агар сув ҳавзаларининг ифлосланиши, сувдан фойдаланиш суръати келгусида ҳам ҳозирги даражада сақланиб қолса, XXI асрда чучук сувлар захираси сезиларли даражада камайиб кетади.

Дунёда тупроқ қатламининг йўқолиши ҳам ташвиш уйготади. Инсониятнинг бутун тарихи давомида ишдан чиккан ва деградицияга дуч бўлган тупроқ қатламининг умумий майдони 20 миллион квадрат километрни ташкил қилади. Бу ҳозирги вақтда фойдалана-диган 13 миллион километр квадрат экиладиган ер майдонидан каттадир. Қурилишлар, тог ишлари, ер тармоқлари, тупроқ қатламининг шўрланиши ва қуриб қолиши натижасида ҳар йили қишлоқ хўжалиги учун зарур бўладиган тахминан 50- 70 минг километр квадрат ердан маҳрум бўлинмоқда.

Табиий бойликлардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза этиши фаолияти ва аҳолини экологик жиҳатдан тарбиялаш масаласига қатъий белгиланган тарзда илмий миқдорий ва сифатий ёндашувлар зарур. Келгусида дунё ҳолати ва кўринишининг қандай бўлиши кўп жиҳатдан одамларнинг фаолияти ҳамда уларнинг табиатга нисбатан оқилона муносабатларига боғлиқдир. Қолаверса, цивилизациянинг келгусида қайси йўналишда ривожланишини унинг бугунги асослари белгилаб беради.

Дарҳақиқат, ўрта маҳсус, қасб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари, мұхандис-педагоглари, тарбиячилари, мураббийлари ёшлиарни ҳар томонлама тарбиялаш жараёнида фақат экологик

тарбия бериш билангина чекланмасдан, балки янгича иқтисодий тафаккур юритиши тарзига ҳам ўргатишлари лозим. Бу таълим-тарбиядаги мұхим ва долзарб муаммолардан бириди. Ҳозирги вақтда сув, электр қуввати, нефт, мой, минерал ва органик хом ашёлар, металл, күмир ва бошқа табиий бойликлардан фойдаланишда күплаб исрофгарчиликка йўл қўйилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ташиб вақтида хом ашёлар қанчалик кам йўқотилса, табиат шунчалик кам ифлосланади. Масалан, күмир, қум-цемент ва бошқа-ларни очиқ вагонларда ташиб оқибатида катта исрофгарчиликларга йўл қўйилади, уларнинг маълум қисми шамодда учеб кетади. Афсуски, ҳозирги вақтга қадар дунёning турли бурчакларида күмир ва бошқа хом ашё маҳсулотлари очиқ вагонларда ташилиб, инсон меҳнати ва маҳсулотларнинг беҳуда сарфланиши ҳоллари кузатилмоқда.

Ва ниҳоят, хом ашё маҳсулотларини қазиб олиш технологияси-ни такомиллаштириш лозим. Кам меҳнат сарфлаб, катта харажат-ларсиз тог жинсларидан кўпроқ маҳсулот олиш мақсадга мувофиқ-дир. Чунки технологияни ривожлантирмасдан туриб, табиат бой-ликларидан самарали фойдаланиш имкони йўқ. Кўмир ва бошқа тог жинсларини очиқ усуlda қазиб олиш, кераксиз чиқиндилар-нинг тўпланиб қолиши, жарликлар табиат кўркини бузади.

Шунинг учун фан-техника тараққиёти табиат бойликлари, ма-териаллар, хом ашёлар, ёнилги ва энергиядан фойдаланишни туб-дан яхшилашга йўналтирилиши керак. Еарча босқичларда, яъни қазиб олиш ва хом ашёни комплекс қайта ишлашдан тортиб, охирги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишгача бўлган жараёнларда фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларидан фойда-ланиб иш кўриш самарали натижалар беради. Миллий даромад-нинг электр, металл ва материал ҳажмлари пасайиши суръатини жадаллаштириш зарур. Табиий бойликларни тежаш, халқ ҳўжали-гининг ёнилги, энергия, хом ашё ва материалларга бўлган ортиб борувчи эҳтиёжини қаноатлантиришда ҳал этувчи омил ҳисобла-нади.

Шундан қилиб, ишлаб чиқаришдаги тежамкорлик — она табиа-тимизга бўлган гамхўрлик ва эҳтиёткорона муносабатнинг ўзига хос кўринишидир.

#### **4.4. Атроф-муҳитга зарар тушунчаси**

Атроф-муҳитга зарар тушунчаси жамият ва табиат ўзаро таъ-сирининг барча соҳасини бутун моддий олам — табиий муҳитни, инсон, унинг фаолияти мақсадларини қамраб олади.

Атроф-муҳитга зарар икки турга, яъни экоологик ва иқтисодий зарарларга ажратилади.

Иқтисодий зарарда табиатдан фойдаланувчига моддий зарар келтирилади. Эколоғик зарар ўз оқибатларига кўра табиий муҳитни ишдан чиқаради. Қисқача қилиб, атроф-муҳитга зарар ва унинг оқибатларини қўйидагича ифодалаш мумкин (13-чизма):



13-чизма.

## 4.5. Табиатни муҳофаза этиш масалалари

Табиат муҳофазаси илмий муаммо ва амалий масала сифатида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида юзага келган. Бу ҳол эса муаммо моҳиятини англашни ва уни ҳал этишни талаб этади.

Асримизнинг ўттизинчىй ийларидәёқ ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган табиий бойликларнинг камайиб кетиш хавфи ва "табиат бойликларини асраш" тушунчаси пайдо бўлган. 50-60 йилларда эса, техниканинг тез суръатларда ривожланиши натижасида Ер биосферасининг катта қисми радиоактив чўқмалар, заҳарли кимёвий моддалар, саноат чиқиндилари ва бошқа чиқитлар таъсирида экани аён бўлиб қолди. Шубҳасиз, улар инсон саломатлигига, иқтисод ва биосферанинг меърий ҳолатига таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу туфайли янги "атроф-муҳит муҳофазаси" тушунчаси пайдо бўлди. Бўтунги кунда эса "табиат муҳофазаси" тушунчаси барчага таниш.

Табиат муҳофазаси дейилганда инсониятнинг ҳозирги вақтда яшаётган вакиллари ва келгуси авлодларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш, инсон жамиятининг мавжуд бўлиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш ва сақлаш, атроф-муҳитни бузилиш ва ифлосланишидан муҳофаза этиш борасида давлат томонидан белгиланган ишлар ҳамда ижтимоий тадбирларнинг режали тизими тушунилади.

Ҳозирги вақтда табиатни муҳофаза этиш давлат аҳамиятига эга бўлган масаладир. Табиат муҳофазаси она ер табиати ҳолатини, биосфера, унинг тирик жонзотлари ва шунингдек, инсон эволюцияси даражасига мувофиқ сақлаш борасидаги тадбирлардир.

Республикамизда "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича 2005 йилгача мўлжалланган Давлат дастури" ишлаб чиқилган. "Табиат муҳофазаси ва Ўзбекистон Республикаси барқарор тараққиётини экологик таъминлаш бўйича ҳаракат Миллий режаси", "ўзбекистон Республикаси атроф-муҳити гигиенаси бўйича ҳаракат Миллий режаси", «Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича ҳаракат режаси ва миллий стратегияси» ишлаб чиқилмоқда. Бу хужжатларда атроф-муҳит ҳимояси сиёсати мақсадлари ифодаланган, стратегияянинг асосий таъмйиллари ва йўналишлари белгиланган. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон буюк келажак сари" асарида экологик ҳавфсизликни кучайтиришнинг ҳозирги асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилган. Унда, хусусан, қуидагилар таъкидланади:

1. Тегишли технологияларни ишлаб чиқиши ва жорий этиш. Қишлоқ, ўрмон ва бошқа хўжалик тармоқларидағи табиий жараёнларнинг кескин бузилишига олиб келадиган барча заҳарли кимёвий

моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш. Ҳаво ва сув муҳитини инсоннинг ҳаётий фаолияти учун заарали ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тұхтатиш.

2. Қайта тикланмайдиган захираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш.

3. Катта-катта ҳудудларда табиий шароитларни табиий захиралардан самарали ва комплекс фойдаланишини таъминладиган дарражада аниқ мақсадга қаратилган, илмий асосланилган тарзда ўзгартириш (дарёлар оқимини тартибга солиш ҳамда сувларни бир ҳавзадан иккинчисига ташлаш, ернинг намини қочириш, сув чиқарини тадбирларини ва бошқаларни амалга ошириш) лозим.

4. Жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошлангич база сифатида сақлаб қолиш керак.

5. Шаҳарсозлик ва туманларни режалаштиришнинг илмий асосланилган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимни жорий этиши йўли билан шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида аҳолининг яшаси учун қулай шароит яратиш зарур.

6. Экологик кулфатлар чегара билмаслигини назарда тутган ҳолда жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозим.

### **Табиат муҳофазаси бўйича тадбирлар**

1. Чиқитсиз ишлаб чиқариш, экологик соғ технология яратиш, ҳаво ва оқова сувларни тозалаш, ерни рекультивация қилиш (сунъий яратишлар) тупроқ маҳсулорлигини ошириш мақсадида йўлга қўйиладиган мелиорация ишлари.

2. Турли кимёвий препаратларнинг мутаген фаоллигини аниқлаш ирсий касалликларни даволаш усуllibарини ишлаб чиқиш.

3. Ўсимлик ва ҳайвонот оламини ҳимоя қилиш. Қўриқхоналар ва заказниклар, яъни олимлар кузатувида бўладиган табиий ҳудудларни яратиш; буюк табиат обьектлари — табиат ёдгорликлари ва эталонларни асрash; миллий парклар яратиш; йўқолиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвонлар оламини руйхатини тузиш (Ўзбекистон "Қизил китоби"ни яратиш) организмларнинг нодир турларини сунъий равишида кўпайтириш ва уларни табиатда кенг тарқатиш; сайдерализ фауна ва флора генофондини сақлаш:

4. Аҳолида экологик онг ва экологик маданиятни шакллантириш борасида таълим-тарбиявий ишлар.

Табиатни муҳофаза этиш муаммоси жуда кўп масалаларни ўзида қамраб олади. Булар орасида иқтисодий ("табиат бойликларидан фойдаланиш иқтисоди") ва ижтимоий ("ижтимоий экология") масалалар алоҳида ўрин тутади. Албатта, табиатни асраш, экологик муаммоларга комплекс ёндашиш, табиат бойликларига гамхўрона муносабатда бўлиш ва табиатдан фойдаланиш амалиётига илмий ютуқларни тадбиқ этиш гояси у ёки бу шаклларда ривожланиб, ҳаётда ўз шаклини топган.

Аммо одамлар ҳаётини яхшилашда жамият ва табиат, инсон ва атроф-муҳитнинг уйгун ҳолдаги ўзаро таъсири катта аҳамият касб этади. Табиат бойликларидан режали ва тежамкорлик асосида фойдаланиб, инсониятнинг сайёрамиз табиий бойликларини асраш ва кўпайтириш борасида олиб бораётган курашида илгор позицияни эгаллашимиз лозим.

Афсуски, ҳозир ҳам табиатни асраш масалаларига багишланган барча қарорларни тўла-тўкис бажариляпти, деб бўлмайди. Бунинг қатор объектив сабаблари бор. Бу одамларда, яъни оддий ишчидан тортиб, то юқори лавозимдаги мансабдор шахсларда ҳам ҳали экологик маданиятнинг уччалик юқори эмаслиги билан боғлиқ.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган ҳар бир ҳужжат ёки қарорларнинг тўла ижроси учун масъул шахсларга табиатга етказилган катта зиён ва жамиятга келтирилган маънавий зарар учун қатъий жазо белгиланиши керак.

#### **4.6. Экологик назорат тушунчаси, объектлари, шакл ва усуслари**


Ўзбекистон атроф-муҳит сифатини бошқариш тизимида экологик назорат давлатнинг табиатни муҳофаза этиш функцияси, муҳит сифатини бошқариш тизимининг таркибий элементи, табиатни муҳофаза этиш меъёрларининг бажарилиши самарадорлиги кафолати тарзида намоён бўлади.

Экологик назорат — муҳит сифатини таъминлаш бўйича бошқариш тизимининг ажралмас қисми ва шу билан унинг ҳуқуқий механизми ишлашининг зарурый шарти.

Экологик назорат обьектлари: табиий муҳитнинг ҳолати, табиатдан фойдаланувчилар томонидан табиатни муҳофаза этиш тадбирларининг бажарилиши, вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларнинг табиат муҳофазаси ҳақидағи қонунларга амал қилишдир.

Махсус дастурлар асосида республикамизнинг барча ҳудудларида табиий муҳит ҳолати ўрганилади ва мунтазам текшириб турилади. Ҳатто махсус экспедициялар, текширувлар ва кузатишлар амалга оширилади. Бу республикамиз шаҳарлари об-ҳавоси, туп-

роқ ҳолати, сув ва ўсимликларнинг ифлосланиши ва бошқалар хақида тегишли маълумотлар олиш имконини беради. Мазкур маълумотлар табиат муҳофазаси буйича тегишли чора-тадбирлар белгилашда мұхым ҳисобланади. Экологик назоратни қуидагича ифодалаш мүмкін (14-чизма):



14-расм.

# **ИККИНЧИ ҚИСМДА ЎРГАНИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН СУҲБАТ МАВЗУЛАРИ ВА САВОЛЛАР**

*1-суҳбат мавзуси: "Атроф-муҳит ва инсон".*

**Мақсад:** Ўқувчиларни "атроф-муҳит" тушунчасининг мазмуни билан танишитириш.

## **Суҳбат режаси**

1. "Атроф-муҳит" тушунчасининг мазмуни.
2. Табиат ресурслари ва уларнинг таснифи.
3. Фан-техника тараққиёти жараёнида инсон жамиятининг табиатга кўрсатаётган таъсири миқёслари.

## **САВОЛЛАР**

- 1."Атроф-муҳит" тушунчасига таъриф беринг ва "атроф-муҳит" тизими элементларини айтинг. Атроф-муҳитнинг ҳозирги пайтдаги ҳолати?
2. Нима учун инсоният жамияти табиий атроф-муҳитсиз мавжуд бўла олмайди?
3. Табиий бойликлар таснифини айтинг ва фан-техника тараққиётининг салбий оқибатлари нимлардан иборат эканини кўрсатиб ўting. Фан ва техниканинг экологик аҳамияти.
4. Ишлаб чиқариш турларини, уларнинг табиатга салбий таъсирини айтинг.
5. Нима учун заводлар мўрисига газ-чанг ва заҳарли моддаларини тутиб қолувчи мосламалар ўрнатилади? Нефт ва унинг маҳсулотларини қайта ишлашда табиатга кўрсатиладиган салбий таъсиrlар нималардан ибо рат?
6. Нима учун транспорт воситаларини оқар сувда дарё ва кўлларда ювиш мумкин эмас?

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР**

- 1 И А Каримов Узбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т "Ўзбекистон" 1998.
2. Ю. Шодиметов. Ижтимоӣ экологияга кириш. Т., "Ўқитувчи", 1994.
3. А. В Тұхтаев Экология Т «Ўқитувчи», 1998.
4. Э А. Турдиқулов. Физика ва экологик таълим. Т «Ўқитувчи», 1992.
5. Учебный справочник школьника. М., "Дрофа" 2000.
6. Ю Г Маҳмудов Экологиядан қўлланма. Т "Фан" 1997
- 7 Национальный доклад (о состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан). Т., 1998.

## **2 – сұхбат мавзуси: "Ўзбекистонда табиатни муҳофаза этиш тарихи".**

**Мақсад:** Ўқувчиларни мамлакатимиздә табиатни муҳофаза этишнинг асосий тарихий босқычлари, ҳукумат томонидан эълон этилган қарор ва ҳужжатлар билан танишириш.

### **Сұхбат режаси**

1. Табиат муҳофазаси тушунчасининг мазмуни.
2. Фан-техника тараққиеті шароитіда табиат муҳофазаси бўйича масалаларнинг ўзгариши.
3. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин табиатни муҳофаза этиш тартиб-қоидаларининг ўзгариши.

### **САВОЛЛАР**

1. Табиатни муҳофаза этиш муаммоси қачон пайдо бўлган ва XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида "табиатни муҳофаза этиш" фаолияти тушунчасида қандай мазмун мужассам топган?
2. Табиатга ғамхўона муносабатда бўлиш гоясининг тутилиш асослари.
3. Ҳукумат томонидан табиат муҳофазасига оид қандай ҳужжатлар эълон қилинган?
4. Табиатнинг муҳофазаси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги айрим моддаларни шарҳлаб беринг.
5. Нима учун ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жадаллашган шароитда табиатни муҳофаза этиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш Ўзбекистоннинг энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий масалалардан бири ҳисобланади?
6. Касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларига Ўзбекистонда табиатни муҳофаза этиш тарихига оид билимлар нима учун керак?

### **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР**

1. И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. "Ўзбекистон" 1998.
2. Ю. Шодиметов. Ижтимоий экологияга кириш. Т., "Ўқитувчи" 1994.
3. А. В. Тухтаев. Экология. Т., «Ўқитувчи», 1998.
4. Э. А. Турдиқулов. Физика ва экологик таълим. Т. «Ўқитувчи» 1992.
5. «Экология хабарномаси» журнали, 2000 йил, 1-6-сонлар.
6. Ю. Г. Махмудов. Экологиядан қўлланма. Т. "Фан" 1997.

**3 – сұхбат мавзуси: "Табиат бойликларидан фойдаланишда илмий тавсияларга таянишнинг аҳамияти".**

**Мақсад:** Фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида ўқув-чиларни табиат бойликларидан фойдаланиш билан таништириш.

### **Сұхбат режаси**

1. Табиатни муҳофаза этишнинг анъанавий усулларидан янги тадбирларга ўтишнинг мөжияти.

2. Экологиялаштирилган ишлаб чиқариш — табиатни муҳофаза этишнинг сифат жиҳатидан янги босқичи.

3. Чиқиндиларсиз ишлайдиган ишлаб чиқаришни ташкил этиш тамойиллари.

### **САВОЛЛАР**

1. Табиатни муҳофаза этишнинг анъанавий чора-тадбирлари нималардан иборат?

2. Нима учун табиатни муҳофаза этишнинг анъанавий тадбирлари санаот ишлаб чиқариши ривожланган шароитда самарасизроқдир?

3. Табиатни муҳофаза этиш бүйича янги чора-тадбирлар мөжияти нимадан иборат?

4. Чиқитсиз ишлаб чиқариш тамойиллари деганда нимани тушунасиз? Касб-хунар коллежлари битирувчилари экологик билимларини амалда жорий этишлари учун нима қила оладилар?

### **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР**

1. И.А.Каримов Асарлар тұплами (1-8 жылдар). Т., "Ўзбекистон", 1996-2001.

2. Ш.Отабоев Инсон ва биосфера. Т., "Медицина" 1995.

3. А.В.Тұхтаев Экология. Т «Ўқитувчи», 1996.

4. А.В.Сахно Экологическое воспитание учащихся М "Высшая школа" 1988.

5. А.А.Горелов Экология. М., "Центр" 2000.

6. Ю.Г.Махмудов Экологиядан құлланма. Т "Фан", 1997.

*4-суҳбат мавзуси: "Атроф-мухит, экология ва саломатлик".*

**Мақсад:** Табиат ва инсон саломатлиги мұносабатларини мөжиятими очиб бериш.

### **Сұхбат режаси**

1. Тараққий эттан мамлакатларда табиат ва одамлар саломатлигига бўлган мұносабатлар

2. Ўзбекистонда одамлар саломатлиги муҳофазаси борасида давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан қилинаётган ишлар.

## САВОЛЛАР

1. Қайси тарақкүй этган мамлакатларда табиатнинг ифлосланиш дара-жаси юқори?
2. Табиатни мұхофаза этиш тәдбірлари ніча учун керак? Табиат мұ-хофазаси миқёслари қай даражада?
3. Нима учун деңгизлар сувини мұхофаза этишде халқаро ҳамкорлық зарур? Оролни асраш борасидаги халқаро ҳамкорлықта қандай ишлар қилин-моқда?
4. Нима учун атмосфераны мұхофаза этиши борасидаги халқаро кели-шувлар зарур?

## ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АЛАБИЁТЛАР

1. И. А. Каримов Асарлар түплами (1-8 жыллар). Т "Ўзбекистон" 1996-2001.
2. Ш. Отабоев Инсон ва биосфера Т "Медицина" 1995.
3. А. В. Тұхтаев Экология. Т «Үқитүвчи» 1998.
4. А. В. Сахно Экологическое воспитание учащихся. М., "Высшая школа" 1988.
5. А. А. Горелов Экология. М., "Центр" 2000.
6. Экология ва саломатлық. Т 1995.
7. Учебный справочник школьника. М., "Дрофа" 2000.

*5 - сұхбат мавзуси: "Техника таъсирида атроф-мухит ўзгариши ва инсон саломатлиғи".*

**Мақсад:** Үқувчиларни атроф-мухитнинг инсон саломатлигига күрсатадиган таъсири билан таништириш.

## Сұхбат режаси

1. "Инсон саломатлиги" түшунчасининг мазмунни.
2. Техника таъсири натижасыда атроф-мухитнинг ўзгариши.
3. Техника таъсирида ўзгарған атроф-мухитнинг одамлар саломатлигига салбий таъсири.

## САВОЛЛАР

1. "Инсон саломатлиги" түшунчасини таърифлаб, унинг мазмунни, л очиб беринг.
2. Техника таъсирида атроф-мухитнинг ўзгариши жараёни мазмунини түшүнтириң.
3. Табиий шароитларда техникадан тұгри ва нотұтрағандағы миссиялар көлтириң (йүл, күпприк, шахта, корхоналар, каналлар қуриш).

4. Техникадан нооқилона фойдаланиш туфайли атроф-муҳит ўзгаришининг инсон саломатлигига салбий таъсири нималарда намоён бўлади?
5. Нима учун фан-техника шароитида табиат қўйнида кўпроқ бўлиши лозим? Усиб келаётган ёш авлод саломатлигига табиатнинг ижобий таъсири нималарда кўринади?

## ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.Л. Каримов Асарлар тўплами (1-8 жиллар). Т "Ўзбекистон" 1996-2001.
2. А. В Сахно "Экологическая воспитание учащихся" М., "Высшая школа" 1988.
3. Ю А Шодиметов Ижтимоий экология кириш. Т «Ўқитувчи», 1994.
4. А.А Горелов Экология. М., "Центр", 2000
5. А.В Тұхтаев. Экология Т "Ўқитувчи" 1998.
6. Экология ва саломатлик. Т 1995.
7. Ю Г Махмудов. Экологиядан қўлланма. Т., 1997.

# ЭКОЛОГИК МУАММОНИНГ ИЖТИМОЙЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

## 1-боб. ИНСОН, ЖАМИЯТ ВА ТАБИАТ БИРЛИГИ ҲАҚИДА ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР

### 1.1. Экологик муаммонинг фалсафий талқинлари

Экологик муаммоларни ҳал этишда фалсафанинг ўрни ҳақида хилма-хил фикрлар мавжуд. Кўпчиллик ҳолларда экологик масалаларни ечишда фалсафанинг роли инкор ҳам этилади. Зоро, экологик муаммоларни ҳал этиш кўпроқ амалиётни талаб этади. Экологик муаммолар ҳал этилмаслигининг асосий сабабларидан бири унинг фалсафий жиҳатларига етарлича эътибор берилмаганлигидадир. Яқин-яқин вақтларгача экологик вазиятни яхшилаш учун фалсафанинг мутлақо кераги йўқ, деган ақидага амал қилинарди. Ҳолбуки, инсониятнинг бутун тарихий тараққиёти давомида инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатлари ҳамиша фалсафа фани учун тадқиқот манбай бўлиб келган. Фалсафа ҳам экология сингари субъект-объект муносабатларининг мураккаб тузилмаларига яхлитлик нуқтаи назаридан қараб келади.

Фалсафа экологик қўйинчилликларнинг сабабларини онг ва моддият, рӯҳ ва тана ҳамда рӯҳнинг ўзидағи зиддиятларни тадқиқ этиш йўли билан ахтаради. Албатта, ижтимоий ва гнесологик сабаблар билан бу зиддиятлар янада ўткирлашиб, фан-техника инқи-лоби даврида табиат ва инсон ўртасидаги қарама-қарши ҳолатлар кескинлашди. Фалсафа ана шу зиддиятларни бирлик ва яхлитлик асосида талқин этишга ҳамда зарурий хуносалар чиқаришга имкон беради.

Фалсафий қарашлар ҳозирги замон фанининг экологик йўналишлар олишига кўмаклашади, экологик йўналишдаги ижтимоий-сиёсий қарорлар мазмунига таъсир кўрсатади, ижтимоий онгнинг янгича шаклланишига имкон беради.

Жамият ва табиат, инсон ва у яшаб турган муҳит ўртасидаги ўзаро таъсир муаммоси — инсониятнинг абадий муаммоларидан бири. Қадимги афсоналаридан бирида таъкидланишича Табиат билан абадий курашларда Инсон чарчайди, яъни у иссиқ ва совуқдан, хавф-хатарлар, ҳалокатлар, зилзилалар ва азобли меҳнатлардан роса қийналади. Шундай инсон Олимп тогига келиб Тангрига ёлворади: "О, Тангри, наҳотки мен бутун умр қийналсан? Наҳотки, мен ҳеч қачон хотиржам овқатланиб, иссиқ жойимда тинчгина яшай олмайман? Наҳотки, бу лаънати Табиат билан абадий кура-

шаман?" Тангри Инсоннинг мурожаатини эшитиб, унга жавоб айлайди: "Майли, сен нимани хоҳласанг, ўша амалга ошади: сен гўзал саройда яшайсан, яхши еб ичасан, яхши кийим киясан. Санъатнинг истаган тури билан машгул бўласан: ашула айтасан, расм чизасан, ҳайкаллар ясайсан. Аммо сен тугилган ва ўсиб улгайган Ерингдан ҳамда лаънатлаётганинг табиатдан бутунлай воз кечишинг керак" Инсон бунга рози бўлади ва Тангри унинг истаклари ни бажо келтиради. Азоб-уқубат, заҳматлардан озод бўлган Инсон энди кун бўйи завқданиб ашула айтади, расмлар чизади ва лойдан ҳайкалчалар ясайди. Бироқ вақт ўтган сайн Инсон мунгли қўшиқлар куйлай бошлайди. У энди кўзи ҳамма нарсани қўришини, бироқ қалби гўзалликни кўрмаслигини, қулоги мусиқани эшитишини, аммо қалби уни эшитмаслигини, сўзларида ҳам қалбининг тафти йўқлигини ва шунинг учун унинг ҳеч кимга керак эмаслигини сеза бошлайди.

Шунда Инсон жисмини тўйдириб, ўз қалбини ўлдиришини ёхуд тупроқсиз дараҳтнинг қуригани каби инсоннинг қалби ҳам она Ерсиз қуриб қолишини тушуниб етади. Инсон энди ўзига қамоқдек туюлган сарой деворларига бошини уради ва жисмсиз шамолга айланади. Ўрмон, яйлов ёки сокин дарё бўйларига чиқсангиз, сиз дараҳтлардаги баргларнинг шитирлашларини эшитасиз, шамонинг гулларни нозик силашини, унинг дарё билан латиф ўйинларини кўрасиз.

Инсон ўзида табиатга ҳамиша маънавий эҳтиёж сезади. Бироқ биз кейинги вақтларда табиатни ўз истакларимизга бўйсиндиримоқчи бўлдик. Ўрмонларни кесдик, табиат гўзаллигини бузиб, тўғонлар, корхоналар қурдик, чўлларни ўзлаштиридик. Табиатта нисбатан галабамизни тенгсиз ютуқ деб билдик. Эндилиқда эса ҳеч қачон галаба қилиб бўлмайдиган, мутлақо эркин Табиатга муҳтож эканлигимизни ҳис этмоқдамиз. Одамзотни Табиатдан ажратиб, қафасга ўхшаш осмонўпар кўп қаватли уйлар ва асфальт йўллар унинг шахсини ҳам бузноқда.

Ҳозирги вақтда инсон фан-техника инқилоби даврида яшамоқда. Инсон ҳаётининг табиатга, табиий муҳитга боғлиқлиги инсоният тарихининг барча босқичларида барқарор ҳодиса бўлган. Аммо бу боғлиқлик доимо ўзгариб борган, бугунги кунда эса зиддиятли вазиятга кирди. Табиатда бир вақтлар унга гўзаллик багишлаган ҳайвон турлари йўқолиб бормоқда. Саноат чиқиндилари, радиоактив чўкиндилар, тўпланган углеводородлар сув ва ҳавони ифлослантируммоқда. Инсоният оддинда очлик, ўз-ўзини заҳарлаш, ирсиятнинг биологик асосларини бузиш ҳавфи тобора ортаётир. Бугунги кунда чучук сувнинг етишмаслиги, корхоналар ҳамда бошқа манбалар туфайли ҳавонинг ифлосланиши, тупроқнинг ишдан чиқи-

ши, афсуски, табии ҳодисага айланди. Демак, табиатни "эгаллаш" маълум даражада инсониятнинг ўз ҳаётий фаолятининг табии асосларини издан чиқаришга олиб келди.

Наҳотки, одамзот бугун табии бойликларнинг тугаши ҳақида бош қотирмаса, авлодлар баҳтини ўйламасдан фақат ўзининг кунини кўрса?! Эндиликда инсоннинг нооқилона фаолияти оқибатларига Табиатнинг ўз-ўзини тиклаш жараёнлари қарши тура оладими? Биз табиатнинг қотили бўламиزمи ёки биздан у қасос олиб, кейин унинг ўзи ҳам қурбон бўладими?

Максим Горькийнинг Италия ҳақидаги ҳикояларидан бирида шаҳарни эгаллашда душманга ёрдам берган, ватанига хиёнат қилган йигитни ўз онаси ўлдиради. Ўз ўғлининг совиган танаси узра эгилган баҳтсиз она шаҳарга қараб хитоб қиласди: "Инсон — мен ватаним учун имконимда борини қилдим. Она — мен ўз ўглим билан қоламан" У шундай дейди-ю, кўксига пичоқ санчиб ўзини ўлдиради.

Наҳотки, бугунги кунда инсоният ҳам ўз ватани — табиатга хиёнат қилса-ю, жазосини олса.

Қомусий олим В.И.Вернадский шундай ёзади: "Биоқатламнинг геологик тарихида инсоният учун катта келажак очилади, фақат у буни тушунмоги ва ўз ақли ҳамда меҳнатини ўзини қурбон қилишга сарфламаслиги лозим" Бизнинг эндиликдаги вазифамиз келажакни кўра билиш ва шу келажак учун кураш олиб боришдир. Биз шу пайтгача "Қандай қилмоқ керак" деган шиор билан иш кўрдик. Энди "Нима қилмоқ керак" деган саволга ҳам жавоб бермогимиз зарур. "Нима қилмоқ керак" шиори остида биз мақсадларимизга қай тарзда етишимиз ҳақидагина эмас, балки мақсадларимиз нимадан иборат экани ҳақида ҳам ўйлаймиз, бизнинг мақсаддимиз қандай бўлиши лозимлигини ҳам назарда тутамиз.

Касалликни бартараф этиш учун унинг келиб чиқиш сабабларини билиш керак. Ҳўш, экологик ҳалокатларнинг сабаблари нималардан иборат? Албатта, бу ҳақда турли муносабатлар бор: аҳолининг тез ўсиши, маҳсулотларни қайта ишлаш, бойлик ортидан қувиш, инсон зотининг азалдан тажавузкорлиги, ёмон тарбия, табиат инсонга хизмат қилиш учун яралган деган тургун тушунча, янги технология, жамиятнинг қогозбоз тўрларидан иборат ташкилотлари, хусусий корхона эгаси ва бошқалар.

Энди инсоннинг бешафқат "хўжуми"ни кўрсатувчи далиллар келтирайлик. Ҳар йили ёқилги ёниши натижасида ҳавога 20 млн.т углерод икки оксиди тарқалади. фақат кўмир ва мазутдан фойдаланиш натижасида эса 150 млн. тоннадан ортиқ олтин гуттурт гази тарқалади. Ҳар йили дарёларга 160 кубо километр саноат оқовалари ташланади. Ҳудди шу муддатда тупроқча 500 млн. тоннадан ортиқ маъдан ўйтитлар ва тахминан 3 млн. тонна заҳарли кимёвий дорилар солинади. Улар ер усти оқова сувлари билан ювилиб, сув ҳавзаларига тушади.

Атроф-муҳит соҳасида хавфли ҳодисалар кузатилмоқда. Масалан, озон туйнугининг ҳосил бўлиши. Бу ҳодисалар Ер қиёфасини бутунлай ўзгартириб юбориши ва мавжудотларнинг, жумладан, инсоннинг қирилиб кетишига олиб келади.

Олимлар, инсониятнинг илғор фикрли вакиллари Ер ва табиатда содир бўлаётган хавфли жараёнлардан ниҳоятда ташвишдалар. Ўсиб бораётган индустираштириш ҳавони, дарёлар, кўл ва денгизларни заҳарламоқда. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш Ер қобигини ишдан чиқармоқда. Гидроэлектр иншоотлари катта-катта ҳудудларнинг жутрофиясини, об-ҳавосини ўзгартирмоқда. Ўрмонлар ҳам ўйланмасдан хўжасизликларча кесилмоқда. Масалан, ҳар йили Ер юзида таҳминан 11 миллион гектар ердаги ўрмонлар қирқилади. Ўрта ҳисобда ҳар куни кичик жонзотларнинг бирор тури, ҳар йили катта ҳайвонларнинг бирор тури табиатдан бутунлай йўқолиб бормоқда. Ердан жоҳилона фойдаланиш натижасида ҳар йили б млн.гектар экин майдони кераксиз саҳрого айланмоқда. Турли хил кимёвий дорилар сув ва ер таркибини ўзгартирмоқда. Биз шаҳарлар, уйлар, тўғонлар, йўллар қуриб ўсимликлар дунёсидан катта-катта ҳудудларни тортиб олмоқдамиз. Инсонга қишлоқ хўжалиги учун яроқли бўлган ер етмаётгани сезилиб қолмоқда. Ядро синовлари, Чернобил воқеаси, Оролнинг қуриши, урушлар, Форс кўрфазидаги нефт маҳсулотларининг ёниши ва дengиз сувларига оқизилиши, озон туйнугининг ҳосил бўлиши ҳамма-ҳаммаси жуда даҳшатли ва инсоният учун хавфлидир. Бу ҳақда инсоният жиддий ўйламоги лозим. У бугунги кунда дарахт шохига чиқиб олиб, ўша шохни арралётган кишига ўхшайди. Табиатнинг ташкил этувчилари ўртасидаги мувозанат бутунлай бузилганидан кейин уни энг кучли ақд ҳам, ҳар қандай қудратли фан-техника ютуқлари ҳам изга сололмайди. Чунки табиат ташкил этувчилари ўртасидаги мувозанатларнинг ғоят бузилиши, об-ҳавонинг ўзгариши масалан, ҳароратнинг кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса ёғингарчилик бўлмай, катта-катта ҳудудларда даҳшатли, яъни ҳаётни бартараф этувчи қурғоқчиликни келтириб чиқаради.

Бугунги кунда инсоният ана шу фожиали ҳодисаларнинг олдини олмоги учун нима қилмоги керак? Бунинг учун инсон, энг аввали, ўзининг табиатга бўлган муносабатини бутунлай қайта кўриб чиқиши лозим. Ноуйгун ривожланишдан воз кечиш, жамият ва табиатнинг ривожланиш жараёнларини иммий бошқариш зарур. Ҳозирги замондаги экологик вазият инсониятдан ана шуни талаб этмоқда.

Инсон экологик вазиятнинг ниҳоятда жиддий эканини, ўзининг ҳалокат жарига қулаг тушаётганини тўла маънода англаб етмаса, унинг табиатни муҳофаза қилиш бўйича юзлаб ташкилотлар ташкил этганидан ва қонуналар чиқарганидан фойда йўқ. Аксинча, таш-

килотлар тузиш ва қонунлар чиқарип учун сарфланадиган маблаг-  
ларни ҳам бугун табиатнинг ўзига бериш керак. Лекин ажратил-  
ган маблаглар билангина табиатнинг касали тузалиб қолмайди. Энг  
аввало, инсоният бугун ўзининг экологик маданиятини юксалти-  
риш лозим. Аммо одамларда, келажак эгаси — ёшларда экологик  
онгни шакллантирмасдан туриб, яъни экологик тарбиясиз буни  
амалга ошириб бўлмайди.

Эндилиқда экология муаммоси айрим кишиларнинг ёки айрим  
халқларнинггина иши эмас, балки ер юзидағи барча халқларнинг  
энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Давлатимиз одам-  
ларнинг маънавий оламини поклаш, аҳолининг экологик мадания-  
тини шакллантириш борасида муҳим ишларни амалга ошироюнади.  
Чунки фан-техника ва ижтимоий тараққиёт шароитида экологик  
таълим-тарбия — янги инсонни шакллантиришининг ажралмас тар-  
кибий қисмидир. Инсоният ўз хаёлини ёвуз ўйлардан, қалбини худ-  
бинлик, шақатсизлик ва бемеҳрикнинг оғир тошларидан тозалаб,  
руҳини покламас экан, у табиатга нисбатан, ўзининг бегуноҳ ав-  
лодларига ва дунёнинг келажагига нисбатан ашаддий жиноятчи  
бўлиб қолаверади.

Экологик билим, яъни онг инсоннинг табиат билан ўзаро муно-  
сабати соҳасидаги эътиқод ва тушунчаларини ўз ичига олди. Одам-  
лар табиатни ташкил этувчилардан бирининг ҳолати, тузилиши-  
нинг ўзгариши бошқаларининг ҳолати ва тузилишининг ўзгариши-  
га олиб келиши, яъни табиатда қувват-ахбор қайта тақсимланиб,  
мувозанат бузилишини ва унинг оқибатида турли ҳалокатлар келиб  
чиқишини илмий асосда тушунмоқлари лозим. Яна ўша эски гап —  
экологик таълим-тарбия ҳақида жаврашми, деб ўйларсиз? Эҳтимол  
шундайдир. Ахир, экологик билимлар инсонлар ўзларининг ҳаёти  
ва фаолияти ҳозирдаги ҳамда келажақдаги биоқатлам билан узлук-  
сиз bogliqligini, табиатни муҳофаза этиш зарурат эканини, таби-  
ат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва ҳар бир кишида атроф-  
муҳитнинг ҳолати учун шахсий масъулият ҳиссини тарбиялаш, ҳай-  
вонот ва ўсимликлар оламини муҳофаза этиш лозимлигини англаб  
етиш учун муҳим асос ҳисобланади-ку!

Ҳозирги шароитда табиий муҳит ҳолатидаги таъсир этувчи ўзга-  
ришларни асослаш ва ўсимлик ҳамда ҳайвонот оламининг ўзгари-  
шини, инсон яшайдиган табиий муҳит омилларининг барча ўзга-  
ришларини баҳолай билиш муҳим бўлиб қолмоқда. Инсон ИТИ  
(илмий техника инқилоби)нинг табиий муҳитга таъсири, уни муҳо-  
фаза қилишни, ишлаб чиқариш ривожланишига bogliq эканини,  
кулай шарт-шароитларини олдиндан кўра олиши лозим.

Демак, юқорида айтиб ўтилган ишларни амалга оширишда ин-  
сон фаоллик кўрсатади. Экологик муаммолардан келиб чиқадиган  
дунёқараш мазмунидаги хулоса ана шундан иборат.

Дарҳақиқат, ҳозирги вақтда онгли равища мөхнатга йўналтирилган инсон фаолияти инсонни табиатга яқинлашириди, табиат қонунларини чуқурроқ англаб этишга, улардан табиатни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш учун фойдаланишга мажбур этади. Экологик муаммоларни ҳал этишда "Инсон билан табиатнинг бирлигини англаш" ҳозирги замон фани ва жамият тараққиёти тажрибалари билан бойиб борувчи ва ривожланувчи илмий дунёқараш тарзида намоён бўлмоги керак.

## **1.2. Экологик муаммоларнинг асосий йўналишлари ва уларни ҳал этиш борасидаги вазифалар**

Экологик муаммоларни ўрганишда, энг аввало, қўйидаги муҳим йўналишларни ўрганиш лозим:

- биогеоценозларнинг фан-техника ва жамият тараққиёти туфайли юзага келган экологиясини, уларга антропоген (инсоннинг табиатга бўлган) таъсиirlарининг турли кўринишларини;
- ўзгарган мұҳитнинг инсон ва жамиятта кўрсатган акс таъсирини;
- инсоннинг маънавий жиҳатдан тубанлашиши (ёвузлик, босқинчилек, зўрлик, поражўрлик ва бошқаларни);
- ягона иқтисодий жуғрофик туманнинг биоцентрик қатлами ривожланишининг ҳамда иқтисодий жиҳатдан ягона жуғрофик мажмууларнинг омолий (идеал) шаклларини тузишни.

Экологик муаммони ҳал этишнинг илмий таҳлили учун унинг ижтимоий турмушнинг турли томонлари билан боғлиқлигини очиб бериш ва катта ижтимоий ҳамда инсонпарварлик масалаларига мурожат этиш мұхимдир. Соғ илмий ва технологик, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий (шу жумладан, ҳалқаро-ҳуқуқий) йўналишлардан ташқари, биз ижтимоий-маданий, ахлоқий-инсоний, ниҳоят, нафосат йўналишларининг аҳамиятини кўрамиз. Буларнинг ҳаммаси экологик муаммонинг тўла мазмунини ҳосил қиласди.

Ҳозирги вақтда Ер ҳаво қатлами мусаффо сақлаш борасида жамоатчилик ва давлат томонидан муҳим ишлар амалага оширилиши керак. Республикаимиз шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган жойларни кўкаламзорлашириш тадбирлари белгиланиши керак. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси фаолиятини жонлашириш зарур, деган қуруқ гаплар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Шундай масъулияти давр келмоқдаки, инсоният жамият тараққиёт йўналишини ўзgartириш борасида бош қотириши лозим. Бунинг учун илмий-техника тараққиётининг муаммолари экологик нуқтаи назардан асосланиши лозим. Экологик билимсиз, яъни таълим-тар-

биясиз ҳеч қандай экологик мұаммони ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун, энг аввало, қўйидаги вазифаларни амалга оширмоқ зарур:

— ўқувчилар онггида оламнинг ягона ilmий манзараси ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш, яъни уларнинг табиат ҳақидаги илмий қарашларини шакллантириш, инсоннинг оламда ўз ўрнини англаб этишишига эришиш;

— ўқувчиларга ижтимоий ҳаётида зарур бўладиган илмий билимлар бериш ва уларнинг бу билимлардан фойдалана билиш малакаларини ҳосил қилиш;

— шахснинг табиат ҳодисаларини тушунтира билиш малакаларини шакллантириш, унинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, уни ўз фаолиятларининг натижаларини олдиндан кўра билишни ўргатиш;

— табиат ва жамият, инсон ва у яшайдиган муҳитнинг ўзаро зиддиятли бирлигини тушунтириш;

— табиатга бўлган маданий муносабатни шакллантириш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланишга, уни муҳофаза этишга ўргатиш;

— табиий-илмий билимларнинг аҳамиятини кўрсатиши, улардан ҳаётда, ҳалқ хўжалигининг турли тармоқларида, шунингдек, табиатни муҳофаза этишда ва унинг бойликларини ишлата билишда фойдаланиш йўлларини очиб бериш;

— ўқувчиларни Ер ва табиатнинг бирлигига, ҳозирги замон инсонларининг келажак авлодлар учун ҳаётнинг экологик шартларини сақлашиши зарурлигига ишонтириш ва бу ишончни уларнинг эътиқодига айлантириш;

— ўқувчиларнинг экологик умумўқув малакаларини, ақлий ўқувчиларини (таҳлил қила билиш ва таққослаш, холоса чиқариш, умумлаштириш, сабаб-оқибат бошланишларини аниқлаш, жараён ва ҳодисаларни тушунтира билиш, уларни баҳолаш) ҳамда экологик амалий ўқувларини (нарса ва асбоблардан фойдаланиш, кузатиш, тажриба ўтказиш) ривожлантириш.

Фан-техника тараққиётининг улкан зиддиятлардан бири шундаки, у айни вақтда табиатни бузишнинг қудратли воситасини ҳам яратади ва ўзида уни ҳимоя этишининг йирик имкониятларини ҳам ташибиди. Ҳозирги замон фани бу зиддиятлардан чиқиш имконини ҳам кўрсатиб беради. Академик В.И. Вернадский табиатдаги жонли ва жонсиз моддаларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирига айланishiни ўрганиб, таҳлил этиб технололгарга, муҳандисларга можиятига кўра, чиқитсиз технологиянинг мукаммалашган моделини тавсия этган эди. Бу моделга асосланиб, олимлар чиқитсиз технология йўналишларини ишлаб чиқдилар. Бу гояга кўра табиат билан ишлаб чиқариш ўртасидаги зиддиятни бартараф этиш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, ўсиш чегараси концепциясини, яъни

инсон эҳтиёжларини чегаралашни амалда инкор этиш мүмкин. Чиқитлар ишлаб чиқаришдаги сўнгги маҳсулот ва муқаррар нарслар эмас. Улар ишлаб чиқаришнинг такомиллашмагани, қалоқлиги натижасидир, холос.

Чиқитсиз технология моддага таъсир этишнинг ўта ҳозирги замон усулларига, яъни плазмавий, мембраний, нурий усулларининг кўлланишига олиб келади. Улар туфайли аниқликнинг янги дараҷасидан фойдаланилади, демак, "чиқитсизлик самарадорлиги" бир неча бор кучайтирилади. Табиатдан илмий асосда оқилона фойдаланиш атроф-муҳитни муҳофаза этиб ва яхшилабгина қолмайди, балки ҳалқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади. Шунинг учун ҳам, ҳар қандай лойиҳанинг экологик оқибати яхши ўрганилиши керак.

Табиий муҳитнинг зиддиятли тараққиёти ва Ернинг табиатига инсон таъсириининг табиий-илмий йўналишлари бутунги кун нуқтai назаридан ишлаб чиқилиши лозим. Ҳолбуки, тирик моддалар, шу жумладан, инсон ҳам қудратли биологик омил-кучdir. Негаки, инсон сайёрадаги биоқатламнинг ажралмас таркибий қисми ва Ерни ўзгартирувчи фаол моддиятдир. Тоғ жинслари ҳам тирик модда. Бугунги кунда эса инсон табиатга қудратли геологик куч сифатида жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Биоқатлам тирик моддасининг миқдори айни геологик давр учун ўзгармас катталиқдир. Демак, биоқатламнинг бирор ҳудудида ҳар қандай тирик модданинг миқдори ўзгарса, шубҳасиз, унинг бошқа бир ҳудудида ҳам ўзгариш содир бўлади. Масалан, Оролнинг суви камайиб кетди, Байкал эса тўлди. Ҳолбуки, унинг қисмати ҳам бир вақтлар бизнинг Оролимиз қисматига ўхшаш эди. Сўнгги йилларда эса Каспий денгизининг суви кўпайгани ҳақида эшитиб турибмиз.

Машҳур рус ёзувчиси Сергей Залигин шундай ёзган эди: "Инсон ҳамма-ҳаммасини табиатда кўрди ва билди. У Худони ҳам, шайтонни ҳам, яхшилик ва ёмонликни ҳам бошқа бирор жойдан эмас, балки ана шу табиатдан топди. Барча дин ҳам, гоялар ҳам ана шу табиатдандир. Агар биз табиатни йўқотсак, манбаимизни ҳам йўқотамиз"

Инсоннинг ижтимоий мақсади — яшаб қолишдир. Бунинг учун эса табиатни асраб-авайлаши лозим. Афсуски, бу борада чин юракдан қайгурадиганлар жуда-жуда кам. Манбаимиз, яъни табиат йилдан-йилга емирилиб бормоқда.

Умуман, чексизлик ва абадийлик, ҳаёт, жамият ва табиат тушунчалари инсон тафаккурининг узоқ тадрижий маҳсулидир. Чексизлик ва абадийлик, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар табиатни билиш жараёнинда шаклланади. Биз ягона дунёвий жараённинг маълум чекли қисмини билиб, оддий оламнинг чексизлиги, дунёвий жараённинг чексизлиги ҳақида ишончли маълумот оламиз. Фақат чек-

сиз оламдагина чекли ривожланиш юз беради. Шундай экан, чексиз оламнинг бир бўлаги ҳисобланган она заминда ҳаёт чекли ёки чексиз, деган савол барчани қизиқтириши табийи. Ердаги ҳаётнинг вақтда ибтидоси бор. Мавжудотлар, хусусан, инсоннинг умри ҳам чекли. "Охир замон" тушунчалик фақат диний тушунча бўлмай, балки унинг илмий дунёқарашда ҳам аҳамияти каттадир. Ўтган асрларда ҳаётнинг чеклилиги "Коинотнинг иссиқлик ўлими" фарази билан изоҳланарди. Бу фаразга кўра, келажакда шундай умумий термодинамик мувозанат ҳолати бўлиши керакки, бунда моддиятнинг барча турлари ва тузилмалари ишдан чиқади. Аммо бу ҳодиса инсоннинг иродаси ва фаолиятига заррача боғлиқ бўлмайди ва у бир неча миллион йиллардан кейин содир бўлиши мумкин, деган нуқтаи назар билдирилади.

Бундан ташқари, Ер коинотдаги бошқа фазовий жисмлар билан тўқнашиши мумкин, деган фикр илгари сурилади. Бутунги кунда эса ердаги ҳаётнинг чеклилиги ҳақидаги тушунча янада аниқ мазмун ва маъно касб этмоқда. Эндиликда инсоннинг ўзи ҳаётни бартараф этиш воситаларини яратди. Ердаги ҳаёт, унинг чекли ёки чексизлиги инсоннинг иродасига, амалий ва маънавий фаолиятига, унинг танлайдиган йўлига боғлиқ бўлиб қолди.

Хозирда ердаги ҳаётни сақлаб қолиш инсоният олдида турган долзарб муаммога айланниб бормоқда ва у буни, албатта, ҳал этмоги лозим. Ана шуни ҳисобга олгани ҳолда энди инсоният шуурида тургун бўлиб қолган кўпилаб қарашлар ва фикрларни қайта баҳолаб, ўзининг табиат билан бутунги кундаги муносабатини қайта курмоги ҳамда ўзининг фаолият усуслари ва йўналишини ўзгартиргани даркор. Бунинг учун, энг авввло, биринчи навбатда, ядро хавфидан қутулмоқ керак. Инсон биоқатламнинг таркибий қисми бўлгани учун ҳам унга ва унда кечётган жараёнларга сўзсиз таъсир этади. Аммо инсон Ердаги ҳаёт оқимига ўз фаолиятининг ҳалокатли таъсирини тўла англаб этмоги зарур. У табиатда қудратли бузувчи кучга айланган экан, табиатнинг ўзи уни ердаги ҳаётни муҳофаза этишга масъуль бўлишга мажбур этади. Инсоният учун бошқа йўл йўқ. Ё масъульлик, ё ҳаёт интиҳоси. Инсон, табиатни ташкил этувчилар, олам, бутун Коинот уйгун мавжуд бўла олади, акс ҳолда келажакда муқаррар ҳалокат кутилади.

## 2-боб. ИЖТИМОИЙ ЭКОЛОГИЯ

### 2.1. Ижтимоий экологиянинг фан сифатида шаклланиши

Сўнгги йилларда ижтимоий фанлар тарихида умумий экологиянинг янги йўналиши — ижтимоий экология фан сифатида шакллана бошлади. Хўш, унинг пайдо бўлишига нима сабаб бўлди? Энг

аввало, унинг пайдо бўлиши инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабат ҳолати билан асосланади. Илмий-техника имконияти-нинг тўқтовсиз ортиши натижасида инсоннинг табиий мухитни ўзгартириш борасидаги амалий фаолияти сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилид ва унинг олдида ажойиб истиқболлар очилди. Шу билан биргалиқда инсоннинг табиат билан ўзаро муносабатида она сайёранинг мавжудлигига ва бутун инсон зотига таҳлика со-лувчи ташвишли хавф-хатар аломатлари янада яққолроқ сезилмоқда. Бу ерда ҳозирги замон илмий техника инқилоб (ИТИ) салбий йўналишлари (техноген асосида келиб чиқувчи маҳсуллар билан атроф-муҳит ифлосланишининг ортиб бориши табиий бойликлар-нинг тутаб қолиш хавфи), шунингдек инсоният олдида ўтмишда ҳам, бугун ҳам кўндаланг турган муаммолар (озиқ-овқат маҳсулот-ларининг етишмаслиги ва бошқалар) назарда тутилоқда. Ҳозирги шароитда, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда демографик портлашлар ва бошқа ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда мазкур муам-молар кескин тус олмоқда.

Ижтимоий экология табиий, ижтимоий ва техникавий фанлар-нинг энг муҳим гояларини умумлаштириб, ўзида мужассамлаштирган фандир. Ижтимоий экологиянинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши социологиянинг атроф-муҳит муаммоларига, яъни инсон экологиясига ижтимоий нуқтаи назардан ёндашишга қизиқишининг ортиб бораётганини кўрсатади. Бу дастлаб инсон экологииси, кейин эса ижтимоий экологиянинг пайдо бўлишига олиб келади.

Ижтимоий экология ҳар хил ва ҳатто қарама-қарши изоҳланади. У узоқ вақт шаҳар социологияси урбанизация социологияси сифатида мавжуд бўлиб келди.

Ижтимоий экология биоэкология таъсирида пайдо бўлди ва ривожлаиди. Ижтимоий экология тушунчаларининг катта қисми ўсимлик ва ҳайвонлар экологиясидан олинган. Бунда ижтимоий экология ижтимоий жўтрофия ва иқтисодий назариянинг макон — вақт ёндашувидан ҳам фойдаланган.

Ижтимоий экология биринчи жаҳон урушидан кейин фаол ри-вожлана бошлади. 1966 йилда бўлиб ўтган Бутунжаҳон социологла-рининг конгресси ижтимоий экологиянинг оёқقا туриши ва ри-вожланишида жиiddий рол ўйнади. Кейинги йилларда ижтимоий экологиянинг тез ривожланиши 1970 йилда Варнада социологлар-нинг навбатдаги конгрессида Ижтимоий экология муаммолари бўйи-ча социологларнинг Бутунжаҳон бирлашмаси Тадқиқот қўмитаси-ни тузиш имконини берди. Бу билан социологиянинг мустақил со-ҳаси сифатида ижтимоий экологиянинг мавжудлиги тан олинган эди.

Ҳозирги вақтда экология сўзи жуда оммавийлашиб кетди. Бу атамани фанга илк бор Э.Геккел киригандан бўён орадан қарийб 150 йил ўтди. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўзлари яшётган муҳит билан ўзаро таъсирини ўрганувчи янги илмий йўналиш экология деб номлаган эди. Эндиликда экология сўзи янги-янги маънолар касб этмоқда.

Бутун экология сўзини нафақат мутахассислар, балки олимлар, касб-хунар эгалари, журналистлар, ҳуқуқшунослар, оддий одамлар ўзаро мулоқотларида тилга олишади, давлатнинг расмий ҳужжатларида қайд этилади. Хуллас, ҳозирги экология сўзи жуда кенг маънода қўлланиммоқда. Энди оламга экологик нуқтаи назардан қарашда нафақат инсон фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири оқибатларини, балки атроф-муҳитнинг инсонга кўрсатадиган таъсирини эътиборга олиш ҳам назарда тутилади.

Ҳозирги вақтда инсон жамиятининг ўзи мавжуд бўлган муҳит билан ўзаро таъсири муаммоларини ўрганувчи бир неча йўналишлар мавжуд бўлиб, улар инсон экологияси, ижтимоий экология, глобал экология деб аталади. Албатта, ҳозирги замон экологияси анъанавий экология (ҳайвон ва ўсимликлар экологияси)дан фарқ қиласди. Экологиянинг юқорида тилга олиб ўтилган йўналишлари келгуси мавзуларда қисқача кўриб чиқилади.

Ижтимоий экология инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатини ўрганади. Ижтимоий экологиянинг илдизлари қадим-қадим замонларга бориб тақалади. Масалан: табиатни, асрар, ҳайвонларни ўлдирмаслик, экинларни пайҳон қиласлик, сувни тежаш ва бошқалар ҳақида "Авесто" китобида ёзилган. Ҳатто сувни исроф қилгандарни қаттиқ жазолаш борасида сўз юртилган. Демак, аҳолини озиқ овқат маҳсулотлари ва ичимлик суви билан таъминлаш азалдан муҳим масалаларидан бири бўлиб келган.

Бундан ташқари, Платоннинг "Идеал республикаси" да оила сонининг давлат томонидан белгиланишини эслаб кўрайлик. Аристотель аҳоли сонини режалаштириш йўналишида янада илгарилаб кетади. У ҳар бир оила учун аниқ болалар сонини ҳам таклиф этади.

Т. Малтус фикрига кўра, қашшоқликнинг бош ва узлуксиз сабаби бошқариш тарзига ёки мулкнинг нотекис тақсимланишига унчалик ҳам bogлиq эмас. У тараққиётда фан ва маданиятнинг аҳамияти ёки куч-қудрати ҳақида мутлақо гапирмайди. Малтус қашшоқлик ҳолатини бартараф этиш учун туғилиш сонини камайтиришни тавсия этади. Бу уларнинг шахсий мулоҳазалари, албатта. Бироқ дунёвий муаммоларни шахсий мулоҳаза билан ҳал этиб бўлмайди.

Ижтимоий экология бир қатор амалий муаммоларни тадқиқ эта-диган шунчаки соҳа бўлмай, балки у жамият ва табиат муносабатлари қонуниятлари, инсоният ва атроф-муҳит ўзаро таъсирини ав-

вал қулайлаштириш, кейин эса мувофиқлаштириш қонун-қоидала-ри ва усуллари тұгрисидаги үйгүнләшігін фандир.

Ривожланишнинг ҳозирғи босқичида ижтимоий экологик мұ-аммоларни тизимли таҳлил этиш марказий вазифа бўлиб қолди. Ижтимоий экология инсон, жамият ва табиатшынг ўзаро мұноса-батлари қонуниятларини тадқиқ этади. У ижтимоий-экология тизи-ми ривожида эволюцияни таъминловчи ижтимоий-табии мұноса-батларни қулайлаштириш ва мувофиқлаштириш тұгрисидаги фан-дир.

Жамият экологияси (ижтимоий экология) тирик нарсалар эко-логияси ва Ер сайёраси экологиясидан тубдан фарқ қиласы. Гап шундаки, фақат одамлар (жамият)гина модда ва табиат кучлари шаклини ўзgartириб, меҳнатнинг ижтимоий ривожланиши жараё-нида ахборот оқимларини кучайтириш ва ўзgartириш орқали ўз ҳәётини юзага келтиради.

Ижтимоий экологиянинг микротузилиши алоҳида фанлар ютуқ-ларини үйгүнлаштирувчи уч йұналиш, яъни ишлаб чиқариш эколо-гияси (табиатдан фойдаланиш тарихи ва назарияси тұгрисидаги таълимот), инсон экологияси ва фазо (глобал) экологиясини ўз ичига олади. Алоҳида фанлар (табиат, ижтимоий, техникавий) бир хил обьект (жамият-инсон-техника-табии мұхит тизими)нинг тур-ли томонлари ва ҳолатлари тұгрисида билимларни ўргатади.

Инсон табиатсиз бирор дақиқа яшай олмайди. Демек, табиат инсоннинг жони ва тани. Инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳәёти у билан bogliq. Бу табиатнинг ўз-ўзи билан узвий bogliqligini бил-диради. Зоро, инсон табиатнинг бир бўлагидир. Жон ва тан, инсон ва табиат, руҳ ва моддиятнинг қарама-қаршилиги ҳақидаги муло-жаза маъносиз ва нотабийидир.

Инсоннинг техник воситарап яратиб, табиат қонуларини би-лиши, самога парвоз қилиши, улкан бинолар, дарё, тұғонлар қури-ши ва бошқалар, табиат устидан тұла галаба қылди дегани эмас. Агар ҳар қандай галаба табиатнинг мувозанатини бузиш билан bogliq бўлса, табиат бунинг учун инсондан, албатта, қасос олади. Бу қасос туфайли кўрилган зарар қыймати эса олинган фойдадан жуда ортиб кетиши табиий.

Инсоннинг яшашиб шароити, тақдир қисмати табиатта bogliq экан, инсон ундан ташқарида эмас, балки унинг бағрида яшар экан, у ҳеч қачон табиат устидан галаба қила олмайди. Инсон бутун жону тани, қалбу шуури билан табиатта тегишлидир. Инсоннинг галаба-си шундан иборатки, бошқа жонзодлардан фарқли ұлароқ, унга ақд-идрок берилган. У табиат қонуларини билишга ва уларни ама-лий эхтиёжлари учун тұгри құллай билишга қодирдир.

Умуман, инсон ва табиатнинг бирлиги бир томонлама босим ёки қандайдир барқарор идеал ҳолат тарзида эмас, балки ўзаро таъсирнинг икки томонлама жараёни сифатида қаралиши керак. Чунки инсон тафаккурининг ўзгариши табиат ўзгаришига ва аксинча, табиатнинг ўзгариши инсон тафаккури ўзгариши сабаб бўлади. Инсон ва табиат бирлиги концепцияси бу — бир-бирига узвий bogliq bўlgan, ammo nisbий mustaqil ikki komponentnинг ziddiyatli birliginini ifodalaydi. Иккала компонент ҳам фаол бўлиб, доимий равишда ўзгаришда бўлади ва бир-бирини белgilab beradi.

XX асрнинг 20-30- йилларида экологик тадқиқотлар инсон фаолияти билан boglab olib borilgan. Бунинг оқибатида экология ва социологиянинг узвий ўзаро таъсири юзага кела бошлаган. Экологик усуслар ижтимоий тизимининг ўзгариши ва барқарорлиги taҳ-lil учун қўлланилган. Бироқ ижтимоий экология илмий билимнинг фундаментал тармоги сифатида шаклланиши учун экологик вазиятнинг ўзи тубдан ўзгариши лозим эди.

## **2.2. Маънавий маданият тизимида ижтимоий экологиянинг ўрни**


Ижтимоий экология социология, экология, фалсафа ва маънавий маданиятнинг бошқа соҳалари туташган жойдаги янги илмий йўналишдир. Ижтимоий экология уларнинг ҳар бири билан узвий bogliq (15-чизма).

Инсоннинг табиий муҳит билан ўзаро муносабатини ўрганадиган кўплаб фанларни тилга олиб ўтиш mumkin. Натурсоциология, ноология, ногеника, глобал экология, инсон экологияси, ижтимоий-иқтисодий экология, ҳозирги замон экологияси, катта экология, тегран экология ва бошқалар.

Экологиядаги асосий уч ривожланиб бораётган катта йўналиш ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир (16-чизма).


**Глобал экология.** Бунда жамиятнинг табиий муҳит билан глобал даражадаги, яъни бутун сайёрамиз миқёсидаги муносабатларини тадқиқ этиши, инсониятнинг бутун биосфера билан ўзаро муносабати ҳақида кетади. Айни соҳадаги илмий-амалий ва назарий тадқиқотлар учун И.В. Вернадскийнинг биосфера ҳақидаги таълимоти асос бўлиб хизмат қиласи.

1977 йилда М.И. Будиконинг "Глобал экология" номли рисоласи нашр этилди. Шунни таъкидлаб ўтиш жоизки, муаллиф ўзининг илмий қизиқишлирага кўра, глобал экологик муаммоларнинг иқлимиy йўналишларига катта эътибор беради. Ҳолбуки, бизнинг она сайёрамизнинг ресурслари миқдори, табиий муҳит ифлосланишининг глобал кўрсаткичлари, кимёвий элементларнинг ўзаро таъсирида глобал айланишлар, космоснинг ерга кўрсатадиган таъсиrla-



15-чизмә.

Табиатдан фойдаланиш иқтисоди. Инсон экологияси. Экологик мағкура. Экологик этика. «Теран» экология. Экологик сиёсат. Экологик ҳуқуқ. Экология. Геологик экология. Аироногеография.



16-чизмә.

ри, атмосферадаги озон "қалқони"нинг ҳолати, бутун кураи замин-нинг яхлият бир организм сифатда фаолият кўрсатиши масаласи ва бошқалар ҳам ўта муҳим глобал мунисабатлар қаторига киради. Айни йўналишдаги ҳар қандай тадқиқотлар эса дунё миқёсидағи халқага-ро ҳамкорликларни тақозо этади.

**Ижтимоий экология.** Бу йўналишда асосан аҳолининг турли гурухлари ва жамиятнинг бутун табиий муҳит билан ўзаро муносабатлари тадқиқ этилади. Бунда инсонижтимоий мавжудот тарзида қаралади. Инсоннинг ижтимоий ва табиий атроф-муҳитга муносабатлари ўзаро боғланади. Одамларнинг табиатга бўлган чекланган муносабатлари уларнинг бир-бирларига бўлган чекли муносабатларини, ва аксинча, бир-бирларига бўлган чекланган муносабатлари уларнинг табиатга нисбатан чекли муносабатларини белгилайди. Турли ижтимоий гурухлар ва синфларнинг табиий муҳитга муносабатини ва уларнинг табиий муҳитга бўлган муносабати билан белгиланадиган ўзаро муносабатлари структурасини ўрганувчи айни йўналишни глобал экология предметидан фарқламоқ учун уни торроқ маънода ижтимоий экология деб аташ мумкин. Бу ҳолда ижтимоий экология глобал экологиядан фарқли ўлароқ табиатшунослик фанларига қарангандай кўпроқ гуманитар фанларга яқинроқдир. Албатта, мазкур йўналишдаги тадқиқотларга зарурат анча катта. Афсуски, ҳозирги вақтда бу борадаги тадқиқот жуда тор миқёсларда олиб борилмоқда.

**Инсон экологияси.** Инсон экологияси предмети глобал экология ва тор маънодаги ижтимоий экология тадқиқот йўналиши билан мос келмайди. Унинг предмети инсон ёки индивиднинг табиий муҳит билан ўзаро муносабатлари тизимини қамраб олади. Айни йўналиш ижтимоий ва глобал экологияга қараганда тиббиётга кўпроқ яқинроқдир. В.П.Казначевнинг таърифига кўра, инсон экологияси бу — илмий йўналиш бўлиб, ўзаро таъсир қонуниятларини, аҳоли саломатлигини мақсадли муҳофаза этиш ва ривожлантириш, ақлли инсон турини камол топтириш муаммосини тадқиқ эта-ди. Инсон экологиясининг асосий масаласи ташқи муҳит ўзгаришлари таъсирида инсон саломатлиги характеристикаларида юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришларни олдиндан айтиш тизимларини ишлаб чиқиши ва ҳаётий фаолиятни таъминлаш тизимларининг тегишли компонентларидағи боғлиқликнинг илмий асосланилган меъёрларини ишлаб чиқищдан иборатдир.

Инсон экологияси ёки антропоэкология ижтимоий жамиятнинг марказий бўлаги, унинг ижтимоий-табиий ва табиий-илмий асосидир. Инсон экологияси ўзида демография, тиббиёт, умумий герантология, морфология, антропология, генетиканинг тегишли қарашларини умумийлаштиради. Бу фанларнинг тадқиқот объекти бир хил уйғунлашади. Бу объект — инсон. У табиий ва ижтимоий дунёга тегишли нодир жонзоротдир.

Шу нүктай назардан инсон экологияси — ижтимоий экология-нинг инсон ва одамлар популяцияси билан уни ўраб олган табиий ва ижтимоий мұхит үзаро таъсир қонуниятларини ўрганадиган бўлими ёки антромодемоэкотизим ичидағи ижтимоий-биологик муносабатлар ҳақидағи илмий йўналишдир.

Кўпгина Европа олимлари ҳам инсон жамияти экологияси ва инсон экологияси тушунчаларини бир-бираидан кескин фарқлайдилар. Биринчи иборада табиий мұхиттинг жамият билан үзаро алоқатга "киришиши" жараёнларини белгилаш, оддиндан айтиш, бошқариш масалаларини қараб ўтадиган фан назарда тутилади. Иккинчи ибора эса биологик бирлик тарзида инсоннинг ўзига эътибор бериладиган фан — инсон экологиясини номлашда ишлатилиади.

Инсон экологиясига ижтимоий экологияяда Мавжуд бўлмаган генетик-анатомо-физиологик ва тиббий-биологик блоклар киради. Ижтимоий экологияга, тарихий анъаналарга кўра, инсон экологияси тор маънода тушуниладиган социология ва ижтимоий руҳшусносликнинг кўпгина қисмларини киритиш лозим.

Инсоннинг морфофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ноосферавий ўзгаришлар жараёнида Ер минтақаларини, биосфера районларини ишлаб чиқариш, хўжалик, иқтисодий мақсадли ўзлаштириш қонуниятларини очиб бериш, бундай ривожлантиришнинг табиий қонуналарини ўрганиш инсон экологиясининг муҳим вазифасидир.

В.И.Вернадскийнинг ноосфера тўғрисидаги назариясига кўра ҳозирги замон табиатшунослигига инсон экологияси алоҳида ўрин тутади. Олим табиатнинг антропоген юки тобора ортиб бориши, табиатни ўзгартирувчи омил инсон экани, табиатга таъсир ўтказиш ва унинг имкониятларининг мувофиқлиги, яъни инсон ва биосферанинг коэволюцияси ҳақида гапиради. Инсон биосфера истиқболи учун масъул. У жамиятни биосфера эволюциясини оқилона йўналтиришга имкон берадиган қилиб ташкил этиши лозим.

Инсон экологияси одамларни ўраб турган табиий ва ижтимоий "муҳит"ни, одамларнинг уларга ҳамда бир-бирларига бўлган муносабатларни ўрганади. Уни илмий адабиётта биринчи марта америка социологлари Р.Парк ва У.Бюргес киритган. Бирмунча кейинроқ инглиз олими У.Бьюс "инсон экологияси"нинг вазифаси айни одамлар ижтимоий муносабатларини биологик популяция жараёнларига туташтиришдан иборатdir, деб изоҳлайди ва уни биологик экологиянинг анъанавий тушунчалари асосида ҳал этишга уринади.

Экологик муаммоларни илмий таҳлил этиш ва ҳал этиш учун қайд этиб ўтилган уч илмий йўналиш етарли эмас. Бу муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш учун эса турли фанларда тўплланган билимлар синтези зарур.

Экологик муаммоларни ўрганиш баёнини күпроқ ижтимоий фанлар қамраб олади. Ижтимоий экология ривожланиши фанларни (биринчи навбатда табиатшунослик фанлари)ни ижтимоийлаштириш ва инсонпарварлаштириш тенденцияси билан узвий бөлиқдир. Жадал суръатлар билан тармоқланиб бораётган экологик йўналишдаги предметларнинг бир-бирлари ва бошқа фанлар билан жадаллашуви ҳозирги замон фани ривожланишидаги умумий тенденция ўзанида кечади.

Амалиёт экологик муаммоларни илмий англашга икки томонлама таъсир кўрсатади. Бу ерда гап шундаки, бир томондан, табиатни ўзгартирувчи фаолият “инсон — табиий мұхит” тизими тадқиқотларининг назарий даражасини юксалтиришни ва бу тадқиқотларнинг башорат қилиш (прогнозтик) кучини кучайтиришни талаб этади. Бошқа томондан эса, айнан инсоннинг амалий фаолияти илмий изланишларга бевосига ёрдам беради. Табиатдаги сабаб-оқибат муносабатларини билиш уни ўзгартириш даражасига қараб оғидинга силжиш мумкин. Табиатни қайта тиклаш борасида қанчалик катта лойиҳалар амалга оширилса, фанга табиий мұхит ҳақида шунча кўп маълумотлар киради ва натижада, табиий мұхитдаги сабаб-оқибат bogланишлар шунчалик терандроқ ойдинлаштирилиши мумкин. Охир-оқибатда, жамиятнинг табиий мұхит билан ўзаро муносабатлари тадқиқотининг назарий даражаси яна бир ногона юқори кўтарилади.

Табиий мұхитни ўрганувчи фанларнинг назарий имконияти сўнгги йилларда сезиларли даражада ортди. Бу эса, ҳозир Ер ҳақидағи барча фанларни, у кузатиш материалларини оддий сифатий таҳлил этиш ва тавсифлашдан физика-математик асосга қурилган миқдорий назарияларни ишлаб чиқишига ўёки бу даражага ўтишига олиб келди. Дастреб тавсифий фан бўлган география ўзининг айрим тармоқлари (иккимшунослик, геоморфология, тупроқшунослик) ва бошқалар билан мустаҳкам алоқадор бўлиши ҳамда унинг методологик базасини такомиллаштириш (математикалаштириш, физика-кимё фанлари методологиясидан фойдаланиш ва бошқалар) асосида амалий (конструктив) фанга айланмоқда. Бунда география фақат инсонга bogлиқ бўлмаган географик мұхитнинг ишлаб туришини тадқиқ этиш билангина чекланмайди, балки бизнинг сайёрамиз ўзгариши истиқболларини назарий англаш масалалари билан ҳам машгул бўлади. Инсон ва табиий мұхит ўзаро муносабатларининг уёки бу томонлари йўналишлари ва ўзга жиҳатларини ўрганувчи бошқа фанларда ҳам худди шунга ўхшаш ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Ижтимоий экология янги фан бўлиб, кундан кунга ривожланиб бормоқда. Унинг предметини фақат тахмин қилиш мумкин, холос, аммо аниқ белгилаб бўлмайди. Бундай ҳол билимнинг эндиғина

шаклланаётган ҳар қандай соҳаси учун ўринлидир. Ижтимоий экология ҳам бундан мустасно эмас. Биз ижтимоий экология дейилганды, юқорида таъкидланганидек, тор маънодаги ижтимоий экологияга нимаки кирса, уларнинг барчасини бирлаштирувчи илмий йўналишни, шунингдек, глобал экология ва инсон экологиясини тушунамиз. Бошқача айтганда, ижтимоий экология табиат ва инсоннинг ўзаро муносабатларини ҳар тарафлама (комплекс тарзда) ўрганади. Худди ана шу масала ижтимоий экология предмети ҳисобланади. Бу эса, ўзаро таъсирилашишнинг турли томонларини яхлит ҳолда қарашга имкон беради.

### **2.3. Ижтимоий экология масалалари**

Ижтимоий экологиянинг мақсади инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатлари эволюцион назариясини, табиий муҳитни ўзгартириш методологияси ва мантиқий илмини яратиш ҳисобланади. Ижтимоий экологияга инсон ва табиат, ижтимоий ва табиий-илмий билимлар ўртасидаги узилишни ойдинлаштириш ҳамда уни бартарафа этишга хизмат қилиш вазифаси юклатилади.

Ижтимоий экология предмети таҳдили унинг маҳсус фанларга хос хусусиятга эга бўлолмаслигини кўрсатади. Зеро, у воқеликнинг асосий соҳалари — инсон, жамият, табиат ўртасидаги чуқур алоқаларни очиб беради. Бу ижтимоий экология "Жамият—инсон—техника—табиий муҳит" тизимларининг бир бутунлиги ва бир-бирини тақозо қилишини тадқиқ этадиган уйғунлашган фан эканлигидан да-лолат беради. Унинг ўзига хослиги яна шундаки, у материянинг мажмуи ва тизим сифатида олинган ижтимоий ҳамда бошқа барча ҳаракат шакллари ўртасидаги қонуний алоқаларни ўрганади.

Ижтимоий экология табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари қонуниятларини аниқлайди. Бу қонуниятлар ҳам фундаментал, ҳам табиийдир. Аммо тадқиқот предметининг ўзи анча мураккабдир. Тадқиқот предмети бир-биридан сифат жиҳатдан фарқ қилувчи уч тизим — нотирик ва тирик табиатни ҳамда инсон жамиятини қамраб олади. Бундан ташқари, айни фаннинг умрини боқий деб ҳам бўлмайди. Ижтимоий экология ҳеч бўлмаганда, ҳозирги замонда кўпроқ тажрибага асосланилган (эмпирик) фандир. Унинг таърифлаган қонуниятлари эса ниҳоятда умумий ҳикматомуз мулоҳазалардан иборат.

Қонун тушунчаси кўпгина услубшунослар томонидан бир маъноли сабаб-оқибат багланишлар тарзида талқин этилади. Экологик қонунлардан энг асосийси қўйидағича таърифлаш мумкин: табиатни ўзгартириш унинг мослашув имкониятларига мувофиқ бўлиши керак.

Ижтимоий-экологик қонуниятларни таърифлаш усулларидан бири уларни социология ва экологиядан бошқа соҳаларга ўтказицдир. Масалан, ижтимоий экологиянинг асосий қонуни сифатида ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг табиий мұхитта мувофиқлик қонуни таклиф этилади. Бу сиёсий иқтисод қонунларидан бирининг модификацияси ҳисобланади. Ижтимоий экология назарий (фундаментал) ва амалий йұналишга әгадір.

Инсоният жамиятнинг атроф-мұхит билан ұзаро таъсири қонуниятларини үрганиш, жамият ва табиатнинг ұзаро мувофиқлашган (балансланған) таъсири умумий назариясини ишлаб чиқыш назарий ижтимоий экологиянинг предмети ҳисобланади.


Ижтимоий тузылмаларга мувофиқ келадиган моделларни ишлаб чиқыш ижтимоий экологиянинг мұхим вазифасидир. Умуман, күплаб тадқиқотчиларнинг фикриға күра, жамият билан табиат үртасидаги ұзаро муносабатларни мувофиқлаشتыриш, табиий ва антропоген таркибий қисмларни мувофиқ равищда үйгүнлаштирадиган, одамларнинг санитария-гигиена, нафосат ва моддий әхтиёжларини қоңдирадиган, сифат жиһатдан янги (маданийлашган) ҳаёт мұхитини яратиш ҳамда құллаб-қувватлаш ижтимоий экологиянинг мұхим масалаларидан ҳисобланади.

Ижтимоий экологиянинг вазифаларини белгилашда жамият ва табиий мұхитнинг ұзаро таъсирини акс эттирадиган "экология"та нафақат тушунча сифатида, балки унинг ижтимоий характеристига ҳам зертебор бериш лозим. Бунинг маъноси шуки, ижтимоий экология вазифаси тадқиқотларнинг маълум мөйерда ижтимоий тузылмаларга, ижтимоий тузылмаларнинг технологиясига нақадар мос келишини аниқлашга, жамият ва атроф-мұхит ұзаро таъсирини құлайлаштиришга, инсониятнинг бутун ер курасига тааллукы мұаммоларини ҳал этишга қаратилиши керак. Бошқача айттанда, ижтимоий тузылмаларга мувофиқ келадиган моделларни ишлаб чиқыш ижтимоий экологиянинг әнг мұхим вазифасидир.

## 2.4. Ижтимоий экологиянинг тадқиқот доираси

Ижтимоий экология үзининг тадқиқот обьектига эга. Ижтимоий экология тизими ижтимоий экология үрганадиган обьектдер. Таниқлы эколог олим Ю.Шодиметов уни қуйидагича изоҳлаб беради: ижтимоий экология тизими бу — биргаликда яшайдиган, ұзаро диалектик болғық ва алоқада бұлған түрли ижтимоий гурұх ва популациялар ҳамда улар атрофидаги табиий ҳамда ижтимоий-иқтисодий кичик тизимлар мажмудидир. Ижтимоий экология тизими ер шарини қамраб олған (глобал), минтақавий (регионал) ва маҳаллий тизимларга бўлинади (17чизма).

Ижтимоий экология тизимининг даражама-даражаси: давлатлардан иборат глобал тузилма, кейин вилоятлардан, охирги-си туманлардан иборат тузилма; улар шаҳар ва қишлоқ хўжалиги тузилмаларини ўз ичига олади. Ўз навбатида, ҳар бир ижтимоий экология тизими икки кичик тизим: табиий ва ижтимоий-иқтисодий тизимдан иборат. Улар қуий даражадаги тизимлардан ташкил топади. Табиийси — жонли ва жонсиз, ижтимоий-иқтисодийси — демографик ва хўжалик тизимлари қўшилишидан иборатdir.



17-чи зама.

Ҳар бир кичик тизимнинг ўз таркибий қисмлари бор. Табиийси — тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёсини, ер юзаси ва остидаги сувларни, атмосфера ҳавосини, ижтимоий-иқтисодийси — аҳоли, уй-жой, корхоналар, муҳандислик иншоотлари, коммуникациялар, транспорт ва инсон хўжалик фаолиятининг бошқа объектларини ўз ичига олади. Ижтимоий экология тизимларининг қулай фаолият тузилмасини аниқлаш, рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни олдиндан айтиш ва уларнинг ривожланишини бошқариш учун таҳдилий (имитацион) андаза керак. Ижтимоий экология тизимини математика-картография усулида моделлаштирилни амалий ижтимоий экологиянинг етакчи усули деб ҳисоблаш лозим. Бунда хўжалик фаолиятининг ортиқча таъсири натижасида юзага келган зиддиятли ҳолатлар аниқланади.

Моделлаштириш натижалари ташкилий хўжалик ҳариталарига айлантирилади. Бу тегиши шаҳар, туман, вилоят ёки республикани ижтимоий-иктисодий жиҳатидан ривожлантиришнинг энг қулай (оптимал) режасини ишлаб чиқишига асос бўлади.

## 2.5. Ижтимоий табиий тараққиёт

Эндиликда илмий техника тараққиётини фақат фан ва техника ютуқлари мажмуи тарзида тушуниш ярамайди. Илмий-техника тараққиётини бундай анъанавий тушунишда жамиятнинг ривожланиш мезонлари ҳисобга олинмайди. Бу ҳол табиат ва жамият учун салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Агар салбий оқибатлар фан ва техниканинг ижобий натижаларидан ортиб кетса, у ҳолда ижтимоий табиий тараққиёт мувозанати бузилади. Ўтган асрнинг охирида рус ёзувчиси Л.Толстой "Нимани фаровонлик деб аташ мумкин?" деган саволга жавоб бериб, қуйидагиларни ёзган эди: «Хуш, фаровонлик белгиси нима ўзи? Йўл хизматини яхшилаш, китоблар нашр этиб тарқатиш, кўчаларни чарагон қилиш, камбагал, бева-бечоралар, қарияларга хизмат қиласидиган уйларни кўпайтиришми ёки табиатнинг ибтидоий бойликлари — ўрмон, балиқ, ёввойи қушлар, жисмоний ривожланиш, ахлоқий софлик ёки бошқа нарсаларми? Инсоният ҳаётининг барча томонларига эҳтироссиз муносабатда бўлган инсон ҳаётнинг бир томонлама тараққиёти ҳамиша унинг бошқа томондан таназзули ҳисобига бўлишини кузатиши мумкин».

Бу фикрлар айтилганда ҳали атом бомбаси қашф этилмаган ва қўллаб кўрилмаган эди. Улуг ёзувчи инсоният тараққиётидаги фундаментал зиддиятни кўра билган эди. Демак, инсоният ўз тараққиёти йулида ҳеч қандай зиддиятларсиз камолот сари тўғри кетавермас экан.

Экологик таназзулнинг синфиий ижтимоий сабаблари мавжудлиги инсоният тараққиёти анъанавий моделлар асосида давом эта-вермаслиги керак, деган холоса чиқаришга имкон беради. Аммо табиат ва инсониятнинг кўпгина қисми тараққиёт эвазига қурбон бўлиши мумкинлигининг тасдиқланганига ҳали унчалик ҳам кўп бўлганий йўқ. Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаси ташланиши, урущда техник воситаларнинг қўлланилиши, техника билан боғлиқ фожеалар, атом электр станцияларининг ҳалокати ва бошқаларни эслаб кўрайли! Тараққиёт эвазига қурбон бўлиш нафақат маънавий кўрлик, балки маъносиз ва фойдасиз яшаш ҳам демакдир. Инсоният бутунги кунда тараққиёт йулидан кетаётгани ҳақида даъво қилас экан, аммо, аслида бу тараққиёт унга ҳали ўзи ўйлаганидек фаровонлик, тинчлик, баҳт келтирганича йўқ, аксинча, уни глобал таназзул ҳолатига тобора яқинлаштироқда. Бу му-

аммони ошкора мұжокама этмаслик, ҳал этишга ҳаракат қылмаслик — ҳалокат йұлини танламоқ демақдир. Моддий фаровонлик ёки тараққиёт эвазига табиатни қурбон этишнинг оқибати боши берк күчага кириб қолиши билан баравар. Бу эса, моддий фаровонликка эмас, иқтисодий таназзулға ва инсоннинг ахлоқий жиҳатдан бузилишига, шахс яхлитигининг парчаланишига олиб келади.

Фан ҳам, техника ҳам, иқтисодий үсиш ҳам үз-үзіча тараққиёт мезонлари бұла олмайды. Исталған жамият шароитларида экологик муаммоларни ҳал этиб бұлмайды. Буни ҳал этиш учун инсониятта шундай жамият керакки, унда моддий ишлаб чиқариш алоқидә киши, гурухлар ёки барча одамлар учун ҳам ягона мақсадға алланмаслиги керак.

Цивилизация ва буюк тарихий жараёнлар оқимида руҳий жарайәнлардаги ижобий сиљишларни ҳам кузатиш мүмкін. XX аср инсоният ҳамкорлигидәги үсишларни ҳам күрди. Ижтимоий ҳаёт да мажбурийлік, зұрлік ва ҳұмдорлық аста-секинлик билан бұлсада, үз үрінини әрқиңлік ва үз-үзіни англаш ҳолатига бұшатиб бермоқда. Бу ҳақиқатта яқын ҳодиса, албатта. Аммо экологик таназзул даврида ижтимоий тараққиёт тушунчаси маъноси янада тұлдиралиши, тұғрироги, у ижтимоий табиий тараққиёт тушунчаси билан алмаشتырилиши керак. Чунки табиат устидан ҳұмронлық қилмаслик гояси бу тушунчанинг мұхым жиҳати ҳисобланади.

Ижтимоий табиий тараққиёт тушунчасида инсон ва табиатнинг биргалиқдаги тараққиёти назарда тутилади. Коэволюциянинг табиий-илмий концепциясини инсон ва табиатнинг үзаро муносабаттарында ҳам құллаш үрінлідір. Ижтимоий табиий тараққиёттің таркииб қисметі қуйидагилар киради: 1) илмий-техникавий тараққиёт; 2) иқтисодий тараққиёт (ишлаб чиқариш күрсаткичининг үсиши маъносіда); 3) шахс тараққиёті (инсоний сифатларнинг ри-вожланиши доирасыда); 4) табиий тараққиёт (инсонни үраб турған атроф-мухит ҳолатини назарда тутган ҳолда).

Умуман, ижтимоий табиий тараққиёт ҳақида баъзи күрсаткичлар, масалан, интеграллашған ҳар хиллік бүйічагина фикр юритілади. Бунда асосан "Инсон — табиий мұхит" тизимидағи икки ташкил этувчининг гармоник үзаро таъсири кузатилади. Икки ташкил этувчининг ҳар хиллігі доимо ортиб борған шароитда интеграллашған ҳар хиллікни күрамиз. Бу уларнинг гармоник (үй-гүнлашған) үзаро таъсирини акс эттиради.

Хозирги вақтда жамият фаровонлигининг миқдорий мезони сиғатида ялпи миллий маңсулот (ЯММ)нинг иқтисодий күрсаткичидан фойдаланылади. Бунинг эса экологик жиҳатдан яроқсизлиги аллақачон маълумдір. Уни яхшилаш учун ЯММни икки турға ажратиш таклиф этилди: ЯММ1 ва ЯММ2. ЯММ1 қайта тикланадиган ресурслар ва иккаламчи хом ашёларни истеъмол қилиш

ҳисобига ишлаб чиқилган ЯММ улушини баҳолаган бўларди. ЯММ2 қайта тикланмайдиган ресурсларни истеъмол қилувчи ва заарали чиқиндилар берувчи ишлаб чиқаришнинг умумий миқдорини белгилайди. У ҳолда ЯММ2 ўсиши табиий муҳит бузилиши ва унинг бойликлари тугаши ҳисобига эришган вақтингчалик тараққиётни жуда яхши акс эттирган бўларди. Ижтимоий маҳсулот йигиндиси ўрнига "соф миллий фаровонлик"ни ҳисоблаш таклиф этилди. Лекин бунда атроф-муҳит ифлосланиши ҳисобга олинмаслиги тавсия этилади. Бу мантиқсизлиқдир.

Бу тавсияларни ўзларининг мантиқий якунига етказиб, ижтимоий табиий тараққиёт тушунчасига ўхшаш ижтимоий табиий маҳсулот тушунчасини киритиш мумкин. Бу тушунчанинг таркибий қисмлари қуидагилардан иборат:

1. Ялпи миллий маҳсулот.
2. Табиий муҳитдаги умумий қиймат (бунга қайта тикланмайдиган ресурслар ҳам қўшилади).
3. Инсоний сифатлар қиймати. Албатта, бу кўрсаткични ҳисоблаш осон эмас. Аммо, у ҳақиқатда инсон ва сайёра нимани ишлаб чиқаради ва амалда нимага эга бўлди, деган масалада чалкашликтарга олиб келмайди.

Буюк олим В.И.Вернадский табиий муҳитнинг ривожланиши ва инсоннинг Ер табиати (биоқатлам)га таъсирининг илмий-назарий гоясини ишлаб чиқсан эди. У биринчи бўлиб тирик модданинг "сайёравий-самовий ҳодиса" экани ҳақида гапириб, унинг геологик куч, "фаол моддият" тарзидағи аҳамиятини очиб беради. Олим фикрига кўра, Ерни ўзгартирувчи бош омил, бу — ҳаётнинг ўзиидир. Бундан ташқари, у инсониятга сайёра биоқатламидағи қудратли, бутун вақт давомида катта тезлиқда ортиб борувчи ўзига хос алоҳидә унсур (элемент) тарзида қарайди. Шунингдек "ақл қатлами" (ноосфера)га ўтишнинг муқаррарлиги, яъни инсоннинг табиатга таъсирини бошқариш мумкинлигини олдиндан кўра билган. Олим бора-бора инсон табиатнинг "тайёр" маҳсулотларига боғлиқ бўлган мавжудотдан унинг "тайёр" маҳсулотларига боғлиқ бўлмаган жонзотга айланиши гоясини илгари суради.

Инсоният секин-асталик билан ақл қатламига киради, тўғрироги, унинг ўзи "ақлга айланиб кетади" Эҳтимол, ақл томонидан яратилган ҳозирги ҳайвонот боғлари ақл қатлами — ноосферада яшайдиган дастлабки ерликлардан келажак учун совгадир.

Инсон яратган "ақл қатлами", яъни биосферадаги жараёнларнинг ақдан бошқарилиши, биоқатlam тадрижининг янги тармоги. Айнан инсон туфайлигина табиат ўзининг келгуси тараққиётнинг етакчи омилига эга бўлади. Инсонсиз табиатнинг етарли даражада тараққий этиши мумкин эмас. Инсон аста-секинлик билан нафақат ўзи яшаётган Ернинг ривожига, балки бутун Коинот миқёсидаги ҳаётга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Бугунги кунда катта қувват манбаи, тегишли моддалар, ахборлар түпланган. Ақд кучи, фан, техника сайёрамизда узлуксиз рационалда инсониятга хизмат қилмоқда. Лекин, афсуски, ҳар қандай техника, ҳар қайси фан Ернинг ўз-ўзини тиклаш қуввати ва имкониятини унинг ўзичалик амалга ошира олмайди. Гап шундаки, инсон ақли эришган муваффақиятларидан оқилюна фойдалана билиш экологик муаммони ҳал этишда муҳимдир. Инсон ақлиниң Габиат ва Жамиятга таъсириининг кучайиши унинг табиий жараёнларга аралашуви оқибати, ўз авлодлари ҳаёти учун, инсоният келажаги учун масъуллигини янада кескин қилиб қўяди.

Ақд қатлами дейилганида ҳам инсон ақли билан ўзгартириладиган ва бошқариладиган заминий-сайёравий ҳамда самовий бўшлиқ тушунилади. Бу ақд инсониятнинг ҳар тарафлама ривожланиб, камол топишини кафолатлайди. Шунинг учун ҳам инсоният қўплаб муҳим биоқатлам жараёнларининг табиий кечишини таъминлашни, уларни назорат қилиб, "созлаш"ни ўз зиммасига олади. Агар, ақд ва техника кучида уларга зарур бўладиган донишмандлик, юксак ахлоқийлик, экологик онг ривожжи намоён бўлсагина Ернинг биоқатлами "ақд қатлами — носферага" айланга олади. Бунинг учун эса инсон ҳаётининг ижтимоий шарт-шароитини бутунлай ўзгартириш, уйғунликнинг тантанаси учун ижтимоий-иқтисодий замин яратиши керак. Ўшаңдагина узлуксиз ривожланиш учун кафолат юзага келади.

Аммо чуқур экологик онг айни шу кунларда жуда зарурдир. Экологик онгсиз биоқатламнинг ақд кучи жиловланмаган куч-кудрат мисоли гоҳ ўёққа, гоҳ эса бу ёққа "сапчиб" қолади. Экологик онг соҳиби бўлмиш инсон эса ишонч илиа олдинга интилади. Экологик онг ҳаракатнинг барқарорлиги ва йўналганинги, ақд кучи ҳаракат суръатини, ҳаммаси биргаликда эса тараққиёт тезлигини таъминлайди.

## 2.6. Экологик жамият

Инсонларда экологик маданиятнинг ривожланиши экологик жамият яралишига йўл очиб беради. Экологик жамият қуриш экологик тамойилларга асосланилади. Нафақат ички ижтимоий муносабатларинг ўзгаришига, балки инсоннинг табиат билан узаро муносабатлари ўзгаришига асосланилган янги турдаги бундай жамият нимани тараққиётнинг мезони деб ҳисоблаш ҳақида мутлақо янги тасаввурларни талаб этади.

Табиат ва инсон бир бутунлиқда тараққий этган ва кейинчалик бу икки компонент орасида узилиш бўлган. Бу бирликнинг яна янги даражада юзага келиши, эҳтимол, экологик жамият деб аталаар. Уч ҳолат унинг шаклланишига замин ҳозирлайди: эколо-

гик таназзул, фанда экологик қонуниятларнинг кашф этилиши ва инсоннинг ахлоқий сифатлари.

Ҳозирги вақтда инсоният экологик жамиятда яшаяпти. Аммо инсон ҳамиша турли жамиятларни тасаввур қилади. Келажакдаги ахборот асри, ақлий имкониятлар асри, космос асри, биотехнология асри ва бошқалар ҳақида хаёлларга берилади. Демак, ахборот асрида жамият ресурси — ахборотлар бўлади. Жамиятда ресурсларнинг ўзига хослиги эмас, балки унинг тараққиётидаги асосий зиддиятлар ҳамда асосий мақсад ва вазифалар белгиловчи омил ҳисобланади. Ҳолбуки, жамият олдида зарурат сабабли айни зиддиятларни бартараф этиш масаласи кўндаланг туради.

Жамиятни ҳаддан ташқари индустрлаштириш унинг қишлоқ хўжалигини издан чиқаради. Бу жамиятдаги биринчи даражали зиддиятлардандир. Саноатнинг ривожланиши атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келади. Бу — иккинчи даражадаги зиддиятдир. Бундан ташқари, жамият қатламларини ташкил этган одамлар дунё-қарashi ва манфаатларида зиддиятлар юзага келади. Айтайлик, атроф-муҳитнинг ифлосланиши оқибатида юзага келган иккинчи даражали зиддиятлар фақат экологик жамиятдагина ҳал этилади. Бу қарама-қаршиликлар эса индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги зиддиятларни ҳал этиш натижасида пайдо бўлади.

Экологик жамият асосида инсоннинг табиатга бўлган муносабати ётади. Экологик жамият "инсон — табиий муҳит" тизими-нинг бир бутунлигига асосланади. Бу тизим эса маданият, жамият ва инсон яхлитлигини ўзида мужассам этади. Хўш, келажак маданияти қандай бўлади? Келажакда маданият соҳалари бир-бири билан қўшилиб, яхлитликни ташкил этади. Улар орасидаги бўшлиқ янги материаллар билан тўлдирилади. Аммо алоҳида соҳалар бир-бирига қўшилиб, бутунлай йўқолиб кетмайди. Улар барча тармоқлардан ижодий таъсир олади ҳамда янги куч ва сифатга эга бўлади. Бу биргаликдаги ижод, маданиятнинг турли тармоқларининг ҳамкорлиги ҳисобланади. Маданият соҳаларининг бундай яхлитлик тарзида намоён бўлиши "парчаланган" онг ўрнига яхлит онг шаклланишига асос бўлади. Бу эса, ўз навбатида, шахс яхлитлиги ва ягона организм сифатидаги сайёра яхлитлигининг асоси ҳисобланади.

Албатта, маданиятнинг хилма-хиллиги сақланиши керак, аммо у бамисоли, табиат сингари уйғунлик ва яхлитлик касб этиши лозим. Нафақат, фан, балки маданият ҳам яхлит интегратив уйғун тизимдан иборат бўлмоги зарур.

Жамият яхлитлигини барча одамларнинг бир хил мавқега эга бўлиши тарзида эмас, ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш ва реал ижтимоий мувозанатга интилиш сифатида тушунмоқ керак. Инсоннинг табиат билан ўзаро муносабатларидағи таназзул ин-

соннинг инсон билан муносабатларидағи таназзулнинг, экологик бегоналашув эса ижтимоий бегоналашувнинг акс этишидан ибратдир. Бугунги кунда табиат турли хил компаниялар ва давлатлар ўртасидаги шафқатсиз курашда пул майдалашда ишлатиладиган "чақа-тангага" айланиб қолди. Ижтимоий тизим ҳам худди экотизим сингари, ўз барқарорлигини сақлаши учун бир-бири билан ўзаро мувофиқлаштирилган хилма-хилликка максимал даражада инициалиши керак.

Келажакда экологик жамиятдаги кишиларнинг ахлоқий та-мойил ёки этикасининг "олтин қоида"си: "Сенга одамлар қандай муносабатда бўлишини истасанг, сен ҳам уларга шундай муносабатда бўл!" деган шиордан иборат бўлади. Бу йўлда индивидуализм — коллективизмнинг ёлгон мушкулоти (диллемаси) бартараф этилади. Шахс ва мулоқот қадрияти ана шундан келиб чиқади.

Экологик жамият яратиш шахснинг тажовузкорлик ва истеъмолчиликка мойил табиатини ўзgartиришни тақозо этади. Бундай жамият шахслари хулқ-автори ва табиатида меҳр-муҳаббат ҳамда ижодкорлик туйгулари барқ уриб туриши керак. Ана шундай ҳоллардагина инсоннинг инсон билан муносабатларида ва унинг табиат билан ўзаро таъсиirlарида уйғунлик ҳўжум суради.

Экологик жамиятнинг асосий вазифаси — биосферадаги тартиблик даражасини оширишdir. Айниқса, бу масала инсон ва табиатнинг бирлиги соҳаси билан узвий боғлиқdir. Биосферадаги инсон ва табиатнинг бирлиги тарзида тартиблиknинг ортиши "инсон — табиий муҳит" тизими барқарорлиги ва хилма-хиллигининг ортишига олиб келиши керак.

Экологик жамият инсонни табиат билан бирлаштиради ва уни ижтимоий қадрияtlар даражасидан кўра янада баландроқ самовий қадрияtlар погонасига олиб чиқади. Бунда барча тирик жонзотларнинг ўзаро тенглиги гояси ва экологиянинг "олтин қоидаси" — "Табиат сенга қандай муносабатда бўлишини истасанг, сен ҳам унга худди шундай муносабатда бўл!" инсон учун энг олий ахлоқий қонунга айланади.

Экологик муаммони ҳал этиш учун истеъмолчи цивилизация туридан ўз-ўзини чеклашга асосланилган, мажбурийликка эмас, онгли тарздаги эркинликка амал қилинадиган янги турдаги цивилизацияни танлаш талаб этилади. Инсон ахлоқий жиҳатдан камол топган ва меҳр-муҳаббатли, ижодкор типдаги шахсга айланган ҳолдагина бундай цивилизацияни яратиш мумкин бўлади. Экологик инсонпарварлик бу ерда инсоннинг табиий муҳит ҳолатини яхшилаш ва ўзининг инсоний хулқ-авторини янада ривожлантириш учун масъуллик ҳис-туйгуси тарзида намоён бўлади. Бу эса уни янада инсоний ҳамда тўлақонлироқ қилиб кўрсатади.

### 3.1. Сиёсат ва экологик мафкура

Табиий муҳитга инсон таъсирининг энг асосий хусусиятларидан бири унинг глобал характерга эга эканлигиdir. Инсон она сайёра фарзанди. У эндилиқда янгича йўналишда фикрлаши ва фаолият кўрсатиши керак. Аммо бундай янгича фикрлашда ҳам фақат шахсий, оила, гуруҳ, давлат ёки уларнинг иттифоқлари доираси билангина чекланиб қолмаслик лозим. Бутунги кундаж бутун сайёравий миқёсда кенг қамровли фикрлаш зарур.

Экологик сиёсат дейилганда давлатларнинг "табиат — жамият" тизимидағи ўзаро муносабатларни тартибга солишини энг қулай ва самарали амалга оширишга йўналтирилган фаолиятини тушунмоқ лозим. Экологик сиёсатни ишлаб чиқишида ҳозирги замон билимлари барча тармоқларининг вакиллари қатнашадилар. Мазкур сиёсат давлатнинг бошқарувга доир қарорларида ўзининг жамланган ифодасини топади.

Ҳозирги вақтда экологик сиёсатни ишлаб чиқишида дунёда муайян тажриба тўпланган. Қоида бўлиб қолганидек, у давлат ва унинг жойлардаги марказий, маҳаллий, ишлаб чиқариш, жамоат ва бошқа даражалардаги органларининг асосий уч соҳадаги тартибга солиб турувчи фаолиятини ўз ичига олади. Бу соҳалар жамиятнинг атрофдаги табиий муҳит билан мавжуд ва потенциал ўзаро алоқаларига дахлдордир:

*бириңчидан*, бу гўё табиатни "консерватив" муҳофаза қилиш, яъни қўриқхоналар ҳудудлари, миллий боғлар ва ўрмонлар, биосфера қўриқхоналари ҳамда табиатни муҳофазалаш объектларини эҳтиётлаш, шунингдек ўсимликлар ва ҳайвонот оламини табиий ҳолатда сақлашнинг ташкилий-ҳуқуқий чораларини ишлаб чиқиш;

*иккинчидан*, табиатни муҳофазалайдиган ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатдаги экологик мувозанатни ҳисобга олиб, ҳудудларни хариталаштириш, ҳом ашё ва энергия манбаларидан тўгри фойдаланиш, фойдали қазилмаларни қазиб олишни тартибга солиш ва бошқалар;

*учинчидан*, сув, ҳаво ва ерни муҳофаза қилиш, шовқин-сурон ва радиацияга қарши кураш, чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳоли дам олиши учун қулай шароитлар яратиш ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, экологик сиёсат бу — жамият ва табиатнинг жуда ранг-баранг ўзаро алоқалари ҳолатида бошқаришнинг мурраккаб ва мажмуйи механизми сифатида намоён бўлади.

Экологик муаммонинг глобаллашуви ўз характеристига кўра объектив жараёндир. Чунки табиат чегара билмайди ва ягона экотизими ташкил этади. Шунинг учун ҳам расмий (БМТнинг "Инсон ва биосфера" дастури), ҳам норасмий ("Гриппис") ҳалқаро экологик ташкилотлар, шунингдек, турли саноат корпорацияларнинг фаолияти дунёвий тус олмоқда. Албатта, бу жараённинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари мавжуд. Одатда, тараққиёт мезони интегратив хилма-хиллик дея таъкидланади. Глобаллаштириш интегратив тенденцияларни кучайтиради. Агар ижтимоий тизимнинг хилма-хиллиги камаймаса, бу ижобий аҳамиятга эга. Бундай ҳол бутунги кунда табиат ва жамиятда кузатилади, албатта.

Аммо глобаллашув жараёнидан фақат завқланиб яшамоқ ўта хавфлидир. Диалектика кўрсатадики, фақат бир йўналишдаги тараққиёт, албатта, бошқа соҳаларда таназзулга олиб келади. Ҳозир инсониятнинг бирлашиш жараёни кетмоқда. Эндиликда нафақат Ердаги ҳаёт турларининг хилма-хиллиги камаймаслиги борасида, балки маданиятларнинг ўзига хослигини сақлаб қолиш учун ҳам қайгурмоқ лозим. Бу табиий-тарихий жараёнга ахлоқий мезонлар асосида ёндашмоқ керак.

Бутунги кунда тобора модага айланиб бораётган "глобаллаштириш" сўзи остида америкача ёки россияча юзаки стандартларни тадбиқ этиш маъноси яширган бўлади. Аслида бу ҳам ўзига хос ижтимоий "клонлаштириш"дир. Бу кўпинча дунёвий барқарорлик зарурати билан асосланилади. Аммо асоссиз даъватлар билан барқарорликка эришиб бўлмайди. Барқарорлик ҳар бир ҳалқнинг ҳаётий анъаналаридан келиб чиқади ва у барча маданиятларнинг ўзига хослигига асосланади.

Глобал муаммоларни ҳал этишда миллий ўзига хосликни ҳам унутмаслик керак. Аксинча, ҳар бир миллат уларни ўзича англаши зарур. У глобал муаммоларни фақат ўзининг миллий характеристига асосланниб ҳал этади. Аммо, бунда миллат фақат ўз қобигига уралиб қолмаслиги, умуминсоний қадриятларча иш тутмоги лозим.

Аммо ҳалқ ўзининг миллий имкониятларини англай олмаса, у ҳамиша фойдаланиш мумкин бўлган "материал" бўлиб қолаверади. Ташки таъсирларсиз ўз-ўзидан рўй берадиган ҳалқ ҳаракати давраларида гина ўз вазифасини англаш учқунлари намоён бўлади. Бунда маъносиз ва шафқатсиз исёнлар бўлмайди. Янгиланиш учун маънавий эркинлик керак. Маънавий эркинлик эса жисмоний эркинликка олиб келади. Биз буни мустақиллик даврида тўла ҳис қилиб турибмиз.

Экологик сиёсат ижтимоий-иктисодий сиёсат кўринишларидан биридир. У тегишли ишлаб чиқариш тури, ҳаётидаги ижтимоий-иктисодий тузилмалар шакллари ва шахс омилларига асосланган жамият ёлан табиат ўртасидаги ўзаро алоқаларни танлаш ва амалга

оширишга йўналтирилади. Экологик сиёсат стратегик мақсадни ҳам кўзлайди, яъни жамият ва табиат ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш ҳамда одамлар турмуши ҳамда меҳнатининг қулай табиий шароитларини таъминлаш, шунингдек, табиатдан фойдаланишининг уёки бу йўналишларини такомиллаштириш вазифаларини ҳал этади. Экологик сиёсат олим ва мутахассислар, давлат ва жамоат ташкилотлар томонидан ишлаб чиқлади ва қонунлар ҳамда меъёрларни белгиловчи ҳужжатларда мужассамлашади.

Экологик сиёсатни ишлаб чиқиша муйян қонун-қоидалар маж-муасига асосланилади. Бунда жамиятни ривожлантиришнинг ички ва ташқи шароитлари, унинг имкониятлари ҳисобга олинади. Инсон ва табиатнинг ўзаро таъсири жараёнида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг белгиловчи аҳамияти, жамият ҳаётининг экологик бирлиги кўрсатилади. Ҳўжаликни оқилона юритиш имкониятларини таъминлаш масаласи ойдинлаштириб берилади.

Инсониятга ягона экологик мафкура нима учун керак? Экологик ҳалокатлардан қўрқани учунми? Йўқ, албатта! Бу мафкура инсониятни ягона мақсад йўлида бирлаштириши ҳам мумкин. Аммо мафкуравий чайқовчилик удумга айланиб бораётганини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Кимлар ақидапарастлик, кимлар эса тоталитаризм мафкураси таъсиридан ҳали ҳам бутунлай қутилганича йўқ. Албатта, дунё миқёсида кечётган жараёнилар оғушида ҳар бир ҳалқ олдида миллий ўзига хослигини ва шу йўл билан дунёвий маданиятнинг хилма-хиллигини сақлаб қолиш масаласи турибди.

Глобал мафкуравий экспанция билан қандай курашиш мумкин? Ҳалқ ҳаёти анъаналарини ҳурмат қилиш ўюли билан, албатта! Миллат ўзини оммавий мафкуравий маданиятдан ҳимоя қилиш, унга қарши ўзида иммунитет юзага келтириши учун ҳамиша тарижий-маънавий илдизларидан озиқданиши керак. Айтайлик, Алишер Навоийни унугтган ёки билмаган ўзбекни миллатимизга дахлдор деб бўлмайди.

Экологик қарамлик тенденцияларига ҳамда дунёни бошқариши осонлаштириш учун маданий ва биологик хилма-хилликни йўқотишига интиувчи трансмиллий корпорациялар босимига ҳамиша экологик инсонпарварликни қарши қўйиш лозим. Табиий муҳитнинг ўзгариши жараёнида янги инсоний қадриятлар юзага келади. Аммо бу янги қадриятлар кенг омма мулкига айланса, яъни тегишли мафкура ва маданият пайдо бўлсагина вазиятнинг ўзи ҳам ўзгаради.

Экологик инсонпарварлик ўз таъсир доирасини кенгайтириб, экологик мафкурага айланади. Бунинг асосида эса экологик маданият юзага келади. Экологик мафкура — миллий мафкурамизнинг таркибий қисмидир. Тўғри, бизнинг замонамиизда тор фикрлашга ўрганиб қолган одамлар учун "экологик мафкура" тушунчаси бир

оз ғалатироқ туюлиши мүмкін. Чунки биз эндигина тоталитар якка жокимлик мафкураси ұукроналигидан қутилдік, ахир. Энди яна бир янги гоя — "экологик" мафкура билан онгтимизни банд этамизми, деган калтафаҳымлар ҳам топилиб қолади. Экологик мафкура тоталитар мафкура эмас, албатта. Бу мафкура бизни ёлғон онг билан яшашга мажбур этмайди. Бунда мафкуранинг бизни фаолиятга ундалан ва ҳаракатга келтирған күчи биз учун номаълум бўлиб қолаверди. Акс ҳолда, у мафкуравий жараён бўлмаган бўларди.

Зеро, маълум миллат ёки бутун инсониятнинг манфаатини ифодалаган қарашлар тизими тарзидағи мафкуранинг ёлғон бўлиши мүмкін эмас. Чунки у маълум ҳаётий эҳтиёжлар асосида юзага келади ва улар билан чегараланади. Бундан ташқари, инсон шахс сифатида миллий чекланишлар доирасидан чиқиб, умумбашарий миқёсда фикрлаши ва ўз қарашларини ифодалалиши мүмкін.

Агар давлатда қонунларга амал қилинмаса ва жамият мафкурасиз ёки гоясиз бўлса, миллат, жамият, инсониятнинг ҳоли не кечишини бир йилаб кўринг. Турли оқимлару гоялар ўртасида "бўшлиқни" эгаллаш учун ошкору пинҳон курашлар бошланмайдими? Тўгри, бу дунёда идеал жамият йўқ. Давлатнинг онгли фуқароси бўлиш осон эмас. Ҳар кимнинг истаги ва виждонига мос келувчи мафкура фақат идеал жамиятдагина бўлиши мүмкін. Хуллас, амалиёт учун давлат ҳам мафкура ҳам зарур. Давлат ҳукмрон синфларнинг оммани ўзига бўйсундириши ёки қул қилиши учун эмас, балки мамлакат ичкарисидаги жиноятчилар ва ташқи тажавузкор (агрессор)ларга қарши курашиши учун зарурдир. Дин ҳалқа бу дунёдан бошқасига ўтиш йўлларини биргалиқда ахтариш учун керакдир. Мафкура нафақат ёлғонлар ёки ёлғон гоя, балки бу дунёда биргалиқда яшаш учун маънавий етакчи, одамларга ягона мақсад йўлида бирлашишга ёрдам берувчи қарашлар тизимиdir.

Тўгри, мафкуралаштиришга қарши чиқувчилар ҳам бор, лекин унинг мавжуд бўлиши табиий ҳолдир. Аммо ҳар бир инсон айни вақтда қандай мафкуралар мавжудлигини ва улардан мақбулини танлаш имконига эга бўлиши, ўз мақсадларини аниқ айтмаган, пинҳон тутганлар қўлида "ўйинчоқ" бўлиб қолмаслиги керак. Мафкура қарашларнинг оммавий тизими тарзида гоялар мажмуасига асосланади. У бутун жамият ёки унинг бир қисмнинг маълум гоя асосида бирлашишига имкон тутдиради. Одамлар, асосан, уч хил йўналишдаги, яъни синфий (социалистик, коммунистик), диний (ислом, будда, католик, насроний), миллий (фашистик, нацистик) ҳамкорлик мафкуралари таъсирида бўлишади.

Аммо эндилиқда инсониятни умуминсоний қадриятлар асосида бирлаштирувчи янги мафкура — экологик мафкура пайдо бўлмоқда. Бу — инсоният мафкурасидир. Чунки экологиянинг ўзи тобора

умуминсоний муаммога айланиб бораётир. Экологик мафкура диний, миллий, синфий келишмовчиликларни мутлақ инкор этади. Унинг янгилиги ва ўзига хослиги ҳам, эҳтимол, худди ана шундайдир. Экологик мафкура нафақат умуминсоний, балки, айтиш мумкинки, табиат ва инсон учун ягона бўлган умум ҳаётий қадриятларга таянади. Экологик мафкура — ҳаёт, инсон ва табиат ҳамкорлиги мафкурасидир.

Энди экологик мафкуранинг тамойилларини ифодалашга уриниб кўрайлик. Инсон ўзининг турли фаолиятлари натижасида атроф-муҳитга таъсири (реакцияси) билан жавоб қайтаради. Инсон фаолияти туфайли табиатдаги табиий модда алмашинувчи трофик даражалари бузилади, унинг таркибий қисмлари ишдан чиқади. Экологик мафкура, энг аввало, ана масалаларни ҳисобга олади ҳамда табиатнинг ўз қонунлари ва имкониятлари доирасида фаолият кўрсатиши лозимлигини эътироф этади.

Фаолият кўрсатишнинг бу тамойили табиат ҳуқуқи концепциясида ўз ифодасини топади. Эндиликда табиат ҳуқуқи масаласи ҳалқаро ташкилотлар томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Табиат ҳуқуқи асосида тузилиш, таркибий ва ташкилий даражасидаги кескин фарқларга қарамасдан ҳаётнинг барча шакллари ўзаро тенг қийматли экани ҳақидаги тасаввурлар ётади. Бунга асосан Уйгониш давридан бўён "табиат гултожи" ҳисобланиб келинган инсон бошқа турларда фарқли ўлароқ ҳеч қандай афзалликларга эга бўлмайди. Оддий турлар қандай ҳуқуқга эга бўлса, инсонга ҳам худди шундай ҳуқуқга эга бўлган турлардан бири сифатида қаралади.

Тенг ҳуқуқликнинг юридик тамойили ахлоқий жиҳатдан асосланади ва экологик ахлоқда ўз якунини топади. Бу эса экологиянинг "олтин қоидаси" ни таърифлашга имкон беради. Экологик мафкуранинг амалий, ҳуқуқий ва ахлоқий тамойили унинг мазмунмоҳияти ҳақида аниқ тасаввур беради. Ўтган асрда биологиядаги маълум илмий йўналишни белгилаш учун юзага келган "экология" тушунчаси бугунги кунда ўз маъносни янада кенгайтирди. Эндиликда маданият экологияси, маънавият экологияси ҳақида гапирилмоқда. Гегель таъбири билан айтганда, бу табиий жараён "тушунчанинг ўз-ўзидан ривожланиши", дейилади.

Экологик мафкура инсоннинг нафақат табиий муҳит билан таъсири доирасидаги масалаларни, балки инсон мавжуддиги билан боғлиқ барча асосий муаммоларни қамраб олади. Чунки жамиятда тотувлик бўлмаса, инсон билан табиат ўртасида ҳам тотувлик бўлмагани каби экологик муносабатлар том маънода инсонийлашмагунча кишининг руҳий оламида ҳам тинчлик ва хотиржамлик бўлмайди.

### 3.2. Экологик ахлоқ ва инсонпарварлик

Бутунги күнде атроф-мухитни муҳофаза этиш масаласига эътибор қаратилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Хўш, экологик таназзулнинг сабаблари нима? Эҳтимол, бу сабаблар ҳозирги замон инсон ўзига дастурил амал қилиб олган қадриятлардадир? У ҳолда бу қадриятларни қай тарзда ва қандай қилиб ўзгартириш керак? Янги қадриятлар қандай бўлиши лозим? Демак, экологиянинг энг асосий масаласи инсоннинг инсоний сифатларига боғлиқ!

Табиатдан фақат истеъмол манбаи сифатида фойдаланиш — унинг асосий қонунларига зиддир. Ҳамма масала шундаки, агар моддий ҳузур-ҳаловат барча нарсадан устун қўйилса, у ҳолда моддий эҳтиёж принцип жиҳатдан чексиз ортиши мумкин. Лекин айни ҳолда биосферанинг ортиб борувчи эҳтиёжларни қондириш имконияти чегараланган ва чекли. Агар бу эҳтиёжларни қондиришга ҳаракат қилинса, у ҳолда рақобат ва зўрлик руҳи қарор топади. Натижада, муқаррар ҳолда маълум гуруҳ кишилар бошқалар, табиат эса ҳамма томонидан "эксплуатация" қилинади. Бу охир-оқибатда экологик муаммоларга ва цивилизациянинг бошқа таназзулларига олиб келади.

Фақат истеъмолга асосланган цивилизация, айни вақтда, зўрлик цивилизасицидир. Унда зўрлик кўпол тарзда эмас, балки "маданийлашган" ҳолда намоён бўлиши ҳам мумкин. Мамлакатлар ўртасидаги шафқатсиз рақобат шароитида зўрлик тажковузга айланади. Масалан, тарихдан маълумки, капиталистик мафкура тарафдорларига тескари бўлган коммунистик мафкура таргиточилари мулкни инқилобий йўл билан тақсимлашга интилди ва шундай ҳам бўлди.

Фақат истеъмолчилик асосига қурилган цивилизация одамларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ва уларнинг истак-ҳоҳишига тескари кечадиган қандайдир объектив жараён натижаси эмас, балки шахснинг агрессив-истеъмолчиликка мойил табиати оқибатидир. Бундай шахслар бўхронга маҳкум бўлган цивилизацияни яратадилар. Файлласуф Ницше бундай цивилизация яратадиган шахс мөҳияти асосида "ҳокимиётга интилиш" ётади деб ҳисобласа, иқтисодчи А.Смит "унинг энг бош манфаати — иложи борича кўпроқ товар ишлаб чиқариш ва фойда олиш" дея таърифлаган, психолог З.Фрейд эса, унинг истаги онг остида пинҷон толган ва у уни англай олмайди, деган фикрни билдирган.

Ҳозирги замон дунёвий ижтимоий-иқтисодий тангликларга ким айбдор, деган саволга жавоб бера туриб, биринчи навбатда, айрим тараққий этган бой мамлакатларда пулнинг кучи ҳамда бу кучнинг янада қўпол ва бевосита шакллари воситасида аҳолининг бошқа барча қатламларини эксплуатация қилувчи ва тегишли қарорлар қабул қилувчи ҳукмрон алигаржик синфларни, иккинчидан, бу синф

томонидан илгари суралган ва жамиятнинг бошқа қатламлари томонидан ўзлаштирилган тажовузкорона истеъмолчилик мафкурасини, учинчидан, аҳолининг ҳукмронлик қилаётган мазкур мафкурага қарши туришга имкон бера олмайдиган даражада маънавий ва ахлоқий сифатининг пастлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Аслида экологик жаҳолат, пухта экологик назариянинг ишланмаслиги, экологик ҳаракатнинг сустлиги ҳам худди ана шундан келиб чиқади.

Тур сифатида ҳаётда мавжуд бўлган инсонда уни хавф-хатардан қутқариб қола оладиган қандайдир механизм қарор топганми ёки йўқ, биз буни билмаймиз. Ҳуқуқий қонунларнинг мавжудлиги зарурий ҳол ва муҳимдир, аммо унинг амалда бажарилишига кафолат етарли эмас. Айниқса, экологик соҳада ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатини назорат қилишга имкон йўқ. Жамиятнинг асосий манфаатларидан шахс манфаатларига ва аксинча, шахс манфаатларидан жамиятнинг асосий манфаатларига ўтиш муаммосини ҳам ҳал этиб бўлмайди. "Барқарор тараққиёт" назарияси ҳам ҳар ким ўзича тушунадиган ва айниқса, синфий жамиятда бамисоли "тутун пардаси" тарзида хизмат қилувчи шунчаки мавҳум сўзлар тўпламидан иборат бўлиб қолиши мумкин.

Табиий муҳит ҳолати учун шахсий масъулият зарур. Бу масъулият ахлоқий даражаси юксак бўлган инсонлардагина юзага келади. Бундай юксак ахлоқий даражага эга бўлган кишилар агрессив-истеъмолчилик мафкурасига қарши ва зўрлик қилмаслик, куч ишлатмаслик ҳамда олигархик синфлар билан ҳамкорлик қилмаслик тарафдоридир. Ҳозирги замон экологик вазият таҳлили қўйидаги хулосаларга келишга имкон беради:

1. Дунёни қутқармоқ учун тажавузкор-истеъмолчилик цивилизациядан унинг муқобил янги турига ўтиш зарур. Янги турдаги цивилизациянинг муҳим жиҳати шундан иборат бўладики, унда эҳтиёжлар шунчаки "маданийлаштирилмайди", балки инсон турмушининг теран имкониятлари очиб берилади.

2. Эҳтиёжлар ва зўравонликни чеклаш мажбурийликка эмас, индивидларнинг эркин ҳоҳиш иродасига асосланиш лозим.

3. Бундай ҳолатга шахснинг меҳр-муҳаббат ва ижодкорлик фа зилатлари ҳамда унга мувофиқ бўлган ҳаёт тарзи орқалигина эгшиш мумкин.

ХХ аср бир эмас икки жаҳон урушини кўрди. Айни вақтда худди шу 2000 йилликда зўрлик қилмаслик борасидаги ёрқин даъватлар билан чиқилди. Бу гояни шахслараро муносабатларда ҳам, инсоннинг табиатга бўлган муносабатида ҳам амалий жиҳатдан жорий этишга уринишлар бўлди. Бу ҳол кишини инсон феноменининг мураккаблиги борасида ўйлашга ва унинг келажагига бўлган ишончни йўқотмасликка мажбур этади. Гап шундаки, тажовузкор-

лик ёки истеъмолчилик инсон табиатининг асл моҳиятини ташкил этмайди, балки унинг хулқ-атвори кўринишларидан биридир, холос. Инсониятнинг буюк маънавий устозлари ўз ҳаёти ва турмуш тарзи билан бошқаларга ўрнак бўлишган. Мехр-оқибат ва ижодкорлик шахсиятининг барқарор сифатига айланган бундай буюк зотлар маънавий оламини ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик бирлиги, қадимги дунё ва Шарқ фалсафаси ҳикматлари, инсонпарварлик гоялари безаган. Негаки, табиатга зўравонлик ўтказиш экологик тангликтининг энг муҳим сабабларидан бири ҳисобланади. Дунёдаги барча ҳалқарнинг ахлоқий қоидасига айланган ҳикмат бор: "Бошқаларнинг сенга қандай муносабатда бўлишини истасанг, сен ҳам уларга худди шундай муносабатда бўл!"

Албатта, экологик инсонпарварликнинг асоси Шарқ илмида, аждодларимиз хулқ-атвори, табиатида мужассам топган. Масалан, бунга биргина мисол тариқасида улуг мутафаккир Алишер Навоийнинг оддий чумолига бўлган муносабатини олиб кўрайлик. У киши ибодат маҳалида елкасида бир чумолини кўриб қолади. Ҳазрат жоноворнинг ўзи таҳорат қилган жойда унга илашганини билади. У чумоли елкамдан тушиб озор топса ва ўз уясининг йўлини тополмаса уволига қоламан, деб ўйлади. Шунинг учун намоздан кейин, тезлик билан таҳорат олган жойга бориб, уни уяси оғзига қўяди ва озор етказиш изтиробидан қутилади.

Алишер Навоийнинг ҳаддан ташқари раҳмдиллиги кишини ҳайратга солади. Бу — унинг меҳр-муҳаббати, жонзотларга озор бермаслик ҳиссининг юксак ифодасидир. Бундан хуоса қилиш мумкинки, инсоннинг бирор жонзотга нисбатан кўр-кўронга душманлик қилишга, уларга шафқатсиз ва бефарқ бўлишга маънавий жиҳатдан ҳақ-ҳуқуқи йўқ. Бу ҳикмат табиатга бўлган муносабатга ҳам тегишли. Лекин ҳозирги замонда техника ва фаннинг улкан ютуқлари туфайли ҳам инсонга, ҳам табиатга зўравонлик ўтказиш ҳоллари кўплаб кузатилмоқда.

Табиатнинг барча элементлари ўзаро боғлиқ. Ҳа, экологик танглиқ даврида бу ҳикматли қоидани табиатга нисбатан қўллаш ҳам жуда ўринли деб ҳисоблаймиз: "Агар табиат сенга қандай муносабатда бўлишини истасанг, сен ҳам табиатга худди ана шундай муносабатда бўл!" Бу ҳикмат экологиянинг "олтин қоидаси" бўлади.

Инсон ахлоқини табиатдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Табиат — инсон устози. Инсониятнинг ижтимоий тузилиши ҳам бамисоли тирик организм. Тирик жонзотлар аъзолари турли вазифани бажаргани каби жамиятдаги турли қатлам ва синфлар фақат ўзларга хос вазифани ижро этади. Тирик жонзотнинг бирор аъзоси хасталанса, бошқаларга таъсир этгани каби жамиятнинг бирор қатламидаги нуқсон унинг умумий ҳолатида ўз аксини кўрсатади. Рус олими Кропоткин таъкидлаб ўтганидек, инсондаги ахлоқий асос,

биологик нүқтәи назардан қараганда, одамга эл бўлиш — киришимилилк инстинктининг ривожланишидан бошқа нарса эмас. Бу инстинкт эса, деярли барча тирик жонзотларга хосдир. Ва у бутун жонли табиатда кузатилади. Демак, бу асл моҳиятига кўра, инсон ва табиатнинг бирлиги ҳамда яхлитлигини, уларни айри ҳолда қараш мумкин эмаслигин билдиради.

Фан-техника инқилоби даврида инсон жуда катта кучга эга бўлади. У атроф-муҳитдан ўз манфати йўлида истаганича ва хоҳлаган йўналишида фойдаланиши мумкин. Инсон табиатни ўз хоҳиш истагига бўйсундиришга қодир. Аммо инсоннинг табиат учун масъуллиги ва у билан уйгунлиқда бўлиш муаммоси ҳам тобора отиб бормоқда. Унинг ечимини эса янги йўналиш — экологик этика белгилаб беради. Этиканинг ривожланишини нафақат фалсафий, балки экологик тушунчалар орқали ҳам ифодалаш мумкин. Этика экологик маънода, бу яшаш учун курашдаги фаолият эркинлигини чеклашдир, деган эди О.Леопольд. У экологик этиканинг дастлабки вариантини яратиб, уни Ер этикаси деб атади.

Илгарилари табиат ҳақидаги гамхўрлик кўпинча тақиқ шаклда ифодаланган. Чунки ибтидоий динларда табиий ҳодисалар жонли тарзда қаралган ва улар муқаддас саналган. Ер курасининг айрим жойларида табиатга бўлган бундай муносабат ҳамон сақланиб қолган. Ҳатто одамлар ҳайвонлар билан гўё ўзларича тиллашганлар. Улар ҳайвонлар инсон тилини тушунади, деб ўйлашган ва бунга ишонишган. Бундан ташқари, ибтидоий одамлар ўргатилган ҳайвонлар учун бурчли эдилар. Гап инсоннинг уларни фақат боқиши ва қўриқлашида эмасди. Ибтидоий одамнинг этик бурчи шундан иборат эдики, ўзи ўргатган ва фойдаланаётган ҳайвонни яхши қўриши керак эди. Ҳозирги вақтда эса, инсон ер юзадаги бутун ҳайвонларни қириб юборишга, ҳатто табиатга нисбатан бундан баттароқ ишларни қилишга қодир. Наҳотки, биз ўзимиз бевосита фойдала олмайдиган ҳайвонларни сева олмасак? Тўтри, улар бизга фойда келтирмайди, лекин зарар ҳам келтирмайдиганлари кўп-ку! Уларни асраш ва авайлаш инсоннинг бурчи эмасми?

Ўзгартирилган табиат учун инсоннинг жавобгарлиги ҳақидаги тасаввурлар экзистенциалистлар мулоҳазаларига мувофиқ келади. Ҳали экологик танглиқ юзага келгунига қадар, атом қуроли яратилганидан сўнг, А.Камю "бизнинг авлодларимиз вазифаси оламни ҳалок бўлишдан асраб қолищдир" деган эди. Болалар нафақат тирик жонзотларни, балки ҳайвонлар шаклида ясалган ўйинчоқларни ҳам яхши қўришади. Уларга зарар етказилса, ачиниш билан қарайдилар. Агар ўйинчоқлари синса, хафа бўлишади. Демак, нафақат жонли, балки нотирик табиат ҳам муҳаббат манбаи бўлиши мумкин. Худди ана шу маънода, биз экологик этикадан глобал этикага ўтамиз. Глобал этика қоидаларига мувофиқ инсон бутун табиат учун масъулдир.

Қадимги Грецияда инсон "мақрокосмос" тарзидаги бутун Коинотни үзида акс эттирувчи "микрокосмос" сифатида қаралған. Бұгунғы күн инсони нафақат үзини Универсумнинг бир қисми сифатида сезмоги, балки үзини үраб турған теварак-олам учун масъул эканини ҳам ҳис қилиши зарур. Экологик ва глобал этиканинг моҳияти ҳам худди ана шундан иборатдир.

Инсонпарварлық гояси маънавиятимизнинг қадимги илдизла-рига бориб тақалади. Буни оташпаратлик дини таълимотида, унинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам күп учратамиз. Инсонлар ўртаси-даги нафақат оилавий, балки давлат миқёсидаги муносабатларда ҳам, барчасидан муҳимроги, бу оилавий ахлоқдир. Инсон зотининг бу дунёга келишидан мақсад ҳам бир-бирига ёрдам бериш ва борлиқни англашдир. Бу йўлда инсонга эътиқод ва ақл ёрдам беради. Инсон ва табиатга зугум ўтказиш ахлоққа зиддир. Инсонпарвар-лик — инсонга хизмат қилиш ва уни олий даражадаги қадрият тарзида тушуниш гоясиdir. Кимки бу дунёга эгалик қилишни ўз оддига мақсад қилиб қўяр экан, охир-оқибатда унинг ўзи ҳам дунёнинг, ҳам уни бўйсундиришига хизмат қилган техниканинг қулига айланиб қолади.

Файласуф М.Хайдегтер "инсон нимани хоҳласа, унга ўшани қилиш учун рухсат беравериш — бу ҳали инсонпарварлик дегани эмас, негаки хулқ-авторнинг инсонпарвар асослари кафолатланмайди", деган эди. У Европада ўз маъносини йўқотган "инсонпарварлик" сўзига қандай қилиб яна маъно багишлиш мумкин?", деган саволга жавоб бериб, инсонпарварлик "инсоннинг ноинсоний, ноинсонпарвар бўлмаслиги, яъни ўз моҳиятидан ажралиб қолмаслиги, балки инсоний бўлиш ҳақида ўйлаши ва қайгуриши"дир дея таъкидлайди.

Албатта, инсонпарварлик гоялари инсоният тарихида пайдо бўлган таълимотларда у ёки бу даражада ўз аксини топган. Лекин том маънодаги инсонпарварлик таълимоти ҳали тўла шаклланганича йўқ. Инсонпарварлик учун индивидуаллик ҳам муҳимдир. Шахс ўз хатти-ҳаракати мазмуни ва оқибатини англаб етмаса, инсонпарварлиқда ҳам ҳеч қандай маъно қолмайди. Чунки инсон ўзига нима керак ёки керак эмаслигини ўзи ҳал этади. Масалан, диний маросимларда минглаб ҳайвонларни қурбон қилиш — ҳар қандай шафкатдан юқори турган.

Аммо ахлоққа зиён келтирмасдан туриб, онгтимизни занжирлаб ташлаган номукаммал маросимлардан воз кечиш ҳам осон эмас. Чунки янги замон ўтмишдан тобора узоқлашиб борса-да, лекин шахснинг эски ижтимоий тартибларга бўйсуниши ҳамон сақланиб қолган. Зоро, инсонпарварлик моҳияти маросимларга амал қилишдан-гина иборат эмас. Боз устига, тажковузкор-истеъмолчилик тамойилига асосланилган янги замон цивилизацияси инсонда инсоний "бўлмоқ" истаги ўрнига бойликка "эга бўлмоқ" истагини пайдо қилди, холос.

М.Хайдеггер Европа инсонпарварлиги идивидуализм ва тажо-вузкор (аггресивлик) огушида барҳам топди деганда, эҳтимол ҳақдир. Аммо инсонпарварлик фақат гарбда туғилган эмас. Унинг асослари Шарқ фалсафаси ва ҳикматларида, зардустийликда, ислом ва суфийлик таълимотида мужассам топган. Бундан ташқари, цивилизация тараққиётининг ўзга йўллари мавжудлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Инсоният қандай йўлдан кетмасин, у А.Швейцер таъкидлаганидек "ҳаётни эъзозлаши керак" Бу ҳам, ўз моҳият-мазмунига кўра, инсонийлик маъносидаги инсонпарварлиқдир. Ҳаётни эъзозлаш гояси ҳам инсонпарварлигимизнинг энг қадимий илдизларига бориб тақалади. Фан ва техниканинг ютуқлари туфайли ривожланган мамлакатларда инсонга зуғум ўтказиш даражаси пасайди, бироқ инсоннинг табиатга ҳукмронлиги орта бошлади. Энди инсонпарварлик нафақат инсонга, балки табиатга ҳам керак бўлиб қолади. Бу — экологик инсонпарварлиқдир. Экологик инсонпарварлик инсонга ҳам, табиатга ҳам зўравонлик қилишни инкор этади. Бу унинг бош гоясидир. Бугунги кунда экологик, ижтиомий, шахс маънавияти ва унинг ички дунёсидаги танглик ечимини топишда ёрдам берадиган концепция зарур. Чунки ҳозирги замон цивилизацияси одамларнинг табиат билан уйгун яшashi муаммосини эътиборга олмаяпти.

Тажавузкор-истеъмолчилик руҳи инсонни нимани хоҳласа, барчасини табиатдан тезроқ олишга ва бу эса, ўз навбатида, экологик тангликка олиб келди. Ҳозирги замон экологик вазият янги турдаги цивилизация шаклланишига туртки беради. Табиат ахлоқ соҳасига даҳлдор бўлади. Тўғрироги, табиат ҳолати инсон ахлоқининг ўлчовига айланди, яъни атроф-муҳит, табиат ҳолатига қараб, инсон ахлоқига баҳо берилади. Бу фан-техника қудратининг оқибати тарзida юзага келади.

А. Щвейцернинг фикрича, Гарб цивилизациясининг фожеаси шундаки, у этикадан айри тушган маданият билан қаноатланмоқчи бўлди. Аммо охирги мақсад индивиднинг маънавият ва ахлоқий жиҳатдан камол топишидан иборат бўлиши керак. Янги Европа маданияти эса, моддий фаровонлик ўсиши билан маънавият ҳам юксалади, деб ҳисоблаганди. Афсуски, бундай бўлмади. Олим қадими ги хинд ҳикматларига асосланиб шундай ёзади: "Ҳақиқий ахлоқий фазилат соҳиби бўлган инсон учун ҳар қандай ҳаёт муқаддасдир. ҳатто, у бизнинг инсонийлик нуқтаи назаримизда жуда қуий даражада бўлиб туюлса-да, эъзозлашга арзигулиқдир"

Экологик ва ижтиомий танглик амалий инсонпарварликни талаб этади ва айни вақтда улар инсониятни янги назарий погонага кўтарилишига мажбур этади. Ҳақиқий глобал онг ва дунёвий маданиятга бир маданиятни бошқасининг сўндириши ёки қандайдир

янги тизимларни оқилона лойиҳалаш билан эмас, балки одамлар ва міллатларни умуминсоний ахлоқий донишмандик ўзанига бирлаштириш орқали эришилади. Чунки муаммоларни ҳал этиш учун дунё зўрликсиз бирлашиши керак.

Янги экологик фикр зўравонликсиз ақидасига асосланилган анъанавий инсонпарварлик билан бирлашиши лозим. Бу эса янги экологик инсонпарварлик гоясига асос бўлади. Экологик инсонпарварлик Шарқ ва Фарб анъаналари туташган жойда камол топади. Масалан, Фарб экологик муаммоларни ҳал этишда фан—техникикавий йўналишда кўп нарса бериши мумкин. Хиндистондаги зўравонликсиз гояси, Турон замин одамларининг анъанавий сабр-тоқати ва маънавий сифатларининг унга уйгунлашиши нур устига аъло нур бўлади. Экологик қарашлардаги бундай уйгунлик, шубҳасиз, жуда фойдалидир. Экологик инсонпарварликнинг синтезлашган қудрати унинг яралишида бевосита иштирок этадиган маданият тармоқларининг синтезида ҳам ўз ифодасини топади. Бу санъат, дин, фалсафа, сиёсат, ахлоқ, фан ва бошқалардир.

Экологик инсонпарварлик табиат (ҳайвонлар муҳофазаси, атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш)га, одамлар (маданият ва индивидуалликдаги ҳар хилликни сақлаш)га, Универсумга бўлган муносабатнинг ўзгаришини талаб этади. У инсонга ва ҳайвонларга бўлган муносабатларни инсоний асосда бирлаштиради. Инсон ва ҳайвон хуқуқи унда бир хилда муқаддасдир.

Агар инсон экологик танглик ҳолатларини бартараф этмоқчи бўлса, табиатга зўравонлик қилмасликка ўрганиши ва уни ўзига бўйсундириш истагидан воз кечиши керак. Тўгри, ҳётда куч ишлатиш лозим бўлади. Аммо зўравонлик қилишни истамаслик ёки уни камайтириш инсон измидадир. Айримларнинг хулқ-атворимизга ҳеч нарса боғлиқ эмас, дейишига эътиroz билдириб айтиш мумкини, ҳар қалай шахсий хатти-ҳаракатнинг маъноси бор ва у жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ҳали одамзод ақлий жиҳатдан камол топмаган даврларда у табиатдан қўрқарди, унинг гайритабиий ҳодисаларига сигинарди. Инсон табиат ҳокимлигидан қутилиш йўлида унга нисбатан куч ишлатди. У энди табиатдан гўё устун, бамисоли унинг ҳукмронлигидан қутилди (ҳар нечук инсон ҳозирги шароитда шундай деб ўйлайди). Табиат устидан галаба қилинди. Аммо энди унга ортиқча зугум ўtkазиш хавф-хатарлидир. Одамлар энди табиатга ҳукмронлик қилиш ўзларига қарши ҳаракат эканини яхши тушуна бошлашди. Табиатга нисбатан инсонпарварлик шахсларро муносабатларда зўравонлиқдан воз кечишининг далили ҳисобланади.

Нима учун экологик нуқтаи назардан инсонпарвар бўлиш керак? Дунё қанчалик хилма-хил бўлса, у шунчалик барқарордир. Ҳозирги хилма-хилликни сақлаш дунёни асраш демакдир. Бунда

нафақат моддий дунё, балки инсон руҳи ҳам асралади. Буни ҳозирги замон руҳшунослиги ҳам Э.Фром қарашлари тимсолида тасдиқлайди. Бунга карма қонунини мисол қилиб көлтириш мүмкін. Ҳинд фалсафасыда карма қилингандар гунохлар учун жазо ҳисобланади. Зўравонлиқдан воз кечиб, биз ҳам табиатни, ҳам руҳимизни асраймиз.

Биз ҳозир яккаю ёлгиз умуминсоний ҳақиқатни билмаймиз. Зеро, уни ҳали топа олганимиз йўқ экан, демак, одамларга нисбатан зўравонликни ҳам қўллаб бўлмайди. Табиатга нисбатан ҳам шунга уҳшаш гап айтиш мүмкін. Бизга ҳозирча мутлақ ҳақиқат номаълум, шунинг учун уни аниқлай билмаганимизча табиатга эътиборсиз бўлишга ҳақимиз йўқ. Экология соҳасидаги вазият ўзига хос ҳусусиятга эга. Инсон табиат кучларини куч билан эмас, балки муҳаббат билан мувофиқлаштириши керак. Табиатга муҳаббат тушунчаси унинг устидан ҳукмронликка интилишга тескаридир. У "мувофиқлаштириш", "оптималлаштириш" ишларига боғлиқ бўлмаган ҳолда муҳим бўлиб қолаверади.

Истеъмол цивилизациясининг моддий тараққиёти танглилка олиб келмайди. Нега деганда, моддий эҳтиёж, таъкидлаб ўтилганидек, принцип жиҳатдан чексиз ортиши мүмкін. Бу эса биосферанинг ортиб борувчи эҳтиёжни қондириш имкониятига зид келади. Экологик инсонпарварлик айни қарама-қарши зиддиятни барта-раф этиш ёки кучсизлантириш имконини беради. Экологик инсонпарварлик ҳозирги замон инсонпарварлигининг янги шаклидир. У ижтимоий адолат учун кураш гоясини ва ҳарбий куч қўллашга қарши акцияни, яшиллар ҳаракатни ва ҳайвонлар ҳуқуқи учун ҳаракатини, жонзортсеварлик ва раҳм-шафқат (мурувват) кўрсатиш та-мойилларини бирлаштиради.

Унинг асосий қоидалари: инсоннинг табиат билан уйгунилиги; барча тирик жонзортларнинг тенг эканлиги; зўравонлик қиласмаслик; истеъмол ўрнига ўз-ўзини чеклаш; меҳр-мурувватли ижодкор шахс бўлиш; ахлоқий камол топиш зарурати; дунё учун шахсий масъулият; экологиянинг олтин қоидасига амал қилиш; эксплуататор синфлар билан ҳамкорлик қиласмаслик; табиат, инсон ва маданиятнинг хилма-хиллигини сақлаш ва бошқалар.

Экологик инсонпарварликни таргигбот қилиш экологик ҳуқуқга, яъни инсон ва табиатнинг ўзаро таъсирини мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий меъёрий тизимга катта таъсир кўрсатади. Экологик ҳуқуқ икки асосий маънода тушунилиши мүмкін. Энг аввало, бу одамларнинг табиатга бўлган ҳуқуқи. Маълум кишилар ва корхона — ифлослантирувчilar томонидан давлатга етказилган зарарни тўлаш (қоплаш); экологик ошкоралик, яъни табиий муҳитнинг ҳолати тўгрисида тўла ахборот бериш, турли экологик ташкилотларни бирлаштириш; экологик суҳбат, йигилиш, мунозаралар, шиорлар билан

чиқиши ва бошқалар экологик ҳуқуқ даражасига киради. Буларнинг барчаси шахснинг асосий ҳуқуқини тұлдирувчи экологик ҳуқуқ бўлиб, инсон фаолияти миқёсларининг кенгайиши билан bogлиқ ҳолда зарурый ҳисобланади.

### 3.3. Маънавият ва экология

Атроф-муҳит мувозанати ва табиат ҳолатидаги мувофиқдилар инсон ҳаётининг маромини белгилайди. Бироқ, бизнинг назаримизда, "кўнгил экологияси"ни, маънавий таназзулларни асло ёддан чиқармаслик зарур. Негаки, бойлик ортидан қувган, очкўзлик хасталигига дучор бўлган, фақат ўз нафси ва ҳузур-ҳаловатини ўйлаган кимса ўзига ҳам, бошқаларга ҳам, табиатга нисбатан ҳам бешафқат бўлади. Унинг табиат емирилиши, охир-оқибатда адои таомом бўлиши билан мутлақо иши йўқ. У онгсизлик оламидаги инстинктив майл-кучлар даъвати илиа иш кўриб, гафлат дунёсида телбаларча тентираиди, холос. Айтайлик, ҳозирги вақтда ҳар йили минглаб ўсимлик турлари, юзлаб тирик жонзотлар бутунлай қирилиб, йўқолиб бораётгани ҳам айрим замондошларимизнинг қалбини ларзага сололмайди. Улар ўз ташвиши, турмуши, ҳузур-ҳаловати ҳамда тинчлигини ўйлаб бутун фаолиятини шахсий мақсадларга йўналтиради. Инсоннинг оқибатни ўйламасдан қилган баъзи фаолияти нималарга bogлиқ? Жамият тараққиётидаги ижтимоий шартшароитми ёки онгсизлик моҳиятни тушунмаслик оқибатими?

Тараққиёт жараёни мураккаб вазиятларни юзага келтиради. Онгсизлик ҳам инсонга хосдир. Ҳамма нарсани бирданига билиш - тушуниш имкони ҳам йўқ, имконият даражалари чеклидир. Бироқ инсонда билимни ўз вақтида амалиётга тадбиқ этиш имкони мавжуд. Бу имкониятни кўра билмаслик — моҳиятни тушунмасликдир. Шароит мажбур қилган ҳолдагина инсон муаммо устида бош қотириша бошлайди. Масалан, ҳалигача инсоният ўзида атроф-муҳит, шахс, табиат, онг, фикр, ҳис-туйғу, фаолиятнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги назарияга эҳтиёж сезганича йўқ. Ҳолбуки, бунга зарурат бор. Қандай яшаш хусусида бош қотириш муносабатлар учлови бўлолмайди. Ондаги маҳдудлик имкониятлар излашга йўл бермайди. Инсон кўнглининг қоронгу гўшалари шуур нури илиа ёритилмас экан, у ёлғон гоялар, сароб ишончлар оғушида яшайверади. Ишонч ортидаги муаммони кўрмаслик — ақлнинг гафлат тузогида банди эканидан далолат.

Ақлга назария йўл кўрсатса, амалиёт сабоқ беради. Оқибатда у — олам бағридаги чексиз Қудрат элчисига айланади, муаммоларни ҳал этиш имконидан хабар беради. Бунинг учун ақлга чекланиш эмас, кенг маънодаги ҳурлиқ зарур. Хўш, ақл ҳурлиги нима ўзи? Англашсиз ҳурлиқ йўқ. Англашгина инсонни ўтмишнинг анъанавий асоратлари занжирни ҳаласидан, кўркув ҳиссидан холос эта олади.

Бир сўз билан айтганда, эндилиқда ижтимоий тузумда экологик муаммолар ва ахлоқий ҳолатларнинг замонавий, ўзига хос сифатлари юзага келди. Инсон ўзини юксак ахлоқ соҳиби ҳисоблаган ушбу замонда ақл фаолияти натижасида об-ҳаво, атроф-муҳит шароитлари ёмонлашиб, уммонлар ифлосланиб, тупроқ унумдорлигигин тобора пасайиб боришини сайёрамизнинг тадрижий такомили ва ривожланиши оқибати деб бўладими? Хароб бўлаётган замондан келажакда катта бойлик, иқтисадий фойда кутиш — ўзини алдаш ёки ақдий заифлик эмасми? "Хўш, нима қилмоқ керак?" дарсиз.

Ақл фаолияти натижасида пайдо бўлган мурракаб жараён муаммосини фақат ақл ва у юзага келтирган цивилизация ёхуд тараққиёт имкониятлари ёрдамида ҳал этиш мумкин. Ҳозирги замоннинг тараққиёти ва ҳолатидаги асосий зиддиятлар ана шулардан иборат. Гарчанд, инсоннинг фаолияти оқибатида юзага келган ижтимоий ва табиий муаммолар бир оз фожеавий туюлса-да, бироқ уни ишонч ва умидлар туйгуси ҳам сира тарк этмайди. Илло, ақл — ақлли инсон тур сифатида турнинг табиат ва шароитга шунчаки мослашуви таянчигина эмас, у яратиш воситаси ҳамдир. Унинг бошқа сифати ҳам бор, бу билиш қуролидир. Эндилиқда инсон ақл туфайлигина ҳар қандай ҳавф-хатарни олдиндан кўра олади ва ўз олдига аниқ мақсадлар қўяди, энг муҳими, масалани ҳал этишнинг янги-янги йўлларини ўйлаб топиш заруратини англаб етади.

Буюк физик Нильс Бор атроф-муҳитда кечеётган жараёнларни ҳеч қачон фақат бир тил, яъни, бир фанда тўпланган билимлар билангина тўла тавсифлаб беришнинг имкони йўқ, деган эди. Бу гап ижтимоий, руҳий ҳодисаларга ҳам тегишилдир. Ҳақиқатан, ўрганилаётган ҳодиса-жараёнларнинг хусусиятлари турли фан тавсифи ва талқинларида чуқурроқ ойдинлашиб боради. Бу эса ҳар қандай манба, сабабият ва муаммони турли нуқтаи назардан изоҳлаб ўрганиши тақозо этади. Экология ва инсоннинг ҳозирги замон маънавий олами, туйгу, кечинма, майллари ҳам бундан мустасно эмас. Уларни бир томонлама ўрганиш, тушуниш ва тушунтиришга ҳаракат қилиш — кишини ҳақиқат моҳиятидан йироқлаштиради.

Умуман олганда, тушуниш муаммоси абадий муаммолардан биридир. Сабабини билмасдан туриб, муаммони ҳал этиб бўлмайди. Сабаб асосида эса моҳият ётади. Демак, тараққиёт муаммоси ва у билан боғлиқ экологик ҳамда ахлоқий-маънавий масалаларни ўрганишда ҳам турлича талқин (интерпретация) ва умумий холоса ҳамиша муҳимдир. Зоро, бу принцип масалага шахсий нуқтаи назардан ёки фақат давлат манфаатларидангина келиб чиқиб эмас, билъакс, моҳиятни англамоқ учун теранроқ, янада кенгроқ ёндашишга олиб келади.

Агар инсониятда сайёрамизнинг эркин энергияси ва бошқа табиий захиралардан тұғри ва оқилона фойдалана олиш қобилияти тұла шаклланмаса, ижтимоий тузулмалар үртасидаги муаммовий зиддиятларга ҳам яқун топмайды. Афтидан, келажақда ҳам шундай бұлади. Шу боис мувофиқлаштириш имкониятларини излаш жара-әнидаги зиддиятли ҳолат ва тамойилларни үрганиш жамият тарақ-қиётининг ҳозирғи босқичида жуда мұхим ақамият касб этади. Би-лишнинг худди ана шу соҳасида инсоннинг қудратли қобилияти намоён бұлса ажаб әмас. Зеро, инсон үз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тараққиёттің зарурый үнсурларини мустақил ва мақсаддаға йұналтирилган тарзда шакллантира олади.

ХХ аср инсониятида янгича сиёсий дүнёқарааш ва экологик тафаккур шаклланған. Бу дүнё олимларининг табиатни мұхофаза қилиш, экологик муаммоларни ҳал этиш борасидаги үзаро ҳамкор-лігі ва мұносабатларда катта ақамият касб этмоқда. Инсоният боши узра икки хавф-хатар зарбаси мұаллақ турибди. Бу — ядро-вий ва экологик ҳалокатлардир. Янгича дүнёқарааш эса ана шу икки хавф-хатарни инсоният тарихидан бутунлай бартараф этиш-га йұналтирилған. Бу охир-оқибатда инсониятны үз-үзини ҳалок этиш муаммосидан холос этиши лозим. Янги тафаккур — дүнёқа-рашнинг фаоллиги, кучи ва амалий ақамияти, унинг үзига хос жи-хатлари ҳам худди ана шунда күринади.

Бу янгича ягона дүнёқарааш, энг аввало, бутунғи дүнёнинг ора-сига нифоқ тушиши мүмкін бұлған, зиддиятларға бой, майда бұлак-ларға бўлингани, үзаро қарама-қарши турли ижтимоий тизимлар, дүнёқарааш, этиқод-ишонч, диний ақидалар шаклланғани ҳисобга олинса ўта мұхимдир. Зеро, айни ҳолда дүнёнинг ягона-яхлитлиги тушунилади. Бунда фақат инсонияттнинг бир бутунлигина әмас, балки унинг табиат билан бирлиги ва уйғуnlиги ҳам эътиборга олинади. Гап инсонияттнинг ҳаёт-мамоти ҳақида кетар экан, демек, умумин-соний қадриятлар барча-барчасидан устун күйилмоги зарур. Ҳозир-ги ёшларимиз экологик билимлари кишини унчалик қанотлантир-майды. Умуман, экологик тафаккур йигит-қизларимиз онғида, ил-мий дүнёқарашида чуқур илдиз отмоги керак.

Одамлар ҳозир кундалик ташвишларига құмилиб қолғанлиги туфайли экологик муаммолари билан унчалик қизиқышмайдилар. Табиаттнинг емирилиши, ҳалокатларға дұчор бұлаётгани хусусида фақат мұтасадди шахсларгина бош қотиради, холос. Бизда одам-лар, ижтимоий тузилмалар, ташкилот ва корхоналарнинг ерга, тупроққа, табиатта бұлған мұносабатлари илмий-амалий жиҳатдан чу-қур үрганилиб, зарурый хулосалар чиқарылмаган. Бу борада илмий башоратлар, асосий дастурлар ҳам етарлы әмас. Чунки келажақда-ги иқтисодий тараққиёт ва умуман, үсиш чегараси, тупроқ ва мұ-хит ҳолатига, табиаттнинг захиравий имкониятлари, инсоннинг та-

биат билан муносабатлари тарзи, фикрлаш услуби ва ўзаро муло-қот-муомалаларига боғлиқдир. Булар ҳақида чуқур билимга, маъ-лумотга эга бўлмасдан туриб, экологик онгни қарор топдириш ва демак, экологик муаммони ҳал этиш борасида гапирмаса ҳам бўлади.

Инсоният учун Ер яккаю ёлғиз, танҳо, яхлитдир. Одамзотнин Ердан бошқа таянч нуқтаси йўқ. Шу боис, сайёрамиз муаммоси, инсон муаммоси, тинчлик ва қуролсизланиш, экологик таназзул, демографик (аҳолининг кўпайиши), озиқ овқат, қалоқликка барҳам бериш, энергия ва хом ашё, уммонлардан фойдаланиш, космик фазони тинчлик мақсадларида ўзлаштириш каби дунёвий муаммолар ҳамиша олимлар, сиёсий арбоблар ҳамда жамоатчиликнинг диққат-марказида турибди. Бироқ бутунги кунда бу борадаги муаммоларни ҳал этишда олимларимиз дунёвий илмий башорат, дунёвий фараз, дунёвий лойиҳалар ва уларни тайёрлаш, яратишда катта ташабbusлар билан чиқаяпти, деб айта олмаймиз. Ҳолбуки, дунёвий муаммоларнинг барчаси ўзаро алоқадор. Демак, улар, энг аввало, инсониятнинг маънавий муаммосини ҳам белгилаб беради.

Дунёвий муаммолар инсоният маънавиятини кемтиклаштириб қўядими ёки маънавиятдаги нуқсонлар, номукаммаллик дунёвий муаммоларни келтириб чиқарадими, деган саволлар ҳам тутилиши табиий ҳолдир. Бу саволлар ҳали инсониятнинг камол топмаганини, у бор-йўғи ривожланиш босқичида эканини билдиради. Ҳар қалай, юксак маънавият тугилган муаммоларни ҳал этишда асосий мезон бўлиб хизмат қиласи. Шу боис бизда маънавият ва маърифат масалаларига катта эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Айнан шу борада барча соҳа олимлари катта ташабbusлар билан чиқишлиари лозим. Зеро, бутоқ гояларни амалга оширишда шахсий субъектив омил аҳамияти ҳамиша беқиёс бўлган. Шунинг учун ҳам бизнинг теварак-атрофимиздаги табиатнинг ҳолати учун юксак масъуллик ҳисси — ҳозирги замон инсонининг ахлоқий ва ақлий даражасини характерловчи кўрсаткичлардан биридир.

Бутунги кунда инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари жуда кўп ва тобора ортиб бормоқда. Ҳар қандай муаммони, хусусан, экологик масалаларни ҳал этишда ҳам зиддиятлар тугилади. Муаммоларни зиддиятсиз ҳал этишнинг иложи борми ўзи, деган савол тугилиши табиий, албатта. Оламнинг асоси зиддиятдан иборат. Билим — инсоннинг ақлини кўпайтираверади, бироқ, афсуски, ҳамиша ҳам унинг нуқсон-қусурларини камайтиравермайди. Яратиш бузиш, емириш эвазига амалга оширилмаслиги керак. Инсон учун яшаш мазмуни атроф-муҳитни емирмоқ эмас, табиатни, оламни ўрганмоқ, билмоқдир. Яшамоқ — фақат нафас олмоқ, емоқ эмас, изланиш, камолот сари талпиниш, севиш, дунёни гўзал қилиш демакдир. Яшамоқ — жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун ривожлан-

моқ, гүзәллиқдан завқланмоқ, ҳайратланмоқ, уни асрамоқ, эъзозла-моқ, дегани ҳамдир. Буни англамаган ва билмаган инсон қалбидә ҳеч қачон гүзәллик түйгуси бўлмайди. Ундалар үзига ҳам, үзга-ларга ҳам, табиатта ҳам шафқат қилмайди. Үз ҳузур-ҳаловати йўлида очкўз ва бешафқат бўлган инсонни ақлли инсон сиқиб чиқариши лозим. Мақсад сари онгли равищда йўналтирилмаган ва назорат-сиз ривожланган маданиятнинг фойдасидан зарари кўпроқдир.

Агар инсоният ўз эҳтиёжларини маълум даражада чекламаса, очкўзлиги ҳаддан ошса, табиат захираларидан оқилона фойдалан-маса, теран маънодаги уйгунлик қонунига амал қилмаса, бир куни охири вой бўлади.

Қадимги афсоналардан бирида ниҳоятда бой-бадавлат бўлишни орзу қилган киши ҳақида ҳикоя қилинади. Унинг ҳаддан ортиқ очкўзлигини кўриб турган Оллоҳ унга атайин сирли бир фазилат ато этибди. Унинг қўли нимага тегса, бас, у ўша заҳотиёқ олtingга айланиб қоладиган бўлибди. Бундан қувончи ичига сигмаган ҳалиги кимса, телбаларча югуриб қўлини атрофидаги ҳамма нарсага тегизиб чиқаверибди. Хуллас, буюмлар, дараҳт, гул, қушлар-у ҳай-вон, ер ҳаммаси ўлик олtingга, ялтироқ маъданга айланиб қолибди. У қаёққа қадам ташламасин, олтинлар жаранглаб овоз чиқарибди. Аммо тезда унинг ҳадсиз шодлиги ниҳоясига этибди. Чунки унинг кийимлари совуқ совутга айланиб қолибди, овқат емоқчи бўлса, олтин ҳарсанглар тишларини синдирибди. У бадбахт қайгу-аламдан телбага айланиб, очликдан хору зор бўлиб, дунёдан кўз юмган экан.

Инсоннинг эҳтиёжи, истаги ниҳоятда чексиздир. Лекин унга ортиқча эрк бериб юбориш, муқаррар равищда инсонни ҳалокатга олиб келади. Инсониятни, агар қўйиб берса, бутун оламни ўз шах-сий мулки, деб ҳисоблайдиган жоҳил кимсалардан Худонинг ўзи асрасин! Демакки, Олам ва Инсонни инсондан, яъни ёмон кимсаю бадниятлилардан асрамоқ ҳам фарздир.

Экология яқин вақтлардагина юзага келган муаммо эмас. Гар-чанд, "экология" атамаси эндилиқда матбуотга мустақкам сингиб, радио ва телевидениеда тез-тез тилга олинниб турса-да, назаримизда, экология муаммоси инсоният пайдо бўлганидан бўён мавжуд-дир. Чунки экология жуда тор маънода тириклик, жонзор, унинг аъзолари ва муҳитнинг ўзаро боғлиқлигини ёки инсон ҳамда табиат ўртасидаги ўзаро таъсир масалаларини ўрганибгина қолмайди. Экологияяга даҳлдор бўлмаган бирор соҳанинг ўзи йўқ. Экология, энг аввало, инсоннинг маънавияти, руҳий дунёси билан чамбарчас боғланган. Инсоннинг турли-туман жисмоний ва руҳий жиҳатдан хасталикларга чалинишидан тортиб, то унинг хулқ-авторидағи ҳар хил иллатлар, айтайлик, гафлат, билимсизлик, жаҳолат, худбинлик,

фақат ўз мақсад гояларини яхши кўриш, очкўзлик, қизганчилик ва бошқалар, сўзсиз, инсон маънавияти оламининг зиддиятли экологиясига бориб тақалади.

Иллатлардан холи бўлиш имкониятини кишининг маънавияти белгилаб беради. Киши бирор соҳада иқтидорли, моҳир касб эгаси ёки катта раҳбар бўлиши мумкин, лекин бу унинг ҳали маънавий жиҳатдан камол топгани дегани эмас. Маънавий камолотга тинимсиз меҳнат, руҳий изланиш, покланиш, қийинчилик, изтироб, алам, машақат, муҳаббат орқали эришилади. Улар кишига сабоқ беради. Бироқ сабоққа нописандлик, уни тушунмаслик бор. Бисёр камолот, мукаммаллик йўқ, бўлмайди ҳам. Атроф-муҳитга тарқаладиган, одамларга таъсир кўрсатадиган салбий қувват манбалари: нафрат, ҳақорат, бадсўзлик, газаб, хўрлаш, тавқи лаънат, уруш-жанжал, зиддият ва бошқалар кишининг маънавий жиҳатдан ўта қашшоқлиги ни билдирамайдими? Агар таъбир жоиз бўлса, табиатнинг турли манбалардан заҳарланишини инсон онггининг ҳасад, ёмон ният, ёвуз фикр, кўркув, гумон, тушкун кечинмалар таъсирида "ифодаланиши"га ўхшатиш мумкин. Маънавий жиҳатдан юз тубан кетиш эса инсон маънавий оламининг даҳшатли руҳий-экологик инқирозидир.

### 3.4. Адабиёт ва маънавият экологияси

Эҳтимол, кимdir маънавият тармоқларидан бири бўлган, масалан, адабиёт учун экологиянинг сира дахли йўқ-ку, деб эътиroz бирдириши мумкин. Назаримизда, эндилиқда экологияни фақат табиатдаги мувозанатнинг бузилишигагина боғлаб тушунтириш ва тушиниш мутлақо ярамайди. Энди экология дахл қилмаган бирор соҳанинг ўзи йўқ ва бўлмайди ҳам. XX асрда у жуда теран маъно касб этади. Ҳозирги вақтда теран экология фалсафаси мавжуд.

Қийналиб жон бераётган шўрлик жонзорларнинг оғриқларини қалбан ҳис этолмаслиқдан тортиб, токи ёлгон нарсаларга ишониб, оддий кўнімалар гирдобида яшамоқ, фойдасиз анъанаалар қолипидан чиқолмаслик, ирсий, жамоа онгсизлиги таъсирида бўлиш, инсоний муаммоларни ўз шахсий манфаатлари ва мақсадлари нуқтаи назаридан ҳал этишга интилиши ва бошқа иллатлар одамзот маънавиятдаги мажруҳлик — маънавият экологиясиdir

Дунёда ижтимоий тузилиши турлича бўлган жамиятлар мавжуд. Уларда ҳар хил дунёқаращдаги инсонлар яшайди. Дэйдаги кўпгина мамлакатлар жамияти инсонларига қўйидаги руҳий жараёнлар хосдир. Сурбетларча ёлгон гапириш санъатини ўзлаштириш, манфаат йўлида ўзгаларга шафқат қилмаслик, ҳақсизликни ҳақиқат, шахсий мулоҳазаларни ижтимоий меъёр тарзида қабул қилиш, ижтимоий ҳаёт дарёсидаги "кўпиклар" — ўткинчи жараён-

ларни тарихий воқеа сифатида улуглаш, ўз шахсий кечинма ва мулоҳазаларни яхши кўриб, унга маҳқам "ёпишиб олиш" ва уларнинг "наъшидали" таъсиридан холи бўлмаслик, ёлғонларни рост қилиб кўрсатишга уриниш ва инсоннинг маънавий оламидаги бошқа мажруҳликлар кўнгил экологияси муаммоларидир. Чунки уларнинг акси жамият ва табиатга бўлган муносабатларда кўринади. Адабиёт эса инсон маънавияти оламида худди ана шундай иллатларни бартараф этишда, унинг қоронгу гўшаларини ёритишда, мусаффо айлашда хизмат қиласди. Инсоннинг табиат ва унинг жонзотларига бўлган муносабатини маънавияти белгилаб беради. Демак, инсоннинг экологик онггини шакллантириш ва унинг маънавиятини юксалтиришда, экологик онггини қарор топдиришда адабиётнинг хизмати бошқа фанларницидан кўп бўлса кўп, аммо кам эмас.

Табиатга boglab инсонни ва аксинча, инсонга boglab табиатни ўрганиш муаммоси ҳам кўндаланг турибди. Унинг ижтимоий ва маънавий ҳаёти, ақлий ва амалий фаолияти тараққиётини тадқиқот қилиш маънавиятининг умумий ҳолатини тажрибаларга таяниб аниқ тавсифлаш ўта муҳимдир. Бу эса инсон табиатини ўрганишнинг кенг доираси йўналишларини ўз ичига олади.

Табиат — инсоннинг гўзаллик ҳақидаги тасаввурлари биринчи манбаидир. Табиат гўзаллигини ҳис қилиш, унга бўлган инсоний муносабат аста-секинлик билан маънавиятига bogliq ҳолда ривожланади. Бадиий адабиётда табиатга бўлган меҳр-муҳаббат ёки шафқатсизликлар жуда кўп тасвирланган.

Табиатга инсон меҳри уни тушунишдан, бу гўзалликдан завқлашишдан, у билан ўзини бир бутун, яхлит ҳис қилганида кўринди. Шоир Азим Суюн бу ҳолатни гўзал ифодалаб берган:

О, куз сенинг турлик кўринишларинг  
Мен учун суюмли ва азиз бирам.  
Оқшом чўкканидаги уринишларинг,  
Тонги шафакларинг сирли ва теран.  
Феруза сойларинг кирғокларида  
Хазондан бехабар яшил майсалар...  
Менчалик уларни хеч ким севмагай,  
Умрнинг сермасъул бу чоғларида.

"Табиатни ҳис қилиш табиатда акс этган шахс ҳаётини ҳис қилишидир", деган эди рус ёзувчиси М. Пришвин. Табиатнинг ҳам инсонга ва унинг хатти-ҳаракатларига ўхшаш жиҳатлари кўп. Масалан, айрим ўсимликлар ўзининг пўстлори ёки баргини шикастлаган киши яқинлашганида гужанак бўлиб олади ва аксинча, майин мусиқа оҳангларида тез ривожланади.

"Хәйвонот оламида" телекүрсатувларидан бирида зөгча билан чумчук воқеаси ҳикоя қилинганди. Бир чумчук оёгидан тузоқقا илиниб, дараҳт шохига осилиб қолади. Зөгча түмшүги билан тузоқ ипини узид уни оздликка чиқаради. Буни инсонлардаги раҳм-шашфқат, бурч ва ҳамкорликка таққослаш мүмкін. Итнинг ўз эгасига қанчалик садоқати ва вафодорлиги, ҳатто уни эгасининг вафотига бардош бера олмай ўлиб қолиши ҳақида ҳикоялар ёзилган. Инсоний түйгулар ва инсонпарварликнинг шаклланиши ҳам барча жониворларга меҳр билан қаращдан бошланади. Табиат образи бизнинг қалбимизда Ватан түйгусини уйготади.

Шубҳасиз, адабиёт инсон маънавиятини камол топтириш, гўзаллаштириш, мусаффо айлаш борасида хизмат қилади. Чунки маънавиятсиз инсон табиатга, унинг жонзотларига, гўзалликка, Ватан тимсолларига меҳр қўя олмайди. Адабиёт инсонда инсоний түйгуларни шакллантиради, унинг ички оламини гўзаллаштиради. Маданиятли, маънавиятли камол топган инсон учун она Ватан табиатини муҳофаза қилиш тўгрисида ғамхўрлик унинг ҳаёти ва фаолиятини узвий қисмидир. Ҳақиқий маданиятли киши табиатнинг жамият тараққиётидаги роли ва ўрнини чуқур тушунади.

Кўпинча биз, масалан, соф ҳавонинг қаердан келишини қанчалик ўйламайлик барибир уни кўрмаймиз. У ҳар лаҳзада газлар билан заҳарланиб турса-да ҳар ҳолда доимо софлигича қолади. Бунга сабаб нима? Биз кимёдан биламизки, хлорофилл ортиқча карбанат ангиридиң ютади ва кислород чиқаради. Бироқ кўпинча япроқларини юлиб ва новдаларини синдириб, бизни заҳарлашдан асрайдиган яшил дўстларимизни нобуд қиласиз. Шу боисдан ҳам адабиётнинг инсоний гўзалликка етакловчи, меҳр-шашфқатга ўргатувчи қалбини мусаффо айловчи кучидан унумли фойдаланиш керак. Бошқача айтганда, адабиёт маънавият "экологияси" муаммоларини ҳал этишда ёрдам беради.

### 3.5. Санъат экологияси

Улут аллома Арестотел таъкидлаганидек, ҳар қандай санъат генезиси маълум даражада инсоннинг табиатга тақлид қилишга ва шу тарзда у билан ўзаро муносабатини уйғунлаштиришга интилиши билан белгиланади. Санъат экологияси муаммоларни бир неча йўналишда ҳал этишга ёрдам беради. Биринчидан, у инсо, ва табиат ўртасида тикланиши лозим бўлган уйғунлик билан юглиқ. Санъат асалари бизга ўзининг гўзаллиги билан таъсир 1 ўрсатади. Гўзаллик эса, гўзалмикни ташкил этган нарсанинг барча қисмларининг қатъий ўлчамдаги уйғунлигидир.

Романтиклар рассом табиат гўзаллиги ва уйғунлигини мўйқаламда акс эттиргомги учун унинг қалби уйғунликка интилган бўли-

ши лозим деб ҳисоблашади. Шунингдек, инсон табиат билан уйгун ҳолда ўзаро таъсиранмоги учун унинг ички оламида уйгунилк жүкм сурмоги лозим. Демак, санъат инсоннинг табиат билан ўзаро муносабатларида қарор топадиган уйгунилк тимсолини ифодалайди. Зоро, гўзаллик табиатда ва табиат мавжудоти сифатида инсонда акс этади. Экологик хусусият нафақат санъатга, балки бутун маданиятга ҳам хос бўлмоги лозим. Адабиёт ва санъат эса маданиятнинг ажралмас қисмидир. Айниқса, архитектура (меъморчилик) экологиялашган бўлмоги зарур. Меъморчилик табиат ва борлиқни инсон кўли ва ақл-идроқи билан яратиш, гўзаллаштириш усусларидан биридир. Бу эса инсоннинг яшаш мұхити билан уйгунлашишида мұхим аҳамият касб этади. Бунда гап инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг гўзаллиги ҳақида кетади. Уйгунилк гоясини фан, техника ва санъат соҳаларига кенг тадбиқ этмоқ керак. Зоро, инсон ҳаётда ниманики яратмасин ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик уйгунилги учун масъулдир.

Рус ёзувчиси Ф. Достоевский "оламни гўзаллик қутқаради" деб ёзганди. Бу экологик аҳамиятга эга бўлган фикрdir. Рассом Н.К.Рерих эса унга яна бир сўз қўшди: "гўзалликни англаш оламни қутқаради". Агар бу фикрларни экологик жиҳатдан талқин қиладиган бўлсак, "гўзаллик яратиш оламни қутқаради". Бу ерда яратиш деғанда фақат санъат асарини идеал ҳолда яратиш эмас, балки оламдаги яратилган гўзаллик қонунларига кўра, барча моддий неъматлар назарда тутилади. Илло, гўзаллик яратиш ҳақиқат, эзгулик ва оламга бўлган мұхаббат, шахс яхлитлигининг шаклланиши, табиат ва инсон уйгунилгининг қарор топиши билан узвий bogliqidir. Ва ниҳоят, санъатнинг яна бир экологик ижобий аҳамияти шундаки, унинг мақсади — ҳаётий воқеликларнинг идеал моделларини яратишдан иборатдир. Худди ана шу маънода санъат асари инсон ва табиат ўзаро таъсирининг энг қуай стратегиясини танлашга ёрдам беради. Маданиятнинг турли тармоқлари ва турларини экологиялаштириш ҳамда экологик маданиятни яратиш экологик жамиятнинг мұхим ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади.

### 3.6. Янгича экологик фикрлаш тарзи ёхуд "теран" экология

Инсоният цивилизациясини мұхофаза этиш ва ривожлантириш учун биоқатлам ёмонлашиши, унинг қимматли хосса ва сифатлари йўқолишининг одини олиш, унга йўл қўймаслик ва уни сифат жиҳатдан янги ҳолат — ноосферага, яъни инсоннинг оқилона фаолияти соҳасига ўтказиш борасида дунёвий дастурлар зарур.

Академик В.И.Вернадский ноосфера гоясини илгари суриб, биринчи галда Ернинг биологик қатламини назарда тутган. Олим фикрича, биоқатлам ўз тикланиш механизмининг ижобий сифатий ўзга-

ришларига қонуний асосда ўтади. Бироқ бу қонуният асосида инсонинг оқилюна фаолияти ётади. Ноосферанинг юзага қелиши ишлаб чиқарувчи кучларнинг стихияли ривожланиши натижаси эмас. Ҳолбуки, бундай натижалар биоқатламнинг салбий, деструктив ўзгаришларида яққол намоён бўлади. Биоқатламнинг ижобий ўзгариши экологик ҳолатнинг сайёравий миқёсида яхшиланишида сезилади.

Хўш, бундай ҳол қачон юз беради? Мақсад фақат қисқа муддатларда иқтисодий фойда олишдан иборат бўлмаслиги керак. Ҳалқ хўжалиги ва саноат ривожланишининг экологик йўналишларига катта аҳамият берилсагина ижобий силжишлар бўлади. Ноосфера шаклланиши инсониятнинг ҳозирги замон тараққиёти босқичидаги асосий дунёвий масалалардан биридир. Инсон — табиатнинг узвий бир бўлаги. Бу ҳақиқатни англаб етиш — инсонларга унинг аҳамиятини теранроқ тушунмоқ ва табиатнинг буюк бойликларини келажак авлодлар учун тежаб-тергаш ва асрашда масъулликни ҳис этишга ёрдам беради. Ватанимиз бойликлари билан шунчаки фахрланиш ёки мақтаниш асло ватанпарварлик эмас, аксинча, уларни келажак авлодлар учун асраш ва кўпайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақиқий ватанпарварлик кўринишидир.

Ватанпарварлик учун мустаҳкам асос қай тарзда етилади? Ватанпарварлик инсоннинг ижтимоий-маишӣ манфати ва ҳақиқатларидан жуда юқори туради. У — Ватангага бўлган меҳр-муҳаббат, руҳ ва қалб кучидан камол топган ҳис ва ақддан озиқ олади. Ақли гафлат соясида қолган инсон ватанпарварликни ҳис этолмайди. Бундай одам фақат шахсий ҳаловати учун яшаб ўтади, холос. Ватангага бўлган муносабат бегубор, мусаффо бўлиши керак. Фақат муҳаббатгина инсонни гафлатдан қутқаради. Бироқ биз ҳануз ўз табиатига сохта гоялар, ёлгон ва алдовлар сингиб кетган собиқ шўролар жамияти таъсиридан бутунлай қутилганимиз йўқ. Қўрқув, ҳадиксираш, кўникмалар асоратидан онг ҳали бери озод бўломмайди. Бунинг учун маънавий замин етилиши зарур. Ҳурлик бор жойда эркин фикр алмашинилади, билим олинади. Ҳурлик бор жойда ривожланиш, ўсиш, парвоз бор.

Онг — англаш воситаси, онг — сирлар оламининг қалити ва инсон учун энг сўнгги чегара. У онгдан нарига ўтишга қодир эмас. Инсон фақат онгги ҳолатини ўзгаришишагина қодирдир. Андаза ичида қолган, ҳаддан ташқари ижтимоийлашган, бир хиллиқдан холос бўломмаган онгнинг одатдаги ҳолатида инсон қобилияти, унинг ақли, жисмоний имкониятлари ҳамиша чекланиб қолади. Чекланиш эса узоқни кўришга имкон бермайди. Экологик муаммолар ҳам узоқни, фаолият оқибатини кўра билмаслик, қолаверса, инсоннинг муносабатлари ёхуд маънавий оламидаги номувофилик ва номукаммалликлари натижасидир.

Экологик тафаккур кишининг билими, маданияти, тарбияси дарражасини белгилайди. Экологик маданияти юксак ҳар бир одам ўзининг касбий ва унга дахлдор бўлмаган фаолиятларида ҳам инсоннинг янада камол топиши, унинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда мустаҳкамлаш борасида руҳий-ҳиссий, ижтимоий муҳитнинг энг яхши шарт-шароитларини ташкил этиш ва яратиш мақсадига қатъий амал қилиб яшайди. Янги экологик фикрлаш тарзини шакллантириш ниҳоятда мураккаб ишдир. Бундан бир неча йил муқаддам кишилар "табиатни бўйсундириш" "табиат устидан галаба қилиш" шиорлари остида худбинона ишлари билан табиатга зуғм ўтказдилар. Табиат устидан ҳеч ким ҳеч қачон галаба қила олмаслиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмади. Эндилиқда бизга шундай таълим-тарбия зарурки, барча келажак авлодларимиз экологик ахлоқийлик фалсафасини тамомила ўзлаштириб олишсин.

Тўгрисини айтганда, бизда янги экологик фалсафа йўқ. Ҳозирги вақтда Америка ва бошқа мамлакатларда "теран экология", деган атама мавжуд. Теран экологияга мувофиқ инсонни Ердаги ҳаётнинг бошқа тур шакллари билан қиёслаб, кишилар онггини ўзгартириш ва охир-оқибатда сайёрамиздаги экологик вазиятни яхшилаш мумкин. Дунёдаги кўпгина машҳур экологлар турли илмий сафарларда бўлиб, кузатув ишлари олиб боришганда ҳамма жойда деярли бир хил манзарани кўришган. Ифлосланган ҳаво, қуриб қолган дарё сувлари, заҳарли озиқ-овқатлардан хасталанган кишилар қийналиб яшасалар-да, улардан кўпчилиги экологик муаммога бефарқ қарайдилар. Уларнинг шахсий ва оиласи манфаати сайёрамиз мусаффолиги муаммосидан кўра муҳимроқ туюлади. Нима учун шундай? Кўпгина ҳолларда муайян жойдаги атроф-муҳитнинг экологик ҳолати шу қадар аянчлики, уни кўрган кишида чорасизлик туйгуси уйгонади, холос. "Бу экологик муаммо давлат миқёсида ҳал этилмас экан, у ҳолда менинг қўлимдан нима ҳам келарди", деб ўйлайдиганлар ҳам топилади. Аммо экологик вазиятга таъсир қилувчи фаолият, хатти-ҳаракат, масалан, йирик корхоналар қуриш каби тадбирлар ҳамма вақт бирор шахснинг аниқ қарорига боғлиқ. Чунки бундай кишилар кўпинча ўз қарорининг оқибати табиатга катта зарар келтириши ҳақида ўйлаб кўрмайди, дарё ва қушларнинг нолаю дардларини ҳис қилолмайди.

Она сайёра тақдири ва ҳар бир инсону жонзотнинг тақдири ўзаро боғлиқdir. Ер — ягона, узвийдир Ҳеч ким, ҳеч қайси жонзот табиатсиз яшай олмайди, томирларимиз табиат билан туташган. Сайёрамизда содир бўлаётган ҳодиса-жараёнларни ўз ҳаётимизда юз берәётгандек тушунишимиз лозим. Машҳур эколог олим Арне Наэсс ўз ҳис-кечинмаларини шундай тавсифлаб беради: "У шундоққина кўз олдимда жон берарди. Бояқишининг жон талвасасида титтрашини кузатиб, юрагим увишиб кетди. Мен унинг азоб ва из-

тиробларини кўриб турдим. Уни сақлаб қолишининг иложи бўлмади. У менинг қўлимда жон берди. Мен даҳшатга тушдим...». У кўз ўнгига жон берган ҳашарот ўрнига ўзини қўйиб кўради. Уни ўзи билан таққослайди. Бу ҳодиса уни бефарқ қолдирмайди. Ўзини бошқа жон-зотларга таққосламасдан туриб, инсон ҳеч қандай шафқат ва ҳамкорлик хусусида ўйламайди. Бу — теран экология фалсафасидир.

## **4-боб. ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ — ЎРТА МАҲСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КОМПЛЕКС ТАРБИЯЛАШНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ**

### **4.1. Экологик онгни шакллантиришнинг асосий босқичлари ва моҳияти**

Фан-техника ва ижтимоий тараққиёт шароитида экологик таълим ва тарбия янги инсонни шакллантиришнинг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам, экологик тарбия жараёнида фойдаланиладиган асосий тушунчалар мазмунини очиб бериш тўла асослидир. Экологик онг инсоннинг табиат билан ўзаро таъсири соҳасидаги билим ва эътиқодни мужассам этади. Экологик билим бизнинг теварак-атрофимииздаги тирик табиат тузилиши, Ернинг тирик қобиги "қандай ишлаши" биосфера фаолияти ҳақидаги билимлардир. Бу билимлар одамлар ўзларининг ҳозирги ва келгусидаги биосфера билан қанчалик узвий боғланганини, табиатни муҳофаза этиш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва ҳар бир инсонда атроф-муҳит ҳолати учун масъуллик ҳиссини тарбиялаш, ҳайвонот ва ўсимлик оламини асраш объектив зарурат эканини тушуниб етишишларининг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўқувчилар билан машгулотлар утказиш жараёнида экологик тарбия ишларини мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкил этиш лозим. Бунда, энг аввало, ўқувчиларда табиатта, атроф-муҳитнинг турли обьектларига нисбатан, заводлар, фабрикалар, бригадалар, гурухлар томонидан қабул қилинган қарорларга, катта ёшдағи кишилар, ва ўртоқлари феъл-атворини, ўзларининг хулқини таҳдил этишга экологик ёндашувни шакллантириш борасида аниқ тадбирлар белгилаш лозим. Экологик тарбиянинг муҳим шакли ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими устаси (синф раҳбари, ўқитувчи, муҳан-дис-педагог, ётоқхона тарбиячиси) раҳбарлигидаги табиатни муҳофаза этиш, касб-хунар коллежи ҳудудларини ободонлаштириш, қўчат-дараҳатлар экиш ва уларни назорат қилиш; қушлар ва ҳайвонлар учун уя ва ин қуриш; булоқ, кўл ва ариқларни ахлат ва чиқиндилярдан тозалаш; туман ҳудудига яқин жойлашган қишлоқ ёки шаҳар атрофидағи оромгоҳларга оталиқ қилиш ва бошқалар бўйича ташкил этилган амалий ишлариридир.

Бундай ишлар натижасида ёшларда табиат билан боғлиқ зарурый экологик, ҳуқуқий, ахлоқий ва эстетик қарашлар шаклланади. Ўқувчилар инсоннинг табиатдаги ўрнини, она шаҳри ёки қишлоғи учун табиат муҳофазаси борасидаги фаолиятнинг аҳамиятини, ер ва ҳаво, кўл, дарёларни тоза сақлаш масалаларини ҳал этишда фаол ҳаётий нуқтаи назарнинг долзарб эканини тушуниб етадилар. Айнан ёшларнинг табиатни муҳофаза этиш борасида мақсадга йўналтирилган амалий фаолияти индивидуал экологик онгнинг шаклланишида зарурый шарт ҳисобланади. Ўзбекистонда экологик таълим ва тарбия масалалари "Боғча болалари тарбияси дастури"га ҳам киритилган. Бу долзарб масаланинг кейинги босқичлари экологик таълим мактаблари, қасб-ҳунар таълими муассасалари ва олий ўкув юртларида ҳамда бевосита корхоналарда давом эттирилади. Ўқувчиларнинг мактабда табиатшунослик, биология, география, физика, кимё ва бошқа фанлардан олган билимларидан қасб-ҳунар таълими муассасаларидағи экологик таълим ва тарбия жараёнида кенг фойдаланиш лозим.

Уста, мураббий, муҳандис ўз ишини шундай ташкил этиши керакки, у ўқувчилар учун ибрат бўлсин. Ўқитувчи, мураббий, муҳандис-педагог ўқувчилар билимини янги тушунчалар билан бойитиши, уларнинг қасбий малака ва ўқувларини ошириши, ўргатиладиган материалларни ҳам, уни тушунтириш шаклини ҳам бир оз мураккаблаштириб борган ҳолда экологик тарбия беришни янада кенгайтириши керак. Сўзлар билан бошланган ҳар қандай яхши даъват амалиётда ижтимоий фойдали ишлар билан мустаҳкамланиши лозим. Қасб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини назарий жиҳатдан тайёрлаш ишини уларнинг табиатни муҳофаза этиш борасидаги амалий фаолияти билан узвий bogлаш ва тўлдириш мақсадга мувофиқ. Масалан, хоналарда ўстирилган ўсимликларни парвариш қилиш, ҳудудларни тозалаш, ободонлаштириш, бөг-рөгларга ишлов бериш каби ишлар билан машгул бўлишлари мумкин. Ўқувчиларнинг шаҳар ва қишлоқлардаги таълим муассасаларини кўкарамзорлаштириши, ўтқазилган ниҳол дараҳтларни, ободонлаштирилган ҳудудларни ва табиатни ҳимоя қилиши, сувчилар клуби, шунингдек, "яшиллар" ва "мовийлар" ўюшмаси назоратчилари таркибида аҳиллик билан иштирок этишлари экологик билимларининг амалий ифодаси ҳисобланади.

Инсон ва табиат ўзаро муносабатларининг ҳақиқий қулай шакллари табиат ва жамият борасида гамхўрлик кўрсатиладиган жамиятдагина мавжуд бўла олади. Бундай жамиятда ижтимоий ишлаб чиқариш ва табиатни муҳофаза этиш мақсадлари ўртасида ҳеч қандай зарурат бўлмайди. Атроф-муҳитни муҳофаза этиш учун курашиш, сўзсиз, мустақил республикамиздаги ҳар бир ўқувчининг фуқаролик бурчига айланмоғи лозим. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш

лозимки, ешларнинг экологик онггини шакллантиришнинг муҳим йўналишларидан бири — уларда табиатга бўлган ахлоқий муносабатларни тарбиялашдир.

Ер, мулк, табиий бойлик эгаси бўлишининг ўзигина табиатга гамхўрона муносабатни ўз-ўзидан шакллантиравермайди. У бунинг учун асос яратади, холос. Айримлар табиат ҳеч кимни эмас, у барчага баравар, унга зарар келтирилгани билан ҳеч ким жавоб гар бўлмайди, деб ўйлашади. Нотўри тасаввур табиат бойликларига нисбатан фақат истеъмол манбаи сифатида қарашга олиб келади. Бундай муносабат эса табиатга ҳам, жамиятга ҳам зарар келтиради. Инсон табиат бойликларидан ўз моддий ва маънавий эҳтиёжлари учун фойдаланаар экан, уни қайта тиклаши, ҳайвонлар, ўсимликлар, қуш ва балиқлар, хуллас, ундаги барча жонзотлар учун гамхўрлик қилиш лозимлигини сира унутмаслиги керак. Фақатгина атроф-муҳитга бўлган ана шундай муносабатнигина ахлоқий жиҳатдан тўла асосли, деб билиш мумкин. Чунки у ҳар бир инсон учун ҳам ва ҳатто бутун жамият учун ҳам фойдаидир.

Ўқувчиларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш масаласини ҳал этиш уларни табиат билан оптималь ўзаро муносабатда бўлиш гоясини қабул қилиш ва уни амалга ошириш фаолиятига тайёрлади. Аммо шуни ҳам ёдан чиқармаслик лозимки, ахлоқ ўз мазмунида бундай ўзаро таъсир меъёrlарини бевосита акс этгирмайди. Унинг бевосита қўлланиш соҳаси — бу жамиятдан ташқарида эмас, балки унинг ўзидаги муносабатлардир. Шунинг учун ҳам, тарбиячи яхшилик қилиш, ачиниш, ҳамдардлик ва ожизларга ёрдам бериш ҳисси, эзгулик, ахлоқий сифатлар инсоннинг табиатга бўлган муносабатларида ҳам намоён бўлишини аниқ тасаввур этиши ва уни ўқувчиларга асосли равища бაён қила билиши керак. Аммо шу билан биргалиқда инсоннинг ёввойи ҳайвонларнинг ўзаро муносабатларига билиб-бilmай ёки узоқни ўйламасдан туриб аралашуви йиртқичларнинг бутун популяцияси ёмонлашувига олиб келиши мумкинлигини ҳам ёдда сақлаши лозим. Йиртқичларнинг ҳам табиатда ўзига хос вазифалари бор. Улар табиатда санитар вазифасини баъжаради, яъни табиий танлашни амалга оширади. Кучсиз ва қасалга чалинган ҳайвон табиатда узоқ яшай олмайди, йиртқичлар уларни еб кун кечиради ва шу йўл билан гўё табиатни тозалайди.

Табиатдаги ҳайвонларнинг ўтхўрлари ҳам, йиртқичлари ҳам ягона трофик (озиқ) занжир билан ўзаро боғланган. Худди шу маънода унга нооқилона аралашув табиатга бекиёс зарар келтиради. Шунинг учун ҳам бунга ўхшашиб ташқи "олижаноб фаолият" ўйлаб амалга оширилган юксак ахлоқий хатти-ҳаракатларга бевосита зид келиши мумкин. Аммо қийин аҳволга тушиб қолган бечора қушлар ва ҳайвонлар, ярадор жонзотларга ёрдам берувчи болалар ва катта ёшдаги кишиларнинг хатти-ҳаракатларини табиатга билиб-бilmай

аралашып фаолияти билан чалкаштирмаслик керак. Улар жароҳат органларини даволаб, сұнgra уларни қўйиб юборадилар.

Табиат ўз қонунлари бўйича яшashi керак. Баъзида яхши ният билан табиат ишига аралашиб, унинг қонунларини бузиб қўянимиз ва кўпинча унга зарар келтирамиз. Табиатдаги кўплаб сабаб ва оқибатлар фанда ҳали чуқур ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам унинг ишларига ҳадеб аралашавермаслик, кўпгина ҳолларда эса "табиатнинг ўзи яхши билади" ақидасига амал қилиш тавсия этилади. Уй ҳайвонлари ёки хонаки қушлар билан эса бошқача иш тутилади. Айниқса, улар қаровсиз қолдирилса, қийналиб қолишади. Натижада бу тирик жонзотлар эркинликда тезда ҳалок бўлишади, чунки улар табиий шароитдаги ҳаётга мослашмаган бўладилар. Хонаки-лаштирилган ҳайвонларни қаровсиз ўз ҳолига ташлаб қўйиш ахлоқда зиддир. Тарбиячи ўқувчиларга ўргатадиган ахлоқий меъёрлар ва баҳолар ҳақидаги билим уларнинг табиат билан ўзаро муносабатлари шаклини танлашда таянч вазифасини ўтайди. Келгусида ўқувчилар бу билимларни мустақил ҳолда тўлдиришлари керак. У экологик мавзуда ёзилган адабиётлар, олинган қўшимча маълумотлар асосида у ёки бу аниқ вазиятларда тўғри қарор қабул қила билиш лозим.

Ўсмиirlар ва қизлар ўзларининг табиатга бўлган муносабати уларнинг ахлоқий етуклиги ва тарбияланганлигини билдирувчи сифат эканини англашлари зарур. Ижтимоий тадқиқот натижалари айнан ўқувчilar орасида мазкур йўналишдаги тарбиявий ишларнинг алоҳида долзарблигини кўрсатади. Кўпгина ҳолларда айрим ёшлар уй ҳайвонларига шафқатсиз муносабатда бўлишади. Буни статистик таҳлил ва кузатиш натижаларидан ҳам билса бўлади. Бу эса болаларни оила, мактаб ва бошқа таълим муассасаларида ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда йўл қўйилган хатолар оқибатидир. Аслида улар жонзотларга нисбатан шафқатсиз бўлиш маънавий нуқсон ва унинг келгусида оғир оқибатларга олиб келишидаи хабар берувчи ташвишли ишорат сифатида қарамоқ керак. Баъзан касб-хунар коллекларида ҳам бундай тоифадаги болалар учраб туради. Агар, улар бу ерда ҳам зарурий экологик таълим ва тарбия олишмаса, у ҳолда табиатга ҳам, одамлар ҳам, ўз-ўзига ҳам кўп зарар келтириши мумкин.

Хозирги замонда кўпгина одамларнинг табиатдан "узоқлашиб қолиши" маълум даражада уларнинг маънавий оламига, тарбиясига таъсир кўрсатади. Уларда табиаттага нисбатан гамхўрлик ҳам анча хирадлашади. Айниқса, шаҳарда яшаб "маданийлашиб" кетган баъзи одамлар баҳорда кенг далаларга, табиат қўйнига чиққанларида экологик меъёрларга, ахлоқий тақиқларга амал қилмай, дарахт ва буталарни синдиради, ўтларни пайхон қиласи, гулларни юлиб ташлайди, дараҳтлар танаси, тогу тошларга, ер юзига ўз но-

мини ёки бошқа сұзларни үйиб ёзади. Аммо бунда улар нафақат табиатта, балки бошқаларга ҳам, әнг муҳими, үзига ҳам маңавий зарар етказаётгани хусусида үйлаб күрмайдилар. Бу уларнинг табиатдан, раҳм-шафқат ва гамхўрлик түйгусидан бир оз бўлса-да, узоқлашиб қолганидан далолат беради. Болаларга телевизорда бериладиган экологик тарбия сабоқларига эътибор бериши тавсия этиш фойдадан холи эмас.

Ёш боланинг табиат билан мулоқоти унда ахлоқий сифатларни тарбиялади. Бизда жуда катта тарбия тизими яратилган. Унда ўсмирларнинг табиат билан мулоқотига, унинг қонунларини, қадрият ва гўзаллигини билишга алоҳида ўрин ажратилган. Табиат — эзгулик манбаи, унинг гўзаллиги инсоннинг маңавий оламига таъсир кўрсатади. Аммо одам қалби ҳам энг олий инсоний гўзалликлар — эзгулик, ҳақиқат, меҳр-мурувват, ҳамдардлик, ёвузликка муросасизлик ва бошқа фазилатлар билан безалган бўлиши керак.

Аслида болалар ҳар бир соҳада катталардан ибрат олишади. Катта ёшдаги кишиларнинг ижобий хатти-ҳаракати ва ибратли сўзлари, табиатга бўлган амалий оқилона муносабати болалар учун сабоқ бўлади. Шунинг учун ўқитувчилар ўқувчиларга ҳайвонларни боқиш, кўпайтириш, доривор ўтлар ва ўсимликларни йигиш, атроф-муҳитни, иш жойини тоза тутиш ва бошқа масалаларда ўрнак бўлишлари керак.

Биз табиат сирларини тобора чуқурроқ билганимиз ва экологик билимларимизни кенгайтирганимиз сари барча тирик мавжудотга қизиқиш-эътиборимиз ортади. Табиатнинг табиий гўзал шакллари ва турлари ҳақидаги тасаввурларимиз янада бойийди. Ахир, табиат ва унинг турли жонзорлари ўз-ўзини яратади, қайта тиклади, камол топтиради. Фақат инсон худди ана шу жараёнларда уларга ҳалақит бермаслиги ва зиён-заҳмат етказмаслиги зарур. Ёшларнинг дунёқараши ва экологик маданияти бир-бири билан узвий bogliқdir. Ўқувчиларнинг табиатга бўлган муносабати уларнинг ахлоқий етуклиги ва қай даражада тарбияланганлик даражасини кўрсатади. Экологик онг ва экологик билимлар ёшлар дунёқарашининг таркибий қисми бўлмоги зарур. Зоро, экологик билимлар сиз экологик маданият ҳам шаклланмайди. Ёшлар ўзларининг ҳаёти ва фаолияти биосферанинг ҳозирги ва келажақдаги ҳолати билан узвий bogliқligини, табиатни муҳофаза қилиш эса зарурат эканини, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва ҳар бир шахс ўзида атроф-муҳитнинг ҳолати учун шахсий масъулият ҳиссини тарбиялаши лозимлигини англаб етиши шарт. Замонавий экологик тарбияни турли йўналишларда олиб борган маъқулдир. Чунки ҳар қандай тарбияни, айниқса, экологик тарбияни бирор андазага солиш ярамайди.

Экологик тарбия — бу табиатга мавхум мұхабbat үйготиш во-ситаси эмас, у — инсоннинг унга бұлған оқилона муносабатини шаклантириш, меҳр-мухабbatни барқарорлаشتариш усули. Шу-нинг учун ҳам у кишиларга бұлған ҳұрмат ва эътибор, ишонч, улар меңнати ва ҳаётини эъзозлаш орқали узоқ мураккаб йўлни босиб ўтади. Бироқ экологик тарбияни сира ҳам ишонтириш ва кўнди-риш, табиатни севишга чақиравчи қуруқ даъватнома тарзида ту-шунмаслик керак, у айни вақтда, маълум даражада тақиқ ва қаттиқ жазо ҳамдир.

Аммо кишида ботиний эътиқод бўлмаса, бундай тақиқлар ҳам самара бермайди, муаммолар ҳам ўзича ҳал бўлмайди. Биз "ям-яшил ўтларни топтаманг, чаманзорларни хароб қилманг" дея ба-ландрарвоз шиорлар осиб қўйишимиз мумкин, лекин саноат кор-хоналари мўрисидан чиқаётган тутунлардан ифлосланган осмонга, ҳаво қатламига, заҳарланаётган кўл ва дарёларга нима деб ёза оламиз. Ҳар қалай, табиатни севиш, эъзозлаш ва уни чин юрақдан муҳофазалаш омили — бизнинг ватанпарварлик ва фуқаролик бур-чимиз, деб билмогимиз шарт. Бу эса экологик тарбия орқали юзага чиқади. Экологик таълим-тарбияга эътибор бермаслик — келажак авлодларимиз ҳаётига бефарқлидан бошқа нарса эмас.

Камол топган ахлоқийлик, эзгулик, ўз эҳтиёжларини чеклай билиш, бошқаларнинг меҳнатига ҳұрмат билан муносабатда бўлиш ва ниҳоят, экологик саводхонлик биз учун бутунги кунда зарур бўлған нарсалар ана шулардир.

Яна бир нарсани ҳеч ёддан чиқармаслик лозим. Ҳар бир инсон табиат гўзаллигини кўра билсин, унинг сажийлигини унутмасин, табиатдан ҳайратланиб, ажабланиб, завқланиб яшасин. Илло, гўзаллик ярат билган инсонгина табиатнинг улуғлиги ва чиройини қалб-дан ҳис қила билади. Демак, у гўзаллик яратсин! Табиат гўзаллиги — унинг мўъжизаси, сир-синоати, абадийлиги, чексизлиги. Инсон она табиатни ўз жисми, деб англамоги учун иродаси имкониятларини намоён этмоги зарур. Бу имконият инсоннинг гўзал ва фусункор табиат билан уйғун яшашида ўз самараларини беради, деб умид қиласиз.

## 4.2. Экологик маданият

Экология ва маданият жуда кенг қамровли тушунчалардир. Маданият экологияяга ва аксинча, экология маданиятга турли соҳа-ларда таъсир кўрсатади. Бу тушунчалар учун умумий бўлған ман-балар ҳам хилма-хилдир. Фақат маданиятли кишигина табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсирини оқилона йўлга қўйишга интилади. Бу борадаги фаолиятини ҳам унинг маданияти белгилаб беради. Ма-даният одамларни билимли қилишга, уларга иш тартиб-қоидалари-

ни ўргатишига, қолаверса, ишлаб чиқариши, техника ва фанни экологиялаштиришига хизмат қиласы.

Техникани экологиялаштиришнинг моҳияти заҳарли газлар ва зарарли аралашмаларни ҳавога жуда кам чиқарадиган двигателлар яратиш (ахир, ҳавонинг зарарли моддалар билан ифлосланиши туфайли кўпгина ўсимликларнинг илдизи қуриб қолиши, баргларнинг саргайиб қовжираши, бинобарин, ҳаёт учун зарур бўлган кислород ишлаб чиқариш хусусияти бутунлай йўқолиши ёки пасайиши барчага аён-ку!); дарё ва денгиз кемалари тирқишиларидан сувга нефт, мой ва ёнилги оқиши эҳтимолининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш; тупроқ қатламларига (чуқур жарлик, дўнглик ва бошқа баланд-пастликлар ҳосил қилмайдиган) зарар келтирмайдиган трактор, экскаватор ва бошқа техникалар яратишдан иборат. Бундай техника лойиҳачи ва яратувчилари (ҳолбуки, уларнинг бир қисми бугунги кунда айнан касб-ҳунар коллежларида таълим олишмоқдалар) унинг асосларини ишлаб чиқишида табиатнинг ўз-ўзини қайта тиклаши қобилиятини ҳисобга олишлари керак. Бунинг учун эса яратилажак лойиҳаларга тегишли мұхандислик-техник ечимларни киритиш лозим бўлади.

Экологик маданият қўйидагиларни қамраб олади: табиатни муҳофаза этиш маданияти, табиат бойликларидан фойдаланиш маданияти, экологик тизимни ўзгартириш маданияти. Ўзида экологик маданиятни шакллантирган инсон бир туман миқёсида табиатни муҳофаза этиш борасидаги гамхўрлик ундан узоқлардаги экологик вазиятга ҳам самарали таъсир кўрсатишини теран тушунади. Табиий муҳитдаги камчиликларни бартараф этиш — барча миллат ва халқларнинг ишидир. Улар фаолиятини бир мақсад йўлида бирлаштириш экологик муаммони ҳал этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Табиий муҳитни муҳофаза этиш ва тиклаш масаласи миллионлаб одамларнинг ҳамкорликдаги ишлари туфайлигина ҳал этилиши мумкин. Жамоанинг ҳамкорлиги одамларнинг нафақат табиатни муҳофаза этиш ва тиклаш ишида фаол иштирок этишларини таъминлайди, балки табиатга нисбатан бефарқ ва айниқса, ёвузларча муносабатда бўлишга тоқатсизлик уйготади.

Саноат ва қишлоқ хўжалигидағи ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштириш табиатдан тўғри фойдаланиш талаблари билан узвий bogланиши лозим. Ишлаб чиқариш таълими соҳасидаги мутахассис ёки мұхандис-педагог табиатдан оқилона фойдаланиш тартибларига жавоб берувчи техникалар яратишда ва технологик жараёнларни ишлаб чиқишида ёшларнинг алоҳида ўрни борлигига ўқувчилар эътиборини жалб этиши зарур. Чунки мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётини жадаллаштириш бўйича ишлаб чиқилган режаларни амалга ошириш борасида гамхўрлик қилиш уларнинг зиммасидадир.

Бироқ табиатни муҳофаза этиш ишларида, аввал таъкидлаб ўтилганидек, кўплаб йўл қўйилган хатолар ва унга нисбатан масъулиятсизлик билан ёндашувлар мавжуд. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси Орол фожеасини ёдан чиқармаслиги ва шунга ўхшаш ноҳуш ҳодисалар бошқа жойларда такрорланишига асло йўл қўймаслиги керак. Маълумки, бугунги кунда Орол ўзининг ноёблизгини йўқотди. Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги экологик вазиятни ҳам унчалик яхши деб бўлмайди.

Айрим мутасадди раҳбарлар, маъмурий-бошқарув соҳасида ишлайдиган шахсларда экологик саводхонликнинг этишмаслиги, кўплаб кенг миқёсли лойиҳаларнинг табиат ва одамлар учун келтирадиган оқибатлари ҳақида ўйлашни истамаслиги, экологик маданиятининг пастлиги табиат бойликларидан фойдаланишда хатога йўл қўйишига сабаб бўлади. Бу бизнинг асло кечириб бўлмайдиган камчиликларимизdir. Ахир, биз келгуси авлодимизга фақат ўёки бу иншоотларнингина эмас, балки ишлаб чиқаришга муносабатларимиз жараёнида орттирган ахлоқий сифатларни, табиат билан ўзаро муносабат маданиятини, келажак учун масъулият ҳиссини мөрос қилиб қолдирамиз.

Экологик маданият соҳиби бўлиш — фақат табиатга зарар келтирмаслик эмас, балки унинг гуллаб яшинаши, янада яхшилашишига ҳисса қўшиш, унга бешафқатларча муносабатда бўлганларга қарши курашмоқ ҳам демақдир. Ҳозирги вақтда республикамиз миқёсида худда ана шу йўналишда иш олиб борадиган "Экосан" Халқаро жамоатчилик жамгармаси тузилган. Унинг шиори: "Табиатга оқилона муносабатда бўл!" Жамгарма фаолияти доирасида, шубҳасиз, аҳолининг экологик онгтини шакллантириш, маърифатини юксалтириш ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича ишлар ўтказилмоқда.

Умуман, маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши узоқ давом этадиган мураккаб жараёндир. Бу гап экологик маданиятга ҳам таалуклидир. Одамларнинг экологик маданияти ҳали унчалик даражада юқори деб бўлмайди. Шу туфайли кишиларнинг экологик хавф-хатарни тушуниши ҳам ҳозирча жуда секинлик билан ривожланмоқда. Бу ҳолат ижтимоий онгда ҳам ўз аксини топмай қолмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йилдаги "Табиатни муҳофаза этишини кучайтириш ва табиат бойликларидан фойдаланишини яхшилаш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида"ги қарорида табиат ҳақидаги билимларни аҳоли ўртасида оммалаштиришнинг аҳамияти қатталиги таъкидланади. Экологик маърифатдан ташқари тарбияланувчиларнинг фаоллигидан ҳам са-

марали фойдаланиш лозим. Бундай фаолликтарынан түштүрүлгөн көмүк жаңылардың касб-хунар колледжлари қошида, ай-никса, қишлоқ хұжалиги йұналишидеги таълим мұассасалари ҳуду-дида үрмөнчилікни йұлға қўйиш катта үрин тутади. Ҳозирги вақт-да республикамыздаги айрим касб-хунар колледжларида бундай иш-лар жуда намуналий йұлға қўйилган.

Таъкиқланған жойларда ов қилиш билан шугулланиш жамия-тимиз, айниқса, құриқданаёттан табиат учун бекітес зарар келтира-ди. Айрим шахслар бойлик орттириш мақсадыда күл ва дарёларда динамит портлатыб балиқларни үлдіради, құриқхоналардаги ҳай-вонларни аёвсиз ов қилишади ва ҳоказо. Шунингдек, сув иншоот-ларини лойиҳалашда унинг атроф-муҳиттеги қандай таъсир этишини үйламаслик, режани бажариш ва маҳсулот таннархини пасайти-риш ҳисобига табиат бойліктарини талон-тарож қылған ҳолда ва табиатни ифлослантириш ҳоллари учраб туради.

Ҳар бир хұжасизлик ортида масъул шахслар бўлиб, улар сув, ҳаво, тупроқ, үрмон, атроф-муҳиттинг ҳолати ҳақида эмас, кўпроқ ўз ҳузур-ҳаловатини, шахсий фойдасини кўпроқ үйлашади. Бун-дайларни келгуси авлодлар баҳт-саодати асло қизиқтирилмайди. Тўтгророги, уларда экологик маданият йўқ. Айнан шунинг учун ҳам, нафақат хұжалик юритиш ва табиатга гамхўрон муносабатда бўлиш қоидаларини бузган шахсларга нисбатан маъмурӣ ва ҳуқуқий таъ-сир ўтказиш, балки кенг аҳоли орасида, хусусан, касб-хунар кол-лелжлари ўқувчилари — бўлажак ишчилар, мутахассислар орасида ҳам экологик билимларни ташвиқот-тарғибот қилиш керак.

Ўқувчиларга фақат табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш асосларини ўргатиш билангина уларда экологик маданиятни тар-биялаб бўлмайди. Ёшлиарни табиатдан оқилона фойдаланишга, маъ-навий-маданий бойлик яратишга ўргатиш, шунингдек, уларга та-биат фақат фойда олиш учунгина эмас, балки гўзаллик қонунлари-га кўра ўзгартирилишини тушунтириш ахлоқий талабларга тўла мувофиқ келади. Касб-хунар колледжи ўқувчиларида экологик ма-даниятни шакллантириш жараённида қуйидаги тартибларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

**Биринчидан**, ўқувчиларнинг ҳиссиётига таъсир этиш, улар қал-бидан ёшлик чоғлариданоқ табиатга муҳаббат уйготиш лозим. Бу тарбия қанчалық эрта бошланиб, изчил ривожлантирилса, у шунча-лик ижобий самара беради.

**Иккинчидан**, ўқувчилар онггида табиатни муҳофаза этиш ва у билан оқилона ўзаро таъсир масалаларида фаол ҳаёттеги нүқтәні назарни шакллантириш. Уни инсоннинг ахлоқий этик савияси да-ражаси тарзида тавсифлаш мумкин. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси,

бизнинг ҳозирги кунларимизда ҳам, унинг табиий муҳит ҳолатига боғлиқлиги камайиш ўрнига тобора ортиб бораётганини англаши зарур. Демак, ҳар биримиз табиатни асраб-авайламогимиз даркор. Фан-техника тараққиёти учун, айниқса, унинг ютуқларидан амалий мақсадларда фойдаланиш учун масъул бўлган шахслар олдида объектив талаблар турибди. Улар табиатнинг нозик жиҳатларини ҳисобга олиши, унинг мустаҳкамлик "чегараси"дан ўтиб кетилишига йўл қўймаслиги, ўзига хос мураккаб ва ўзаро боғлиқ ҳодисалар моҳиятини теранроқ англаши, қайтмас жараёнларни келтириб чиқармаслик учун табиий қонунларга зид ишлар қилмаслиги керак.

**Учинчидан**, экологик маданиятни юксалтириш экологик таълим олишни узлуксиз давом эттиришни тақазо этади. Касб-ҳунар таълими муассасалари битириувчилари мустақил қасбий фаолияти жараённида ижтимоий, табиий ва техникавий фанларни ҳам ўрганиб боришлиари лозим бўлади. Олинган билимларни келгусида бойитиш ва ривожлантириш эса, мустақил ишлашни талаб этади. Шунингдек, бунда корхона ва ташкилотларда экологик йўналишда олиб бориладиган тарбиявий ишлар ҳам катта ёрдам беради.

Экологик маданиятни шакллантириш ҳозирги вақтда шаклла наётган янги фан — ижтимоий экология қонунларини қамраб олган илмий ижтимоий тараққиёт назариясига таянади. Агар табиий жараёнларни ўрганишга йўналган анъянавий фанлар табиатни "бўйсундириш" мақсадида жамиятнинг табиатга таъсирини кенгайтириш эҳтиёжлари асосида пайдо бўлган бўлса, ижтимоий экология эса, одамлар ҳаётининг табиий шароитларини муҳофаза этиш ва яхшилаш учун жамиятнинг табиат билан ўзаро таъсирини уйғунластириш зарурати туфайли юзага келди.

Илгари жамиятнинг ёрдами туфайли табиий муҳит ўзини тиклай оларди. Энди унчалик даражада эмас. Табиатдаги ўзгаришларнинг бугунги катта миқёсларида табиатнинг ўз-ӯзини қайта тиклаш қобилиятини таъминлашга қаратилган назарий ва амалий ишларни жамият ўз зиммасига олиши зарур. Инсоният эндилиқда табиатдан фақат олавермайди. Зоро, табиатнинг бойлик яратиш имконияти чегараланган. Шу сабабли инсон эндилиқда табиатнинг ўз-ӯзини тиклашига, табиий кўпайиш жараёнларига, модда алмашинувига ўзининг оқилона ташкил этилган меҳнатлари билан жиддий ёрдам бериши керак. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳаётга мустақил қадам қўйгандарига табиатнинг "бўйсундирувчи"сига эмас, балки унинг ҳимоячисига айланиши керак. Бу ишда, шубҳасиз, уларга устозлари, мураббийлари ва тарбиячилар ёрдам беришади.

# **ЎРГАНИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН СУҲБАТ МАВЗУЛАРИ ВА САВОЛЛАР**

*Суҳбат мавзуси: «Ижтимоий экологиянинг предмети ва вазифалари».*

## **Суҳбат режаси**

1. Инсон, жамият ва табиат бирлиги ва уларнинг ўзаро муносабатлари.
2. Ижтимоий экологиянинг асосий йўналишлари.
3. Экологик мафкура ва маданият.

## **С А В О Л Л А Р**

1. Экологик муаммонинг ижтимоий йўналишлари нималардан иборат?
2. Экологик назорат (мониторнинг) нима?
3. Ижтимоий тараққиёт истиқболлари ва экологик инқилоб деганда нимани тушунасиз.
4. Экологик жамиятнинг асосий хусусиятларини изоҳлаб беринг.
5. Ижтимоий-табиий тараққиёт тамойили ва интегратив хилма-хиллик.
6. Экологик сиёsat ва экологик мафкура.
7. Экологик ахлоқ ва инсонпарварлик.
8. Маънавият ва экология масалалари.
9. Табиий мувозанат ва барқарор тараққиёт тушунчаси.
10. Экологик муаммоларни ҳал этиши борасида қандай ҳалқаро ҳамкорликлар йўлга қўйилган.
11. Экология ва маданият.
12. Экологик онгни шакллантириш ва экологик таълим-тарбиянинг дол зарб масаллари.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. И. А. Каримов Асарлар тўплами (1-8 жилдар). Т., "Ўзбекистон" 1996-2000.
2. А. А. Горелов Экология. М., "Центр" 2000.
3. Ю. Шодимстов Ижтимоий экологияга кириш. Т. «Ўқитувчи», 1994.
4. Ю. Маҳмудов Экологиядан қўлланма. Т. "Фан" 1997.
5. Ш. Отабоев "Иисон ва биосфера" Т., «Ўқитувчи», 1995.
6. А. Тұхтаев. Экология. Т., «Ўқитувчи», 1998.

## ECOSAN

"ЭКОСАН" экология ва саломатлик Халқаро жамгармаси 1992 иили Таъсисчилар конференциясида ташкил қилинган бўлиб, у нотижорат, нодавлат (ноҳукумат) ташкилот ҳисобланади.

Жамгарма фаолиятидаги концепцуал асослар:

Экология ва саломатлик, фан, маданият, тиббиёт ва ишлаб чиқаришни фаолиятининг асосий мезон сифатида қараш.

Ўрта Осиёда минтақавий биосферанинг бўлинмаслиги, яхлитлиги тамойили асосида иқтисодий-экологик тизимни шакллантириш.

Экология ва саломатлик муаммолари — Халқаро ҳамкорлик-нинг бош устивор йўналишидир.

### **Асосий мақсадлари**

Муҳим экологик муаммоларни ҳар тарафлама ўрганиш, илмий концепция ишлаб чиқиш ва уларни ўрганишнинг устивор йўналишларини аниқлаш мақсадида давлат ва нодавлат идоралари, халқаро ташкилотлар, олимлар ҳамда мутахассисларнинг кучларини бирлаштиришга кўмаклашиш.

Ўрта Осиёда илмий асосланган экологик сиёsatнинг шакллашида иштирок этиш.

Экологик йўналишдаги жамоатчилик фикрларини ташкил қилишда фаол иштирок этиш.

Экологик тафаккур ва маданиятни тарбиялаш.

### **Фаолият йўналишлари**

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари.

Соглом турмуш тарзи, экология, санитария-гигиена билимлари ва қасалликнинг олдини олишни тарғиб қилиш.

Экологик таълим-тарбия ва аҳолини атроф-муҳит ҳолати ҳақида хабардор қилиш.

Экологик ҳалокат минтақасида яшовчи аҳолига тиббий маслажатлар бериш, даволаш, қасалликнинг олдини олиш борасида ва инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатиш.

Экология ва аҳоли саломатлигини сақлашнинг долзарб муаммолари бўйича халқаро анжуманлар, учрашувлар, семинарлар, симпозиумлар ўтказиш.

Экологик инқирозга учраган минтақалардаги ижтимоий-экологик ҳолатни ўрганиш ва уни яхшилаш ҳамда уни яхшилаш бўйича ҳамкорлик чораларни кўриш мақсадида халқаро миссия ташкил қилиш.

Гуманитар ҳамкорлик масалалари бўйича ҳалқаро ташкилотлар, молия институтлари, хорижий компаниилар билан алоқа ўрнатиш.

Табиатни муҳофаза қилиш фаолияти ва бизнесни экологиялаштиришда бошқарувнинг иқтисодий услубини жорий этиш.

Экотуризмни ривожлантириш.

## **Амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурлар**

«Экология ва саломатлик кунлари» (аҳолининг кенг қатлами иштирокида кўкаlamзорлаштириш, ободонлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, санитария-гиgiene ва таргигот-ташвиқотга оид тадбирларни босқичма босқич амалга ошириш борасидаги тадбирлар мажмую).

«Экосан» саломатлик поезди» (экологик носоз миңтақада яшовчи аҳолига тиббий даволаш-маслаҳат ва инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатиш).

«Экологот» (ижтимоий-экологик лойиҳаларни амалга ошириш ва инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатиши ишларига қўшимча молиявий маблағлар жалб қилиш мақсадида экологик лотореялар чиқариш).

«Касалликнинг одини олиш ва саломатлик» (касаллик ҳақида огоҳлантириш, идораларро ва тармоқларга тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқиши ва амалиётга тадбиқ этиш орқали соглом турмуш тарзини ўргатиш ва таргигот қилиш).

«Полисент», «Гематоген», «Фильтрлар», «Микрэл» (инсонпарварлик ёрдами доирасида аҳолини ва ижтимоий объектларни дизенфекциялаш воситаси, ичимлик сувини тозаловчи ва унинг сифатини яхшиловчи мосламалар, даволаш-озиқлантирувчи препараллар) билан таъминлаш;

ТЭО «ЭКОСАН» (Талабалар Экология Отрядлари — талаба ёшларни аҳоли яшаш жойларида, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотлар ҳудудларида санитария-гиgiene ва коммунал фойдаланиш борасидаги тартиббузарликларни аниқлаш ва у ерда тартиб ўрнатиш ишларига оммавий ҳолда жалб этиш).

«Машъял-ЭКОСАН» (экология муаммолари бўйича илмий-назарий радиодастурлар цикли).

«Интермед», Ҳалқ табобати маркази» (аҳоли орасида ҳалқ табобати асосларини тушунтириш ва амалга ошириш).

«ЭКОСАН» дорихоналари ва дорихона дўконлари (дори-дармон препаратлари ва экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдосини амалга ошириш).

«СЭС—ЭКОСАН» (корхоналар, идоралар ҳамда савдо объектларининг санитар ҳолати ва табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан Ҳукумат санитария эпидемиология хизматининг жамоатчилик билан ҳамкорлиқдаги назоратини ўтказиш).

«Аёл ва экология» (аёлларнинг оиласидаги ўрнини, жамоатчилик фаолиятида ҳамда турар жойларда, шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлоднинг санитар-гигиеник ва экологик маданиятини юксалтириш ва тарбиялашда уларнинг фаоллигини оширишга йўналтирилган тадбирлар мажмуаси).

«Тоза сув» (лойиҳалаштириш, қурилиш ва сув тозалаш иншоотларини сармоялашда кўмаклашиш).

«Тоза ҳаво» («ДАН—ЭКОСАН» — автомобилдан чиқаётган заҳарли газларни текшириш бўйича Давлат автомобиль назорати билан ҳамкорликда амалга ошириладиган тадбирлар).

«Экотуризм» (Буюк ипак йўли бўйлаб экологик туризмни ривожлантириш).

## «ЭКОСАН» таркиби

Жамгарма 14 минтақавий ва 200 нафар туман (шаҳар) бўлимларига эга. Корхоналар, ташкилотлар ва ўқув муассасаларида қарийиб 2,5 миллион жамгарма фаолларини бирлаштирган 15 мингдан ортиқ «ЭКОСАН» бошлангич ташкилотлари мавжуд.

Бир қатор хорижий мамлакатларда (АҚШ, Германия, Япония, Швейцария, Покистон, МДҲ мамлакатлари) Жамгарма бўлимлари тузилган. Жамгарма ҳузурида «ЭКОСАН» Тошкент клуби (машҳур Рим клубининг ўзига хос филиали), журналистлар, аёллар, фахрийлар, ёшлар уюшмалари, «Экосан — информ» матбуот маркази фаолият юритмоқда.

## Экология ва саломатлик кунларини ўтказиш

1. Экология ва саломатлик кунлари Халқаро "ЭКОСАН" жамгармаси томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

2. Экология ва саломатлик кунларининг мақсади қулай барқарор экологик вазиятни таъминлаш, турли касалликлар тарқалишининг олдини олишни, фуқароларнинг яшаш ва иш жойларида санитария-гиgiene нормаларига риоя қилинишини таъминлаш, ҳудудларни ободоналаштириш ва кўкарамизорлаштириш, табиятга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш каби халқ анъаналарини тиклашдан иборатdir.

3. Экология ва саломатлик кунларини ташкил этиш ва ўтказишда Халқаро "ЭКОСАН" жамгармасининг Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ўқув юртлари, жамоат бирлашмалари, хусусий компаниялар, қўшма корхоналар ва фирмалар, шунингдек, турар жойлардаги аҳоли ҳам иштирок этади.

4. Экология ва саломатлик кунлари ҳар йили уч босқичда ўтказилади, унда турли тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади.

## БИРИНЧИ БОСҚИЧ

(март-май, "Наврӯз" байрами кунларига бағишилданади)

Бу босқич доирасида қуидаги тадбирлар ташкил этилади:

- ҳудудларни қўкаламзорлаштириш, янги боғлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар барпо этиш, кўчалар, сугориш тармоқлари ва темир йўл трассалари бўйлаб тераклар ва бошқа дараҳтларнинг тез ўсадиган хилларини экиш мақсадида Республика, вилоят, шаҳар ва туманлар шанбаликлари (ҳашарлар);
- саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналари, соглиқни сақлаш, умумий овқатланиш, ҳалқ таълимни объектлари ва бошқа объектлардаги иш жойларида санитария ва гигиена нормаларига риоя қилинишини текшириш;
- дараҳтзорларнинг нормал ҳолатини таъминлашга оид комплекс агротехник тадбирларни ўтказиш;
- сугориш тармоқларини, каналлар, ариқлар, сув ҳавзалари, зовурлар, қудуқлар ва ҳовузларни тозалаш ва ободонлаштириш, уларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ва қўкаламзорлаштириш;
- йўқолиб бораётган ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот оламини асраб-авайлашга қаратилган тадбирлар, қуш уялари ўрнатиш, ёввойи ҳайвонлар ва қушларни озиқлантириш, ўқувчи ёшлар ўртасида "Яшил назоратчи", «Ёш натуралистлар», «Табиатни севувчилар» ҳаракатларини, "ЭКОСАН" клубларини ташкил этиш ва бошқалар;
- тозалаш қурилмалари, чанг-газ тутқичлар ва фильтрлар, заҳарли дорилар, минерал ўғитлар, пестецидлар, биопрепарартлар ва бошқа заҳарли моддалар сақланаётган омборларни тузатиш ва уларни табиат муҳофазаси нормаларига мувофиқ ҳолга келтириш, ишловчиларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, техника хавфсизлиги талабларини бажариш;
- "Наврӯз" байрами, миллий, маданий дам олиш, спорт анъаналарини ва удумларни тиклаш тадбирларида қатнашиш;
- "Бизнинг келажагимиз ва экология", "Спорт, экология ва саломатлик" "Болалар ва табиат" "Санъат ва экология" ва бошқа мавзуларда концертлар, кўрик-танловлар, спорт турнирлари, кўргазмалар, фестиваллар ва бошқа оммавий-маданий тадбирлар ўтказиш;
- аҳоли саломатлигини сақлашнинг экология санитария-тигигена нормаларини тарғиб қилиш мақсадида телерадио эшиттиришлар тайёрлаш, газета ва журналларда, ахборот маълумотларида мақолалар эълон қилиш, лекторийлар, сұхбатлар ва учрашувлар ўтказиш.

## ИККИНЧИ БОСҚИЧ

(июн-август, Бутунжаңын атроф-мухитни ҳимоя қилиш күнига багишиланады)

Бу давр мобайнида қуйидагилар ташкил этилади:

— худудларни ободонлаштириш ва санитария жиҳатидан тозалаш юзасидан шанбаликлар (ҳашарлар) үтказиш, шунингдек, ишлаб чиқарылган маҳсулотларни сотишидан тушган маблагларни Халқаро "ЭКОСАН" жамғармасининг вилоят бўлимлари ҳисоб ракамига үтказиш;

— майший чиқинди жойлари ва ахлатхоналарни, водопровод ва канализация иншоотларини, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари, касалхоналар, болалар муассасалари, мактаблар, авто ва темир йўл вокзаллари, аэропортлар, дэҳқон бозорлари ва озиқ-овқат товарлари оммавий савдо қилинадиган бошқа жойлар ҳудудларини санитария ва экология нормаларига мувофиқ келтиришда қатнашиш;

— саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши корхоналарида, қурилиш объектларида, транспорт, алоқа ва савдо тармоқларида санитария ҳолатини яхшилаш каби профилактик тадбирлар үтказиш;

— сув олинидиган иншоотлар ишини, қудуқлар, очиқ сув ҳавзаларининг санитария-ҳимоя зоналари ҳолатини, заарарсизлантирадиган ва дезинфекция қилинадиган моддалар мавжудлиги ва улардан фойдаланишни алоҳида назорат қилиш;

— турили юқумли, аллергия касалликлари ва ревматизмнинг тарқалишига сабабчи бўладиган ўчоқлар — зах ертўлалар, ботқоққа айланган сув ҳавзаларини қуритишига оид комплекс ишларни амалга ошириш;

— майший ва саноат чиқиндиларини йигиш ва эҳтиёткорлик билан чиқариб ташлаш, оқова сувларнинг табиий сув ҳавзалари ва дарёларга ташланишига йўл қўймаслик, аҳоли истиқомат қиласидиган маҳаллалар ва даҳаларда ўз ўзидан пайдо бўлган ахлатхоналарни бартараф этиш;

— "СЭС-ЭКОСАН" дастурини амалга ошириш доирасида шаҳарлар ва аҳоли истиқомат қиласидиган жойларнинг санитария ҳолатини текшириш, чет эддан келтирилаётган кундаклик озиқ-овқат ва саноат товарларининг сифатини, миллий таомлар, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар тайёрлаш ҳамда сотиш билан шугулланаётган хусусий ошхоналар фаолиятининг санитария ва бошқа шароитларини, шунингдек, автоёнилиги кўйиш станциялари, маориф, маданият ва спорт масканларининг ҳолатини қаттиқ назорат қилиш;

— экология жиҳатидан нокулай минтақаларда истиқомат қиласидиган аҳолига юқори малакали тибий ёрдам кўрсатиш ва масла-

ҳат бериш, муруват ёрдами күрсатиш учун "Саломатлик поездлари" ва "ЭКОСАН" автопоездларини ташкил этиши;

— санитария-экологик вазиятни яхшилаш учун құшымча маблагларни жаңы қылыш мақсадида хайрия концертлари, театр томошлары, спорт ва дам олиш тадбирларини амалга ошириш;

— табиатни асраш мавзусига багишланган күргазмалар, құшлар ва гуллар байрамлари, болалар қызын расмлар күрек тәнловлари, экология ва саломатлик әрталықларини үтказиш, кино ва телефильмлар намойиш қылиш;

— атроф-мухитни ва инсон саломатлигини асрашнинг долзарб муаммолари юзасидан конференциялар, учрашувлар ва семинарлар, маҳсус телекүріклар, узлуксиз телекүрсатувлар ва радиомулоқотлар үтказиш, телевидение ва радиода, республика ва маҳаллий газеталар саҳифаларида таниқлар эколог олимлар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг чиқишиларини таъминлаш.

## УЧИНЧИ БОСҚИЧ

(сентябр-декабр, Ўзбекистон Республикасининг  
Мустақиллигига багишланади)

Бу босқичда қуйидаги тадбирлар үтказилади:

— қишига тайёргарлик күриш доирасида ободонлаштириш, тузишиш-тиклаш, дараҳтзорлар барпо этиш ва бошқа ишларни ташкил этиш;

— шаҳар ва қишлоқларда санитар тозалаш, ободонлаштириш, дараҳтлар үтказиш юзасидан шанбаликлар (ҳашарлар) үтказиш, иш жойларида ишлаб чиқарылған маҳсулотларни сотищдан тушган түшумларни Халқаро "ЭКОСАН" жамғармаси бўлимларининг ҳисобкитоб рақамларига үтказиш;

— ҳазонларни тўплаш, сақлаш ва компостлаш учун маҳсус майдонлар ажратиш, уларни ўз вақтида олиб кетиш учун юқ ташиш, тушириш транспортларини етарли миқдорда ажратилишини таъминлаш;

— заҳарли дорилар, минерал үтгилар ва бошқа зарарли моддаларни ҳисобга олиш ва уларни қиши даврида ҳавфсиз сақлаш;

— қўриқхоналар, табиат ёдгорликлари муҳофазаси устидан назоратни кучайтириш, дараҳтзорлар кесилишининг одини олиш;

— атроф-мухитни ва инсон саломатлигини муҳофаза қылишнинг долзарб муаммоларига багишлаб таниқлар эколог олимлар, тиббиёт ходимлари билан телекүрсатувлар ва радиоэшиттиришларидан учрашувлар, сұхбатлар үтказиш, газета ва журналлар саҳифаларида уларнинг мақолаларини чоп этиш;

— Орол денгизининг қуриган ҳавзасидан кўтарилаётган тузчанг бўронларини бартараф этиш мақсадида қумликларни дараҳтзорлар барпо қылиш билан мустаҳкамлаш;

— "СЭС-ЭКОСАН" дастурини амалга ошириш доирасида пахта майдонларида дефолиантларнинг тұтры құлланилиши, шаҳар ва қишлоқ бозорларида сотилаётган полиз маҳсулотлари таркибидағи нитратларни текшириш, мева ва сабзавотларни омборларда сақлаш ва консерва қилиш, ёқилги ва энергиядан тежаб-тергаб фойдаланилиш устидан назорат үрнатиши.

## **Экология ва саломатлик кунларини якунлаш ШАРТЛАРИ**

Экология ва саломатлик кунлари якунлари 15 май, 15 август, 15 науябрда туман, шаҳар, вилоятлар ишчи гурухлари томонидан якунланади. Ишчи гурухлари таркибига қуйидагилар киради:

- ҳоқимнинг бириңчи үринбосари, Халқаро "ЭКОСАН" жамгармаси бўлими бошқаруви раиси — ишчи гуруҳи раиси;
- халқаро "ЭКОСАН" жамгармаси бўлими директори;
- табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси (ўринбосари);
- санэпидстанция бош шифокори;
- ободонлаштириш хизматининг раҳбари;
- коммунал хизмат раҳбари;
- ҳалқ таълими бўлими мудири;
- санитария милицияси вакили;
- жамаот ташкилотларининг вакиллари;
- оммавий ахборот воситалари вакиллари.

Голиб деб топилган саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалар, маҳалла жамоалари шаҳар, туман ва вилоятлар ҳоқимликларининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан мукофотланадилар. Уларнинг тажрибаси оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади.

Экология ва саломатлик кунларининг барча босқичлари якунлари бўйича голиб деб топилган энг яхши корхона, хўжалик, муассаса, маҳалла, шаҳар ва туманлар ҳақидағи маълумотлар кўриб чиқилиши учун Республика ишчи гуруҳига 10 декабрга қадар топширилади.

Голиб Халқаро "ЭКОСАН" жамгармасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда корхона учун — 50 минг сўм, хўжалик учун — 50 минг сўм, муассаса учун — 40 минг сўм, маҳалла учун — 50 минг сўм, туман ва шаҳар учун — 100 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Эслатма:** Экология ва саломатлик кунларининг якунлари бўйича голиб деб топилган шаҳар ва туманларга пул мукофоти үрнига соглиқни сақлаш муассасаларига унинг чиқдорида төнг қийматда дори-дармонлар, тиббий асбоб-анжомлар ҳам берилиши мумкин.

**Биринчи қисм. ЭКОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧА  
ВА ТАМОЙИЛЛАРИ**

|  |           |
|--|-----------|
| <b>1-боб. Тараққиёт ва экологик мұаммолар .....</b>            | <b>7</b>  |
| 1.1. Экологик мұаммолар келиб чиқишининг асосий сабаблари      | 7         |
| 1.2. Экспоненциал үсімін ёхуд глобал мұаммо .....              | 11        |
| 1.3. Глобал моделлаш   | 14        |
| 1.4. Барқарор тараққиёт гояси                                  | 17        |
| <b>2-боб. Экология фанниң үрганади?</b>                        | <b>20</b> |
| 2.1. Экология нимани үрганади?                                 | 20        |
| 2.2. Экология фанниң бўлим ва соҳалари                         | 23        |
| 2.3. Қадимда Ўрта Осиё ҳалқларининг табиятга бўлган муносабати | 25        |
| 2.4. Ўзбекистонда экология тарихи                              | 27        |
| <b>3-боб. Организмлар ва уларнинг яшаш мұхитлари .....</b>     | <b>30</b> |
| 3.1. Яшаш мұхитлари  | 30        |
| 3.2. Организмларнинг мұхит ҳосил қылувчи фаолияти .....        | 32        |
| 3.3. Экологик ресурслар  | 33        |
| 3.4. Организмларнинг иссиқлик баланси                          | 34        |
| 3.5. Экологик ииша .....                                       | 35        |
| 3.6. Биосфера тушунчаси  | 35        |
| 3.7. Ноосфера гояси  | 37        |
| <b>4-боб. Экологик омиллар .....</b>                           | <b>40</b> |
| 4.1. Экологик омилларнинг организмларга таъсири                | 40        |
| 4.2. Абиотик омиллар   | 41        |
| 4.3. Биотик омиллар .....                                      | 45        |
| 4.4. Антропоген омиллар  | 47        |
| <b>5-боб. Популяциялар экологияси .....</b>                    | <b>48</b> |
| 5.1. Популяциялар  | 48        |
| 5.2. Популяциянинг асосий хусусиятлари                         | 49        |
| 5.3. Популяция динамикаси                                      | 51        |
| <b>6-боб. Биоценозлар, биогеоценозлар ва экотизимлар .....</b> | <b>52</b> |
| 6.1. Биоценозлар ва уларпинг тузилмалари                       | 52        |

|  |           |
|--|-----------|
| 6.2. Экотизимлар   | 54        |
| 6.3. Экотизим эволюцияси. Сукцессия                        | 57        |
| 6.4. Сукцессиянинг аҳамияти                                | 58        |
| 6.5. Сунъий экотизимлар .....                              | 59        |
| 6.6. Экотизимда энергия оқими .....                        | 59        |
| 6.7. Экотизимда моддалар айлапиши                          | 61        |
| <b>7-боб. Биосфера ва унга антропоген таъсирилар .....</b> | <b>61</b> |
| 7.1. Биосферада тирик модда ҳаракати .....                 | 61        |
| 7.2. Атмосфера ва унинг аҳамияти                           | 64        |
| 7.3. Тупроқ — биосферанинг таркибий қисми                  | 69        |
| 7.4. Сув — ҳаёт манбай                                     | 70        |
| 7.5. Денгиз ва океанлар экологик муаммоси                  | 72        |
| 7.6. Орол денгизи муаммоси                                 | 74        |
| 7.7. Биосферадаги радиоактивлик                            | 76        |
| 7.8. Биосферанинг экологик муаммолари                      | 77        |

## **Иккинчи қисм. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИЖТИМОИЙ ТАРАҚКИЁТ ВА ФАН-ТЕХНИКА ИНҚИЛОБИ ШАРОИТИДА ЭКОЛОГИЯ**

|  |            |
|--|------------|
| <b>1-боб. Табиий мухитнинг ҳозирги ҳолати .....</b>  | <b>82</b>  |
| 1.1. Табиий мұхит ва инсон .....   | 82         |
| 1.2. Ҳозирги замон экологик вазияти  | 84         |
| 1.3. Ҳозирги замон экологик ҳалокати   | 86         |
| 1.4. Реал экологик салбий оқибатлар .....  | 88         |
| 1.5. Потенциал экологик хавф-хатарлар  | 90         |
| 1.6. Экологик муаммонинг комплекс характеристика   | 94         |
| <b>2-боб. Экологик муаммолар ва уларни ҳал этишда фаннинг аҳамияти .....</b>               | <b>96</b>  |
| 2.1. Фан ва техниканинг экологик аҳамияти  | 96         |
| 2.2. Фанни экологиялаштириши   | 99         |
| 2.3. Ишлаб чиқарышни экологиялаштириши   | 100        |
| 2.4. Микробиология ва экология   | 104        |
| 2.5. Кимё фанни ва ижтимоий тараққиёт.   | 109        |
| 2.6. Атроф-мұхит мұхофазаси бүйіча олиб борилаётган<br>ілмий-тәдқиқот ишлар йұналиши       | 110        |
| <b>3-боб. Фан-техника тараққиёти, атроф-мұхит ва саломатлық .....</b>                      | <b>112</b> |
| 3.1. Агроф-мұхит ҳолати ва инсон саломатлиғи   | 112        |
| 3.2. Мұхитнинг кимёвий заһарлапашы   | 113        |
| 3.3. Биологик заһарланиш   | 116        |
| 3.4. Шовқин-суроннинг инсон саломатлигига таъсири  | 116        |
| 3.5. Мұхитнинг табиий омыллари ва инсон кайфияти   | 117        |
| 3.6. Озиқ-өвқат мағұсулолары ва инсон саломатлиғи .....                                    | 118        |
| 3.7. Гүзір манзара — саломатлық омыллар  | 119        |
| <b>4-боб. Табиий ресурсларни оқилюна бошқариш асослари ва улардан<br/>фойдаланыш .....</b> | <b>121</b> |
| 4.1. Табиий ресурслар ва уларининг турлары .....   | 121        |

|   |     |
|---|-----|
| 4.2. Табиий ресурсларни оқилона бошқариш                      | 123 |
| 4.3. Табиий ресурслар ва улардан фойдаланиш муаммоси          | 124 |
| 4.4. Атроф-муҳитга зарар тушунчаси                            | 126 |
| 4.5. Табиатни муҳофаза этиши масалалари                       | 128 |
| 4.6. Экологик назорат тушунчаси, обьектлари, шакл ва усуллари | 130 |

## **Учимчи қисм. ЭКОЛОГИК МУАММОНИНГ ИЖТИМОЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

|   |            |
|---|------------|
| <b>1-боб. Инсон, жамият ва табиат бирлиги ҳақида фалсафий қарашлар .....</b>  | <b>137</b> |
| 1.1. Экологик муаммонинг фалсафий талқинлари  | 137        |
| 1.2. Экологик муаммоларнинг асосий йўналишлари ва уларни ҳал этиши борасидаги вазифалар   | 142        |
| <b>2-боб. Ижтимоий экология .....</b>   | <b>145</b> |
| 2.1. Ижтимоий экологиянинг фан сифатида шаклланиши  | 145        |
| 2.2. Маънавий маданият тизимида ижтимоий экологиянинг ўрни  | 149        |
| 2.3. Ижтимоий экология масалалари   | 154        |
| 2.4. Ижтимоий экологиянинг тадқиқот доираси   | 155        |
| 2.5. Ижтимоий табиий тараққиёт .....  | 157        |
| 2.6. Экологик жамият  | 160        |
| <b>3-боб. Экологик мағкура ва маданият .....</b>  | <b>163</b> |
| 3.1. Сиёсат ва экологик мағкура .....   | 163        |
| 3.2. Экологик ахлоқ ва инсонпарварлик .....   | 168        |
| 3.3. Маънавият ва экология .....  | 176        |
| 3.4. Адабиёт ва маънавият экологияси .....  | 181        |
| 3.5. Санъат экологияси .....  | 183        |
| 3.6. Янгича экологик фикрлаш тарзи ёхуд "теран" экология .....  | 184        |
| <b>4-боб. Экологик тарбия — ўрга маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини комплекс тарбиялашнинг таркибий қисми</b> | <b>187</b> |
| 4.1. Экологик онгни шакллантиришнинг асосий босқичлари ва моҳияти   | 187        |
| 4.2. Экологик маданият  | 192        |
| <b>ИЛОВА .....</b>  | <b>198</b> |

**Холлиев Ибодулла, Икромов Абдуваҳоб.**  
**ЭКОЛОГИЯ:** Касб-хунар колледжлари учун ўқув  
 қўлланмана. — Т.: «Меҳнат», 2001.—208 б.  
 1. Муаллифдош.

ББК 20. 1я 75

ИБОДУЛЛА ХОЛЛИЕВ, АБДУВАҲОБ ИКРОМОВ

**ЭКОЛОГИЯ**

(Касб-хунар колледжлари учун ўқув қўлланмана)

«Меҳнат» нашриёти — Тошкент — 2001

Таҳририят мудири *A. Бобониезов*  
 Муҳаррир *H. Магъқубов*  
 Рассом *Ш. Хўжаев*  
 Бадиий муҳаррир *X. Қутлуқов*  
 Техник муҳаррир *H. Сорокина*

2001 йил 18 октябрда босишга руҳсат этилди. Бичими  $60 \times 84 \text{ } 1/\text{п.}$  «Балтика»  
 ҳарфида терилди. Офсет босма усулида чоп этилди. Шартлаи босма  
 табоги 12,09. Нашр табоги 15,0. 15000 нусха. Буюртма № 3002  
 Баҳоси шартнома асосида.

«Меҳнат» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй,  
 Шартнома № 58—2001.

Андаза нусхаси «Меҳнат» нашриётининг компютер бўлимида тайёрланди.  
 Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитасининг  
 Биринчи Тошкент босмахонасида чоп этилди.  
 700002, Тошкент шаҳри, Сағрон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.